

“Ўзбектелеком” очиқ акциядорлик компанияси

“Муҳандислик-техника маркази” филиали

С. Ходжаев

## Ахборотлаштириш Замонавий қарааш

Тошкент - 2014 йил

**Ходжаев Сайдакмал Махамадович**

Ахборотлаштириш. Замонавий қараш - Тошкент, 2014 йил - 240бет.

Рисола бугунги кунга келиб катта суръатларда ривожланиб келәйтган ахборотлаштириш соҳасининг замонавий ҳолатини яхлит, бир бутун холда тасвирлашга бўлган уриниш натижасидир. Ахборотлаштириш соҳаси доирасида меҳнат қилувчилар, фан билан шуғулланувчи мутахассислар, олий ўкув юртлари талабалари ҳамда замонавий фан ютуқлари ва уларнинг амалда тадбиқ этилишига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© Ходжаев Сайдакмал Махамадович, 2014

## Хурматли китобхон!

Биз XXI аср иккинчи ўн йилларининг ярмидан ўтиш арафасида турибмиз. Бугунги кунда жамиятимиз ҳётининг турли-туман ва ранг-баранг соҳаларини бирлаштириб турган жиҳат шундан иборатки, улардаги барча жараёнларниң шиддати ва тезлиги тўхтовсиз ортиб бормоқда.

XX аср 90-ийлларининг бошида камида бир-икки ой муддат талаб қилган банклараро пул ўтказмаси бугунги кунга келиб "он-лайн" пластик карточкалари ёрдамида бир неча сонияларда амалга оширилиши одатий холга айланди. 20-25 йил илгари бошқа шаҳар ёки мамлакатларда бўлган яқинларимизга ёзган хатларимиз бир неча хафта давомида етиб борган бўлса, бугунги кунга келиб электрон почта ёрдамида ўзорилаётган хабарларимиз сониялар ичida Интернет тармоғи бўлган дунёning энг узоқ манзилларида ҳам маълум бўлмоқда.

Юқоридаги каби мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Бундай мисоллар ҳаётимизнинг қандай соҳасига боғлиқ бўлмасин, уларни ҳам битта нарса бирлаштириб туради - "ахборот узатишнинг энг янги замонавий ва илғор технологияларининг кўлланилиши". Ҳаётимизнинг турли жабҳаларида бундай технологияларнинг кўлланилишини билан эса "ахборотлаштириш" деб ном олган ҳамда бугунги кунга келиб ўзиning илмий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш асосларига эга бўлган мустақил соҳа сифатида шаклланған ийсон фаолиятининг маҳсус йўналиши шуғулланади.

Қўлингиздаги мазкур рисола бугунги кунга келиб катта суръатларда ривожланиб келаётган айнан шу соҳа - **ахборотлаштириш соҳасининг замонавий ҳолатини яхлит**, бир бутун холда **тасвирлашга бўлган уринишдир**.

Рисола уч қисм доирасида олти бобга бирлашган йигирмата мавзу, бешта илова ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган.

"**Назарий ва амалий ахборотлаштириш**" деб номланган **бириичи қисм** икки бобга бирлаштирилган тўқиз мавзудан иборат. "Ахборотлаштиришнинг назарий асослари" бобига тўртта мавзу киритилган бўлиб, энг аввало "ахборотлаштириш" тушунчаси ҳар томонлама батафсил таҳлил қилинган, унинг асосида эса ахборот технологиялари ҳамда жамиятнинг ўзаро узвий боғлиқликда ривожланиши жараёнларининг мазмун-моҳияти ёритилган. Сўнгра ахборотларнинг ўзини ўлчашнинг мавжуд услублари тўғрисида тушунча берилган бўлиб, бобни якунловчи мавзу ахборотлаштириш жараёнларига баҳо бериш имкониятларини ёритишга багишлиланган. Алоҳида ташкилотлардан бошлаб, бутун мамлакат миқиёсида олиб борилаётган ахборотлаштириш жараёнларини баҳолашнинг бугунги кунда кенг кўлланилаётган замонавий илғор усуслари кўрсатиб берилган.

Рисола доирасида энг кўп - бешта мавзуни ўз ичига олган иккинчи боб амалий ахборотлаштириш масалаларини ёритишга қаратилган. У ахборот тизимларининг турларини таърифлаш ҳамда “электрон ҳукумат тизими” деб номланётган давлат даражасидаги ахборот тизими тўғрисида бошланғич тушунча беришга мўлжалланган мавзу билан бошланган. Кейнги мавзу доирасида эса барча ахборот тизимлари учун умумий бўлган тамойиллар ёритилган ҳамда ҳар қандай ахборот тизимини яратиш давомида амалга оширилиши лозим бўлган жараёнлар кўрсатиб берилган. Иккинчи бобнинг навбатдаги учта мавзуси ҳар қандай ахборот тизимининг учта асосий таркибий қисмларни батафсил кўриб чиқишига аталган. Яъни техник, дастурий ҳамда алгоритмик таъминот таркиби батафсил тавсифланган.

Икки бобга бирлашган тўртта мавзуни ўз ичига олган рисоланинг иккинчи қисми ахборотлаштириш жараёнларининг ажралмас бўлаги бўлган ахборот хавфсизлиги масалаларига бағишлиланган.

Бу йўналиши ёритиш ҳам назарий асослардан бошланган бўлиб аввал ахборот хавфсизлиги тушунчаси ҳар томонлама батафсил тахлил қилинган, сўнгра ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг асосий хусусиятлари ҳамда тавсифланиши кўрсатиб ўтилган. Жумладан, шаклланиб келаётган ахборот жамияти доирасида нафақат техник, балки ахлоқий-одобрий ҳамда гоявий-мафкуравий жиҳатларга ҳам эътибор берии, кераклиги алоҳида асосланган.

**Ахборотларни ҳимоя қилишнинг амалий жиҳатларига бағишлиланган** навбатдаги бобда биринчи навбатда уларни техник ҳимоя қилишнинг шу жумладан, ташкилий, меъёрий, техник ва технологик усул ва услублари тахлили амалга оширилган. Криптографик усулларга алоҳида мавзу бағишлиланган бўлиб, унда криптография - фойдаланилиши чекланган ахборотларнинг конфиденциаллигини ҳимоя қилишнинг энг мақбул усули эканлиги, кўрсатиб берилган. Шунингдек, криптография тарихи, миллий криптография мактабининг шаклланиши ҳам эътиборга олинган.

Икки бобга бирлашган етти мавзуни ўз ичига олган рисоланинг учинчи қисми XXI аср бошларига келиб ахборот жамияти шаклланишида айниқса муҳим аҳамият касб этаёттан давлат ташкилот ва муассасалари фаолиятини ахборотлаштириш масалаларига бағишлиланган.

Ахборотлаштиришнинг ҳукукий асосларига аталган боб доирасида энг аввал бугунги кунга келиб мамлакатимизда ахборот технологияларининг ҳамда ахборотлаштириш соҳасидаги таҳдидларнинг замонавий даражасига жавоб берга оладиган ҳаётимизнинг барча жабҳаларини ахборотлаштиришнинг мустаҳкам давлат тизими шаклланганлиги кўрсатиб берилган.

Кўриб чиқилаётган соҳадаги ҳар қандай фаолият учун ҳукукий асос бўлиб хизмат қилувчи Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунига алоҳида мавзу ажратилган. Навбатдаги мавзуда эса мамлакатимизда амалда ҳамда соҳамизга тегишли бўлган “Электрон рақамли имзо тўғрисида”, “Электрон ҳужоат алмашинуви тўғрисида”, “Электрон тижорат тўғрисида”, “Электрон тўловлар тўғрисида” ҳамда “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар мазмуни тахлил қилинган.

Яна бир мавзу мамлакатимиздаги ахборотлаштириш соҳасида амалда бўлган қонуности хужоатлар тавсифига бағишланган.

Рисоланинг сўнгги боби "Электрон ҳукумат" тизимига бағишланган. Унинг доирасида энг аввал ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишининг замонавий даражасида "Элекtron ҳукумат" яратиш ахборот жамиятига ўтишнинг ажраїмас мажбурий бўлаги эканлиги кўрсатиб берилган.

Сўнгра "Электрон ҳукумат" яратиш соҳасидаги илгор чет эл тажрибасини ташкил этувчи уч хил: "Инглиз-Америка", "Европа" ҳамда "Осиё" моделлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари таърифланган. Бу йўналиш бўйича жаҳонда етакчи ўринни бир неча йиллардан бери эгаллаб турган Жанубий Корея тажрибасига алоҳида ургу берилган. Шу билан бир қаторда, муваффақиятсизликка олиб келган йўналишларнинг жумладан Россия Федерациясида юзага келган "боши берк кўча"нинг тахлиси ҳам келтирилган.

Рисоланинг сўнгти мавзуси доирасида **Ўзбекистонда "Электрон ҳукумат" тизимини яратиш устида олиб борилаёттан ишлар**, ҳамда унинг мўлжалланаётган функционал-таркиби тузилмаси ёритилган. Шунингдек, мавзу доирасида, мамлакатимизда бундай мураккаб тизимни барпё этишда юзага келиши мумкин бўлган **муаммоларнинг олдини олиш** мақсадида бир қатор тавсиялар берилган.

Асосий мазмун охирида иловалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Шу ўринда рисоланинг дунё юзини кўриши учун керакли шароит ва имкониятларни яратиб берган, ўз ёрдамларини аямаган ва қўллаб-куватлашлари билан доимо далда бўлган барча инсонларга, шу жумладан **М.Атаев, Х.Мирзахидов, А.Ризаев, А.Абдумўминов, Ж.Махсудов, Н.Мирзаев** ҳамда яқинларим ва оила аъзоларимга сидқидилдан миннатдорчилик билдираман.

Умуман олганда, қўлингиздаги рисола соҳа доирасида Мехнат қилувчилар, фан билан шугулланувчи мутахассислар, ахборотлаштириш соҳасида таълим олаётган олий ўқув юртлари талабалари ҳамда замонавий фан ютуклари ва уларнинг амалда тадбик этилишига қизиқувчи кўнгит китобхонлар оммасига фойдали бўлади деб умид қиласман. Унинг алоҳида мавзулари ёки умуман мазмуни ҳамда йўл қўйилган камчиликлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар билдирилган **мактубларингизни s.khodjaev@ictdp.uz** электрон манзилига юборишингизни сўраб қоламан.

# **1 - қисм. Назарий ва амалий ахборотлаштириш**

## ***1 - боб. Ахборотлаштиришининг назарий асослари***

### **1. Ахборотлаштириш тушунчаси**

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунида ахборотлаштириш тушунчасига қўйидаги таъриф берилган:

“ахборотлаштириш - юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шарсит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни” [1. 3-модда, 2-хат боши].

Мазкур таърифни таҳлил қиласиган бўлсак, биринчи навбатда эътибор қилишимиз керак бўладиган жиҳат – ахборотлаштиришининг инсонлар ва ташкилотларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришга шароит яратиш жараёни эканлигидир. Иккинчи жиҳат – шароит яратиш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланилади. Учинчи жиҳат – ахборотлаштириш жараёни ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий омилларга асосланади.

Ҳар бир жиҳатни алоҳида кўриб чиқамиз.

1. Ахборотлаштириш - инсонлар ва ташкилотларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларни қондиришга шароит яратиш жараёни.

Умуман олганда, ҳаётнинг ўзи турли хил эҳтиёжларни босқичмабосқич қондириш жараёнидир. Асосий эҳтиёж - ҳаётнинг узлуксиз давомийлигини таъминлаштир. Асосий бирламчи эҳтиёжни қондириш учун иккиламчи эҳтиёжлар юзага чиқади: озиқланиш, турар-жой, жуфт топиш, дунёга насл келтириш, уни вояга етказиш учун шароит яратиш. Ҳар бир инсон ҳаёти давомидаги барча эҳтиёжларини қондириш учун эса бошқа инсонлар билан мулокотга киришилади. Мулокотта киришиш жараёнидан асосий мақсад эса - ўзаро ахборот алмашишдир. Демак, инсонларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи - инсонларнинг энг асосий ҳаётий эҳтиёжларидан биридир.

Худди шундай мулокозаларни ташкилот ва муассасалар фаолияти учун ҳам келтиришимиз мумкин.

Масалан, ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ўз фаолиятини ташкил этиш борасида биринчи навбатда ҳом ашё етказиб берувчилар ва тайёр маҳсулотларни сотиб олувчилар билан мулокотга киришадилар. Бундан ташқари ҳом ашё ва тайёр маҳсулотларнинг бозор нархларининг ҳолати, ушбу бозорлардаги талаб ва таклиф динамикаси, амалга оширилаётган

фаолият турининг давлат томонидан тартибга солиниши ва бошқа кўплаб йўналишлар бўйича турли-туман шаклдаги ахборотларга катта эҳтиёж сезилади.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ёки давлат бошқаруви муассасаларининг ҳам ўз фаолият йўналишлари бўйича ҳам ахборот олиш ва алмашиш катта аҳамиятга эга бўлиши табиий ҳолдир.

Демак, **ахборотга бўлган эҳтиёж** ташкилот ва муассасалар фаолиятини амалга ошириш учун ҳам энг асосий эҳтиёжлардан биридир.

**Ахборотлаштириш** жараёни эса инсонлар ва ташкилот ҳамда муассасаларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган жараёндир.

Мана шу жойда ўринли савол тұғилади: "Барча нарса "ахборот" сўзи атрофида айланар экан ахборотнинг ўзи нима?". Кўлимизга "Ахборот-коммуникация технологиялари изохли лугати"ни [2] оламиз. Унга кўра, "қизиқиш уйғотиши, сакланиши ва қайта ишланиши мумкин бўлган, тақдим этилиши шаклидан қатъий назар, шахс, предмет, далил, воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлар, тушунчалар ёки бўйруқлар ахборот дейилади".

Китоб матни, илмий формулалар, банк ҳисоб рақамидан фойдаланиш ва тўловлар, дарс жадвали, ўлчаш маҳмудларининг ер ва космик кемалар ўртасидаги масофа тўғрисидаги маълумот ва хабарлар ва ҳок ахборотларга мисол бўлиши мумкин. Ахборот нур, товуш ва радио тўлқинлари, электр токи ёки кучланиши, магнит майдони, қоғоздаги белгилар шаклида яратилиши ва ташилиши мумкин. Умуман олганда, исталган моддий тузилма ёки энергия оқими ахборот ташувчиси бўлиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, илмий тушунча сифатида "ахборот" тушунчасинининг ягона қабул қилинган таърифи йўқ. Турли фанлар нуқтаи назаридан ушбу тушунча фақатгина айнан мазкур алоҳида фан соҳасига хос турли хилдаги хусусиятлар орқали таърифланади. Улардан бир нечтасини кўриб чиқамиз.

XX асрдагача "ахборот" тушунчаси асосан **файласуфлар** томонидан ўрганилган. Уларнинг фикрига кўра **ахборот** - материя, макон ва замон каби атрофимиздаги **оламнинг асосий хусусиятларидан** бири бўлиб, инсон онгидан ташқарида унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир, ўзи номоддий бўлишига қарамай инсон онгидага акс этиши учун муносабатга киритилиши, яъни матн ўқилиши, сигнал қабул қилиниши ва ҳок. лозим бўлади.

**Моддий олам** нуқтаи назардан ахборот - моддий олам обьектларининг кетма-кетлигидир. Масалан, харфларнинг маълум қоидаларга мувофиқ келтирилган қоғоздаги кетма-кетлиги **ёзма** ахборотдир, турли рангдаги нуқталарнинг қоғоздаги кетма-кетлиги **график** (чизма) ахборотдир. Мусиқий ноталар кетма-кетлиги **мусиқий** ахборотни, ДНКдаги генлар кетма-кетлиги **ирсий** ахборотни, электрон хисоблаш машинасидаги битлар кетма-кетлиги **компьютер** ахборотларини ташкил этади ва ҳок.

Бир мартадан олинган турли обьектлар (харфлар, тимсоллар, расмлар, сўзлар, ноталар) тўплами **ахборот базисини** ташкил этади. Хабар яратиш учун базис обьектларининг нусхаларини маълум тартибда маълум ахборот ташувчисида жойлаштириллади. Хабар узунлиги базис обьектлари

нусхаларининг сони билан аниқланади. Доимо бутун сон билан ифодаланадиган хабар узунлигини хабар орқали ётказилаётган ўлчов бирлиги хозирча номаълум бўлган билим миқдоридан доимо фарқлаш лозим.

Информатика фани эса айнан маълумотларни, уларнинг яратилиши, сакланиши, қайта ишланиши ва узатилишини ўрганади. Маълумотларда узатилаётган ахборотларнинг ўзи, уларнинг мазмуни эса турли фан ва фаолият соҳалари мутахассислари бўлган ахборот тизимининг фойдаланувчилари учун қизиқарлидир: шифокор учун тиббий ахборот, геолог учун геологик ахборот, тадбиркор учун тижорат ахбороти қизиқиш уйғотади ва ҳок. Шу жумладан, информатик мутахассисни маълумотларнинг қайта ишланиши усуллари тўгрисидаги ахборот қизиқтиради.

Физика фани тамоилиларига мувофиқ моддий олам обьектлари доимий ўзгариш ҳолатида бўлиб, ушбу ўзгаришлар обьект ва унинг атрофидаги мухит билан ўзаро энергия алмашинуви орқали амалга ошади. Бирон-бир обьект ҳолатининг ўзгариши албатта ушбу мухитдаги бошқа обьектга ҳам таъсир қилиб, унинг ҳам ҳолатининг ўзгаришига олиб келади. Мазкур ҳодисага биринчи обьектдан иккинчи обьектта сигнал юбориш деб қараш мумкин. Сигнал келгандан сўнг иккинчи обьект ҳолатининг ўзгариши сигналнинг қайд этилиши (регистрация) деб аталади.

Сигнал ёки бир нечта сигналларнинг кетма-кетлиги хабарни ташкил этади. Физика фанидаги ахборот тушунчаси сигнал ва хабар тушунчаларини ўзаро сифат жиҳатдан боғловчи тушунчадир. Агар сигнал ва хабарларнинг сонининг миқдорини аниқлаш мумкин бўлса, улар ахборот ҳажмининг миқдорини белгилайди.

Битта хабарнинг ўзи турли тизимларда турлича тушунилади. Масалан, кетма-кет келган битта узун ва иккита калта овоздан иборат хабар Морзе алифбосида "Д" (- · ·) харfinи ифодаласа, AWARD фирмаси томонидан яратиладиган BIOS тизимида компьютер видеоқурилмасида носозлик борлигини билдиради.

Математик ахборот назарияси ахборот тушунчаси, унинг хоссалари, маълумот узатиш тизимларининг чегарашибий нисбатларини ўрганувчи амалий математиканинг бўлимидир.

Ахборот тушунчасининг юридик талқини Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўгрисида"ги Конуни [8, 3-модда, 3-хат боши] билан белгиланган бўлиб "манбалари ва тақдим этиши шаклидан қатъий назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўгрисидаги маълумотлар" ахборот деб аталади. Мазкур қонун билан шунингдек, ахборот эркинлиги, очиқлиги ва ошкоралиги тамоилилари ҳамда ахборот хавфсизлигининг асосий тушунчалари ёритиб берилган.

Кибернетика фанининг асосини ташкил этувчи ҳамда бошқарув тизимлари ривожланишини ўрганувчи бошқарув назариясида ахборот дейилганда "мослашувчан (адаптив) бошқарув давомида бошқарув тизимига ташки мухитдан келадиган хабарлар" тушунилади. Кибернетика асосчиси Норберт Винер "ахборот - материя ҳам энергия ҳам эмас, ахборот - бу ахборотdir", - деган эди. Лекин бир қатор асарларида қуйидагича

таъриф берган: "ахборот - бизнинг ва сёаги органларимизнинг тацки оламга мослашув жараёнида оладиган хабарларимизнинг мазмунидир" [9-10].

Винернинг бу фикри ахборотнинг объективлигидан далолат беради, яъни ахборот инсон тафаккуридан ташқарида хошиш-истакларимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда табиатда мавжуд бўлади. Кибернетикада моддий тизим ҳар бири бир неча турли хил ҳолатларда бўлиши мумкин бўлган объектларнинг тўплами сифатида ўрганилади, бунда ҳар бир алоҳида объектнинг ҳолати бошқаларининг ҳолати билан белгиланади. Табиатдаги барча моддий тизимлар ахборот манбаидир. Шундай қилиб ахборот - объектларнинг хусусиятидир.

Ахборотларни турли белгиларига қараб таснифлаш мумкин.

#### 1.1. Қабул қилиш усули бўйича ахборотларнинг турлари:

- визуал ахборот - кўз орқали;
- аудио ахборот - қулоқ ёрдамида;
- тактил ахборот - бармоқлар ва теридаги сезги рецепторлари;
- ҳид ахборот - бурун ёрдамида;
- таъм ахборот - таъм сезиш рецепторлари билан қабул қилинади.

#### 1.2. Тақдим этиш шакли бўйича ахборотларнинг турлари:

- матнли ахборот - тил лексемаларини билдирувчи белгилар (харфлар);

- рақамли ахборот - сонлар ва математик амалларни белгиловчи белгилар;

- график ахборот - чизмалар ва расмлар;
- товушли ахборот - оғзаки ёки ёзиг олинган аудиоёзувлар ёрдамида тақдим этилади.

#### 1.3. Маҳсадли ишлатилиши бўйича ахборотларнинг турлари:

- оммавий ахборот - энг оддий маълумотлардан ташкил топади ҳамда жамиятдаги инсонларнинг катта қисмига тушунарли бўлади;

- маҳсус ахборот - айнан тегишли мавзу ёки соҳага тегишли ҳамда айнан шу соҳа атрофидаги тор доирадаги инсонлар учун тушунарли ва зарур бўлган маълумотлардан ташкил топади;

- маҳфий ахборот - жуда тор диорадаги инсонларга маҳсус ҳимояланган маълумот узатиш усуллари ёрдамида тарқатиладиган хабарлардан ташкил топади;

- шахсий ахборот - бирон-бир шахсга тегишли бўлган маълумотлардан ташкил топади ва тарқатилиши чекланади.

#### 1.4. Қийматлилиги бўйича ахборотларнинг турлари:

- долзарб ахборот - айнан қабул қилинаётган вақтда зарур бўлган ахборот;

- ишончли ахборот - узатиш жараёнида ўзгаришларга учрамаган ахборот;

- тушунарли ахборот - қабул қилувчи учун тушунарли типда ёки усулда узатиладиган ахборот;

- тўлиқ ахборот - хабар мазмунини тўлиқ тушуниш ёки тўғри қарор қабул қилиш учун етарли бўлган ахборот;

- фойдали ахборот - ахборотларнинг фойдалилигини фақаттина уларни қабул қилувчилар олинган маълумотларларнинг ҳажми ва ишлатилиш имкониятлари орқали баҳолашлари мумкин.

## **1.5. Ҳаққонийлиги бўйича ахборотларнинг турлари:**

- ёлғон ахборот;
- рост ахборот.

Ахборотдан фойдаланиш кўламлари ва усувлари жамият ривожланиш даражаси кўрсаткичларидан бири бўлиб хизмат қилади. Айниқса, ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб жуда юқори суръатлар билан ривожланा�ётган рақамли ахборот технологиялари бугунги кундаги жамият ҳаётига жуда катта таъсир ўтказди ва кўпдан-кўп инсонларнинг ҳаёт тарзини ўзгартириб юборди. Мазкур фикрни 1-бобнинг 2-мавзуси ("Ахборот технологиялари ва ахборот жамияти") доирасида батафсил кўриб чиқамиз.

2. Ахборотлашириш жараёнда учта ўзига хос куролдан фойдаланилади: ахборот **ресурслари**, ахборот **технологиялари** ҳамда ахборот **тизимлари**.

Ушбу учта куролимизнинг таърифлари билан танишиш учун яна "Ахборотлашириш тўғрисида"ти Қонунга мурожат қиласмиз [1. 3-модда, 3-, 6- ва 7-хат бошилар].

**ахборот ресурси** - ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси;

**ахборот технологияси** - ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, курилмалар, усувлар ва жараёнлар;

**ахборот тизими** - ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибиға солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари.

Ҳар бир таърифни алоҳида таҳлил қилиб чиқамиз.

2.1. **Ахборот ресурси** таърифидан кўриниб турибдики, ахборотлашириш жараёнлари доирасида биз фақатгина ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги **ахборотларни ҳамда малумотлар базалари** ва **банкларинингнига** эътиборга олишимиз керак.

Электрон шаклдаги ахборот деганда электрон ахборот ташувчисига ёзиб олинган, бирон-бир маҳсус дастур ёрдамида маҳсус курилма ёрдамида очиш ва танишиш имконияти бўлган маълумотлар тушунилади. Унга мисол қилиб компьютер, смартфон, CD, DVD ва USB-дискларга ёзилган матн, расм, овоз ёзилган турли форматлардаги маълумотларни келтириш мумкин.

Замонавий техник имкониятларнинг ошиб бориши оқибатида бугунги кунга келиб юқорида келтирилган уч хил (матн, расм, овоз) кўринишдаги маълумотларнинг маҳсус дастурлар бошқарувида биргалиқда намоён бўлиши орқали ахборот ресурсларининг янги бир тури - **мультимедиа** вуждуга келди.

**Маълумотлар базаси** - аниқ қоидалар асосида ташкил қилинган ва амалий дәстурларга боғлиқ бўлмаган маълумотлар тўпламидир (масалан, мақолалар, ҳисоб-китоб натижалари ва ҳок.). Бу қоидалар маълумотларни таърифлаш, сақлаш ва жойини ўзгартиришга оид тамойилларни назарда тулади.

Маълумотлар базаси етарлича тўла, тўғри ташкил қилинган, ҳозирги кунга доимо мос келувчи ва фойдаланиш учун қулай бўлиши лозим. Бу

маълумотлар бир-бирига мос келиши ва зид бўлмаслиги зарур. Маълумотларни таҳирлаш (ўзгартириш), тўлдириб бориш ва ўчириш ҳамда уларни қидириш ва саралаш **маълумотлар базасини бошқариш** тизими деб аталувчи маҳсус дастурлар ёрдамида амалга оширилади.

Маълумотлар базалари **шахсий** ва **жамоавий** фойдаланишга мўлжалланган бўлади. Шунингдек битта компьютерга жойлаштирилган оддий ҳамда бир нечта компьютерларга жойлаштирилган **тақсимланган** маълумотлар базалари ўзаро ажратилади.

Ташкилот ёки муассаса маълумотлар базасининг аҳволи, ривожланиши ва ундан фойдаланишга шароит яратувчи инсон ёки инсонлар гурухи **маълумотлар** базаси **маъмури** (маъмурлари) деб аталади. Маълумотлар базаси **маъмури** маълумотлар базаси фаолиятини таъминлайди, маълумотларнинг тўлиқлиги, тўғрилиги, бир-бирига зид ёки қарама-қарши эмаслиги ва бутунлиги ҳамда керакли ҳимояланганлик даражасини назорат қиласи, юқоридагиларни таъминлаш учун керакли амалларнинг бажарилишини ташкил этади ёки ўзи бажаради. Шунингдек, маълумотлар базасидан фойдаланувчилар ва дастурловчилар билан ўзаро ҳамкорлика иш олиб боради.

**Маълумотлар банки** - маълумотларни марказлаштирилган ҳолда сақлаш ва жамоа бўлиб фойдаланишнинг автоматлаштирилган тизими. Унинг таркибига маълумотлар базаси ёки уларнинг мажмуйи, маълумотлар банки справочники, маълумотлар базасини бошқариш тизими, маҳсус сўровлар тизими ва амалий дастурлар кутубхонаси киради.

Барча турдаги ахборот ресурслари, яъни ахборотлар, маълумотлар базалари ва **маълумотлар банклари** эркин **фойдаланиш мумкин** бўлган ҳамда **фойдаланилиши чеклаб қўйилган** ахборот ресурсларига бўлинади.

Чекланмаган доирадаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган ахборот ресурслари ҳамма эркин фойдаланиш мумкин бўлган ахборот ресурсларидир.

Давлат сирлари, хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган ёки эркин фойдаланилиши ахборот ресурсларининг эгалари томонидан чегараланиб қўйилган ахборотларни ўз ичига олган ахборот ресурслари фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига киради.

2.2. Умуман кенг маънода олганда **ахборот технологиялари** деганда маълумотларни яратиш, сақлаш, бошқариш ва қайта ишлашга қаратилган, шу жумладан компьютер технологияларидан фойдаланадиган **фанларнинг ва фаолият турларининг** кенг кўлами тушунилади.

Ахборот технологиялари **компьютерлар** ва улардаги **дастурний таъминотдан** ахборотларни яратиш, сақлаш, уларга ишлов бериш, узатиш ва олишга чеклов қўйиш мақсадида фойдаланади. Мазкур фаолият билан шугулланувчиларни **IT-мутахассислар** (инглизча IT, information technology - ахборот технологиялари сўзидан олинган), уларнинг бевосита раҳбарларини **IT-менеджерлар** деб аташади.

ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган таърифга кўра ахборот технологиялари дейилгандан - ҳисоблаш техникаси ёрдамида ахборотларни қайта ишлаш ва сақлаш усул ва услубларини, уларнинг инсонлар ва ишлаб чиқарувчи қурилмалар томонидан **амалий қўлланилишини ташкил этиш** ва ушбу масалалар билан боғлиқ бўлган **ижтимоий, иқтисодий** ҳамда

**маданий муаммоларни ўрганувчи ўзаро боғлиқ бўлган илмий, технологик ва муҳандислик фанларининг мажмуаси тушунилади.**

Замонавий ахборот технологияларининг асосий хусусияти - куйидагитардан иборат:

ахборотларни қайта ишлашнинг рақамли усуллари аналог усулларни деярли тўйлик сикиб чиқарди;

кatta ҳажмдаги ахборотларни саклаш, қайта ишлаш ва фойдаланувчига тақдим этиш учун компьютер техникиси ва электрон ахборот ташувчиларидан кенг фойдаланилади;

жуда қисқа вақт оралиғида катта ҳажмдаги ахборотлар исталган узоқ масофаларга узатилиш имкониятлари яратилди.

Замонавий ахборот технологиялари ўзларининг доимий ўсиб келаётган салоҳиятлари ва кескин камайиб бораётган таннархлари хисобига алоҳида ташкилот ва муассасалар, қолаверса, бутун инсоният доирасида меҳнатни ташкил этиш ва фаолият юритишнинг янги шаклларини жорий этиши имкониятларини яратиб бермоқда.

Бундай имкониятларнинг кўлами мунтазам кенгайб бормоқда - янгиликлар инсонлар ҳәётининг ҳамма соҳалари: оила, таълим, меҳнат, муроҷотнинг географик чегаралари ва ҳок. таъсир қилмоқда. Бугунги кунга келиб ахборот технологиялари меҳнат унумдорлигинг ошиши, ишлаб чиқариш ҳажмлари, инвестициялар ва бандлик ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи ўрин эгаллаб бўлди.

**2.3. Ахборот тизими тушунчаси кенг ва тор маъноларда кўлланилади.**

Бу тушунчанинг кенг маънодаги таърифи куйидагича: "олдиндан белгиланған маълум функцияларни амалга ошириш мақсадида ахборотларни ийлиш, саклаш, қайта ишлаш ва тақдим этиш учун ягона тизимга бирлаштирилган ташкилий, техник, дастурий ва ахборот вositаларининг мажмуаси ахборот тизими деб аталади".

Бундан ҳам кенг маънодаги таърифни М.Р. Когаловский берган [3]: "фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришига мўлжалланган" реал дунёнинг маълум бир қисмининг динамик ахборот моделини рўёбга чиқарувчи хисоблаш ва алоқа курилмалари, дастурий ҳамда лингвистик таъминот, ахборот ресурслари ва ишлашни таъминловчи ходимларни ўз ичига олган мажмуа ахборот тизими деб аталади". Энг тор маънода "алоҳида элементлари маълумотлар базаси, уни бошқариш тизими ва ихтиослаштирилган дастурий таъминот бўлган тўплам ахборот тизими деб аталади".

Замонавий ахборот тизимларида компьютерлар ва компьютер технологиялари марказий ўринни эгалгайди. Ҳар қандай ахборот тизими ишида куйидаги асосий босқичларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

**маълумотларнинг юзага келиши** (туғилиши) - аниқ амалларнинг натижалари, бошқарув обьектлари ва субъектларининг хусусиятлари, жараёнларнинг кўрсаткичлари ҳамда юридик ва норматив хуложатларнинг мазмuni ва бошқаларни белгиловчи бирламчи хабарларнинг шакллантирилиши;

**маълумотларнинг тийтилиши** ва тартибга солиниши - маълумотларнинг тезкори кидирав ва керакли қисмини ажратиб олиш,

услубий янгиланиш, ўзгариш ва йўқотилишдан сақлаш ва бутунлилигини ҳимоя қилиш имкониятини берувчи жойлашишини ташкил этиш;

**маълумотларни қайта ишлаш** - илгари йигилган маълумотлар асосида янги кўринишдаги умумлаштирувчи, таҳлилий, тавсия берувчи ва тахмин қилувчи иккиласи маълумотлар яратилишини таъминловчи жараёнлар. Яратилган иккиласи маълумотлар яна қайта ишлаб учламчи маълумотлар ва ҳок. опиниши мумкин;

**маълумотларни тақдим этиш** - уларни инсон қабул қилиши ва тушуниши мумкин бўлган шаклга келтириш. Биринчи навбатда - маълумотларни чоп этиш, яъни "қаттиқ" ташувчи деб аталувчи қозода матн кўринишинга келтириш. Шунингдек турли кўринишдаги чизмалар (график, диаграммалар) ва овоз сигналлари шаклларидан ҳам кенг фойдаланилади.

Ҳар қандай ҳолатда ахборот тизимининг асосий вазифаси **аниқ** бир соҳадаги аниқ ахборот эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Идеал ҳолда эса, маълум муассаса доирасида барча ходимлар, хизматлар ва бўлинмаларнинг барча ахборот эҳтиёжларини қондирувчи **ягона корпоратив комплекс ахборот тизими** ишлатилиши керак.

Аммо амалда бирон-бир ташкилот ёки муассасанинг, ишлаб чиқариш корхонасининг барча қирралари ва фаолият турларини қамраб олувчи ахборот тизимини яратиш анча **мураккаб ёки умуман иложи бўлмаган иш**, ёки **иқтисодий жиҳатдан самарасиз** бўлиши мумкин. Бунинг натижасида ташкилотларда алоҳида-алоҳида масалаларни (масалан, ишлаб чиқаришни бошқариш, молия-хўжалик фаолияти ва ҳок.) ахборотлаштирувчи бир нечта ахборот тизимлари параллель равища ишлатилади. Бунда баъзи ахборотлаштириш масалалари бир нечта тизимлар томонидан ҳал қилинади, баъзилари эса умуман ечилмайди. Бундай ҳолатлар **қисман ахборотлаштириш** деб аталади. Ахборот тизимларининг турлари, тўлиқ тавсифланиши ҳамда яратиш тамоиллари ва тартибини 1-бобнинг 6-мавзуси ("Ахборот тизимлари. Яратиш тамоиллари ва тартиби") доирасида батафсил кўриб чиқамиш.

3. Юқоридагилардан кўриниб турибдикি, ахборотлаштириш жараёни ташкилий **ижтимоий-иқтисодий** ва **илмий-техникавий** омилларга асосланади. Умуман олганда, дунё тажрибасидан маълумки, ахборотлаштириш жараёнларининг даражаси ва сифати жамиятнинг ривожланиши даражасига чамбарчас боғлиқ. Худди шу фикрнинг тескариси ҳам аҳамиятга эга, яъни **жамиятнинг ривожланганлик даражаси ахборотлаштириш даражаси билан белгиланади**, ёки жамият қанчалик юқори ривожланган бўлса, унинг доирасида шунчалик илгор ахборот технологияларини кундалик ҳаётда кўплаш имконияти яратилган бўлади.

Мазкур фикрларни тушунтириб бериш кўлинимиздаги китобнинг асосий мақсад ва вазифаларидан бири эканлигини ҳисобга олиб, уларнинг таҳлили учун алоҳида мавзу ажратилди (1-бобнинг 2-мавзуси "Ахборот технологиялари ва ахборот жамияти"). Ушбу мавзу доирасида хулоса қилинадиган бўлса, қўйидагиларни таъкидлаш мумкин: "ахборотлаштириш барча жамият аъзоларининг энг асосий ҳаётий эҳтиёжларидан бири - ахборотга бўлган эҳтиёжларини ахборот тизимлари ва технологиялари ёрдамида қондиришга қаратилган жараёндир".

## 2. Ахборот технологиялари ва ахборот жамиияти

Тарихдан яхши маълумки, инсонлар жамиятининг ривожланиши ахборот технологияларининг ривожланиши билан ўзаро узвий равища боғлиқ бўлган жараёнлардир.

Инсоният энди уйқудан уйгонаётган ибтидоий жамоа давридаёк биринчи ахборот технологиялари пайдо бўлди. Дастрраб, бугунги кундаги инсонларнинг аждодлари ўзларидан товуш чиқаришни ўрганиши. Мазкур товушлар ўзига шерикларининг эътиборини қаратиш, қаердалигини билдириш ва шунга ўхшаш энг оддий мақсадларда ишлатилди. Яъни бир одамдан иккинчисига ўзига хос ахборот узатиш ва қабул қилиш амалга оширилди.

Кейинги босқичда инсон баъзи кўп ишлатиладиган предметлар ва ҳаракатларнинг номларини бир-биридан ажратиш мақсадида сўзларни яратса бошлади. Албатта, бунинг натижасида мулоқот жараёнида кўпроқ ахборот алмашиш имконияти вужудга келди.

Лекин шу билан бир қаторда товуш ва сўз каби ахборот узатиш усулиниң камчилиги ҳам кўриниб қолди. Яъни ахборот алмашиш субъектлари (ахборот алмашаётган инсонлар) мақсадга етиши учун бевосита мулоқотга киришиши, яъни бир-бирини эшита ва кўра оладиган масофада бўлишлари керак эди. Узоқ масофаларга ахборотни узатиш учун эса тимсоллардан фойдаланиш бошланди. Бунда хабар ва ахборотлар узоқ масофаларга, табитда учрайдиган жисмлардан тимсол сифатида фойдаланиб, юборилар эди.

Мисол тарикасига қадимги юонон тарихчиси Геродот томонидан ёзил қолдирилган ғивоятий көлтирамиз: "Эрон шоҳи Доро 1 кунлардан бир куни Ўрта Осиёлик кўчманчи аждодларимиздан хабарнома олган экан. Хабарнома тўртта нарсани ўз ичига олиб қуш, сичқон, бақа ва камон ўқидан иборат бўлган. Хабарномани етказган чопар фақат шу нарсаларни бериши ва бошқа ҳеч нарсани гапирмай қайтиши буюрилганлигини айтади ва ортига қайтиб кетади. Олинган хабарнинг мазмунини талқин этиш муаммоси юзага келади. Доро 1 кўчманчилар унга тобе эканликларини билдириб, ер осмон ва сувларни тақдим этаётганликларини тушунганлигини қайд этади. Яъни, сичқон - ер, қуш - осмон, бақа - сувнинг тимсоли, камон ўқи эса қаршилик кўрсатилмаслигининг белгиси деб хисоблади. Аммо шоҳга маслаҳатчилик қилаётган донишмандлардан бири хабарнома маъносини бошқача талқин этади: "Агар сиз, эронликлар, қуш каби осмонга, сичқон каби ер тагига ёки бақа сингари сувга беркинмасангиз, мана шу камон ўқларидан ҳалок бўласиз". Кейинги воқеаларнинг ривожи донишманд ҳақ бўлганлигини кўрсатди ...".

Келтирилган афсонадан кўриниб турибдики, бундай тимсолли ахборот узатилишининг асосий муаммоси - унинг тўғри талқин қилинишидадир. Мазкур муаммони ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлар натижасида инсоният тарихидаги энг буюк кашфиётлардан бири амалга оширилди: ёзув ўйлаб топилди. Биринчи ёзувлар турли расмлар (пиктограммалар) асосидаги пиктографик ёзувлар бўлган. Бундай ёзувларда турли тушунчалар турли

расмлар орқали, масалан, одам тушунчаси одамча расми билан ифодаланган. Вақт ўтиши билан расмлар соддалашиб бирламчи шаклидан анчагина фарклана бошлаган, баъзи расмчалар бир қанча маъноларни ифодалай бошлаган.

Аммо пиктографик ёзув тушунчалар ва абстракт фикрлашнинг барча талабларига жавоб бермаган ва натижада **идеография** (тушунчалар ёрдамида ёзиш) вужудга келган. Бундай ёзувларда оддий расм билан ифодаланмайдиган тушунчалар уларни қабул қилувчи инсон органлари орқали кўрсатилган. Масалан, инсон қулогининг расми бевосита "кулоқ" билан бирга "эшиши" тушунчасини (идеограммасини) ҳам ифодалайди. Яъни расмлар ҳам тўғри, ҳам кўчма маънода ишлатилиши мумкин бўлган.

Пиктографик ва идеографик ёзувларнинг камчилиги шундан иборат бўлганки, ёзма матнларни яратиш учун яхшигина рассомлик иктидорига эга бўлиш керак эди. Шунингдек ёзишин ўргатиш жараёнларини осонлаштириш мақсадида **иероглифли ёзув** дунёга келган. Иероглифларда турли белгиларда қайтариладиган конструктив элементлар пайдо бўлди. Лекин шу билан бир қаторда, иероглифларнинг ҳам битта нуқсони бор эди: уларнинг сўз ўқилиши билан хеч қандай алоқаси йўқ эди. Натижада ёзма ва оғзаки нутқлар бир-бирига боғлиқ эмас эди. Бундан ташқари, сўзларнинг шакли уларнинг гапдаги вазифасига боғлиқ раввища ўзгарамадиган тилларда иероглифларни сўзларнинг шаклини кўрсатувчи белгилар билан тўлдириш керак эди. Мазкур камчиликларга қарамай иероглифли ёзувлар бугунги кунга қадар ишлатилаётганлигини таъкидлаш лозим (масалан, замонавий хитой ёзуви).

Ёзма ва оғзаки нутқларнинг ўзаро яқинлашувида **бўғинли ёзувнинг** яратилиши катта аҳамият касб этди. Энг кенг тарқалган бўғинли ёзув тизимларига мисол қилиб қадимги эрон, шумер ва япон (катаканава хирагана) ёзувларини кўрсатишимиш мумкин.

Бўғинли тизимларнинг бири қадимги финикиялкларнинг ёзуви (замонавий араб ёзувига яқин бўлган қадимги ёзувлардан бири) зрамиздан аввалги IV-III асрларда юнонистонда янада ривожлантирилди, яъни илгари ишлатилмаган унли товушлар учун белгилар билан бойитилиши натижасида замонавий **алифболи ёзув тизими** вужудга келди. Алифбо тизимида ўрганилиши жуда осон бўлган ҳамда оғзаки тилда ишлатилиши мумкин бўлган исталган, шу жумладан янги пайдо бўлаётган сўзларни ҳам ёзиш имконини берадиган тахминан 30-40 та белги ишлатилади. Ана шу қуляйликлар алифболи ёзув тизимининг бугунги кунга келиб деярли бутун дунёда ишлатилишига олиб келди.

Умуман олганда, айнан турли кўринишлардаги ҳар қандай ёзувнинг пайдо бўлиши **ахборотлаштириш** тарихидаги ҳақиқий энг катта **инқилоблардан** бири **бўлди**. Натижада турли хилдаги **маълумот** ва **ахборотларни узоқ масофаларга мазмун** йўқотишларисиз етказиш ҳамда бир авлод томонидан тўплланган **билим** ва ҳаётий **тажрибани** ўзидан кейинги барча **авлодларга қолдириш имкониятлари** ҳам вужудга келди.

Мазкур имкониятларнинг инсонлар томонидан кенг кўлланилиши жамиятдаги ўша даврдаги инқилобий ўзаришларга ҳам улкан улуш кўшди. Хусусан, **ишлаб чиқаришнинг** агар усули айнан шу даврда **тўлиқ**

**шаклланди ва жамиятнинг асосий ривожланиш йўналишларини белгилаб берди.**

Тарихдан маълумки, қадимги йирик марказлашган давлатларнинг (қадимги Бобил, Миср, Юнонистон, Рим империяси, Эрон, Хитой, Буюк Турк ҳоқонлиги, Араб халифалиги ва бошқалар) ҳамда дунё динларининг (ислом, насронийлик, яхудийлик, буддавайлик, зардустийлик ва ҳок.) вужудга келишида айнан турли хилдаги ёзувларнинг аҳамияти бекиёс эди. Жумладан, зардустийлик дининг муқаддас китоби бўлган “Авесто”нинг тўлиқ матни тўқиз минг дона бука терисига битилган ҳолда сақланган.

Замонавий ахборотглаштириш фани тушунчалари билан ўша даврда юзага келган ҳолатни таърифлайдиган бўлсан, **ахборот ресурсларини яратиш йўлга кўйилган** эди. Кейинги масала ўша даврдаги ўта ноқулай ахборот ташувчилари (асосан тош, лой ва ёғочдан ясалган таҳтачалар ёки турли жониворларнинг териси) ҳамда **кўпайтириш технологияларини** (хаттотлик, кўлда нусха кўчириш) янгилашдан иборат эди.

Тарихнинг яна бир ҳазилини қарангки, иккала муаммо ҳам биринчи марта Хитойда ўз ечимини топди.

Биринчидан, эрамизнинг тахминан 105 йилида Ханъ суполаси даврида сарой амалдори Цай Луню тут дарахти ёғочининг толаларидан **қоғоз варагини** яратди.

Иккинчидан эрамизнинг бошларида яна ўша Хитойда босма технологиялари ривожлана бошлади. Жумладан, III асрдаёқ матоларга расмларни босма усуlda тушириш кашф этилган эди. Буюк Хитой тарихчиси, энциклопедист олим ва давлат арбоби Шэнь Ко (баъзи манбаларда Шэн Кяа деб аталган, 1031-1095 йилларда яшаган) маълумотларига қарадан, китоб босмаси учун пиширилган лой асосда иероглифларнинг **литераларини** (босмаларини) ясад ишлатишни оддий хунарманд Би Шэн (990-1051) XI асрнинг бошларида таклиф қилган. Литералардан фойдаланган ҳолда бир уста томонидан бир кунда бир варақ қоғозга ёзилган матнинг 2000 тагача нусхасини кўпайтириш имконияти пайдо бўлган.

Кейинчалик XIV асрда Ван Чжэнь (1333 йилда вафот этган) матн босиш учун ёғочдан ясалган **литераларни**, XV асрда эса Хуа Суй (1439-1513) металдан **литераларни** кашф этишибди.

Шундай қилиб, ўрта асрларга келиб **қоғозга асосланган ахборот технологияларининг тугалланган мажмуаси** яратилди. Яъни ахборот ва маълумотларни сақлаш, кўпайтириш ва тарқатишнинг қоғоз шакли вужудга келди ва қўлланила бошланди.

Оқибатда инсонлар жамиятида саводхонлик кенг тарқала бошлади. Айниқса, турли мавзулардаги китобларни кўп нусхаларда кўпайтириб, улар асосида ўқитишнинг турли шаклларини кенг йўлга кўйган мамлакатларда ўқимишли, билимли инсонлар миқдори ошиб борди. Аниқ фанларнинг (математика, физика, кимё) тезкор ривожланиши, уларнинг ютуқлари асосида кўллаб техник кашфиётлар қилиниши айнан шу давра тўғри кепди. XIX асрга келиб эса **ахолининг** кенг қатламларининг **ахборотларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган янги восита** - даврий босма **нашрлар** (газета ва журнallар) кўринишидаги оммавий ахборот **воситалари** яратилди ва ривожлана бошлади.

Бу эса ўз навбатида саноат ишлаб чиқаришининг ташкил этилиши, ҳамда жамият тараққиётининг янги босқичи - индустрисал жамиятнинг шаклланишига олиб келди.

Агар аграр жамиятда хал құлувчи соҳа - қишлоқ хұжалиғи, асосий ҳаракатлантирувчи күч - дин ва куролли күчлар бўлган бўлса, индустрисал жамиятда саноат хал құлувчи соҳага, йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар, корпорациялар ва концернлар давлатлар ва ҳукуматларнинг асосий таянч кучига айланди [4].

Мазкур ўзгаришларнинг маъносини ўз вақтида тушунган, ҳамда ички жамият ҳәётида ва мамлакатнинг ташки сиёсатда тегишли испохотларни амалга ошира олган Европа давлатлари (Англия, Франция, Испания, Россия) тез орада Ер шари ҳаритасини тубдан ўзгартириб, XIX асрларнинг охирларига келиб дунё бўйлаб ҳукмронликни ўз қўлларига олдилар.

Қоғозга асосланган ахборот технологияларининг асосий камчилиги - ахборотларни фойдаланувчиларга етказиш вақтининг катта эканлигига эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида электродинамика ва электромагнетизм назарияларининг эришган ютуқларини амалий ҳаётга бўлган интилишлар натижасида узоқ масофаларга ахборот узатиш имкониятларини кенгайтирувчи бир сўз билан электралоқа деб аталадиган бир қатор қашфиётлар кетма-кет дунёга келди (телеграф, телефон, радио, телетайп). Яъни **электромагнит сигналлар** (сим, оптик алоқа кабеллари ёки радиотүлқинлар) ёрдамида ахборот узатиш усуслари яратилди.

Электралоқанинг ишлаш тамоилии куйидагича:

бирламчи **хабар сигналлари** (товуш, матн, расмлар) бирламчи электр сигналларига айлантирилади;

бирламчи электр сигналлари **узатувчи курилмалар** (передатчик) ёрдамида алоқа тармоғининг хусусиятларига мос келувчи иккиласи электр сигналига айлантирилади;

иккиласи электр сигналлари алоқа тармоқлари орқали қабул қилувчи **курилмага** (приёмник) узатилади;

қабул қилувчи курилмада иккиласи электр сигнали бирламчи хабар сигналига қайта айлантирилади.

Бугунги кунга келиб "электралоқа" сўзи ўрнига инглиз тилидан ўтган "**телеқоммуникация**" сўзи кенг ишлатилмоқда.

Ахборотларни узоқ масофаларга тезкор етказиш масаласи ечилгандан сўнг ахборотларни қайта ишлаш жараёнларини ҳам тезлаштириш кераклиги кўриниб қолди. Бу масала ахборотлаштриш жараёнларида **хисоблаш техникасининг қўлланиши** билан ечилди.

Хисоблаш техникаси бугунги кунга келиб ахборотлаштириш жараёнларида марказий ўрнларни эгаллаб келаётгандигини хисобга олган ҳолда унинг ривожланиш босқичларини батафсил кўриб чиқамиз (хисоблаш техникаси ривожланишининг XX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган солномаси 1-иловада келтирилган).

Инсоният биринчи хисоблаш ускуналарини ҳаётда қўллашни бир неча минг йил олдин бошлаган. Биринчи навбатда савдо жараёнида сотилаётган **маҳсулотнинг миқдорини ва нархини аниқлаш** масаласи юзага келган эди. Энг оддий ечим сифатида сотилаётган **маҳсулотнинг**

вазн эквивалентидан фойдаланиш күлланилган бўлиб, бунда маҳсулотнинг аниқ сонини санаш керак бўлмай қолган. Бу мақсадда энг оддий тарозилардан фойдаланилган. Шундай қилиб энг биринчи ҳисоблаш ускунаси вазифасини тарозилар бажарган.

Эквивалентлик принципи кўпчилик ўрта ёшдаги инсонларга яхши таниш бўлган “абак” (одиий тилда “чет”) ларда ҳам ишлатилади: ҳисобланётган предметларнинг сони ёки сотилаётган маҳсулотларнинг нархи сурилган тошларга тенг (эквивалент) бўлади. Қарияларимиз ва диндорлар томонидан кенг ишлатиладиган тасбехлар ҳам ўзига хос энг оддий саноқ ускуналарига мисол бўлади.

Тишли ғилдиракларнинг кашф этилиши натижасида нисбатан мураккаброқ бўлган ҳисоблаш курилмалари яратилишига олиб келди. 1623 йилда немис астроном, математик ва шарқшунос олимни Вильгелим Шиккард (1592-1635) томонидан “Санайдиган соат” деб аталган тўрт хил арифметик амалларни бажарувчи механик калькулятор лойиҳаси яратилди. Вильгелим Шиккард қурилмаси соат дейилишига унинг таркибида тишли ғилдираклар ва юлдузчалардан фойдаланилганлиги сабаб бўлган. Ушбу лойиҳа унинг муаллифи ҳаёти давомида амалга оширилганлиги тўғрисида ишончли маълумотлар йўқ, лекин 1960 йилда Шиккард қурилмаси ясалган ва тўлиқ ишлаш қобилиятини намоён этган.

XVII асрда шунингдек Блез Паскальнинг “Паскалина”си (1642 йил) ва Лейбницнинг **механик калькуляторлари** (1673 йил) ҳам яратилди. Тахминан 1820 йилларда франциялик ихтирочи Чарльз Хавьер Тома де Кальмар (1785-1870) биринчи бўлиб механик калькулятор - арифмометрларнинг саноатда ишлаб чиқарилишини йўлга кўйди. Лейбниц ишлари асосида яратилган арифмометрлар тахминан 150 йил давомида умр кўриб, 1970-йилларгача амалда кенг кўлланилди.

Универсал **компьютерларнинг ҳал қилувчи ҳусусияти** - уларнинг дастурланиши, яъни тегишли бўйруқлар кет-кетлигини алмаштириш ёрдамида исталган ҳисоблаш тизимини яратади.

1835 йилда Англиялик математик олим Чарльз Беббидж (1791-1871) ўзининг номи билан аталувчи “аналитик машина” лойиҳасини эълон қилди. Беббидж лойиҳасида маълумотлар ва дастурлар перфокарталарда сақланиши, математик функцияларни ҳисоблашда тишли ғилдираклар, энергия манбаи сифатида эса буг машинаси ишлатилиши кўзда тутилган эди. Лойиҳа унинг муаллифининг оғир характеристири ва жуда мураккаб ва мукаммал машина яратишни хоҳлашга бўлган интилиши натижасида охирига етмай қолди. Лекин унинг доирасида илгари сурилган фикрлар кейинчалик бошқа муаллифларнинг ишларида қўлланилиб ўзининг тасдигини топдилар.

Биринчи Жаҳон уруши арафасига келиб механик калькуляторлар, касса аппаратлари ва ҳисоблаш машиналари электр қисмлар асосида янгитдан лойиҳаланди. Бунинг натижасида қурилмаларнинг ўлчамлари анча ихчамлашиб, ишлатиш кўрсатичлари яхшиланди, кулайлиги ортди.

Барча кўрсатиб ўтилган қурилмалар аналогли сигнallар билан ишлашга мўлжалланган эди. Ахборотлаштириш ривожланишига катта таъсир кўрсатган навбатдаги катта қашфиётлардан бири - сигнallарни рақамли усуллар билан қайта ишлаш услубларининг яратилиши бўлди.

**Бунда исталған аналоги сигналнинг рақамли сигнал кўринишига келтириш мумкинлиги** [5] асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Иккилик саноқ тизимида ахборотларни қайта ишлашга мўлжалланган биринчи компьютерларнинг яратилиши бир пайтнинг ўзида бир-бирига параллель равишда бир қанча давлатларда амалга оширилди. Жумладан, 1938-1948 йилларда Германияда Конрад Цузе (1910-1995) томонидан Z-серия деб номланган компьютерлар, Англияда маҳсус хизматлар томонидан "Colossus" маҳсус компьютерлари, Америкада Джон Уильям Мокли (1907-1980) бошлигидаги ENIAC (инглиз тилидаги *Electronic Numerical Integrator and Computer* - электрон рақамли интегралловчи ва ҳисобловчи сўзларининг бош харфларидан олинган) курилмаси яратилди.

Барча оламшумул имкониятларга қарамай санаған курилмаларнинг биронтаси ҳам бугунги кун фани нутқи назаридан биринчи авлод компьютерларига киритилмайди. Уларнинг қурилиш тамойилларини тахлил қилиб чиқсан, Венгриядаги түғилиб Америкадаги фаолият юритган математик ва физик олим Джон фон Нейман (1903-1957) яна бир инқилобий кашфиётни амалга ошириди. Аввалги ҳисоблаш курилмалардан фарқли равишда 1945 йилдан көнглигидаги маълумотлар ягона универсал хотира доирасида сақланиши асосий тамойил сифатида таклиф этилган эди.

Ушбу тамойил асосида 1940-йилларнинг охири 1950-йилларнинг бошида бир қанча компьютерлар яратилди, айнан улар биринчи авлод компьютерлари деб аталди. 1947 йилда ихтиро қилинган транзисторлар жуда ҳам мурт ва катта энергия талаб қилувчи электрон лампаларнинг ўрнини эгаллади ва иккинчи авлод компьютерларининг асосини ташкил этди. 1960-йилларда интеграл микросхемалар асосида учинчи авлод ҳамда 1970-йилларда микропроцессорларнинг асосида тўртинчи авлод компьютерлари дунёга келди.

Бугунги кунда ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолган шахсий компьютерлар айнан тўртинчи авлод компьютерлари ҳисобланади.

Шу ўринда муваффакиятсизликка учраган бешинчи авлод компьютерларини яратиша лойиҳасини ҳам эслаб ўтишимиз керак. 1980 йилларнинг бошида Япония ҳукумати томонидан компьютер ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш ҳамда сунъий тафаккурни яратиша қаратилган кенг қамровли дастурни амалга оширишга киришилди. Дастурнинг мақсади жуда катта ишчи кўрсаткичларга эга бўлган, инсон каби фикрлай оладиган компьютерларни яратиш эди. Дастур бажарилиши учун 1982-1992 йиллар давомида 57 млрд. япон йенаси (тахминан 500 млн. АҚШ) микдорида маблағ ҳам ажратилди.

Япония ҳукуматининг дастури муваффакиятсизликка учрашига аппарат воситаларининг ривожланиш истиқболлари камайтирилиб, аксинча сунъий тафаккурнинг истиқболлари эса амалдагидан анча оширилиб ҳисобга олингандаги каби бир нечта омиллар сабаб бўлди.

Хозирги пайтда бешинчи авлод компьютерлари деб аталиш учун биокомпьютерлар, нанокомпьютерлар ҳамда булатли ҳисоблаш (*cloud computing*) технологиялари давогарлик қилишмоқда.

Шундай қилиб XX асрнинг охирига келиб инсониятнинг сунъий тафаккур яратиша бўлган уринишлари амалга ошмади. Аммо жамият

ривожланишининг янги босқичига кўтарилишига катта туртки бўлаётган янгилик дунёга келди. Улуг аждодимиз Абу Али ибн Сино “олам тафаккури”, рус табиатшунос олими В. И. Вернадский (1863-1945) эса “ноосфера” деб атаган, инсоният томонидан йигилган барча маълумот ва билимлар тўпланадиган ўзига хос ахборот маконининг пойдевори - Интернет тармоғи яратилди.

Бугунги кунга келиб Интернет тармоғи нафақат IT-мутахассислар, балки оддий инсонлар орасида ҳам, умуман жамиятда ҳам ахборотлар тарқатилишининг энг илгор усулига айланди. Ҳар қандай ташкилот ёки муассасанинг, оммавий ахборот воситаларининг (газета ва журнаплар, телевизион ва радиодастурлар), ёки жамоат ташкилотларининг ижтимоий-иктисодий муваффақиятта эришиши кўп жиҳатдан айнан уларнинг Интернет тармоғидаги сайтларининг фаолиятига боғлиқ бўлиб қолди.

IDC компаниясининг изланишлари натижаларига кўра, 2012 йилга келиб Интернет тармоғида йигилган ахборотларнинг умумий ҳажми 2500 экзабайтни (2,5 трлн. Гигабайтни) ташкил этди. Бу тахминан 100 млрд. дона Blu-ray русумидаги оптик дискларни тўлиқ тўлдириш учун керак бўладиган ахборотга тенгdir.

XXI асрнинг 10-йилларига келиб инсонлар жамиятида қўйидаги асосий хусусиятларни ажратиб кўрсатишими мумкин:

жамият ҳаётида ахборотлар, билимлар ва ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти тез суръатларда ортиб бормоқда;

ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хизматларини кўрсатиш соҳаларида шуғулланадиган одамлар сони, уларнинг миллий ялпи маҳсулотдаги улушлари кўпаймоқда;

жамиятта телефония, радио, телевидение, Интернет тармоғи ҳамда анъанавий ва электрон оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда маълумот етказиб бериш микдорлари ошиб бормоқда;

инсонларнинг самарали ахборот алмашишлари, уларнинг дунёдаги барча ахборот ресурсларидан ахборот олиш имкониятларини берадиган ҳамда ахборот маҳсулотлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондира оладиган глобал ахборот макони шаклланмоқда;

электрон давлат ва ҳукумат, ахборот иқтисодиёти ва бозори, электрон ижтимоий тармоқлар ривожланмоқда.

Санаб ўтилган хусусиятлар бугунги кунга келиб инсонлар жамиятида янги босқич - ахборот жамияти юзага келаётганлигидан далолат беради [6-7].

Ахборот жамиятида ахборот ва билимлар соҳаси ҳал қилувчи соҳага, уларни яратувчи муассасалар (оммавий ахборот воситалари, илмий текцириц муассасалари, университетлар) ва бундай муасасаларни назорат қилувчилар ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Хуолоса қилиб таъкидлашимиз мумкин-ки, ахборот технологияларининг ривожланиши билан инсонлар жамиятининг тараққиёти ўзаро узвий равишда боғлиқ бўлган жараёнлардир. Бугунги кунга келиб мазкур ўзаро боғлиқ ривожланиш натижасида икки тушунчани бирлаштирадиган янги тушунча - “ахборот жамияти” тушунчаси ҳаётий борликка, реалликка айланмоқда.

### 3. Ахборот ўлчови. Информатика

Инсонларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжлари уларнинг яшаш шароитлари ва мухитлари, дунёқараашлари, қизиқишлари ҳамда ижтимоий ҳолатлари билан белгиланади. Ҳаттоқи инсонларнинг миллати, ёши, жинси ҳам уларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжларини белгилаб беради. Жумладан, ойла куришга тайёргарлик кўраётган, бўлажак ўқитувчи ёки тиббиёт ходими бўлган талаба қиз билан ўрта ёшлардаги, спорт билан шуғулланувчи (ёки қизиқувчи), фермерлик, қурилиш, ахборот технологиялари ёки бошқа соҳаларда тадбиркорлик билан шуғулланувчи оила тебратадиган эркакнинг ахборотга бўлган эҳтиёжлари албатта бир-биридан тубдан фарқ қиласди.

Давлат бошқарув органи ёки корхонасида хизмат қилувчи инсонларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжлари, ёки бошқача қилиб айтганда, улар фаолият юритадиган ахборот маконлари яна бир бошқа ўзига хос оламни ташкил этади.

Албатта, мазкур ахборот маконлари ўзаро умумий қирраларга эга бўлиши ёки кесишиши мумкин, аммо ахборотга бўлган эҳтиёжлари ҳамма томонлама бир хил бўлган 2 та инсонни топиш бармоқ излари бир хил бўлган инсонларни топиш каби жуда қийин. Бирон-бир воқеа ёки ҳодиса тўғрисидаги маълумотлардан турли инсонлар турлича миқдорда ахборот олишиади.

Демак, қабул қилинаётган маълумотлар ва ахборотларнинг миқдорларини албатта ўзаро фарқлаш ҳам лозим бўлади.

Ахборотлаштириш инсонларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган жараён эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларга керакли маълумотлар ва ушбу маълумотларда мужассам бўлган ахборотлар миқдори билан боғлиқ бўлган бир қатор саволларга жавоб топиш керак бўлади:

"Ахборот миқдорининг ўзи қандай қилиб қайси бирликлар билан ўлчанади?";

"Ахборотлар миқдори билан узатилаётган маълумотлар миқдорлари ўртасида боғлиқлик борми?";

"Бу боғлиқлик (агар у мавжуд бўлса) қандай ифодаланади?" каби ва бошқа саволлар шулар жумласидандир.

Умуман олганда ҳар қандай ахборот ўзи тегишли бўлган соҳа ёки тизимдаги ҳолатга кўшимча аниқлик (тартиб) ёки аксинча ноаниқлик (тартибсизлик) киритади. Табиий фанларда бир қанча қисмлардан иборат тизимдаги ноаниқлик (тартибсизлик) даражасини энтропия тушунчаси билан, унга тескари ҳолатни (тартиблийлик) эса негэнтропия тушунчаси билан баҳолаш қабул қилинган.

Ахборот тўғрисидаги фанларда айнан энтропия тушунчаси бир неча хил натижаларга олиб келиши мумкин бўлган жараёнлар натижаларининг ноаниқлик даражасини, ёки ахборот миқдорини белгилаб беради.

Бошқача қилиб айтганда, **ахборот энтропияси** ўзаро боғлиқ бўлмаган маълумотлар яратилиши мумкин бўлган манбадан чиқсан **битта хабарга тўғри келувчи ахборот миқдоридир.**

Масалан, ўзбек тилидаги бирон-бир гапдаги харфлар кетма-кетлиги доирасида баъзи харфлар бошқаларига нисбатан фарқ қиласидиган даврийлик билан (кўпроқ ёки камроқ) учрайди, шунинг учун баъзи харфларниң келиш ёки келмаслик ноаниклиги (энтропияси) бошқалариникдан фарқ қиласиди. Баъзи харф бирикмалари камдан-кам учрашини ҳисобга олсак, ноаниклик янада кўпроқ камаяди.

1948 йилда америкалик мухандис ва математик олим Клод Элвуд Шенонн (1916-2001) шовқинли коммуникацион канал орқали маълумотларни узатиш самараордигини ошириш муаммоларини ўрганар экан, математик томондан тўлиқ асосланган энтропия назариясини яратди [12].

Шенонн таклиф қилган назарияга асосан, қабул қилинган ахборот миқдори ноаниклик даражасининг камайишига тенг бўлиб, уни ўлчаш учун қуидаги шартлар бажарилиши лозим:

1) ўлчов узлуксиз бўлиши лозим, яъни эҳтимоллик миқдорининг ҳар қандай кичик ўзгариши, натижавий функцияниң тегишли ўзгаришига олиб келиши керак;

2) барча тасодифий вариантлар тенг эҳтимолли бўлганда вариантлар сонининг ортиши (юқоридаги мисолда алфавитдаги харфлар сони) функция қийматининг ортишига олиб келиши керак;

3) натижавий функцияниң охирги қиймати функцияниң оралиқ қийматларининг йигиндисига тенг бўладиган икки ва ундан ортиқ қадамни танлаш имконияти бўлиши керак.

Шунинг учун энтропия функцияси  $H$  қуидаги шартларга жавоб берадиган бўлиши керак:

1)  $i = 1, \dots, n$  ва  $p_1 + \dots + p_n = 1$  ҳамда  $p_i \in [0,1]$  бўлгандаги барча  $p_1, \dots, p_n$  лар учун  $H(p_1, \dots, p_n)$  функция аниқланган ва узлуксиз бўлиши;

2) бутун мусбат  $n$  лар учун қуидаги тенгсизлик бажарилиши:

$$H\left(\underbrace{\frac{1}{n}, \dots, \frac{1}{n}}_n\right) < H\left(\underbrace{\frac{1}{n+1}, \dots, \frac{1}{n+1}}_{n+1}\right).$$

3) бутун мусбат  $b_i$  лар учун  $b_1 + \dots + b_k = n$  бўлганда қуидаги тенглик бажарилиши керак:

$$H\left(\underbrace{\frac{1}{n}, \dots, \frac{1}{n}}_n\right) = H\left(\frac{b_1}{n}, \dots, \frac{b_k}{n}\right) + \sum_{i=1}^k \frac{b_i}{n} H\left(\underbrace{\frac{1}{b_i}, \dots, \frac{1}{b_i}}_{b_i}\right).$$

Мазкур шартларга жавоб берадиган ягона функция мавжудлигини айнан Шенонн исботлаб унинг математик ифодасини ҳам келтириб чиқарди:

$$-K \sum_{i=1}^n p(i) \log_2 p(i),$$

бу ерда  $K$  - константа бўлиб ўлчов бирлигини танлаш учун керак бўлади.

Шенон шунингдек исботлаб бердики, ахборот манбаига нисбатан ҳисобланган энтропия миқдори  $H = -p_1 \log_2 p_1 - \dots - p_n \log_2 p_n$  иккилик саноқ тизимидағи кодланган сонларни кафолатли узатиш учун лозим бўлган алоқа каналининг минимал ўтказиш имкониятини (кенглигини) аниқлаб беради.

Энтропияни ҳисоблаш учун Шенон келтириб чиқарган ифода эҳтимолий ўзгарувчининг бирон-бир қийматга teng бўлишдаги ишончсизлик даражасини белгилайди. Оддий қилиб айтганда, қабул қилинган ахборот миқдори **йўқотилган энтропияга teng бўлади**.

Тасодифий катталиктининг энтропиясини аниқлаш учун шунингдек аниқ миқдордаги қийматларга teng бўлиши мумкин бўлган тасодифий катталикт  $X$  нинг тақсимоти:

$$P_X(x_i) = p_i, \quad p_i \geq 0, \quad i = 1, 2, \dots, n \\ \sum_{i=1}^n p_i = 1$$

ҳамда ички ахбороти:

$$I(X) = -\log P_X(X).$$

тушунчаларини киритишимиз мумкин. Бу ҳолда энтропия ифодаси куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$H(X) = E(I(X)) = -\sum_{i=1}^n p(i) \log p(i).$$

Энтропия, шунингдек ахборот **миқдорининг ўлчов бирликлари**: бит, нат, трит ёки **хартли** тасодифий катталикт  $X$  teng бўлиши мумкин бўлган эҳтимолий қийматлари сони  $n$  га боғлиқ бўлади. Яъни энтропия ёки ахборот миқдорининг аниқ қийматлари логарифм асосига боғлиқ бўлади.

Мисол учун танганинг бир марта ташланиш энтропияси:

$$-2 \left( \frac{1}{2} \log_2 \frac{1}{2} \right) = -\log_2 \frac{1}{2} = \log_2 2 = 1 \quad \text{битга teng бўлади.}$$

Бунда эҳтимолий натижалар сони  $2^1=2$  та бўлади.

Фақатгина "A" харфлари кетма-кетлиг'ини яратувчи өъъектнинг

$$-\sum_{i=1}^{\infty} \log_2 1 = 0$$
 га тенг, эҳтимолий натижалар сони эса  $2^0=1$  га тенг ("A" харфи) бўлиб логарифм асосига боғлиқ эмас. Баъзи холларда бу ҳам ҳисобга олиниши лозим бўлган ахборотdir. **Доимий хотира курилмалари**даги разрядларнинг энтропияси "0" га teng бўлгани билан, уларда сақланадиган ахборот миқдори 1 та эҳтимолий ҳолатга teng бўлади.

Махсус тадқиқотлар асосида аниқланганки, инглиз тилидаги матнларнинг ўртача энтропияси битта харфга 1,5 битга teng. **Маълумотлар манбасининг энтропия даражаси** дейилганда ахборотларни йўқотмасдан туриб маълумотларнинг битта элементини кодлаштириш учун керак бўлган битлар сони назарда тутилади.

Юқоридагиларни умумлаштириб энтропиянинг икки умумий хусусиятларини ажратиб кўрсатишимиш мумкин:

**баъзи маълумотларда ахборот бўлмаслиги мумкин;**

**энтропия ҳар доим ҳам бутун сон билан ифодаланмайди.**

Булардан ташқари энтропиянинг математик хусусиятларини ҳам кўрсатиб ўтамиш:

1) энтропия манфий бўлмайди:

$$H(X) \geq 0;$$

2) ўзаро боғлиқ бўлмаган  $X$  ва  $Y$  лар учун қўйидаги ифода тўғри бўлади:

$$H(X * Y) = H(X) + H(Y);$$

3)  $X$  ва  $Y$  лар элементларининг эҳтимоллик тақсимотлари бир хил бўлса, уларнинг энтропияси ҳам бир хил бўлади:

$$H(X) = H(Y).$$

Ахборот ўлчов бирликлари ахборотларнинг турли хусусиятларини ўлчаш учун қўлланилади.

Кўпинча ахборотлар ўлчови компьютер хотирасининг (ёки алоҳида хотира қурилмаларининг) ҳажмини ёки рақамли алоқа каналлари орқали узатилган маълумолар миқдорини аниqlашда ишлатилади. Афсуски, айнан ахборотларнинг миқдори камроқ ўлчанади.

Катта ҳажмдаги маълумотлар ичida жуда кам миқдордаги ахборот бўлиши мумкин. Яъни, маълумотлар ҳажми ва ахборот миқдори тушунчаларини ўзаро бир-биридан фарқлаш лозим: улардан ахборотларниш жараёнларининг турли қисмларида фойдаланилади.

Аммо уларнинг ўлчов бирликлари бир хил бўлгандиги учун мазкур мавзу доирасида қисқалик учун келтирилган фақаттана маълумотлар ҳажми ўлчов бирликлари тўғрисидаги мулоҳазалар ахборот миқдори ўлчов бирликлари учун ҳам тегишли бўлади, агарда бунинг акси бевосита таъкидланмаса.

Маълумотлар ҳажмининг бирламчи хусусияти - эҳтимолий ҳолатлар сонидир. Маълумотлар ҳажмининг бирламчи ўлчов бирлиги - битта эҳтимолий ҳолатнинг қиймати ёки кодидир.

Маълумотлар ҳажмининг иккиласми хусусияти - хонадир. Битта хонанинг ҳажми турлича бўлиши мумкин ва танлаб олинган кодлаш тизимининг асосига боғлиқ бўлади:

бита иккилик хона (бит) 2 та эҳтимолий ҳолат (қиймат, код) га эга;

бита учлик хона (трит) 3 та эҳтимолий ҳолат (қиймат, код) га эга;

бита ўнлик хона (децит, дит) 10 та эҳтимолий ҳолат (қиймат, код) га эга ва ҳок.

Маълумотлар ҳажмининг учламчи хусусияти - хоналар тўпламидир. Хоналар тўпламишининг ҳажми, унинг эҳтимолий ҳолатларининг сонига тенг бўлиб, комбинаторика қоидаларига мувофиқ қўйидагича аниqlанади:

$$\tilde{A}(c, n) = \tilde{A}_c^n = c^n$$

бу ерда

$c$  - битта хона эҳтимолий ҳолатларининг сони ва

$n$  - хоналар тўпламидаги хоналар сони.

Масалан, 1 байт 8 дона ( $n$ ) 2-лик ( $C$ ) хонадан иборат бўлиб  $2^8=256$  хил ҳолатда бўлиши мумкин.

**Маълумотлар ҳажми ҳам, ахборот миқдори ҳам логарифмик бирликларда кўрсатилиши мумкин.** Бу ҳолда, бир қанча обьектлар битта маълумот манбаи сифатида қаралса, **маълумотлар ҳажми эҳтимолий ҳолатлар** сонига тенг бўлади, яъни **маълумотлар ҳажми ўзаро кўпайтирилади**, ахборот миқдори эса **кўшилади**. Бунда ўрганиш обьекти сифатида нималар танлаганининг, масалан, математикадаги эҳтимолий катталиклар, техникадаги рақамли хотира хоналари, физикадаги квант тизимлари ёки бошқалар кўриб чиқилаётганлигининг фарқи бўлмайди.

Иккилик тизимдаги маълумотлар учун иккилик логарифмларни қўллаш қулай бўлади:

$2^1$  та эҳтимолий ҳолат учун  $\log_2 2^1 = 1$  та иккилик хона = 1 бит;

$2^8$  та эҳтимолий ҳолат учун  $\log_2 2^8 = 8 = 2^3$  та иккилик хона = 1 Байт (Октет);

$2^{8+2^{10}}$  та эҳтимолий ҳолат учун  $\log_2 2^{8+2^{10}} = 8 * 2^{10} = 2^{13}$  та иккилик хона = 1 КибиБайт (1 КибиОктет);

$2^{8+2^{20}}$  та эҳтимолий ҳолат учун  $\log_2 2^{8+2^{20}} = 8 * 2^{20} = 2^{23}$  та иккилик хона = 1 МебиБайт (1 МебиОктет);

$2^{8+2^{30}}$  та эҳтимолий ҳолат учун  $\log_2 2^{8+2^{30}} = 8 * 2^{30} = 2^{33}$  та иккилик хона = 1 ГибиБайт (1 ГибиОктет);

$2^{8+2^{40}}$  та эҳтимолий ҳолат учун  $\log_2 2^{8+2^{40}} = 8 * 2^{40} = 2^{43}$  та иккилик хона = 1 ТебиБайт (1 ТебиОктет) ва ҳок.

Бунда логарифми мусбат бўлган энг кичик бутун сон “2” бўлганлиги учун унга мос келувчи бирлик - бит рақамли техникада маълумотлар ҳажми ва ахборотлар миқдорининг асосий ўлчови сифатида қабул қилинган.

Учлик тизимдаги маълумотлар ҳажми учун учлик логарифмлардан фойдаланиш қулайроқ:

$3^1$  та эҳтимолий ҳолат учун  $\log_3 3^1 = 1$  та учлик хона = 1 трит;

$3^6 = 729$  та эҳтимолий ҳолат учун  $\log_3 3^6 = 6$  та учлик хона = 1 Трайт ва ҳок.

Бунда “3” га тўғри келадиган 1 трит  $\log_3 3 \approx 1,585$  битга тенг бўлади.

Натурал логарифмларга тўғри келадиган бирлик “нат” ( $nat$ ) илмий ва мұхандислик ҳисоб-китобларда кенг ишлатилишига қарамай натурал логарифмларнинг асоси бутун сон бўлмаганлиги учун ҳисоблаш техникасида амалда қўлланилмайди.

Ўнлик тизимдаги маълумотлар учун ўнлик логарифмларни қўллаш қулай бўлади:

$10^1=10$  та эҳтимолий ҳолат учун  $\log_{10} 10^1 = 1$  та ўнлик хона = 1 децит;

$10^{10^3}$  та эҳтимолий ҳолат учун  $\log_{10} 10^{10^3} = 10^3$  та ўнлик хона = 1 килодецит;

$10^{10^6}$  та эҳтимолий ҳолат учун  $\log_{10} 10^{10^6} = 10^6$  та ўнлик хона = 1 мегадецит;

$10^{10^3}$  та эҳтимолий ҳолат учун  $\log_{10} 10^{10^3} = 10^3$  та ўнлик хона = 1 гигадецит ва ҳок.

Бунда "10" га тўғри келадиган 1 децит  $\log_2 10 = 3,322$  битта тенг бўлади.

Бутун сон билан ифодаланувчи хоналар (битлар) да эҳтимолий ҳолатлар сони иккининг тегишли даражаларига тенг бўлади.

Ўз ичига битта ўн олтилик тизимдаги рақамга тўғри келадиган ахборотни сифдира оладиган ва тўртта иккилик хонадан иборат бўлиб тетрада, ярим байт ёки нибл деб аталувчи катталик ҳисоблаш техникасида катта аҳамиятта эга.

Тартиб бўйича кейинги бирлик 8 битга тенг бўлиб байт (октет) деб аталади. Катта ҳажмдаги маълумотлар ва ахборотларни ўлчашда кўлланиладиган бирликлар айнан байтга (битга эмас) нисбатан келтириб чиқарилгани эътиборга молик.

1-жадвалда ҳалқаро СИ ўлчовлар тизими ҳамда Ҳалқаро электротехника комиссияси (ХЭК) томонидан тавсия қилинган ўлчов бирликлари кўрсатилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, СИ ва ХЭК ўлчов бирликлари ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, СИ тизимидағи бирликлар 10 нинг 3 га бўлинадиган даражалари орқали ҳосил қилинган бўлса, ХЭК тизимидағи бирликлар 2 нинг 10 га бўлинадиган даражалари асосида ҳосил қилинган. Нисбатан кичикроқ бирликларда ўртадаги фарқ деярли билинмасада, каттароқ бирликларда фарқ сезиларли миқдорларга етади. Масалан, гигабайт билан гибабайт ўртасидаги фарқ деярли 7% ни ташкил этади.

1-жадвал.

#### Маълумотлар ҳажми ва ахборотлар миқдори ўлчови бирликлари

СИ ўлчовлар тизими			ХЭК ўлчовлар тизими		
Номи	Белгиси	Ўлчови	Номи	Белгиси	Ўлчови
байт	Б, В	$10^0$	байт	В	$2^0$
килобайт	КБ, KB	$10^3$	кибибайт	KiB	$2^{10}$
мегабайт	МБ, MB	$10^6$	мебибайт	MiB	$2^{20}$
гигабайт	ГБ, GB	$10^9$	гибибайт	GiB	$2^{30}$
терабайт	ТБ, TB	$10^{12}$	тебибайт	TiB	$2^{40}$
петабайт	ПБ, PB	$10^{15}$	пебибайт	PiB	$2^{50}$
эксабайт	ӘБ, EB	$10^{18}$	эксибибайт	EiB	$2^{60}$
зетабайт	ЗБ, ZB	$10^{21}$	зебибайт	ZiB	$2^{70}$
йоттабайт	ЙБ, YB	$10^{24}$	йобибайт	YiB	$2^{80}$

1-жадвал

Маълумотлар ҳажми ҳамда ахборот миқдори ўртасидаги фарқ ва боғлиқликни кўриб чиққанимиздан сўнг айнан ахборотларни турли манбаълардан белгиланган махсус тартибда йиғиш, ҳисоблаш техникаси ва бошқа ихтисослаштирилган курилмаларда сақлаш, қайта ишлаш, тахлил қилиш ҳамда баҳолаш усуслари ва услубларини кўриб чиқишимиз керак бўлгандиги учун **Информатика фанининг асосий қирралари билан ҳам танишишимиз лозим.**

Информатика сўзи рус тилидаги “информация” (ахборот) ҳамда “автоматика” сўзларининг ўзаро қўшилишидан (информ+атика) келиб чиқсан бўлиб инсон фаолиятнинг турли-туман соҳаларида қарор қабул қилиш учун кулагай ҳолда ишлатишга қаратилган ахборотларни йигиш, сақлаш, қайта ишлатиш, таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш усуллари ва жараёнларини ўрганадиган энг ёш фан йўналишидир.

Информатика фани доирасида олиб бориладиган илмий изланишларда асосан қуйидаги масалалар ўрганилади:

“компьютер дастурлари ва маълумотлар базаларида нималарни амалга ошириш мумкин ва мумкин эмас (ҳисоблаш назарияси ва сунъий тафаккур)?”;

“ихтиосослашган ҳисоблаш ва ахборот масалаларини максимал самара олган ҳолда қандай усуллар билан амалга ошириш мумкин (ҳисоблаш мураккаблиги назарияси)?”;

“ўзига хос шаклга эга бўлган ахборотларни қандай кўринишда сақлаш ва тикилаш лозим (маълумотлар структураси ва базалари)?”;

“инсонлар ва компьютер дастурлари ўзаро қандай усулда мулоқот қилишлари лозим (фойдаланувчи интерфейси, дастурлаш тиллари, билимларни тасвирлаш)?” ва ҳок.

Информатика фани бир қанча қисмларга ажратилади.

**Назарий информатика** формал тиллар ва автоматлар, ҳисоблаш ва мураккаблик, графлар назариялари, криптология, мантиқ, формал семантика масалалари билан шуғулланади ҳамда дастурлаш тиллари компилляторлари яратилишига асос тайёрлаб беради.

**Амалий информатика** ахборотларни сақлаш ва бошқариш учун маълумотларни структуралаш, алгоритмларни қуриш, умумий ва мураккаб масалаларни ечиш каби стандарт муаммоларни хал қилишга қаратилган стандарт ечимларни яратиш билан шуғулланади. Мисол сифатида стандарт қидирив ёки Фурье ўзгаришларини амалга ошириш масалаларини кўрсатиш мумкин.

Амалий информатиканинг марказий муаммоларидан бири - дастурий таъминот муҳандислигидир (инглиз тилида - *Software Engineering*). Бу ерда ғоядан бошлаб тайёр дастурий маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи тизимли равишда ташкил этиш назарда тутилади.

Амалий информатика шунингдек дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарурий қуролларни, масалан компиллятор ва интерпретаторларни яратиб беради.

**Техник информатика** ёки **компьютер муҳандислиги** (инглиз тилида - *Computer Engineering*) ҳисоблаш техникасининг қурилмалари (аппарт қисми), масалан микропроцессор техникиси, компьютерлар архитектураси, таҳсилланган ҳисоблаш тизимлари асослари билан шуғулланади. Яъни информатиканинг электроника билан алоқасини таъминлайди. Компьютерлар архитектураси - компьютерларнинг қурилиш тамойилларини ўрганади, яъни компьютер микропроцессорларнинг хотира, киритиш ва чиқариш қурилмалари назоратчилари (контроллерлари) билан бирга ишлатиш усулларини аниқлайди ва самара дарорлигини ошириш билан шуғулланади.

Яна бир муҳим йўналиш - **компьютерлар ўртасидаги алоқадир**. У компьютерлар ўртасида маълумотларни электрон кўринишда узатиш ва

алмашишни таъминлайди ҳамда мос равища ҳар қандай компьютер тармоқлари, шу жумладан Интернет тармоғининг техник асосини ташкил этади. Маршрутизатор, коммутатор ва тармоқлараро экранларни яратиш билан бир қаторда TCP, HTTP, SOAP каби компьютерлар ўртасида маълумот алмашиш қойдаларини белгиловчи протоколларни ишлаб чиқиш ва стандартлаштириш ҳам айнан шу йўналишга тегиши.

Чегаравий информатика информатика фани имкониятларининг жамият ҳёти, фан ёки ишлаб чиқаришнинг бирон-бир соҳаларига тадбиқ этилиши натижасида юзага келадиган янги фаолият соҳаларидир, масалан бизнес-информатика, геоинформатика, компьютер тилшунослиги, биоинформатика ва ҳок.

Табиий информатика табиатда, инсон мияси ва одамлар жамиятида ахборотларни қайта ишлаш жараёнларини ўрганувчи фан соҳасидир. Фаннинг бу йўналиши эволюция, морфогенез ва биологик ривожланиш, менеджмент, гурӯҳларнинг ўзини тутиш, тарих фанлари назарияси, инсон мияси, ДНКси, иммун тизими ҳамда турли аъзоларининг хужайралари мембраналарини ўрганиш натижаларига асосланади.

Тарихий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда ҳам "информатика" атамаси анчагина кенг тарқалди. Аммо гарб мамлакатларида "компьютер фанлари" (*Computer Science*) атамаси анча кенгроқ тарқалган.

Бугунги кунга келиб "компьютер фанлари" дейилганда ҳисоблаш техникаси, дастурлаш, ахборот тизимлари ва технологиялари соҳаларида фаолият юритаётган мутахассисларнинг қўллайдиган назарий ва амалий билмлари йигиндиси тушунилади [11].

Ўтган асрнинг 30-йилларида алгоритмлар назарияси ва математик мантиқ фанларининг асосида ҳамда электрон ҳисоблаш машиналарининг пайдо бўлиши натижасида юзага келган "компьютер фанлари" доирасида кўйидаги асосий қисмлар ажратиб кўрсатилади: алгоритмлар ва маълумотлар структураси; дастурлаш типлари; компьютерлар архитектураси; операцион тизимлар ва компьютер тармоқлари; дастурий таъминот ишлаб чиқариш; маълумотлар базалари ва ахборот-қидирив тизимлари; сунъий тафаккур ва роботехника; компьютер графикаси; инсон ва компьютер ўртасидаги мулоқот ва бошқ.

Умуман олганда, "компьютер фанлари" ўрганадиган соҳаларни 2 та катта қисмга ажратиш мумкин:

муайян соҳаларда маълумотларни қайта ишлашнинг аниқ жараёнлар ва улар билан боғлиқ ахборотларни сақлаш ва тақдим этиш имкониятлари;

маълумотларни қайта ишлаш тизимларининг тузилиши, таркибий қисмлари ва ишлаш тамойиллари.

"Компьютер фанлари" имкониятларини бевосита фаолиятда самарали кўллай олиш учун қўйидаги йўналишларда тажрибага эга бўлиш керак: алгоритмик фикрлаш, ахборотларни тақдим этиш, ахборот тизимларини лойиҳалаш ҳамда дастурлаш.

## 4. Ахборотлаштириш мезонлари

Ахборотлаштириш мезонлари тұғрисида ғәпирілғанда асосан ахборотлаштириш самарадорлиги назарда тутилади. Амалға оширилған ҳаражатларнинг олинган фойдага нисбати сифатида аниқланадиган самарадорлик түшунчаси ахборотлаштириш жараёнларига нисбатан буғунғи кунда хали тұлық аниқланған эмас: фойдаланувчилар томонидан қандай ахборотлар ҳақиқатда ишлатилиши ҳамда асосийси - қандай фойда берәтгандығы ҳар доим ҳам аник бўлмайди [13].

Шунинг учун ҳам барча даражадаги **IT-раҳбарларга** (мамлакат, иқтисодиёттинг алоҳида бутун соҳаси ёки алоҳида корхона, ташкилот ва муассасалар миқиёсида фаолият юритувчиларга) куйидаги имкониятларни яратадиган ахборот тизимларининг яратилиши ва қўлланилиши **самарадорлигини баҳолаш услубларини шакллантириш ва ривожлантариш лозим:**

ташкилотнинг асосий фаолияти йўналишидаги стратегик ривожланиш режаси, унинг ичидаги ахборотларни қайта ишлаш жараёнлари ҳамда ахборот тизими ва ресурслари ўртасидаги боғлиқликни белгилаш;

ахборотларни қайта ишлаш жараёнларининг техник' ва технологик кўрсаткичларини фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари билан алоқадорлигини аниқлаш;

ахборотларни қайта ишлаш тизимиға қилинадиган ҳаражатларни асослаш ҳамда уларни мукаммал тарзда сарфлаш йўналишларини белгилаш.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, буғунғи кундаги мавжуд ахборотлаштириш самарадорлигини аниқлаш услублари йирик консалтинг корхоналарининг мулки ҳисобланиб, нисбатан ёпиқ ахборот ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ахборотлаштириш самарадорлигини баҳолаш ўсувларини тизимли равишда ўрганиш жуда ҳам долзарб вазифалардан биридир.

Бундай саволлар нафақат алоҳида корхона ёки муассаса миқиёсида, балки соҳа, катта ҳудуд ва ҳаттоқи бутун давлат даражасида юзага келади ва уларгә жавоб берувчи бир қатор кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг баъзиларини чуқурроқ таҳлил қилиб чиқамиз.

Масалан, мамлакат миқиёсида ахборотлаштириш соҳасидаги эришилган натижаларни баҳолашда Бирлашган мамлакатлар ташкилоти (БМТ) томонидан қабул қилинган "Электрон ҳукумат ривожланиш индекси" (ЭҲРИ) деб аталувчи кўрсаткич ишлатилади. У БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти томонидан ҳар икки йилда бир маротаба барча аъзо давлатларнинг кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Кўрсатилган индекс давлат бошқарув органлари томонидан ўзларига юқлатилган вазифаларни бажаришда ахборот технологиялари, шу жумладан Интернет тармоғини ишлатиш даражасини кўрсатиб беради. ЭҲРИ нисбий кўрсаткич ҳисобланиб, "0" ҳамда "1" оралиғидаги қийматларни қабул қиласи.

ЭҲРИ уч кўрсаткич асосида ҳисобланади:

**он-лайн хизматлар индекси (Online service component, ОХ);  
теле~~коммуникацион~~ инфратузилма индекси (Telecommunication infrastructure component, ТИ);**

**инсон капиталы индекси (Human capital component, ИК).**  
Бунда умумлаштирувчи ифода күйидеги бўлади:

$$\text{ЭХРИ} = 0.34^*\text{ОХ} + 0.33^*\text{ТИ} + 0.33^*\text{ИК}$$

Хар бир кўрсаткини алоҳида алоҳида равишда кўриб чиқамиз.

**ОН-ЛАЙН ХИЗМАТЛАР индекси давлат органларининг интернет саҳифаларининг ривожланиши даражасини таҳлил қилиш асосида ҳисобланади. Бунда давлат ташкилотларининг сайтларининг ривожланиши 4 та босқичга ахратиласди:**

**бошлангич даражаси** - давлат муассасаларининг Интернет тармоғига бошлангич бирламчи ташрифи билан ифодаланади. Бунда давлат ташкилотларининг Интернет саҳифалари ўзига хос ташриф қозоzi (визитка сайт) кўринишида бўлади. Унда давлат ташкилоти тўғрисидаги умумий маълумотлар, манзил, қабул кунлари, раҳбарларнинг биографияси ҳамда баъзи ҳолларда фаолияти тўғрисидаги янгиликлар жойлаштирилган бўлади;

**нисбатан ривожланган иккинчи босқичда** сайтда кўрсатиладиган хизматлар тўғрисидаги маълумотлар билан бир қаторда савол-жавоблар, форум, мурожаатларни қабул қилиш каби тескари алоқа элементлари пайдо бўлади. Аммо бу тескари алоқа давомида давлат ташкилоти томонидан кўрсатилётган хизматлар ва берилётган жавоблар "кўлда" (автоматлаштирилмаган ҳолда) тайёрланади;

**транзакциялар босқичида** давлат ташкилоти билан фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги мулоқот иккى томонлама автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Сайтнинг ўзида компьютер ёрдамида солик, статистик ва бошқа шунга ўхшаш ҳисботларни топшириш, мажбурий ва иҳтиёрий тўловларни амалга ошириш каби хизматларни амалга ошириш имкониятлари айнан транзакциялар босқичида юзага келади;

**интеграция босқичи** буғунги кунга келиб БМТ томонидан энг юқори деб тан олинган босқич бўлиб, унда бир нечта давлат ташкилоти томонидан биргаликда кўрсатилиши лозим бўлган хизматларни фақатгина битта органнинг сайтига қилинган мурожаат орқали компьютер ёрдамида кўрсатиш имкониятлари пайдо бўлиши лозим. Масалан, бино қуриш учун рухсат олиш учун Архитектура ва қурилиш, Ергеодезкадастр ва бошқа давлат органларининг жойлардаги бошқармаларига мурожаат қилиб ўтириш фақатгина ҳудудий хокимият сайтига мурожаат қилиб тегишли хужжатларни расмийлаштириш ва ҳок.

2012 йил амалга оширилган ўрганиш натижасида Ўзбекистон Республикаси онлайн хизматлар индекси бўйича 193 та мамлакат ўртасида 73 погонада кайд этилди.

**Теле~~коммуникацион~~ инфратузилма индекси** мамлакатлардаги аҳоли ўртасида турғун ва мобил алоқадан фойдаланиш, Интернет тармоғига уланиш даражасини ифодалайдиган 5 та кўрсаткич асосида аниқланади:

100 кишига тўғри келадиган турғун алоқа абонентлари сони;

100 кишига тўғри келадиган мобил алоқа абонентлари сони;

100 кишига тұғри келадиган шахсий фойдаланишдаги компьютерлар сони;

100 кишига тұғри келадиган Интернет тармоғи фойдаланувчилари сони;

100 кишига тұғри келадиган кенг полосали Интернет тармоғи фойдаланувчилари сони.

Мазкур күрсаткышлар Халқаро электралоқа иттифоқи (International Telecommunication Union) томонидан тақдим этилады.

2012 йил амалга оширилган үрганиш натижасыда Ўзбекистон Республикаси телекоммуникацион инфраструктурында индекси бүйіча 193 та мамлакат үртасыда 111 погонада қайд этилди.

Инсон капитали индекси мамлакатдаги ўқимишлілік даражасини күрсатып береди ҳамда иккі гурху күрсаткышлар асосыда аниктанади:

вояға еттан ахоли үртасыдағы саводхонлик даражасы;

аҳолининг иккінчи ва учинчи босқыч таълими билан қамраб олинган улуши.

Мазкур күрсаткышлар ЮНЕСКО томонидан тақдим этилады.

2012 йил амалга оширилган үрганиш натижасыда Ўзбекистон Республикаси инсон капитали индекси бүйіча 193 та мамлакат үртасыда 74 погонада қайд этилди.

Үмумий рейтинг ҳисобида етакчи үрінларда Корея Республикасы, Голландия, Буюк Британия, Дания, АҚШ, Франция, Швеция, Норвегия, Финляндия ва Сингапур жойлашиб, мамлакаттамиз 91 погонаны эгаллади.

2-жадвалда охирги марта 2012 йилда үтказилған тадқиқот натижасыда Мустақил давлатлар ҳамдустлиги мамлакатларининг күрсаткышлари көлтирилген.

## 2-жадвал

### Ўзбекистон ва МДХ мамлакатларининг 2012 йилги күрсаткышлари

№	Мамлакат	Умумий	№	ОХ	№	ТИ	№	ИК	№
1	Арманистан	94	7	119	9	83	6	55	5
2	Беларусия	61	3	96	7	48	2	27	3
3	Молдова	69	5	64	3	75	3	81	11
4	Озарбайжон	96	8	104	8	88	7	73	9
5	Россия	27	1	37	2	30	1	44	4
6	Тоҷикистон	121	10	146	10	128	10	71	8
7	Туркменистан	126	11	164	11	140	11	62	7
8	Украина	68	4	94	5	79	5	23	1
9	Ўзбекистон	91	6	72	4	111	8	74	10
10	Қыргызистон	99	9	93	5	117	9	59	6
11	Қозоғистон	38	2	21	1	78	4	25	2

Алоҳида ташкилот ёки муассаса миқиёсида ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари күпрок бошқарув масалаларида ишлатылғанлығи учун асosий эътибор айнан ахборот тизимларининг қарор қабул қилиш самараадорлигини ошириш имкониятларига қаратилади. Бундай ҳолда ташкилот ахборот тизимларини кенгрөк күринишда - куйидаги талабларга

жавоб берадиган ахборот хизмати сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ:

ахборот хизматининг тузилмаси ташкилот олдида турган асосий вазифаларга мос келиши керак;

ахборот хизматининг асосий маҳсулоти - ҳаққоний, ишончли, долзарб ва тизимлаштирилган ахборот бўлиши керак.

Ахборот хизмати фаолиятининг самараадорлигини аниқлаш учун корхонанинг барча таркибий қисмларини, уларнинг ўзаро ҳамда ташки муҳит билан, алоқалари ҳамда муносабатларини ўрганиб чиқиш керак. Ўрганиш жараёнида ҳосил бўладиган ташкилотнинг ахборот модели ахборот хизмати самараадорлиги кўрсаткичларини аниқлашда асос қилиб олинади. Ташкилотнинг ахборот модели ташкилотнинг ахборот тизими мақсадларини белгилайди.

Ахборот тизимлари мақсадларига мисоллар:

**маҳсулот таннархини камайтириш** - ахборот тизими ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби такомиллаштирилишини таъминлайди;

**ташкилотнинг айланма маблагларга бўлган эҳтиёжларини камайтириш** - ахборот тизими ташкилотдаги моддий, молиявий ҳамда бошқа оқимлар такомиллаштирилишини таъминлайди;

**маҳсулот сифатини ошириш** - ахборот тизими сифат тизими такомиллаштирилишини таъминлайди.

Булардан ташқари ахборот тизмининг ўзини такомиллаштириш каби ички мақсадлар ҳам юзага келиши мумкин. Масалан, эскирган дастурий-техник воситаларни янгилаш ёки ахборот хизмати штатлар жадвалини такомиллаштириш ва ҳок.

Ахборот тизими мақсадини белгилашда шунингдек ташкилотнинг мулқдорлик шакли ва ташкилот эгалари ҳамда бошқарувчилари ўртасидаги муносабатлар ҳам мухим ўрин эгаллайди.

Ахборот тизими самараадорлигини аниқлашда одатда у таъминловчи ва функционал қисмларга ажратилиб таҳлил қилинади. Ташкилотдаги ахборот жараёнларига шунингдек ташкилий, мъемурӣ, ҳамда маданий муҳит - инфратузилма ҳам кучли таъсир кўрсатади.

Корхонанинг асосий фаолият йўналишидаги ахборот яратилиши ва ундан фойдаланиш жараёнларини бошқариш - ахборот менеджменти деб аталади. Ахборот менеджментида икки хил қарама-қарши стратегия алоҳида ажратиб кўрсатилади: ахборот тизимига харажатларни **минималлаштириш** ҳамда ахборот тизимидан олинадиган **фойданни максималлаштириш**.

"Иқтисодий" стратегиянинг асосий ижобий томони шундаки, у иқтисодий томондан аниқ асосга эга бўлмаган лойиҳаларни амалга оширишга имконият бермайди, аммо ҳар доим ҳам ахборот технологияларини жорий этиш билан боғлиқ бўлган барча ўзгаришларни пул оқимлари билан баҳолашнинг имконияти бўлмайди.

Ахборот тизимларни жорий этиш ва ривожлантиришдан **олинадиган самарани икки гурухга ажратиш мумкин**:

захираларни камайтириш, ҳом-ашё, ишчи кучи ва бошқа ишлаб чиқариш ресурслари ишлатилишини мукаммаллаштириш ҳисобига олинадиган **тӯғридан-тӯғри иқтисод**;

**бевосита маблағларни иқтисод қилмайдынан самара:** ишлаб-чиқаришни режалаштириш ва бошқа бизнес-жараёнларни тезлашиши, қабул қилинаётган қарорларнинг сифат жиҳатдан яхшиланиши.

Табиики, ташкилот бошқаруви сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши бирданига корхонанинг иқтисодий шароити яхшиланишига олиб келмайди, вақт бўйича кечикиш бошқарув пирамидаси бўйича юқорилаган сари ортиб боради. Корхона фаолиятининг барча қирраларини ахборотлаштириш учун жорий этилаётган янги комплекс ахборот тизимининг самараси у тўлиқ ишга туширилиб, ходимлар унинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишини йўлга қўйишганидан сўнгина билинади.

Ахборот хизматининг маҳсулоти номоддий шаклда эканлиги, кўпинча корхона маҳсулотини ишлаб чиқаришда ёрдамчи ўрин тутиши, ахборот тизимини ривожлантиришдан олинадиган яқол кўринмайдиган ёки бевосита ўлчаб бўлмайдиган самаранинг мавжудлиги ва бошқалар масаланинг ўзига хос томонини ташкил этади. Айнан шу ўзига хослик масаланинг ечими мураккаблигини келтириб чиқаради.

Кўрсатилган қийинчиликларга қарамай ахборот хизмати (ахборот тизими, ахборотлаштириш) самарадорлигини баҳолашнинг бир қанча усуллари ишлаб чиқилган бўлиб уларни қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

**ҳаражатлар усулларида** ахборот тизими самарадорлигининг баҳоланиши кўрсаткичларни ёки натижаларни ўлаш асосида эмас, балки унга сарфланган ҳаражатлар миқдорига қараб амалга оширилади. Бундай усулларнинг анчагина содда ва юзакилилигига қарамай собиқ иттифоқ доирасида анча кенг ишлатилган;

**натижани бевосита баҳолаш усулларида** лойиҳани амалга оширишда эришилган натижа, масалан чиқиш көзэффициентининг ошиши, меҳнат сарф-ҳаражатларининг камайиши ёки кўшимча маҳсулот яратилиши ва бошқалар тўғридан-тўғри баҳоланади. Бундай натижа амалдаги бозор нархларида баҳоланади ҳамда битта кўрсаткич лойиҳани асослаш учун камлиқ қўйса, битта ёки бир нечта кўшимча кўрсаткичлар қўшилиши мумкин;

**жараёнлар мукаммаллигини баҳолаш усуллари** статистик ҳамда динамик таққослаш алгоритмлари асосида курилади. Одатда, бизнес-жараённинг сифатини баҳоловчи кўрсаткич сифатида асосий маҳсулотнинг сотилиш ҳажми танлаб олинади. Бу ҳолда чиқиш бирлигига тўғри келувчи соҳа доирасида энг кам ҳаражатларга йўл кўювчи бизнес-жараён "мукаммал" деб олинади, ва бошқа жараёнлар айнан мукаммал жараён билан таққосланиб баҳоланади;

**квалиметрик усуллар** доирасида лойиҳа сифатини ҳамма томонламиа комплекс баҳолаш учун репрезентатив ўлчов назарияси усуллари, масалан статистик, эксперт ва ижтимоий сўров усулларидан фойдаланилади.

Бугунги кунга келиб айнан квалиметрик усуллар энг кенг кўлланилишини хисобга олган ҳолда улар билан яқиндан танишиб чиқамиз.

Умуман олганда, квалиметрия тушунчаси инглиз тилидаги **quality** - сифат ҳамда **metric** - ўлчов сўзларидан олинган бўлиб замонавий фаннинг

**түлиқ сифатни бошқариш билан шуғулланувчи (TQM - Total Quality Management) бўлимларидан биридир.**

Квалиметрия доирасида ечиладиган масалалар қаторига қуйидагилар киради:

жамоат меҳнатининг унумдорлиги ва маҳсулдорлигини аниқлаш;


капитал қўйилмалар ҳамда янги техниканинг самарадорлигини аниқлаш;

ташкilotning ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини баҳолаш;

нарҳ-наво ҳосил бўлишининг назарияси ва амалиёти.

Квалиметрик ёндашувнинг хусусияти шундан иборатки, унинг доирасида "сифат" сўзи бир пайтнинг ўзида уч хил маънони мұжассамлаштиради: стандартлар ҳамда технологик талабларга мос келиш маъносини; маҳсулотнинг асосий хоссаси маъносини ҳамда истеъмол хусусияти маъносини. "Сифат" тушунчасига бундай комплекс ёндошув "лойиҳа сифати" тушунчасини таърифлаш ҳамда мос келувчи математик аппаратни қўллаш имконини беради. Бунда турли баҳолаш натижаларини таҳлил қилиш тўғрисидаги фан - репрезентатив ўлчов назарияси доирасида статистик, эксперт ва ижтимоий сўров ёрдамида сифатни баҳолаш усуллари алоҳида қизиқиш уйғотади.

Россия Федерациясидаги кўргина консалтинг компаниялари томонидан амалда қўлланиладиган "вектор" усулида ахборот тизими самарадорлиги кўрсаткичлари уч ўлчамли координатлар тизимининг ўқлари бўйича кўрсатилади (1-расм).



**Бошқарув циклини қўллаб - қувватлаш:** бошқарув - мәъсадни белгилаш, режалаштириш, амалга ошириш, назорат, таҳлил, режани ўзгартириш ҳамда бошқарув таъсирини кўрсатиш босқичларини ўз ичига олган кўп босқичли жараёндир. Координаталар тизимининг бу ўқидаги вектор бошқарув жараёнинг қандай қисмлари ва нечтаси ахборот тизими томонидан қўллаб - қувватланишини кўрсатади.

**Функционални қўллаб-куватлаш:** бошқарув обьекти сифатида ҳар қандай ташкilot ўзининг фаолият туридан (сотиш, харид қилиш, ишлаб чиқариш, маркетинг ва ҳок.) келиб чиқкан ҳолда функционал жиҳатдан хусусиятларига эга бўлиб, ҳар бир фаолият тури бир қанча бизнес-жараёндан иборат бўлади. Бошқарув ахборот тизими ташкilotning барча иш йўналишларини компьютерлаштиришга қаратилган бўлиши ёки унинг алоҳида қисмларига - алоҳида соҳалар ёки бизнес-жараёнларга қаратилган бўлиши мумкин. Координаталар тизимининг бу ўқидаги вектор ахборот


тизими доирасига корхона фаолиятининг қайси ва нечта соҳаси киритилганини кўрсатади.

**Автоматлаштириш коэффициенти:** бизнес-жараёнлардаги алгоритмлаштириладиган “кўлда” бажариладиган амалларнинг ахборот тизимининг қисмлари ёрдамида “компьютерда” амалга оширилиши табийи равишда бутун тизимнинг ишончлилиги ҳамда самарадорлигини оширади. Автоматлаштириш коэффициенти - AQ бирнинг алгоритмлаштирилиши мумкин бўлган, лекин “кўлда” бажарилаётган амаллар сонига нисбати сифатида аниқланади. Шунинг учун координаталар тизимининг бу ўқидаги вектор автоматлаштириш коэффициенти - AQ нинг қийматини кўрсатади.

Вектор усули амалда кўлланилганда биринчи қадамда координаталар тизимидағи барча векторларга корхона томонидан кўзда тутилаётган катталикларни кўйиш асосида бошқарув модели яратилади. Иккинчи қадамда бошқарув модели асосида унга кўрсаткичлари максимал даражада яқинлаштирилган (амалда бир хилликни таъминлашнинг имкони бўлмайди) реал корпоратив ахборот тизими лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади.

Giga Group компанияси томонидан яна бир квалиметрик модель сифатида **умумий иқтисодий самара** (*TEI - Total Economic Impact*) таклиф этилган. Мазкур усул **умумий эгалик нарҳи** (*TCO - Total Cost of Ownership*) кўрсаткичи ҳамда компаниянинг фаолияти давомида ҳаражатларни камайтириш бўйича йигилган тажрибаси асосида яратилган (2-расм).

Усулда TCO нинг ишлатилиши таннархнинг барча қисмлари - капитал ва айланма сарфларни ҳисобга олиш имконини беради. Шунингдек TEI усулида иқтисодий самарадорликка тъєсир қилувчи яна учта кўрсаткич: **устунлик, мослашувчанлик** ҳамда **таваккалчилик** ҳисобга олинади.



Ахборот тизими лойиҳаси амалга оширилаётганда ахборот хизмати олдида турадиган асосий масала - бизнес-бўлинмалар билан биргаликда фойдаланувчилар ишидаги ўзгаришларни баҳолаш кўрсаткичларини аниқлашдир. Лойиҳани амалга оширишдан олдинги иш услубидаги

ўзгаришлар аниқлаб олингандан сўнг уларни ўлчаш ҳамда лойиҳа сарф-ҳаражатларини қоплаш даврини ҳисоблаб чиқариш мумкин. **Устунликни баҳолашнинг** энг осон ва кенг кўлланиладиган йўлларидан бири - мавжуд ҳамда лойиҳалаштирилаётган ахборот тизимларида иш ташкил қилинишини солишириш ҳисобланади (“ҳозир қандай” - “қандай бўлиши керак?”).

Ахборот тизимининг мослашувчанлиги унинг шароит ўзгаришига мослаша олиши ҳамда функционал имкониятиларининг кенгайиш имкониятлари нуқтаи назаридан аниқланади. Бундай хусусиятлар стандартлаштирилган ва унификацияланган ечимларни кўллаш ҳамда модулли архитектурани яратиш орқали таъминланади. Ахборот

тизимларининг модулли архитектурасини алоҳида мавзу ("6. Ахборот тизимлари. Яратиш тамойиллари ва тартиби") доирасида батафсил кўриб чиқамиз.

Таваккалчилик дейилганда ахборот тизимига инвестиция қилинганда молиявий йўқотишлар эҳтимоллиги тушунилади. Таваккалчилик турли табиатта эга бўлиши мумкин:

технологик (ахборот тизими кутилганидек фаолият юритмаслиги);

тузилмавий (тизимнинг танланган архитектураси унинг кенгайишини таъминлай олмаслиги)

психологик (фойдаланувчилар томонидан тизимнинг нотўғри қабул қилиниши).

Шундай қилиб, ТСО ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техник даражасини, ТЕI эса самарадорлигини аниқлади. Яъни ТЕI модели кўлланганда ҳам молиявий кўрсаткичлар, ҳам ташкилотнинг стратегик ривожланиш кўрсаткичларини ҳисобга олиш мумкин бўлади.

ТЕI моделининг такомиллаштирилган шакли - **баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими (BSC – Balanced Scorecard)** бошқа усувларга нисбатан кенгроқ ишлатилади [14]. У ташкилот фаолиятини таҳлил қилиш ва стратегик бошқариш усулни бўлиб, ташкилот фаолиятининг барча стратегик қирраларини (молиявий, ишлаб чиқариш, маркетинг ва хок.) ҳисобга олувчи кўрсаткичларини ўлчаш ёки баҳолаш асосида амалга оширилади. Усул муаллифларининг фикрига кўра унинг номининг ўзида ҳам узоқ ва қиска муддатли мақсадлар, молиявий ва номолиявий ўлчовлар, ортда қолиш ва илгарилаб кетиш кўрсаткичлари ҳамда ички ва ташки фаолият йўналишлари ўртасидаги мувофиқлик(баланс)га алоҳида эътибор берилади.

BSC усулини қўллашнинг асосий хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

1. Корҳонанинг стратёгик ривожланиши камида қўйидаги 4 та йўналиш бўйича баҳоланади:

- **молия** - киритилган капиталнинг қайтиш даражаси сифатида бизнес самарадорлиги ("таъсисчилар учун қанчалик қизиқиш уйғотамиз?");

- **истеъмолчи** - истеъмолчилар нуқтаи назаридан бозордаги ўринни ҳамда маҳсулот фойдалилигини баҳолаш ("мижозларимиз бизни ва маҳсулотимизнинг қандай бўлишимизни исташади?");

- **ички бизнес-жараёнлар** - ички бизнес-жараёнларнинг самарадорлигини баҳолаш ("бизнинг рақобатдаги устунлигимиз нимадан иборат?");

- **ўқтиш ва ўсиш** - фирманинг янги фикрларни қабул қила олиш, мослашувчаник ҳамда доимий яхшиланишга интилиш қобилияти ("олдинга юриш қобилъятимиз мавжудми?").

2. BSC концепцияси корпоратив ривожланиш стратегиясини уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ва молиялаштириш билан боғлайди.

3. Стратегиянинг муваффақиятли амалга ошиши учун стратегик бошқарув тизимида мониторинг ва қайта алоқа ўрнатилади. Бунинг учун ташкилотнинг стратегик мақсадлари муваффақиятга эришишнинг асосий факторлари (*Key Performance Indicators - KPI*) тўпламига алмаштирилади.

4. Муваффакиятта эришишнинг асосий факторларини тўғри белгилаш учун самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари яратилади; бундай кўрсаткичларнинг таркиби, сони ва ҳисоблаш усуслари ҳар бир фирма учун ўзига хос кўринишда бўлади.

5. BSC икки турдаги кўрсаткичлар қўлланилади: биринчи турга натижани ўлчайдиган кўрсаткичлар киритилса, иккинчисига натижага эришишга олиб келувчи жараёнларни таърифлайдиган кўрсаткичлар киради. Иккала турдаги кўрсаткичлар ўзаро боғлиқ бўлади, чунки биринчиларига етишиш учун иккincinnilarini амалга ошириш лозим бўлади.

6. BSC доирасидаги баҳоловчи кўрсаткичлар ўтказилаётган тадбирларнинг ҳамда эришилдиган натижа ўртасидаги сабаб ва оқибат алоқаларини акс эттириши лозим. Ҳар бир алоҳида кўрсаткич эса умумий стратегия доирасидаги сабаб ва оқибат занжирларининг алоҳида ҳалқаси кўринишида танланиши лозим.

Баҳолаш ва бошқариш тизими сифатида BSC концепциясини танлаган ахборот хизматлари олдида 2 та асосий мақсад туради: кўрсаткичлар тизимини яратиш ҳамда уларни тўғри кўллаш. Кўрсаткичларни амалда кўллаш жараёнида уларнинг қайслари ишламаётганлиги, қайсларини ўзгартириш, қандай янги кўрсаткичлар юзага келганлиги ва тизимга киритилиши кераклиги тушунарни бўлиб боради.

**Баланслаштирилган кўрсаткичлар тизимининг яратилиши.** BSC концепциясига мувофиқ корхонанинг ривожланиши стратегияси ҳамда ахборот тизими ўртасидаги алоқа кўп бўғинли "мақсад - вазифалар - функциялар - бизнес жараёнлар" кўринишидаги занжир сифатида тасвирланиши лозим. Бундай занжир ахборот тизимининг турли характеристикалари бирлаштириб, олинадиган самара баҳоларини аниқлаб беради. Шундай қилиб ахборот тизими қўлланилишининг иқтисодий фойдасини кўрсатиш имконияти пайдо бўлади.

Корхона стратегик ривожланишининг ҳар бир йўналиши (молия, истеъмолчи, ички бизнес жараёнлар ҳамда ўқитиш ва ўсиш) бўйича муваффакиятта эришишнинг асосий факторларини (KPI) самарадорлик кўрсаткичлари билан боғланишининг эҳтимолий шакли З-жадвалда көлтирилган.

З-жадвал

#### KPI ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари ўртасидаги боғланиш

KPI	Самарадорлик кўрсаткичларига мисоллар
Даромад ортиши ва унинг таркиби	Кўрсатилган ахборот хизматлари ҳажми, даромадлар таркибидаги ўзгаришлар (янги истеъмолчилар, бозорлар ҳамда хизматлар улуши), кўшимча қўйматдаги ўзгариш (нарҳ ўзгариши ҳисобига олинган даромад)
Чиқимларни камайтириш ҳамда ишлаб чиқаришнинг ортиши	Ахборот тизими лойиҳаси амалга оширилганда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармас бўлгандаги чиқимларнинг камайиши ёки кўшимча ресурсларни жалб қилмаган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, амалларни бажаришга ҳамда маълумотларни қайта киритишга кетадиган вақтнинг иқтисод қилиниши

KPI	Самарадорлик кўрсаткичларига мисоллар
Активлардан фойдаланиш ҳамда инвестицион сиёсат	Молия, раҳбариятнинг иш вақти, алоқа каналлари, компьютер техникаси, транспорт, ишлаб чиқариш дастохлари каби киммат ресурсларидан фойдаланиш жадаллигини ошиш кўрсаткичлари
Таваккалчиликнинг камайиши	Барқарор даромадлар улуши, қўйилмалар қайтмаслигининг қарор қабул қилишдаги ҳатоликлар эҳтимолининг ҳамда ҳатоликлар қийматининг камайтирилиши, кутилаётган даромадлар ва ҳаражатлар ҳисобланишининг ишончлилигининг ортиши, ҳисоб-китоблардаги ҳатоликларнинг камайтирилиши
<b>“Истеъмолчи” йўналиши</b>	
Бозордаги улуш	Ахборот тизими лойихаси амалга оширилгандан сўнг яратилган ташкилот янги маҳсулотининг бозордаги улушки, умумий сотувлар ҳажмидаги мақсадли истеъмолчилар улушки, бозорнинг мақсадли сегментларидаги фирма улушкининг ўсиш тезлиги, мақсадли истеъмолчилар ва бозор сегментларининг белгиланиш аниклиги
Талабнинг сақланиши	Истеъмолчининг содиқлигининг ортиши, улар билан ҳамкорликнинг ортиши, маҳсулотга талабнинг сақланиши ва ортиши, доимий мижозлар тўғрисидаги ахборотларнинг тўлиқлиги
Мижозларнинг жалб қилиниши	Янги мижозларга маҳсулот сотишнинг умумий ҳажми, мижозлар базасининг ортиши, бир имжозни жалб қилишга кетган ҳаражатнинг камайиши, маҳсулотнинг янги мижозларга жозибадорлик даражасининг ортиши
Талабнинг қондирилиши	Мижозлар томонидан маҳсулот ва хизматларнинг юқори баҳоланиши, улар билан алоқанинг мавжудлиги, мижозлар ўртасидаги сўровларнинг самарадорлиги
Истеъмолчиларнинг фойдалилиги	Ҳар бир сотувнинг фойдалилигини аниқ баҳолаш, фойдали мижозларнинг улушки, бозорнинг асосий сегментидаги оғир мижозлар билан муносабатларнинг мослашувчанлиги
Маҳсулот ёки хизматнинг хусусиятлари	Маҳсулотнинг истеъмол қийматининг ортиши, сифатини баҳолашда истеъмолчиларнинг барча гурӯхлари иштирок этиши, асосий маҳсулотнинг барча даромаддаги улушки, ҳар бир маҳсулот учун нарх/сифат нисбатининг яхшиланиши
Мижозлар билан муносабатлар	Мижознинг сўровига жавоб бериш, маҳсулотни ёки хизматни етказиш вақти, кўнгли тўлган мижозлар улушки, мижоз билан муносабатларнинг индивидуаллаштирилганлиги
Ташкилот номи ва обрў-эътибори	Маҳсулотларнинг танилганлиги, мижозларнинг содиқлиги, фойдали мижознинг ва фирма имиджининг аниқ белгиланганлиги, обрў-эътибор ҳамда фирма тамғаси учун қўйилган устама ҳақнинг даражаси

KPI	Самарадорлик кўрсаткичларига мисоллар
<b>“Ички бизнес-жараёнлар” йўналиши</b>	
Инновацион жараёнлар	Янги маҳсулотни ишлаб чиқариши йўлга кўйишга кетадиган вақт, сарф-харажатларнинг қайтиши, янги маҳсулотларнинг фойдалилиги, янгилик даражаси, сотилиш ҳажми, янги маҳсулот ва хизматлар ҳамда маҳсус тақлифлар сони ва сотишнинг энг фойдали даври (ҳаёт цикли)
Хўжалик жараёнлари	Ишаб чиқариш цикли давомийлиги ҳамда самарадорлик коэффициенти, брак ва дефектли маҳсулотлар улуши, синиш, чиқинди ҳамда маҳсулотнинг қайтарилиш ҳажми; стандартлаштирилган маҳсулот миқдори, сифат бошқаруви дастури бўлган бизнес-жараёнлар улуши; маҳсулот яратишнинг ҳар бир босқичининг ҳақиқий нархи
Сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш	Кафолат хизматига мурожатлар сони, кафолат хизмати бажарадиган ишлар нархи, сервис ва кўллаб-куватлаш марказларидағи хизматлар сифати, қайтарилган ва сотилган дефектли маҳсулотлар миқдори; маҳсулот ва хизматларни кредитига сотиш тизимининг вақти, сифати ва нархи, молиявий цикл давомийлиги, кредитор қарздорликдаги молиявий маблағлар улуши
<b>“Ўқитиши ва ўсиш” йўналиши</b>	
Меҳнатдан қониқиш	Ходимларнинг ўз меҳнатлари тўғрисидаги субъектив фикрлари; ижодий ёндошув, қабул қилинган қарорларга даҳдорлик, натижаларнинг тан олиниши, ахборотларга етиша олиш, професионал кўллаб-куватлаш, меҳнатдан умумий қониқиш ҳисси
Меҳнат унумдорлиги	Битта ходимга тўғри келувчи даромад ҳамда кўшимча қиймат, ходимларнинг малакаси, истеъмол қийматини оширувчи ходимлар улуши
Ахборот билан кўллаб-куватлаш	Керакли ахборотларнинг ишончлилиги ва тўлиқилиги, етказилишининг кафолатланганлиги ва тезлиги, меҳнатнинг автоматлаштирилганлик даражаси, ходимнинг меҳнатига мос келиши, унинг ахборот талабларининг қондирилиш даражаси
Корпоративлик	Ахборот тизими лойиҳаси мақсадларининг қабул қилинганлик ҳамда кўллаб-куватланганлик даражаси, унинг амалга оширилишида актив иштирок этувчилар сони
Ходимларни рағбатлантириш	Битта ходимга тўғри келувчи ташаббус ва тақлифлар ҳамда амалга оширилган ташаббуслар миқдори

**Баланслаштирилган кўрсаткичлар тизимининг қўлланилиши.** Ташкилот мақсадларига мувофиқ айнан шу корхона учун тузиб чиқилган ихтисослаштирилган кўрсаткичлар тизими асосида ахборот хизмати барча бўлинмалар ҳодимлари учун ўлчаниши мумкин бўлган мақсадлар белгиланади ҳамда уларнинг бажарилиши назорат остига олинади. Кўрсаткичлар белгиланганидан орта қолган ёки бажарилмаган тақдирда ташкилот раҳбарияти томонидан тегишли чоралар кўрилади: қўшимча топшириклар берилади, қўшимча молия ажратилади ёки бошлангич мақсадларга ўзгартириш киритилади.

Шундай қилиб, BSC 4 та ўзаро боғлиқ йўналиш бўйича мақсад ва кўрсаткичларни бирлаштириш асосида тизимнинг яхлитлигини таъминлаб беради. BSC нинг кўриб чиқилган йўналишларини уларнинг кўрсаткичларининг таъсир қилиш даври бўйича жойлаштириш мумкин.

**“Молия”** йўналиши, одатда, “**ўтган даврни**” таърифлайди. Бундай кўрсаткичлар нисбатан тор қарашларнинг асоси бўлишига қарамай, улар шубҳасиз “бошқарув фаолиятининг танқидий хулосаси” вазифасини бажаради.

“Истеъмолчи” йўналиши “**буғунги кун**” баҳосидир, яъни бозор ҳажми ҳамда истеъмолчиларнинг лаёқатини тўғри баҳолаш кутилаётган молиявий натижани белгилаб беради.

“Ички бизнес-жараёнлар” йўналиши “**яқин келажак**”ни баҳолайди. Маҳсулот ва хизматлар яратилишининг вақти, сифати ва нарҳини баҳолаш - бу мавжуд технологиянинг рақобатдаги устунликларини баҳолашдир. Унинг асосида қисқа даврдаги бозор, харидорларнинг ҳаракатлари ҳамда маҳсулот ва хизматларга қизиқишиларини олдиндан тахмин қилиш мумкин.

“**Ўқитиш ва ўсиш**” йўналиши “**узоқ муддатли келажак**”ни баҳолайди. Ҳодимларнинг интеллектуал салоҳияти, уларнинг касб маҳоратларининг ўсиши, илгор технологияларнинг қўлланилиши корхонанинг узоқ муддатли рақобатбардошлигини таъминлайди.

Яъни, BSC йўналишлари даврий занжир сифатида қўйидагича кўринишга эга бўлади: “**ўтган давр - буғунги кун - яқин келажак - узоқ келажак**”.

1. Мақсадни аниклаш - нимага эришмоқчимиз?
2. Кўрсаткичларни танлаш - нима аҳамиятлироқ?
3. Кўрсаткичларни белгилаш - нималарни ўлчаймиз?
4. Натижани кўра билиш - нимани ўзгартириш керак?
5. Келишиш - “мусиқани”ким буоради?
6. Кейинги қадамни режалаштириш - кейин қаерга борамиз?

3-расм. BSC ни жорий этиш босқичлари

**Баланслаштирилган кўрсаткичлар тизимини жорий этиш босқичлари З-расмда кўрсатилган.** Бу жараён давомида қўйидаги **тамойилларга албатта амал қилиш лозим:**

- ўзгаришларни юқори **раҳбарият** амалга ошириши;
- стратегияни амалга ошириш **доимий жараёнга**

айланishi;


- стратегиянинг амалга оширилишига барча ходимлар ўз иш ўринларида жалб этилиши;

- стратегиянинг амалга оширилиши учун ташкилот тузилмаси қайта кўриб чиқилиши;

- стратегия меҳнат жамоасининг ҳар бир аъзосига етказилиши.

Ташкилотда стратегияни амалга ошириш жараёнида нафақат BSC доирасида танланган самарадорлик кўрсаткичларининг мақсадли каттапликлари, балки кўрсаткичларнинг таркиби ҳам ўзгариб бориши мумкин.

BSC нинг ташкилотда ахборот тизимини ишлатишнинг самарадорлик даражасини аниқлаш учун ишлатишнинг асосий шарти - корхонада асосий фаолиятни баҳолаш учун ҳам BSC тизимининг йўлга қўйилганлигидир. Амалда, Ўзбекистонда BSC ёки унга ўхшаш стратегик бошқарув тизимлари йўлга қўйилган корхоналарнинг сони жуда кам.



4-расм. Чегараланган BSC тизими элементлари

Бундай ҳолларда баҳолашнинг "юқоридан" эмас, балки аниқ ахборот тизими лойиҳасидан келиб чиқсан ҳолда самарадорликни "қуидан" ўлчаш имкониятини таклиф қилиш мумкин. Бунинг учун ахборот хизмати ўзининг даражасида кўриб чиқилаётган ахборот тизими таъсир қилиши мумкин бўлган ташкилотнинг стратегик мақсадлари ва улардан келиб чиқадиган муваффакиятга эришишнинг асосий факторлари ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари эътиборга олинади (4-расм).

Албатта бундай ҳолда яратилган муваффакиятга эришишнинг асосий факторлари ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари тўплами тўлиқ BSC бўла олмайди ва ўзига хос чегараланган BSC тизими вужудга келади.

Бунга қарамай танланган кўрсаткичлар ташкилотнинг қисқа ва ўрта муддатли мақсадларига эришишда фойдали бўлади.

### 5. Ахборот тизимлари класификацияси. Электрон ҳукумат тушунчаси

1-боб доирасида (1- ҳамда 4-мавзулар) кўрсатиб ўтилганидек, идеал ҳолда маълум муассаса доирасида барча ходимлар, хизматлар ва бўлиннамаларнинг барча ахборот эҳтиёжларини қондирувчи ягона корпоратив комплекс ахборот тизими ишлатилиши керак бўлса-да, амалда бирон-бир ташкилот ёки муассасанинг, ишлаб чиқариш корхонасининг барча қирралари ва фаолият турларини қамраб олувчи ахборот тизимини яратиш анча мураккаб ёки умуман иложи бўлмаган иш, ёки иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлиши мумкин.

Бу ҳолда табиий саволлар туғилади: ахборот тизимларининг турлари қандай бўлади? Уларни бир-биридан қандай хусусиятларига қараб ажратиш мумкин? Бу саволларга жавоб бериш учун ахборот тизимларининг класификациясини, яъни, бир қатор хусусиятлар бўйича таснифлашини кўриб чиқамиз (5-расм).

#### Архитектураси бўйича ахборот тизимларининг турлари:

**тақсимланмаган** (*desk-top*) ёки **локал** ахборот тизимларида уларнинг барча қисмлари (маълумотлар базаси, маълумотлар базасини бошқариш тизими, фойдаланувчилар ишлатадиган дастурий таъминот) битта қурилма (компьютер) да жойлашган бўлади ва ишлатилади;

**тақсимланган** (*distributed*) ахборот тизимларида уларнинг қисмлари бир нечта қурилмалар (компьютерлар) ўртасида тақсимланган бўлади.

**Тақсимланган** ахборот тизимлари ўз навбатида қуидаги турларга бўлинади:


**файл-серверли** ахборот тизимларида маълумотлар базаси серверларда, маълумотлар базасини бошқариш тизими ҳамда фойдаланувчилар ишлатадиган дастурий таъминот фойдаланувчиларнинг компьютерларида жойлаштирилади;

**клиент-серверли** ахборот тизимларида маълумотлар базаси ҳамда маълумотлар базасини бошқариш тизими серверларда, фойдаланувчилар ишлатадиган дастурний таъминот эса уларнинг компьютерларида жойлаштирилади.

Ўз навбатида **клиент-серверли** ахборот тизимлари қуидаги турларга бўлинади:

**Икки погонали** (*two-tier*) ахборот тизимларида икки хил погонадаги компьютерлардан фойдаланилади, яъни маълумотлар базаси ҳамда маълумотлар базасини бошқариш тизими жойлаштирилган **серверлар** (*back-end*) ҳамда фойдаланувчилар ишлатадиган дастурий таъминот ўрнатилган **ишли станциялар** (*front-end*). Фойдаланувчилар ишлатадиган дастурий таъминот маълумотлар базасини бошқариш тизимига бевосита мурожаат қиласи.

**Күп погонали (multi-tier)** ахборот тизимларида оралиқ погоналар - дастурлар сервери (*application server*) күшилади. Фойдаланувчилар ишлатадиган дастурий таъминот маълумотлар базасини бошқариш тизимиға бевосита эмас, балки оралиқ погоналарга мурожаат қилишади. Күп погонали тизимларга мисол қилиб маълумотлар базасидан фойдаланувчи замонавий веб-тизимларни келтириш мумкин. Бундай тизимларда **маълумотлар базасини бошқариш тизими** ҳамда веб-браузерларда ишлайдиган фойдаланувчи погоналаридан ташқари камидан яна битта оралиқ погона - тегишли дастурий таъминот ўрнатилган **веб-сервер** мавжуд бўлади.



**Автоматлаштириш даражаси бўйича ахборот тизимларининг турлари:**

автоматлаштирилган ахборот тизимларида барча ишлаб чиқариш жараёнлари ҳам компьютерлаштирилган бўлмайди, яъни автоматлаштириш даражаси тўлиқ бўлмайди ва доимий равишдаги инсон иштироки талаб қилинади;

**автоматик ахборот тизимларида** эса барча ишлаб чиқариш жараёнлари компьютерлаштирилган бўлади, яъни автоматлаштириш даражаси тўлиқ бўлади ва инсон иштироки талаб қилинмайди ёки фақатгина вақти-вақти билангина керак бўлади.

1-бобнинг 1-мавзусида кўриб чиқилган ахборот тизими тушунчасига берилган замонавий таърифларнинг барчасида дастурий ва техник воситаларнинг қўлланилиши мажбурийлиги кўрсатиб ўтилган эди. Шунинг учун ҳам компьютерлар ишлатилмайдиган “қўлда” ишлайдиган ахборот тизимлари бўлмайди. Бундан келиб чиқадики, “автоматлаштирилган ахборот тизими”, “компьютерлаштирилган ахборот тизими” ва “ахборот тизими” тушунчалари ўзаро маънодош, яъни синонимлардир.

**Ахборотларни қайта ишлаш турлари бўйича ахборот тизимларининг турлари:**

**ахборот-маълумот** ёки **ахборот-қидириув** тизимларида маълумотларни қайта ишлашнинг мураккаб алгоритмлари қўлланилмайди ҳамда уларнинг асосий мақсади ахборотларни қидириш ва қулай ҳолда тақдим этишдан иборат бўлади;

**маълумотларни қайта ишлаш** ёки **қарор қилувчи тизимларда маълумотлар** анча мураккаб алгоритмлар ёрдамида қайта ишланади. Улар қаторига **автоматик бошқарув тизимлари** ҳамда **қарор қабул қилишни қўллаб-кувватлаш тизимлари** киради.

Қарор қабул қилишни қўллаб-кувватлаш тизимлари орасида эксперт тизимлари деб аталувчи муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида мутахассис-инсонларни қисман бўлсада **алмаштириш** ёки унга ёрдам бериш **мақсадида** яратиладиган ҳамда маҳсус соҳалардаги алоҳида амалий масалаларни ечишни таъминлайдиган тизимлар алоҳида урин туади. Эксперт тизимлари мутахассис-инсонларнинг билимлари ва тажрибаси асосида яратилган **билимлар базаси**, **мантикий хуроса чиқариш усули** ҳамда **қарор қабул қилиш алгоритмларидан** фойдаланади. Бунда билимлар базаси деганда, танланган муаммоли соҳадаги **мантикий хуроса** қоидалари ҳамда фактлар мажмуаси тушунилади. Айрим эксперт тизимлари ўзларининг **билимлар базасини ривожлантириши** ва бундан аввалги муаммолар билан боғлиқ тажрибаларга асосланган ҳолда янги қоидаларни **келтириб чиқариш** ёки **мавжуд қоидаларни такомиллаштириш имкониятларига эга** бўлади.

Ҳар бир ахборот тизими маълум ва аниқ бир ёки бир неча хил фаолият йўналиши билан шуғулланувчи ташкилот ёки муссаса доирасидаги ахборотга бўлган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган бўлишини хисобга олсан, **қўлланилиш соҳаси бўйича ахборот тизимларининг турлари** хилма-хил эканлиги маълум бўлади.

Мисол тариқасида уларнинг бир нечтасини таърифлаб ўтамиш:

**иқтисодий ахборот тизими** - корхона, ташкилот ёки муассасадаги бошқарув функцияларини бажарышга мүлжалланган ахборот тизими;

**тиббий ахборот тизими** - даволаш ёки даволаш-профилактика муассасасиди құлланилишга мүлжалланган ахборот тизими;

**географик ахборот тизими** (геоинформационная система (ГИС)) - алоҳида аниқ бир макондаги объектларнинг координаталари тұғысидаги маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, тасвирлаш, етказиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланувчи ахборот тизими ва ҳок.

Қайта ишланыёттан ахборотларнинг фойдаланиш чегараси бўйича: эркин фойдаланиши чекланмаган ҳамда фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот тизимлари ахратилади.

**Ҳал қилинаётган масалаларнинг кўлами бўйича ахборот тизимларининг турлари:**

**шахсий ахборот тизими** - битта инсоннинг ахборотга бўлган эҳтиёжларининг барчасини ёки бир қисмини қондиришга қаратилган ахборот тизими;

**гуруҳ ахборот тизими** - ташкилот, корхона ёки муассасадаги бирон-бир бўлинма ёки ишчи гуруҳнинг биргаликда фаолият юритиши давомида мавжуд ахборотлардан биргаликда фойдаланиш ҳамда гуруҳ аъзоларинининг ахборотларга бўлган эҳтиёжларининг барчасини ёки бир қисмини қондиришга мүлжалланган ахборот тизими;

**корпоратив ахборот тизими** - маълум муассаса доирасида барча ходимлар, хизматлар ва бўлинмаларнинг барча ахборот эҳтиёжларини қондирувчи ўзаро мослашганлик, жараёнларнинг етарли ва ортиқсизлиги ҳамда шаффофлиги тамойиллари асосида яратилган ягона ва яхлит ахборот тизими;

**тармоқ (соҳа) ахборот тизими** - иқтисодиётнинг бутун бир тармоғини бошқариш давомида юзага келадиган барча ахборот эҳтиёжларини қондирувчи ўзаро мослашганлик, жараёнларнинг етарли ва ортиқсизлиги ҳамда шаффофлиги тамойиллари асосида яратилган ягона ва яхлит ахборот тизими. Асосан давлат бошқарув органлари, яъни вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, қўмиталар, марказлар ҳамда назорат инспекциялари фаолиятини ахборотлаштириш давомида яратилади;

**худудий ахборот тизими** - алоҳида туман, шаҳар, вилоят ёки бошқа бир турдаги ҳудудий бирлик доирасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, коммунал хизматлар кўрсатилиши ҳамда жамият ҳаётининг бошқа барча соҳа ва йўналишларининг ҳолатини кузатиб бориши ва бошқариш жараённида маҳаллий давлат ҳокимияти органларида вужудга келиши мумкин бўлган барча ахборот эҳтиёжларини қондирувчи ўзаро мослашганлик, жараёнларнинг етарли ва ортиқсизлиги ҳамда шаффофлиги тамойиллари асосида яратилган ягона ва яхлит ахборот тизими. Асосан ҳудудий (шаҳар, туман ва вилоят) ҳокимиятлар томонидан яратилади;

**хукумат ахборот тизими** - давлат миқиёсидаги бошқарув жараёнлари доирасида вужудга келадиган барча ахборот эҳтиёжларини қондириш, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ҳамда жамиятнинг барча аъзолари учун ижтимоий алоқалар доирасидаги сарф-ҳаражатларни камайтириш мақсадида ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари ахборот тизимлари асосида яратилган ягона ва яхлит ахборот

**тизими.** Бугунги кунга келиб ҳукумат ахборот тизими түшүнчеси ўрнига электрон ҳукумат түшүнчеси кенг құлланмоқда.

Бу түшүнчани қуйида көнгрөк күриб чиқамиз:

**миллий ахборот тизимига** давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва худудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари киради. Миллий ахборот тизими унинг **таркибиға киравчы ахборот тизимларининг** ўзаро ҳамда халқаро ахборот тизимлари билан бир-бирига **мослигини ҳисобга олган ҳолда яратилади** [1. 15-модда]. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки. мамлакатимизда "ахборотлаштырыш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштыришнинг замонавий жағон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда **миллий ахборот тизимини яратыша қаратилган**"лиги ҳам қонунчиликда белгилаб қўйилган [1. 4-модда].

Келтирилган тарифлардан ҳам кўриниб турибдики ахборот тизимларининг **миқиёси** ва **кўлами** ортиб борган сари улар фаолият олиб борадиган ахборот макони ҳам кенгайиб ортиб боради ҳамда ўзидан олдинги турдаги ахборот тизимларини ўз ичига олади.

Юқорида айтиб ўтилганидек "электрон ҳукумат" - ўзига хос ахборот тизими бўлиб замонавий жамиятда бир қатор вазифаларни бажариш мақсадида яратилади. Улар қаторига қуидагилар киради:

ахоли ва тадбиркорлик субъектларига **кўрсатиладиган** давлат **хизматларини оптималлаштириш**;

фуқаролар ва тадбиркорларнинг **ўзига-ўзи** хизмат **кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш** ва қўллаб-кувватлаш;

географик жойлашиш ва узоқ масофалар омили **таъсирини камайтириш** ёки умуман йўқотиш;

барча сайловчиларнинг мамлакатни бошқариш ва ривожлантириш жараёнларидаги иштироки даражасини ошириш;

давлат органларининг фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўзаро алопага киришгандарида ахборот технологиялари имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш ҳисобига инсон омили **таъсирини минималлаштириш**.

"Электрон ҳукумат" жорий этилиши натижасида қуидагиларга эришиш мумкин: самарали ва нисбатан кам ҳаражатли бошқарувни ташкил этиш; ҳукуматнинг жамият ҳамда фуқаролар билан муносабатларининг тубдан ўзгариши; **фуқаролик жамиятининг ривожланиши** ҳамда ҳукуматнинг халқ олдидаги жавобгарлигининг ортиши; аҳолининг мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ҳолат ва ўзгаришлар тўғрисидаги объектив ҳаққоний маълумотта эгалиги.

**Электрон ҳукумат тизимининг яратилиши** электрон кўринишдаги ҳужжатларни бошқариш ва қайта ишлаш билан боғлик бўлган барча масалаларни ҳал қилиш имконини берадиган **тақсимланган умумда давлат технологик инфратузилмасининг**, ҳамда унинг асосида функционал вазифаларни бажарувчи **устқурма яратилишини** кўзда тутади.

Рисоламизнинг 18-маъзуси доирасида "электрон ҳукумат" тизими билан боғлиқ масалалар батафсил таҳлил қилинади.

## **6. Ахборот тизимлари. Яратиш тамойиллари ва тартиби**

Кўриб чиқилган мавзулар доирасида қайд этиб ўтилганидек ахборотлаштириш жараёнларида ахборот тизимлари марказий ўринни эгаллади. Ўни ахборотлаштириш самараси ҳамда белгиланган мақсадларга эришилиши кўп ҳолларда айнан ахборот тизимларининг яратилиши босқичларининг тўғри тартибда ва сифатли амалга оширилишига боғлик бўлади. Мазкур мавзу доирасида айнан шу масалаларга бевосита тўхталиб ўтамиш.

Хар қандай ахборот тизимларини яратиш давомида қуйидаги тамойилларга амал қилиш керак бўлади [15]:

**модуллилик** - ҳар қандай ахборот тизими ўзининг ҳар бир даражасида турли масалаларни ечишга мўлжалланган алоҳида модуллардан ташкил топган бўлиши керак. Бундай ёндошувнинг бир қатор афзалликлари бўлиб улар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин: тизимни босқичма-босқич ишга тушириш имконияти; алоҳида функционал масалаларга ўзгартириш киритилаётганда бошқаларининг фаолияти ҳамда ишлаш қобилиятига таъсир қиласлик; ишлатилишига эҳтиёж бўлмаган модулларни умуман тизимдан бетаъсир чиқариб ташлаш ва янги модулларни киритиш; керак ҳолларда тизимнинг ишдан чиқкан ёки ўзгартирилиши керак бўлган модулларини бошқаларига бетаъсир тўхатиб кўйиш ёки ўзгартириш ва ҳоҳ.;

**очиқлик** - яратилаётган тизимнинг отдиндан мавжуд ва бошқа корхоналарда ишлатилаётган тизимлар билан автоматик равишда ахборот алмашина олиш қобилияти албатта амалга оширилиши лозим. Ўз-ўзидан тушунарлики, ушбу тамойилга амал қилинганда янги яратилаётган ахборот тизимининг унгача ишлатилаётган тизимлар билан мослашилишига алоҳида ҳаржат қилиниши ёки қўшимча амаллар бажарилишининг одди олинади;

**кўламдорлик** - тизимнинг ишлатилиш кўламининг кенгайиши билан боғлик ҳолда қўлланилаётган техник воситаларнинг қувватининг ортиб бориши тизимнинг умумий имониятлари даражасини мос равишда ошириб бориши керак. Баъзи ҳолларда ахборот тизимлари яратилаётганда ушбу тамойилга эътибор берилмаслиги натижасида тизим тез ривожланиб бораётган компьютер техникаси имониятларидан ортда қолиб кетади ва натижада тизимнинг яратилиши охирига етмай туриб биринчи босқичларда яратилган қисмлар (модуллар) янгитдан лойиҳаланиши ва амалга оширилиши лозим бўлиб қолади;

**тақсимланганлик** - тизим доирасида фойдаланиладиган ҳамда қайта ишланадиган маълумотларни ягона бир жойда эмас, балки турли погоналарда жойлаштириш. Масалан тармоқ кўламидаги ахборот тизимларида фақатгина алоҳида туман даражасида ишлатиладиган маълумотларни марказда турган маълумотлар базасида жойлаштириш ахборотларни узатиш тармогига кўйиладиган талабларнинг самарасиз ортиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ушбу маълумотларни фақатгина тегишли туман ҳудудида жойлаштириш сезиларли иқтисодий самара

беради. Ушбу тамойилни нафакат ахборот фонди, балки шунингдек дастурий таъминот учун ҳам тадбиқ этиш лозим бўлади. Бунинг учун замонавий маълумотлар базасини бошқариш тизимларининг имкониятларидан имкони борича кенгрок фойдаланиш керак;

**конфиденциаллик** - тизимдаги барча маълумотларнинг муаллифи ёки келиб чиқиш манбаи аниқ бўлиши ҳамда ўзлари аталган фойдаланувчилар томонидангина ўқилиши имкони берилиши лозим. Бошқачасига айтганда, ҳар қандай маълумот билан танишиш ҳуқуқи фақаттина тегишли фойдаланувчиларга берилиши ҳамда бошқа фойдаланувчиларга берилмаслиги керак. Мисол учун, ходимлар тўғрисидаги автобиографик маълумотлар таъминлаш хизматлари вакилларига берилиши мумкин эмас;

**ҳимояланганилик** - конфиденциаллик тамойилидан фарқли равишда, маълумотларнинг тарқалиб кетишидан эмас, балки техник носозликлар, фойдаланувчиларнинг билиб-бilmай қилган хатолари ёки бошқа сабаблар туфайли умуман йўқотилиши олдини олиш назарда тутилади. Одатда ушбу тамойилга жавоб бериши учун захира серверлари, компьютерлар ва алоқа воситаларини ўрнатиш; маълумотлар базаларининг захира нусхаларини даврий (имкони бўлганда автоматик) равишда олиб туришни кўзда тутиш лозим бўлади.

Умуман олганда, ахборотларни ҳимоя қилиш ва конфиденциаллигини сақлаш ўз ичига бир қатор ташкилий-ҳуқуқий, техник, дастурий ҳамда кадрлар билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларнинг бутун бир мажмуаси амалга оширилиши лозим. Мазкур масалаларни 2-кисм доирасида батафсил кўриб чиқамиз.

Ўзбекистонда амалда бўлган меъёрий хужжатларга кўра [16,17] ахборот тизимларини яратиш босқичлари шартномалар ва техник топшириқ доирасида белгиланади.

Ахборот тизимларини яратишнинг асосий босқичлари (6-расм) куйидагилардан иборат:

- ахборот тизимида кўйиладиган талабларни шакллантириш;
- ахборот тизими концепциясини яратиш;
- техник топшириқни ишлаб чиқиш;
- эскиз лойиҳани амалга ошириш;
- техник лойиҳани амалга ошириш;
- ишлатиш хужжатларни ишлаб чиқиш;
- ахборот тизимини ишга тушириш;
- ахборот тизимини кузатиб бориш ва қўллаб-қувватлаш.

Юқорида ҳавола қилинган хужжатларга мувофиқ, бу жараён давомида "эскиз лойиҳани амалга ошириш" босқичини тушириб қолдириш ҳамда "техник лойиҳани амалга ошириш" ва "ишчи хужжатларни ишлаб чиқиш" босқичларини бирлаштиришга рухсат берилади. Шунингдек яратилётган ахборот тизимининг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда баъзи босқичларни аввалгиларидан олдин тугатиш, параллель равишда амалга ошириш ва янги босқичларни киритишга рухсат берилади.

Юқорида санаб ўтилган барча босқичларни батафсил кўриб чиқамиз.

**1. Ахборот тизимиға қўйиладиган талабларни шакллантириш ахборот тизими яратилишини асослаб беришдан бошланади. Ушбу босқичида умумий ҳолда қўйидагилар амалга оширилади:**

- |                            |
|----------------------------|
| 1. Талабларни шакллантириш |
| 2. Концепция               |
| 3. Техник топшириқ         |
| 4. Эскиз лойиҳаси          |
| 5. Техник лойиҳа           |
| 6. Хужоатлаштириш          |
| 7. Ишга тушириш            |
| 8. Қўллаб-кувватлаш        |

6-расм. Ахборот тизимларини яратиш босирчлари

**ахборотлаштириш объекти, шу жумладан олиб борилаёттан фаолият турлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш;**

**ахборотлаштириш объекти фаолиятининг сифатига баҳо берилади ҳамда ахборот тизими ёрдамида ҳал қилиниши мумкин бўлган муаммолар аниқланади;**

**ахборот тизимини яратишнинг мақсадага мувофиқлиги техник, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа нуқтаи назарлардан баҳоланади.**

Шундан сўнг ахборот тизимини яратиш бўйича танлов ўтказиш учун танлов хужоатларини таёrlашга киришилади. Танлов хужоатларининг сифатли ва аниқ тайёрланиши мақсадида четдан маҳсус лойиҳалаш ташкилотлари алоҳида танлов асосида жалб этилиши мумкин. Яратиш бўйича танлов хужоатларини тайёрлаётган ташкилот кейинчалик яратиш бўйича ўтказиладиган танловда иштирок эта олмайди.

Танлов хужоатларини тайёрловчи аниқлангандан кейин бевосита ахборотлаштириш обьектини ўрганиш ҳамда фойдаланувчиларнинг ахборот тизимиға талабларини шакллантиришга киришилади. Бунинг учун биринчидан талабларни шакллантириш учун бошланғич маълумотлар тайёрланади. Улар қаторига ахборотлаштириш обьекти хусусиятлари, тизимиға талабларнинг умумий кўриниши, яратиш ва ишга тушириш харажатларининг максимал микдори, кутилаётган самара, яратиш ҳамда ишлатиш шарт ва шароитлари, фойдаланувчиларнинг ахборот тизимиға талаблари ва ҳок. киради.

**Иккинчидан тизим яратилишининг имкониятлари қўйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланади:**

қаторига умумий харажатлар, муддатлар, талаб ва бошқаларни ўз ичига олган иқтисодий кўрсаткичлар кетадиган харажатларни олинадиган самара билан ўзаро солишишига асосланиб аниқланади (техник-иктисодий ҳисоб-китоблар);

**технологик кўрсаткичлар** қаторига ишлатиладиган барча ресурслар, қўлланиладиган усуллар ҳамда услубларни аниқлаш ва бошқалар киради;

кўйилган мақсаднинг амалдаги қонунчилик, ташкилотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда ўзига олган мажбуриятларга мос келишининг тахлили натижасида **хукукий кўрсаткичлар**.

**Учинчидан йўл қўйилаётган таваккалчилик даражаси баҳоланади.** Тизимнинг ишончлилигини ошириш учун қўйидаги кетма-кетликни бажариш тавсия этилади:

**таваккалчиликнинг манбаларини аниқлаш, гурухларга ажратиш, ҳар бир таваккалчиликини, унинг лойиҳага таъсир дараҷаси ва доирасини, табиатини, юзага келиш вақти, давомийлиги ва даврийлигини алоҳида аниқлаш ҳамда уларнинг турли комбинациялари (биргалиқда юзага келиш эҳтимоллари ва оқибатлари) ни кўриб чиқиш орқали таҳлил қилиниши;**

**ҳар бир таваккалчиликнинг мумкин бўлган ва чегаравий қийматларини белгилаш, камайтириш имкониятларини кўриб чиқиш (харажатлар ва чекловларни баҳолаш) ҳамда тегишли чораларни кўриш, чегаравий ҳолатлардаги ҳаракатлар режасини тузиш ва таваккалчиликни кузатиб бориш усулини ишлаб чиқиш орқали таваккалчиликни бошқариш йўлларининг белгиланиши.**

Талаблар умумий ҳолда аниқлангач, бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот ҳамда ахборот тизимини яратишга буюртма ёки ўхшаш мазмунга эга бўлған бошқа **хужжатлар расмийлаштирилади**. Бу хужжатлар қуидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак [18]:

тизимга талаблар;  
тизимни қўлланилиш соҳасининг тавсифи;  
танлов иштироқчиларига курсатмалар;  
дастурий маҳсулотлар рўйхати;  
буюртмани бажариши муддатлари ва шартлари;  
пудратчиларни назорат қилиш қоидалари;  
техник чекловлар (масалан, ишлатиш шарт-шароитлари бўйича).

Талаблар тегишли ҳолда расмийлаштирилгач, дастлабки **техник-иктисодий ҳисоблашлар (ДТИХ)** амалга оширилади, экспертизадан ўтказилади ҳамда тасдиқланади [19].

ДТИХ ва бошқа тайёрланган хужжатлар асосида ахборот тизимини яратиш бўйича **танлов хужжатлари тайёрланади** ҳамда тегишли **танлов ўтказилади**. Танловнинг асосий **мақсади** нафакат қилинаётган **молиявий харажатларнинг самарали ишлатилишини**, балки харид қилинаётган **товар-моддий бойликлар** ҳамда дастурий **маҳсулотларнинг юқори сифатини** ҳам таъминлашдан иборат [20]. Танлов ўтказилиши талаби давлат ташкилот ва муасссалари ахборот тизимларини яратиш учун мажбурий бўлиб, бошқа ҳолларда тавсия сифатида қабул қилиниши керак.

Ниҳоят, танлов натижалари асосида якуний **техник-иктисодий ҳисоблашлар (ТИХ)** амалга оширилади.

**2. Ахборот тизими концепциясини яратиш пудратчи ташкилот** (ахборот тизимини яратиш бўйича ўтказилган танлов голиби) томонидан ахборотлаштириш объектини чукур ўрганиш ҳамда, керакли ҳолларда, илмий текшириш ишларини ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича ҳисоботлар тайёрлашдан бошланади. Бундай изланишларнинг асосий мақсади ахборот тизимига қўйиладиган талабларнинг бажарилиш имкониятларини баҳолаш ҳамда мукаммал йўлларини аниқлашдан иборат.

Шундан сўнг яратилаётган ахборот тизимининг концепциясининг бир нёча хил муқобил таҳрирлари, уларни амалга ошириш режалари ишлаб чиқилади; муқобил концепцияларни амалга ошириш ва ишлashingни таъминлаш учун зарурий ресурслар рўйхати ва микдори баҳоланади; ҳар бир концепциянинг ижобий ва салбий томонлари таҳлили амалга оширилади; фойдаланувчи талаблари билан таклиф этилаётган

тизимларнинг кўрсаткичлари солиширилди ва мукаммал таҳрир танлади; тизим сифатини аниқлаш фойдаланишга қабул қилиш шартлари аниқланади; тизимнинг эҳтимолий самараси баҳоланади.

Санаб ўтилган қадамлар тугаллангандан сўнг бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар, таклиф этилаётган концепция таҳрирининг матни ҳамда танланишининг асосланишини ўз ичига олган ҳисобот ёзилади.

**3. Техник топшириқни ишлаб чиқиш учун амалдаги стандартлардан [21] фойдаланган ҳолда тизимга ёки керакли ҳолларда, унинг алоҳида қисмларига бўлган техник топшириклар ишлаб чиқилади, келишилди ҳамда буюртмачи ва пудратчи томонидан тасдиқланади.**

Икки томонлама тасдиқланишининг маъноси шундан иборатки, буюртмачи қўйилаётган талабларни бошқа ўзгартирмаслик, пудратчи эса мазкур талабларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини оладилар.

Ахборот тизимининг техник топшириғи умумий ҳолда қўйидаги бўлимларни ўз ичига олиши керак:

**А. Умумий маълумотлар:** тизимнинг тўлиқ номи ва шартли белгиланиши; буюртмачи; пудратчи; тизимни яратиш учун асос; ишларни бошлаш ва тутаишнинг режадаги муддатлари; молиялаштириш майбалари; ишлар натижаларини расмийлаштириш ва топшириш тартиби.

**Б. Тизимнинг мақсад ва вазифалари.**

**В. Ахборотлаштириш объектининг хусусиятлари.**

**Г. Тизимга талаблар уч гурухга бўлинади:**

**Г1. Тизимга умумий талаблар:** тизим тузилмаси ва ишлатилиши; унда ишлайдиган ходимлар сони, малакаси ҳамда иш тартиби; мақсадга мувофиқлик кўрсаткичлари; ишончлилик талаблари; хавфсизлик талаблари; эргономика ва техник эстетика; қўчириш имкониятлари; ишлатиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва қисмларни сақлаш; ахборотларни ҳимоя қилиш шу жумладан фавқулодда вазиятларда ахборотларни ҳимоя қилиш; ташки таъсирдан ҳимоя; интеллектуал ҳукуқларни эътиборга олиш; стандартлаштириш ҳамда унификация талаблари ҳамда қўшимча талаблар.

**Г2. Тизим бажарадиган функцияларга талаблар.**

**Г3. Таъминот турларига талаблар,** шу жумладан: математик, ахборот, лингвистик, дастурий, техник, метрологик, ташкилий ҳамда услубий таъминотга бўлган талаблар.

**Д. Тизимни яратиш бўйича бажариладиган ишларнинг тарқиби ва мазмуни.**

**Е. Тизимни яратиш бўйича ишларни назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби.**

**Ж. Тизимни қабул қилишга тайёрлаш бўйича ишларнинг тарқиби ва мазмуни.**

**З. Ҳужожатлаштиришга талаблар.**

**И. Тизимни яратища фойдаланиладиган майбалар.**

**4. Эскиз лойиҳани амалга ошириш босқичида тизим ва унинг қисмлари бўйича бошлангич лойиҳавий ечимлар яратилади ва қўйидагиларга аниқлик киритилади:**

ахборот тизимининг функциялари;

алоҳида қисмлар ва модулларнинг мақсадлари, функциялари ҳамда фаолияти натижалари;

ечилиши лозим бўлган алоҳида масалалар ва масалалар комплекслари таркиби;

ахборот базасининг концепцияси ҳамда унинг таркибига кирувчи алоҳида ахборот ресурсларининг ташкил этилиш тузилмаси;

маълумотлар базасини бошқариш тизими бажариши лозим бўлган функциялар таркиби;

ҳисоблаш тизимининг таркиби;

асосий дастурний маҳсулотларнинг функциялари ва техник кўрсаткичлари.

5. **Техник лойиҳани амалга ошириш босқичида биринчидан тизим ва унинг қисмлари бўйича лойиҳавий ечимлар ишлаб чиқилади.** Бунинг учун тизими ва унинг қисмлари, унинг функционал-алгоритмик тузилмаси, ходимларнинг функциялари ва ташкилот ташкилий тузилмаси, техник воситалар таркиби, масалалрни ечиш алгоритмлари ва дастурлаш турлари, ахборотлар базасини ташкил этиш ва юритиш, маълумотларни таснифлаш ва кодлаш ҳамда дастурний таъминот бўйича умумий лойиҳавий ечимлар ишлаб чиқилади.

**Иккинчидан** қабул қилинган лойиҳавий ечимларни тўлиқ ёритиш ҳамда тизимни амалга ошириш бўйича навбатдаги босқичларни амалга ошириш учун етарли бўлган ҳажмдаги лойиҳа **ва смета хужжатлари тайёрланади**, расмийлаштирилади, келишилади ҳамда **тасдиқланади**.

Учинчидан маҳсус дастурлар ва дастурний воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда сотиб олинадиган дастурний таъминотни танлаш, мослаштириш ҳамда ишлаб чиқилайтган дастурларга бoggлаш ишлари амалга оширилади.

Шундан сўнг, **тўртингчидан**, керакли ҳолларда ахборот тизимини яратиш билан боғлиқ бўлган курилиш, электротехник, санитар-техник ҳамда бошқа **тайёргарлик ишларини лойиҳалаштириш** учун топшириклар ишлаб чиқилади, расмийлаштирилади, келишилади ҳамда **тасдиқланади**.

**Бешинчидан**, мазкур босқич сўнгида, қўйидагиларни ўз ичига оғган курилиш-монтаж ишлари амалга оширилади: маҳсус техник воситалар (масалан, серверлар) ҳамда ходимларни жойлаштириш учун маҳсус бино, иншоот ёки хоналарни тайёрлаш; кабель каналлари ётқизиш; техник воситалар ва алоқа тармоқларини монтаж қилиш; монтаж қилинган техник воситаларни синовдан ўтказиш; ишга тушириш-созлаш ишларини амалга ошириш учун техник воситаларни топшириш.

6. Ишлатиш **хужжатларни ишлаб чиқиш** босқичида ахборот тизимини ишга тушириш, ишлатиш ҳамда ишлатиш **кўрсаткичларини** (сифат) лойиҳавий ечимларда кўзда тутилган даражада ушлаб тuriш учун **керакли ва етарли бўлган ҳажмдаги хужжатлар тайрланади**.

Амалдаги меъёрий хужжатлар [21] талабларига мувофиқ расмийлаштириладиган ишлатиш хужжатлари қаторига қўйидагилар киради: ўрнатиш бўйича йўриқнома; фойдаланувчи йўриқномаси; синов дастури ҳамда услуби ва ҳок.

7. **Ахборот тизимини ишга тушириш** босқичи **тайёргарлик** ишларидан бошланади. Ахборот тизимини ишга туширишга тайёргарликнинг ташкилий чоралари қаторига: ахборот тизимининг ташкилий тузилмасига оид лойиҳавий ечимларни амалга ошириш; ахборотлаштириш обьекти тузилмаларини тегишли йўриқномалар билан

таъминлаш; маълумотлар классификаторларини ишга тушириш ва бошқалар киради.

Шундан сўнг ташкилот **ходимларини ўқитиш** ва уларнинг **ахборот тизимини ишлата олиш қобилиятларини текшириш** амалга оширилади. Шу мақсадда ўқув материаллари ҳамда ўқитиш режаси тайёрланади.

Кейинги навбатда бутловчи **қисмлар** ва алоҳида **маҳсулотлар** қабул қилиб олинади ҳамда уларнинг **сифат кўрсаткичлари текширилади**.

Сўнгра **техник** ва **дастурий** **воситалар** бир-биридан алоҳида созланади, маълумотлар базасига бошлангич ахборотлар **киритилади** ҳамда алоҳида **қисмлар** бир-бирига **мосланади**.

Ахборот тизимини бошлангич текширишлар тартиби ва усулига мос равишда ишлаш қобилияти ҳамда техник топшириқ талабларига жавоб бериши **синаб кўрилади**. Синов баённомасига мувофиқ аниқланган носозликлар бартараф этилади ҳамда тегишли ишлатиш хужжатларига ўзгартиришлар киритилгандан сўнг ахборот тизимини **тажрибавий ишлатишга қабул қилинганилиги ҳақида далолатнома** тузилади.

Ахборот тизимини тажрибавий ишлатиш давомида шунингдек натижалар таҳхили, зарурий холларда дастурий таъминотни тузатиш ҳамда техник воситаларни кўшимча созлаш ҳамда **тажриба ишлатишнинг тугаллангани ҳақидаги далолатномани** тузиш ишлари бажарилади.

Тажрибавий ишлатиш жараёни тугаллангач, **ишлатиш хужжатларини келишиш ва тасдиқлаш**, яратилаётган тизимнинг техник топшириқга мослигини тасдиқланган дастур ва усусларга мос равишда **қабул қилиш синовлари**, синов натижаларини таҳхил қилиш ҳамда синовлар давомида аниқланган носозликларни бартараф этиш ва ниҳоят ахборот тизимини доимий ишлатишга қабул қилиш тўғрисидаги **далолатномани расмийластириш амалга оширилади**.

8. Ахборот тизимини кузатиб бориш ва кўллаб-кувватлаш буюртмачи, пудратчи ва фойдаланувчи учун унинг **функционал ишончлилигини таъминлашнинг мухим омили** ҳисобланади.

Амалдаги метьёрий хужжатларга мувофиқ [22], кўллаб-кувватлаш режаси ахборот тизимининг дастурний таъминоти ишлаб чиқилгунга қадар яратилиши лозим. Шу мақсадда кўллаб-кувватлаш концепцияси яратилиши лозим, концепция асосида томонлар кўллаб-кувватлаш режасини тасдиқлайдилар. Ушбу режада кўллаб-кувватлаш нима учун зарурлиги, бу ишларни кимлар амалга ошириши, бунинг учун қандай имконият ва заҳиралар кераклиги каби саволларнинг жавоби ёритилиши лозим.

**Кафолатли хизмат** кўрсатиш даврида кўллаб-кувватлаш ишлатиш давомида аниқланган хато ва камчиликларни тузатиш, ахборот тизимининг хужжатларига тегишли ўзгартиришларни киритиш орқали амалга оширилади.

**Кафолатли хизмат** кўрсатиш даври тугаллангандан сўнг кўллаб-кувватлаш доирасида қўйидагилар амалга оширилади: тизим ишлашининг таҳхил қилиш ҳамда ахборот тизимининг амалдаги ишлатиш кўрсаткичлар қийматларининг лойиҳавий қийматлардан четланишларни аниқлаш; аниқланган четланишларнинг сабабларини топиш ҳамда четланишларни бартараф этган ҳолда ахборот тизимининг ишлатиш кўрсаткичларининг

бажарилишини таъминлаш ва ахборот тизимини ишлатиш хужкатларига тегишли ўзгаришларни киритиш.

## 7. Техник таъминот

Ахборот тизимимнинг 1-мавзу доирасида кўриб чиқилган барча таърифларига кўра умумий ҳолда **техник ёки аппарат таъминоти** деб юритулувчи техник воситалар ахборот тизимларининг ажралмас ҳамда мажбурий қисмидир.

Умуман олганда, ахборот тизими таркибига кирувчи кўл билан ушлаб кўриш имконияти бўлган барча (хужатлар ва инсонлардан ташқари) моддий нарсалар йиғиндисини техник таъминот таркибига киритишимиз мумкин.

Ахборот тизимлари таркибидаги ишлатиладиган техник қурилмалар учта катта гурухга **ажратилади**: **ҳисоблаш, тармоқ ҳамда ҳимоя қурилмалари**. Биринчи икки гурухга кирувчи қурилмаларни шу мавзу, ҳимоя қурилмаларини эса китобимизнинг 2-қисми ("Ахборот хавфсизлиги") доирасида батафсил кўриб чиқамиз.

1. **Ҳисоблаш қурилмалари** деб **компьютерлар асосида яратилган турли-туман техник воситалар тушунилади**.

Умуман олганда компютер дейилганда олдиндан белгиланган, аниқ берилган **маълумотларни** киритиш, ҳисоблаш, қайта ишлаш ҳамда ишлатиш учун кулай кўринишида чиқариш билан **боғлиқ амаллар кет-кетлигини** бажара олувчи қурилмалар тушунилади. Бунда амаллар кетма-кетлиги дастур деб аталади.

Одатда компьютерлар асосини қўйидаги қурилмаларни ўз ичига олган **тизимли қисм** (*System Block*) ташкил этади:

A) **асосий плата** (*MB - Motherboard* ёки *Mainboard*) - компютернинг марказий қисми бўлиб унга қўйидаги қисмлар ўрнатилади:

марказий **процессор** (совутиш қисми билан биргаликда) қурилмаси (*CPU - Central Processing Unit*) - дастурлар доирасидаги амалларни бажарувчи, бугунги кунда интеграл микросхема кўринишида яратилувчи электрон қурилма. Унинг асосий хусусиятларини ишлаш тезлиги ҳамда унумдорлиги ва архитектураси каби кўрсаткичлар белгилаб беради. Марказий процессорнинг ишлаш тезлиги унинг частотаси билан, унумдорлиги разрядлар ҳамда ядролар сони билан белгиланади. Бугунги кунга келиб архитектураси бўйича CISC, RISC, MISC ҳамда VLIW архитектурали ва кўп ядроли процессорлар замонавий қурилмалар ҳисобланади. Марказий процессор қурилмаси қўшимча равишда ўта тезкор бўлган хотира - кеш (*Cache*) билан ҳам таъминланади;

тезкор хотира қурилмаси (*RAM - Random Access Memory*) - компютер хотирасининг энергияга боғлиқ бўлган қисми бўлиб, марказий процессор томонидан дастур дойирасидаги амалларни бажариш учун керак бўлган маълумотлар ва амаллар кетма-кетлигини вақтинча сақлаш учун ишлатилади. Замонавий компьютерларда динамик (*DRAM*) ҳамда статик (*SRAM*) турлардаги тезкор хотирани ўз ичига олган интеграл микросхемалар

ёки уларнинг жамланмалари кўринишидаги қурилмалар ишлатилади. Динамик турдаги тезко хотира қурилмаларида бир хона ахборотни сақлаш учун битта транзистор ҳамда битта (баъзи ҳолларда 2 та) конденсатор ишлатилса, статик турдаги хотира микросхемаларида биттадан триггер ишлатилади. Шунинг учун ҳам динамик турдаги тезкор хотира статик турдаги тезкор хотирага нисбатан арzon ва зичлиги юқори бўлади, бироқ тезлиги бўйича ундан ортда қолади;

**доимий хотира қурилмаси** (*ROM - Read Only Memory*) - энергия таъминотига боғлиқ бўлмаган хотира қурилмалари бўлиб, ўзгармайдиган маълумотларни саклаш учун ишлатилади. Асосан ишлатиладиган микросхемасининг турига қараб фарқланади: *PROM (programmable ROM)* - бир марта программалаштириладиган (бир марта ёзиладиган) хотира микросхемалари; *EPROM (erasable PROM)* - қайта программалаштирилувчи хотира қурилмалар; *EEPROM (electrically EPROM)* - электр сигналлари ёрдамида қайта программалаштирилувчи хотира қурилмалари. Бундай хотира қурилмаларида маълумотларни бир неча ўн минг маротаба қайта ўчириб ёзиш имкони мавжуд. Бугунги кунга келиб ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлиб улгурган флеш-хотира ускуналари ҳам айнан *EEPROM* туридаги микросхемалари асосида яратилади;

компьютерларнинг асосий платасига ташки қурилмаларни улаш учун ишлатиладиган киритиш/чиқариш шинаси. Шиналар уланадиган қурилмаларнинг жисмоний (ўлчамлари), электрик (кучланиш, ток кучи ва ҳок.) кўрсаткичлари ҳамда мантикий моделларини (қуриялмалар манзилларининг белгиланиши) белгилаб беради. Уларнинг ичida *PCI*, *PCI-E*, *USB*, *IEEE 1394* (*FireWire* ёки *i-Link*) турдаги шиналар буғунги кунга келиб энг кенг кўпланилувчи замонавий шиналар, *AGP*, *ISA*, *EISA* лар эса анча эскирган ҳисобланади;

бевосита асосий ёки кенгайтирувчи платаларда жойлаштириладиган *IDE*, *SCSI*, *SATA*, *SAS* ва бошқа турдаги хотира қурилмаларининг назоратчи микросхемалари (контроллерлар).

Б) электр таъминоти қурилмаси - компьютерларнинг барча қисм ва қурилмаларни ўзгармас электр токи билан таъминловчи иккиласми электр таъминоти ускунасиdir. Шунингдек компьютерларнинг электр таъминоти қурилмалари умумий электр тармоғидаги электр кучланишининг силкинишларидан ҳимоя қилиш ҳамда шахсий компьютерларнинг қизиб кетувчи қисмларини совутиш вазифаларини ҳам бажаришда иштирок этади. ATX 2.x стандартларига асосан шахсий компьютерларнинг электр таъминоти қурилмаси  $\pm 5$ ,  $\pm 12$  ҳамда  $\pm 3,3$  Вольт кучланишлардаги электр қуввати билан таъминлаб берishi лозим. Шунингдек, ноутбук ёки нетбук каби кўчма компьютерларнинг электр таъминоти қурилмалари ташки қурилма кўринишига эга бўлишини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

В) компьютерларнинг совутиш тизими бир неча турда бўлиши мумкин: ҳаволи, суюқликли, фреонли, каскадли, очиқ буғланишли ҳамда Пельтье элементлари бўлган совутиш тизимлари ва ватерчиллерлар шулар қаторига киради.

Г) ўзгартириладиган ташувчилар билан ишлаш қурилмалари қаторига оптик ва юмшоқ дискларни ўқувчи дисководлар ҳамда магнит ленталарни ўқувчи стриммерлар киради.

**Д) маълумотларни сақлаш қурилмалари** дейилганда қаттиқ дисклар (винчестерлар) ёки SSD (*solid-state drive*) дёб аталувчи микросхемалар асосида яратиладиган номеханик хотира қурилмалари тушунилади. Буунги кунда SSD-қурилмалари асосан кўчма қурилмаларда (ноутбуклар, нетбуклар, смартфонлар ҳамда коммуникаторлар) ҳамда иш унумдорлигини ошириш мақсадида шахсий компьютерларда қўлланилмоқда.

**Е) монитор,** овоз динамиклари ҳамда компьютер тармоқлари билан алоқа ўрнатиши лоҳим бўлган **видео**, овоз ҳамда **тармоқ** платалари.

Тизимли қисмдан ташқари компьютер таркибига шунингдек ташки қурилмалар ҳам киради. Улар киритиш ва чиқариш ҳамда алоқа қурилмаларига ажратилади.

**Киритиш қурилмалари:**

**клавиатура;**

сичқонча, бальзи кўчма компьютерларда трекбол ёки тачпад кўринишига эга бўлади;

**джойстик**, асосан маҳсус тренажер ҳамда ўйин компьютерлари учун; сканер.

**Чиқариш қурилмалари:**

**монитор** (ёки **дисплей**);

овоz динамиклари ёки **кулокка тутиш мосламалари** (наушник);

босма чиқариш қурилмалари қаторига **принтерлар** ва **плоттерлар** (графиклар чизишга мўлжалланган катта принтерлар) киритилади.

Ташки алоқа қурилмалари сифатида асосан турли-туман функционал имкониятларга эга бўлган **модемлардан** фойдаланилади.

Компьютерларни ташкил этувчи қисмларни кўриб чиққанимиздан сўнг уларнинг турларини батафсил кўриб чиқамиз. Мақсадли ишлатилиши бўйича **компьютерлар** қуидаги турларга бўлинади:

**дастурланувчи калькуляторлар** - муҳандислик калькуляторларининг энг мураккаб ҳамда функционал жиҳатдан такомиллашган тури бўлиб, улардан фарқли равишда фойдаланувчи томонидан яратилган дастурлар асосида мураккаб ҳисоб-китобларни кўплаб маротаба қайтариш имконини беради. Шунингдек кўшимча хотира ва бошқа ташки қурилмалар ҳамда компьютерларни улаш имкониятига эга;

**консоль компьютери** - асосий компьютер тизимини ишга тушириш учун керак бўлган тайёргарлик масалаларини амалга оширувчи компьютерлар. Бундай компьютерлар, одатда, "катта" компьютер тизимлари, масалан "**суперкомпьютерлар**" яратилишда қўлланилади. Консоль компьютеридан бош компьютер тизими қисмларининг холати кузатиб борилади, уларда асосий компьютерга хизмат кўрсатувчи ҳамда уни созлаш учун ишлатиладиган маҳсус дастурлар ва маълумотлар сақланади;

**миникомпьютер** - ўтган асрнинг 60-80 йилларида тарқалган тушунча бўлиб, ўлчамлари жавондан кичикроқ хонагача бўлган компьютерларга нисбатан ишлатилган. Уларга мисол қилиб собиқ иттифоқда яратилган "Электроника 60" ёки АҚШ да ишлаб чиқилган "PDP-11" ларни келтириш мумкин. 80 йилларнинг охирига келиб эски таснифлаш доирасида "микрокомпьютерлар" деб юритилган шахсий компьютерлар томонидан тўлиқ сикиб чиқарилди;

**мейнфрейм** (*mainframe*) - юқори унумдорликка ҳамда катта җажмдаги тезкор ва ташқи хотирага эга бўлган, катта җажмдаги маълумотлар базасини ташкил этиш ҳамда жадал ҳисоб-китобларни амалга бажаришга мўлжалланган компьютерлар;

**шахсий компьютер** (*PC, personal computer*) - битта фойдаланувчи томонидан ишлатишга мўлжалланган компьютер. Шахсий компьютерлар қаторига шунингдек, аниқ шахс- томонидан шахсий мақсадларда ишлатиладиган ҳар қандай компьютерларни киритиш ҳам кенг тарқалган. Инсонларнинг кўпчилиги шахсий компьютер сифатида стол усти компьютерлари ва турли кўринишдаги кўчма компьютерлардан фойдаланишида. Бошланғич мақсади ҳисоблаш машинаси сифатида яратилган шахсий компьютерлар бугунги келиб шахсий фойдаланишида ахборот тармоқларига кириш воситаси ҳамда компьютер ўйинлари учун асос бўлиб ҳам қўлланилмоқда;

**десктоп** (*desktop computer*) - биринчи навбатда оффис ёки уй шароитида иш жойида (стол устида) ишлатиш учун мўлжалланган тургун (кўчмас) шахсий компьютерларнинг тури;

**ноутбук** (*notebook*) - кўтариб юриси имкониятига эга бўлган, шахсий компьютерларнинг барча одатдаги қисмлари, яъни монитор, клавиатура ҳамда кўрсатиши курилмаси (одатда сенсорли юза ёки тачпад) битта корпусга бирлаштирилган компьютерларнинг тури. Ноутбукларни ажратиб турувчи хусусиятлар қаторига кичик ўлчамлар ҳамда вазнни кўрсатиш мумкин. Ноутбукларнинг автоном ишлаш вақти 4-15 соат орасида бўлади. Баъзи холларда ноутбукларни **лэптоп** (*laptop: lap-тизза top-тепа, маъноси - тиззадаги компьютер*) деб ҳам аташади. Аслида лэптоп тушунчasi кенгроқ тушунча бўлиб, у нафақат ноутбукларга, балки, шунингдек **нетбук** ҳамда **смартбукларга** нисбатан ҳам ишлатилади. Яъни очилиб-ёпиладиган корпусга эга бўлган лэптоплар ноутбуклар қаторига киритилади. Бундай шаклда ишлаб чиқариш уларни кўтариб юришга қулайлик (ёпиқ ҳолда), монитор, клавиатура ҳамда тачпадларни ҳимоя қилиш имконини беради. Ноутбукларнинг асосий устунликлари қаторида кичик вазн ва ўлчамлар, ташқи курилмаларни улаб ўтирумаслик, автоном равища ишлаш ҳамда симсиз тармоқларга уланиш имкониятларини кўрсатиш мумкин. Шунингдек ноутбукларнинг десктопларга нисбатан бир қатор камчиликлари ҳам мавжуд: нисбатан кичик максимал иш унумдорлиги, модернизацияланиш имкониятларининг чекланганлиги, ишдан чиқиши эҳтимолининг юқорилиги, таъмирлашнинг мураккаблиги ва ҳок;

**субноутбук** (*subnotebook*) - ноутбукларнинг ўта кичик ўлчам ва вазнга эга бўлган турлари. Одатда диагонали 7-13,3 дюймга тенг мониторга ҳамда 1-2 кг вазнга эга бўлади. Юқорида тилга олинган нетбук ҳамда смартбуклар айнан субноутбукларнинг турлари қаторига киради;

**нетбук** (*netbook*) - асосан Интернет тармоғида ҳамда оффис дастурлари билан ишлашга мўлжалланган, нисбатан кичик иш унумдорлигига эга бўлган субноутбукларнинг тури. Диагонали 7-12 дюйм орасида бўлган монитор, кичик вазн ва паст нарҳ билан бирга энергия эҳтиёжлари камлиги билан ажралиб туради;

**смартбук** (*smartbook*) - смартфон ва интернет-планшетлар асосида яратилган кичик ноутбукларнинг тури. x86 процессорлари асосида ишлаб

чиқариладиган нетбук ва ноутбуклардан фаркли равища, бир хил иш унумдорлигига эга бўлган ҳолда уларга нисбатан кам энергия сарфлайдиган ARM ёки MIPS процессорлари асосида ишлаб чиқарилади ҳамда, одатда, диагонали 10-13 дюймга тенг дисплей билан таъминланади;

**планшет компьютерлари** (*tablet computer*) - сенсорли сезгири экранга эга бўлган турли хилдаги мобил шахсий компьютерларнинг умумлаштирилган номи. Планшет компьютерларини бошқариш кўл ёки маҳсус қаламча - "стилус" ёрдамида амалга оширилади. Планшет компьютерларида ҳар доим ҳам ташки клавиатура ёки сичқончани улаш имконияти мавжуд бўлавермайди. Планшет компьютерлари қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин:

**планшетли шахсий компьютер** (*tablet PC*) - IBM PC туркумидаги шахсий компьютерлари билан тўлиқ техник мослашувчанлик ва десктоп ҳамда ноутбукларга ишлатиладиган операцион тизимлари (*Windows, Apple MAC OS X, Linux* оиласлари) имкониятларини тўлиқ ишлатиш хусусиятларига эга мобил қурилмалар;

**юпқа шахсий компьютер** (*slate PC* инглиз тилидаги "slate" - тош таҳтаси сўзидан, тош таҳтадек юпқа маъносида) - планшетли шахсий компьютернинг 7-12 дюйми дисплей билан таъминланган ўта кичик ва замонавий тури. 2010 йилда Microsoft компанияси томонидан тақдим этилган;

**ўта кичик шахсий компьютер** (*ultra mobile PC, UMPC*) -имкониятлари планшет компьютерлари билан чўнтак компьютерлари ўртасида бўлган оралиқ қурилма;

**интернет-планшет** (*internet tablet* ёки *web tablet* ёки *pad tablet* ёки *web pad* ёки *surfpad*) - смартфонлар учун кўпланувчи техник қурилмалар асосида яратилган 7-12 дюймли дисплейга эга бўлган планшет компьютерларининг тури. Бугунги кунга келиб интернет-планшетлар десктоп ёки ноутбукларни тўлиқ алмаштириш имкониятига эга эмас, чунки уларнинг функционал имкониятларига бўлган талаблар уларнинг мобиллигига бўлган талабларга (кичик энергияга эътиёжлик) ҳамда ўччамлар) мос келмайди;

**электрон китоб** (*digital book* ёки *e-book reader*) - электрон текст кўринишидаги маълумотларни кўрсатишга ихтисослаштирилган кичик планшет компьютерларининг тури. Уларнинг яна бир асосий хусусияти бошқа планшет компьютерларига нисбатан "E-inc" ёки "электрон сиёҳ" (баъзи адабиётларда - "электрон қоғоз") деб номланувчи технологиянинг кўлланилиши ҳисобига автоном ишлаш вактининг кўпроқ эканлигидир. Мазкур технология асосида ишлаб чиқарилган дисплей фақатгина кул рангнинг бир неча жилосинигина кўрсатади, бунда ўзи ёруглик чиқармайди, балки уни қайтаради ҳамда фақатгина янги бетга ўтаётганда янги саҳифа расмими шакллантириш учунгина энергия сарфлайди. Аммо баъзи турдаги замонавий электрон китоблар сенсорли дисплей ҳамда электрон матнларни таҳrir қилиш имкониятига эга кўринища ишлаб чиқарилади;

**ўйин консоли** (*play station*) - видеоўйинлар учун маҳсус ишлаб чиқарилган ихтисослаштирилган электрон қурилма. Одатда чиқариш қурилмаси сифатида телевизордан ёки баъзи ҳоўларда компьютер мониторидан фойдаланилади. Биринчи ўйин консоллари шахсий компьютерлардан анча фарқланган бўлсада, улар салмоқли ривожланиш

йүлини босиб ўтдилар ҳамда бугунги кунга келиб фарқ йўқолиб бормоқда - баъзи ўйин консоллари клавиатура, винчестер каби қурилмаларни улаш ва Linux операцион тизимини ўрнатиш имкониятларига эга. Шунга мос равишда электрон ўйинлар бозори ҳам энг тез ривожланаётган бозорлар қаторига киради;

**чўнтак шахсий компьютери** (*personal digital assistant, PDA* - шахсий рақамли ёрдамчи) - кенг функционал имкониятларга эга бўлган кичик ўлчамли ҳисоблаш қурилмаси. Улчамларидан келиб чиқсан ҳолда кафт компьютери (*palmtop*) деб ҳам аталади, шунингдек рус тилидан ўтган КПК ("карманний персональный компьютер") қисқа атамаси ҳам кенг тарқалган. Биринчи чўнтак шахсий компьютерлари электрон китобча - "организайзер" сифатида яратилган, бугунги кунга келиб комммуникаторлар ҳамда смартфонлар томонидан сикиб чиқарилган;

**коммуникатор** (*communicator, PDA phone*) - мобил телефонлар функциялари билан бойитилган чўнтак шахсий компьютерлари;

**смартфон** (*smartphone* - ақлли телефон) - чўнтак шахсий компьютерлари функциялари билан бойитилган мобил телефонлар. Оддий мобил телефонлардан фарқи шундаки, смартфонларда ташки дастурчилар томонидан кўшимча дастурлар яратиш имконини берадиган анчагина жиддий очиқ операцион тизимлар ўрнатилади (оддий мобил телефонларнинг операцион тизимлари одатда ташки дастурчилар учун ёпиқ бўлади). Янги кўшимча дастурларни ўрнатиш имконияти смартфонларнинг имкониятларини кескин ошириб юборади. Аммо сўнгти пайтга келиб оддий телефонлар ҳамда смартфонлар орасидаги фарқ йўқолиб бормоқда;

**олиб юрилувчи компьютер** - инсон танасида олиб юриш мумкин бўлган, бугунги кунга келиб аниқ белгиланган талаб ва стандартлари ишлаб чиқилмаган, аммо ишлатилиш доираси анча кенг бўлиши кутилаётган (масалан, тиббиёт ходимлари ёки харбий хизматчилар) ҳисоблаш қурилмалари. Олиб юрилувчи компьютерга америкалик ихтирочи Стив Мэнн (1962 йилда Канадада туғилган, Торонто университети профессори, жамоатчилик томонидан "дунёдаги биринчи киборг", яъни кибернетик организм таърифини олган) томонидан тақдим этилган "интерактив кўзойнак"ни мисол қилишимиз мумкин. Ушбу қурилма веб-камерали, сканерли ҳамда интернетга уланиш имкониятта эга бўлган микрокомпьютердан иборат. Унда тасвир кўзойнакнинг ички томонига туширилади, амалда эса атрофдаги инсонларнинг қиёфаларини компьютер базасидаги инсонлар қиёфалари билан солишишиш, автомобил ёки бошқа транспорт воситалари учун энг қисқа/кулай йўлни кўрсатиб бориш ва ҳок. масалалар учун қўллаш мумкин;

**ишчи станция** (*workstation*) - аниқ белгиланган масалаларни ечиш мақсадида яратилган техник ва дастурий воситалар йигиндиси. Мутахассис ходим ёки хизматчининг ишчи жойи сифатида тўлиқ функционалга эга бўлган шахсий компьютер ёки терминал ҳамда унга уланган кўшимча ёрдамчи қурилмалар: принтер, ташки хотира қурилмалари, сканер, чизиқли (штрих) кодларни ўқувчи қурилма ва бошқ. нинг йигиндисидан иборат бўлади. Собиқ иттифоқ даври адабиётларида "автоматлаштирилган иш жойи" (APM) деб юритилган;

**сервер** (*server, to serve* - "хизмат кўрсатиш" сўзидан олинган) - инсон иштирокисиз хизмат кўрсатувчи дастурий таъминотни ўрнатиш мақсадида ажратилган ва/ёки ихтисослаштирилган техник воситалар йиғиндиси. Баъзи хизмат кўрсатиш масалалари ишчи станцияларда фойдаланувчининг иши билан бир вақтда амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолларда **ажратилмаган серверлар** тўғрисида сўз юритилади. Серверлар 7/24 тартибида (хафтасига 7 кун 24 соатдан) ишлашга мўлжалланганлиги туфайли уларнинг ишончлилиги катта аҳамият касб этади. Юқори даражадаги ишончлилик, яъни "бешта тўқиз" (99,999% ишлаш вақти; бир йил давомида сервернинг жавоб бермаслиг вақти 6 дақиқадан ошмайди) ни таъминлаш мақсадида оддий компьютерлардан фарқли равишда бир қатор маҳсус муҳандислик усулларидан фойдаланилади. Уларнинг ичидаги католикларнинг олдини олувчи катта ҳажмдаги оператив хотирадан фойдаланиш, бузилишга кўпроқ мойил бўлган қисмларни (марказий процессор, винчестерлар, совутиш элементлари, электр таъминоти қурилмалари ва ҳок.) заҳиралаш ва/ёки иш вақтида "иссиқ алмаштира олиш" (*hot swap*) имкониятларини кўзда тутиш, сервернинг ишчи ҳолатини (иссиқлик, намлик, электр таъминоти даражаси ва бошк.) кузатиб туриш ва бошқариш имкониятини берувчи маҳсус актив мониторинг мосламалари билан таъминлаш алоҳида ўрин тутади. Ишончлилик билан бир қаторда серверлар учун катта иш унумдорлиги ҳамда катта сондаги фойдаланувчиларга бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсата олиш қобилияти катта ўрин эгаллади:

**суперкомпьютер** (*supercomputer*) - ўзининг техник салоҳияти ва кўрсаткичларига кўра бошқа кўпчилик компьютерлардан анча устун бўлган ҳисоблаш тизимларининг умумлаштирилган номи. Бугунги кунга келиб, мураккаб ҳисоблаш масалаларини тақсимланадиган ҳолда ечиш учун ишлатиладиган, катта маълумот алмашиб тезлигига эга бўлган маҳаллий тармоқ билан ўзаро боғланган сервер компьютерларининг мажмуаси сифатида тушунилади. Уларнинг кўпланилиш йўналишлари анча кенг бўлиб, кўшимча равишида фан ва технологичларнинг ривожпаниши билан янада кўлами ортиб бормоқда. Кўйида суперкомпьютерлар кенг кўлланилаётган баъзи бир йўналишлар рўйхати келтирилган:

математик муаммолар: криптография, статистика;

юқори энергиялар физикаси: атом ядро ичидаги жараёнлар, плазма физикаси, тезларатгичлардаги тажрибалар натижаларини таҳлил қилиш, ядро ва термоядро реакторлари ишини моделлаштириш;

Ер ҳақидаги фанлар: об-ҳаво тахмини, денгиз ва океанлар ҳолати, иклим ўзгаришларини баҳолаш ва тахмин қилиш, ер қари ва пўтлогидаги жараёнларни ўрганиш, зилзила ва вулқон отилишларини олдиндан тахмин қилиш, табиииий бойликлар ҳажмини моделлаштириш;

ҳисоблаш биологияси: ДНК таҳлили;

ҳисоблаш кимёси ва тиббиёт: янги дориларни қидириш ва яратиш;

физика: газодинамика, гидродинамика, материалшунослик ва ҳок.

**2. Тармоқ қурилмалари** дейилганда компьютерларнинг ўзаро бир тизим доирасида автоматик равишида маълумот алмашишларини таъминловчи техник воситалар мажмуаси тушунилади. Мазкур воситаларнинг ишлаш тамойилларини тўла тушуниш учун бугунги кунга

келиб компьютер тизимларини ўзаро боғлашнинг асосий стандарти сифатида қабул қилинган очиқ тизимлар ўзаро алоқа қилишининг 7 босқичли базавий эталон модели - OSI (*open system interconnection reference model*) ни кўриб чиқамиз.

4-жадвал

### Очиқ тизимлар ўзаро алоқа қилиши базавий эталон моделининг босқичлари

№	Номи	Операнд	Вазифалари
7	Амалий (application)	Маълумотлар	Тармоқ хизматларини кўрсатиш
6	Тақдимот (presentation)	Оқим	Маълумотларни тақдим этиш ҳамда шифрлаш
5	Сеанс (session)	Сеанс	Алоқа сеансини бошқариш
4	Транспорт (transport)	Пакет	Сўнгги фойдаланувчилар ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш ҳамда ишончлиликни таъминлаш
3	Тармоқ (network)	Датаграмма	Маршрутни аниқлаш ҳамда мантикий манзилни белгилаш
2	Канал (data link)	Кадр	Жисмоний манзилни белгилаш
1	Жисмоний (physical)	Бит	Иккисилик маълумотлар ҳамда жисмоний сигналлар билан ишлаш

Мазкур модельни батафсил ўрганишни фойдаланувчиларнинг дастурлари тармоққа бевосита мурожаат қипадиган ҳамда модель диорасида энг юқори бўлган еттинчи – амалий босқичдан бошлаймиз (4-жадвал). Бу ҳолда OSI модели биринчи – жисмоний босқич билан яқунланади ва унда бир-бираiga боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқарувчилар томонидан яратиладиган тармоқ қурилмаларига қўйидаги талаблар белгиланган:

узатувчи муҳит (сим, оптик тола, радио эфир ва ҳок.);

сигнални модуляциялаш усули;

мантикий “1” ҳамда “0” га тўғри келувчи сигнал даражаларининг қийматлари ва ҳок.

OSI модельнинг барча протоколлари ёки ўзининг босқичидаги ёки ўзидан битта олдинги ёки/ва кейинги босқич протоколлари билан ишлаши лозим. Ўзининг босқичидаги протоколлар билан ҳамкорлик - горизонтал ҳамкорлик, кўшни босқич билан эса - вертикал ҳамкорлик деб аталади. Шунингдек мазкур модельнинг ўзига хос томони шундаки, бигта протокол фақатгина ўзининг босқичидаги вазифаларни бажаради.

Ҳар бир босқичга ўзининг операнди - маълумотларнинг маълум бир шартли равища бўлинмас бирлиги тўғри келади: жисмоний босқичда бит, каналда - кадр, тармоқда - дейтаграмма, транспортда - пакет ва ҳок. Ушбу операндлар ҳар бир босқич учун “хабар” деб, ҳамда икки босқичлар (жисмоний ва канал) “бошлангич босқичлар” деб хисобланади.

**Амалий босқич (application layer)** - фойдаланувчилар дастурларига қўйидаги тармоқ хизматларини кўрсатувчи энг юқори босқич:

файллар ва маълумотлар базалари билан тармоқ воситасида масофада ишлаш;

электрон почтани узатиш ва қабул қилиш;  
хизмат маълумотларини етказиш;  
дастурларга юзага келган хатолар түғрисида ҳабар бериш;  
тақдимот даражасига сўровларни шакллантириш ва бошқ.

Босқич доирасида ишлашга мўлжалланган протоколлар: RDP (*Remote Desktop Protocol*), HTTP (*HyperText Transfer Protocol*), SMTP (*Simple Mail Transfer Protocol*), SNMP (*Simple Network Management Protocol*), POP3 (*Post Office Protocol Version 3*), FTP (*File Transfer Protocol*), XMPP (*Extensible Messaging and Presence Protocol*), OSCAR (*Open System for Communication in Realtime*), SIP (*Session Initiation Protocol*) ва бошқ.

**Тақдимот босқичи** (*presentation layer*) - протоколларнинг шаклини ўзгартириш ҳамда маълумотларни шифрлашни таъминлайди. Дастурларнинг амалий босқичдан туширилган сўровлари тақдимот босқичида тармоқ орқали узатиладиган шаклга, тармоқдан олинган маълумотлар эса дастурлар ўқий оладиган шаклга кептирилади. Мазкур босқичда бирон-бир компютерда маълумотларни қайта ишлашнинг имкони бўлмаганда уларни тармоқнинг бошқа ресурсларига жўнатиш вазифалари ҳам амалга оширилади.

Тақдимот босқичи ўзига хос оралиқ босқич вазифасини бажариб турли компьютер тизимлари ўртасида қийинчилексиз ахборот алмашиб имконини беради. Бунинг учун тақдимот босқичида маълумотларнинг шакли шундай тарзда ўзгартириладики, фойдаланувчининг дастурлари уларни бевосита қайта ишлай олиши керак бўлади. Бунда маълумотлар бир кўринишдан бошқасига ўзгартирилиши ҳам мумкин.

Тақдимот босқичи нафақат маълумотларнинг кўриниши, балки уларнинг тузилмаси билан ҳам ишлайди. Бошқача қилиб айтганда, 6-босқич тармоқда узатиш мақсадида маълумотларни ташкилластиришга жавоб беради.

Мисол учун, иккилик маълумотларни алмашибнинг EBCDIC (IBM компаниясининг мейнфреймларида қўлланилади) ҳамда ASCII (шахсий компьютерларда қўлланилади) кодларини ишлатадиган 2 та тизимни ўзаро ахборот алмашиб жараёнида бирлаشتариш учун айнан тақдимот босқичи имкониятларидан фойдаланиш лозим бўлади.

Тақдимот босқичининг яна бир вазифаси жўнатилаётган ахборотларни бегона кўздан асраш учун уларни шифрлашдан иборат. Шунингдек тармоқ ресурсларини тежаш мақсадида матн кўринишидаги ахборотларни сиқиш, график маълумотларни эса битлар кетма-кетлигига ўзгартириш вазифалари ҳам айнан 6-босқичда амалга оширилади.

Тақдимот босқичининг протоколлари: AFP (*Apple Filing Protocol*), ICA (*Independent Computing Architecture*), LPP (*Lightweight Presentation Protocol*), NCP (*NetWare Core Protocol*), NDR (*Network Data Representation*), XDR (*eXternal Data Representation*), X.25 PAD (*Packet Assembler/Disassembler Protocol*) ва бошқ.

**Сеанс босқичи** (*session layer*) - дастурларнинг ўзаро узоқ вақт давомида ҳамкорлик қилишларини таъминлайди. Мазкур босқич алоқа сеансини ўрнатиш/тўхтатиш, маълумот алмашиб, масалаларни ўзаро синхронластириш ва мослаш, маълумотларни узатиш хукуқларини аниқлаш

жамда дастурлар ноактив бўлганда алоқа сеансини ушлаб тuriш жараёнларини бошқариб туради.

Кўрсатилган вазифаларни бажариш учун ишлатиладиган протоколлар қаторига ADSP (*AppleTalk Data Stream Protocol*), ASP (*AppleTalk Session Protocol*), H.245 (*Call Control Protocol for Multimedia Communication*), ISO-SP (*OSI Session Layer Protocol (X.225, ISO 8327)*), iSNS (*Internet Storage Name Service*), L2F (*Layer 2 Forwarding Protocol*), L2TP (*Layer 2 Tunneling Protocol*), NetBIOS (*Network Basic Input Output System*), PAP (*Password Authentication Protocol*), PPTP (*Point-to-Point Tunneling Protocol*), RPC (*Remote Procedure Call Protocol*), RTCP (*Real-time Transport Control Protocol*), SMPP (*Short Message Peer-to-Peer*), SCP (*Session Control Protocol*), ZIP (*Zone Information Protocol*), SDP (*Sockets Direct Protocol*) ва бошқалар киради.

**Транспорт босқичи** (*transport layer*) - маълумотларни узатувчидан қабул қилувчига турли даражадаги ишонч билан етказишига мўлжалланган. Бунда турли протоколларнинг ишончлилик даражаси катта чегараларда ўзгариши мумкин. Масалан, UDP протоколи битта датаграмма доирасида маълумотларнинг тўлиқ узатилишинигина назорат қилиб, пакетларнинг йўқотилиши, қайта узатилиши ёки қабул қилиниш кетма-кетлигининг бузилишини назорат қилмайди. Ундан фарқиравища TCP протоколи пакетларнинг йўқотилиши, қайта узатилиши ёки тартибининг бузилишини истисно қилувчи маълумотларнинг узлуксиз узатилишини таъминлайди, катта ҳажидаги маълумотларни кичик қисмларга ажратиши ёки кичик қисмларни битта пакетга бирлаштириб узатиш имкониятларига эга.

Энг кенг кўлланиладиган транспорт босқичи протоколлари қаторига кўйидагилар киради: ATP (*AppleTalk Transaction Protocol*), CUDP (*Cyclic UDP*), DCCP (*Datagram Congestion Control Protocol*), FCP (*Fiber Channel Protocol*), IL (*IL Protocol*), NBF (*NetBIOS Frames protocol*), NCP (*NetWare Core Protocol*), RTP (*Real-time Transport Protocol*), SCTP (*Stream Control Transmission Protocol*), SPX (*Sequenced Packet Exchange*), SST (*Structured Stream Transport*), TCP (*Transmission Control Protocol*), UDP (*User Datagram Protocol*).

**Тармоқ босқичи** (*network layer*) - маълумотларни узатиш йўлини аниқлаб беришга мўлжалланган. Мантиқий манзил ва номларни мос келувчи жисмоний манзилга ўзgartириш, энг қисқа йўлларни аниқлаш, тармоқдаги носозлик ва "тиқилинч жой"ларни кузатиб бориш вазифаларини бажарди.

Тармоқ босқичи протоколлари маълумотларни узатувчиidan қабул қилувчига етиб бориш йўлларини белгилайди (маршрутлаштириш). Ушбу босқичда ишлайдиган курилмалар (маршрутизаторлар) шартли равища, босқич тартиб рақамидан келиб чиқсан ҳолда, учинчи босқич қурилмалари деб аталади.

Тармоқ босқичи протоколлари: IP/IPv4/IPv6 (*Internet Protocol*), IPX (*Intranetwor Packet Exchange*, тармоқлараро маълумот алмашиш протоколи), X.25 (қисман 2-босқичда ҳам ишлайди), IPsec (*Internet Protocol Security*); маршрутлаштириш протоколлари - RIP (*Routing Information Protocol*), OSPF (*Open Shortest Path First*).

**Канал босқичи** (*data link layer*) - тармоқларнинг жисмоний босқичда ўзаро ҳамкорлик қилиши ҳамда юзага келиши мумкин бўлган ҳатоликларни

назорат қилишга мүлжалланған. Жисмоний босқичдан битлар күрништәдә олинган маълумотлар кадрларга жойлаштирилади, кадраларнинг тўлиқлиги текширилиб, зарур холларда хатолар тузатилиб (бузилган кадрни қайта юборишга сўров жўнатиш ёрдамида) сўнгра тармоқ босқичига узатилиди. Канал босқичи битта ёки бир нечта жисмоний босқич билан ҳамкорлик қиласиди.

Канал босқичида шартли равишда, босқич тартиб рақамидан келиб чиқсан ҳолда, иккинчи босқич қурилмалари деб аталувчи коммутаторлар, кўприклар ва бошқалар ишлатилади.

2-босқич протоколлари: ARCanet, ATM, CAN - (*Controller Area Network*) Econet, Ethernet, EAPS - (*Ethernet Automatic Protection Switching*), FDDI - (*Fiber Distributed Data Interface*), Frame Relay, HDLC - (*High-Level Data Link Control*), IEEE 802.2 (*provides LLC functions to IEEE 802 MAC layers*), Link Access Procedures, LAPD - (*D channel*), IEEE 802.11 wireless LAN, LocalTalk, MPLS - (*Multiprotocol Label Switching*), PPP - (*Point-to-Point Protocol*), PPPoE - (*Point-to-Point Protocol over Ethernet*), SLIP - (*Serial Line Internet Protocol*, эскирган), StarLan, Token ring, UDLD - (*Unidirectional Link Detection*), x.25.

**Жисмоний босқич** (*physical layer*) - тармоқдаги битта қурилма (компьютер)дан иккинчисига иккиси кўринишдаги маълумотларнинг узатилиш усулини анилловчи OSI моделининг энг қуйи босқичи. Ушбу босқичда сигналларни йиғувчи (*hub* - концентратор), қайтарувчи (*repeater* - повторитель) ҳамда ўзгартирувчи (*media converter*) қурилмалар ишлатилади. Жисмоний босқич масалалари тармоққа уланган барча қурилмаларда бажарилади. Компьютерларда уларни тармоқ платалари амалга оширади.

Жисмоний босқич протоколлари: IEEE 802.15 (*Bluetooth*), IRDA, EIA RS-232, EIA-422, EIA-423, RS-449, RS-485, DSL, ISDN, SONET/SDH, 802.11 Wi-Fi, Etherloop, GSM Um radio interface, ITU и ITU-T, TransferJet, ARINC 818, G.hn/G.9960.

**Тармоқ қурилмалари** OSI моделининг энг қуйида жойлашган 3 та босқичи: тармоқ, канал ҳамда жисмоний босқичларида мос вазифаларини бажарган ҳолда 2 та катта гурухга ажратилади: **актив ҳамда пассив тармоқ қурилмалари**.

Актив тармоқ қурилмаларига ўзига хос "тафаккур"га эга "аклли", яъни маълумотларнинг узатилиш ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда зарурий мантикий амалларни бажариш қобилиятига эга техник воситалар киритилади.

**Маршрутизатор** ёки **роутер** (*router*) - тармоқнинг турли сегментларини ўртасида маълумотлар пакетларини ўзаро ўтказиб турувчи, турли архитектурага эга тармоқларни бирлаштирувчи, тармоқ тузилмасидан ёки тармоқ маъмури томонидан белгиланган қоидалардан келиб чиқсан ҳолда маълумотлар пакетини манзилга етказишнинг оптимал йўлини танлаб берувчи, тармоққа уланиш имконини берувчи камидан воситага эга бўлган ихтисослаштирилган тармоқ компьютери. Юқорида таъкидланганидек, маршрутизаторлар OSI моделининг 3-босқичида ишлатилади.

Одатда, маршрутизатор, маълумотлар пакетида кўрсатилган қабул қилувчининг манзилидан ҳамда маршрутлаштириш жадвалидан келиб

чиққан ҳолда пакетларни манзилга етказиш йўлини аниқлаб беради. Агарда маршрутлаштириш жадвалида манзил учун кўрсатилган йўл бўлмаса, маълумотлар пакетига эътибор қаратилмайди.

**Тармоқ коммутатори ёки свитч (switch)** - тармоқнинг бир ёки бир нечта сегменти доирасидаги бир нечта қурилмалар (компьютерлар) ни ўзаро боғлаш вазифасини бажарадиган техник восита, OSI моделининг 2-босқичида ишлатилади.

Коммутаторлар, аксарият ҳолларда, кўприк технологияларидан фойдаланган ҳолда яратилганини учун уларни кўп портли кўприк сифатида ҳам ишлатиш мумкин. Битта қурилмадан чиққан маълумотларни ўзига уланган барча қурилмаларга тарқатувчи концентраторлардан фарқли равишда, коммутаторлар маълумотларни фақатгина бевосита қабул қиливчига узатади. Натижада тармоқ фаолиятининг иш унумдорлиги, ишончлилиги ҳамда хавфсизлиги ортади.

Актив тармоқ қурилмаларидан фарқли равишда **пассив тармоқ қурилмалари** маълумотларни ўз ичига олган электр сигналларни бир нуқтадан иккинчисига кучайтирган ҳамда ўзгартирган ҳолда узатади.

Тармоқ концентратори ёки хаб (*hub*) - бир нечта компьютерларни ягона тармоқка бирлаштирувчи, OSI моделининг 1-босқичида ишлатиладиган техник восита. Бугунги кунга келиб, деярли тўлиқ равишда тармоқ коммутаторлари томонидан сиқиб чиқарилган.

**Кайтарувчи ёки репитер (repeater)** - компьютер тармоқларида сигнални узатиш масофасини кўпайтириш учун электр сигналини "бирга-бир" тамоилии аосида узатувчи, OSI моделининг 1-босқичида ишлатиладиган техник восита. Битта портли ва кўп портли репитерлар мавжуд.

Хаб ва репитерлардан ташқари, пассив тармоқ қурилмалари қаторига шунингдек кабель тизими: кабельнинг ўзи (коаксиал, ўрилган жуфт, оптик тола); вилка/розетка жуфтлари (RG58, RJ45, RJ11, GG45), коммутация воситалари (крoss-панель, патч-панель), коаксиал кабель тизимлари учун балун (*balun* - инглиз тилидаги *balanced-unbalanced* сўзларидан олинган, келигтирувчи трансформатор) лар ва бошқа қурилмаларни киритиш мумкин.


Шунингдек, бугунги келиб деярли барча тармоқ қурилмаларини жойлаштириш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўлланиладиган **телекоммуникацион устунлар** ҳамда монтаж жавонларини ҳам пассив тармоқ қурилмалари қаторига кўшиш мумкин.

Телекоммуникацион устунлар ҳамда монтаж жавонлари оддий, ихтисослаштирилган ҳамда антивандал (химояланган) кўринишларда ишлаб чиқарилади. Монтаж усулига қараб эса деворга осиладиган ҳамда полга кўйиладиган қурилмалар ажратилади.

## 8. Дастурний таъминот

Ахборот тизими таркибидаги компьютер дастурлари ҳамда уларнинг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини берувчи **хужожатлар йигиндиси дастурний таъминот** деб аталади.

Дастурний таъминот ахборот тизимининг техник, математик, ахборот, лингвистик, ташкилий ҳамда услубий таъминотлари қаторидаги яна бир таъминот тури бўлиб, унинг асосий вазифаси фойдаланувчи ҳамда техник таъминот ўртасидаги боғловчиликни амалга оширишдан иборат (7-расм).



Компьютерчилар орасида ва маҳсус адабиётларда, шунингдек инглиз тилидаги “software” (“юмшок таъминот”) сўзидан олинган софт атамаси ҳам кенг тарқалган.

Дастурний таъминот информатика, дастурлаш ҳамда дастурний муҳандислик фанлари доирасида ўрганилади, ҳамда бир қанча хусусиятлари асосида таснифланади.

**Дастурний таъминот ишлаб чиқиш ёки дастурлаш (software engineering, software development)** - информатика, математика, муҳандислик, лойиҳаларни бошқариш фанлари услубларидан фойдаланган ҳолда дастурний таъминот яратиш, унинг ишлаш қобилиятини, сифатини ва ишончлилигини таъминлашга қаратилган фаoliyat туридир. Бошқа анъанавий муҳандислик соҳалари каби дастурлаш ҳам сифат, нарх ҳамда ишончлилик муаммоларига дуч келади.

Баъзи дастурлар матни ўзгариб турадиган шароитда тўғри ишлаши керак бўлган миллионлаб мисрадан иборат бўлиши мумкин. Бугунги кунга келиб дастурний таъминот мураккаблиги самолётлар каби энг мураккаб замонавий курилмалар мураккаблиги даражасига яқинлашиб қолди.

**Ишлатиш усули** бўйича: интерпретация ёки компилляция қилинувчи; тарқатилиш усули бўйича: ёпиқ ёки проприетар (proprietary software), очиқ кодли (open-source software) ҳамда эркин (free software) дастурний таъминот ажратилади. Шунингдек, дастурлар битта асосли (monolithic platform) ёки кўп асосли (cross platform) турларга бўлинади.

Аммо дастурний таъминотни уларнинг ишлатилиш мақсади бўйича таснифлаш энг кенг тарқалган. Ана шу хусусияти бўйича тизимли ҳамда амалий дастурний таъминот ажратиб кўрсатилади.

1. Марказий процессор, тезкор хотира, киритиш-чиқариш ҳамда тармоқ қурилмалари каби компьютер қисмларини бошқаришни таъминлайдиган, техник таъминот ва амалий дастурларни ўзаро боғловчи “оралиқ восита” вазифасини бажарувчи дастурлар мажмууси **тизимли дастурний таъминот** деб юритилади. Тизимли дастурлар шунингдек

хисоблаш тизимининг техник ресурсларини бошқаради ва амалий дастурларга хизмат кўрсатади.

Одатда, тизими дастурлар қаторига **операцион тизимлар**, ички дастурлар, утилиталар, дастурлаш тизимлари, маълумотлар базаларини бошқариш тизимлари киритилади.

Операцион тизим - ҳисоблаш тизими искониятларини кенгайтирувчи, унинг ресурларини бошқариш имконини берувчи, амалий дастурларни компьютер хотирасига юкловчи ва бажарилишини таъминловчи дастурлар мажмуасидир. Кўпинча операцион тизимлар кўлланилаётган тизимли дастурий таъминотнинг асосий (баъзи холларда эса ягона), энг муҳим қисми бўлади. Ҳар қандай операцион тизимлар қўйидаги асосий вазифаларни бажаради:

дастурларни тезкор хотирага юклаш ва уларнинг ишлашини таъминлаш;

киритиш-чиқариш қурилмалари билан ишлашни стандартлаشتериш;

тезкор хотирани бошқариш (жараёнлар ўртасида тақсимлаш, виртуал хотира);

бирон-бир файл тизими асосида ташкил этилган ҳамда энёргия таъминотига боғлиқ бўлмаган хотира қурилмалари (винчестерлар, компакт-дисклар) да сакланувчи маълумотлар билан ишлашини бошқариш;

фойдаланувчи интерфейси (мулоқот қилиш тизими);

тармоқ амаллари, протоколлар стекини кўллаб-куватлаш.

Бугунги кунда энг кенг тарқалган операцион тизимлар қаторига Windows, UNIX, Linux, MAC OS тизимлари киради.

**Ички дастурлар** (*firmware*) - ракамли электрон қурилмалар ичига, "тиклиган" дастурлар. Баъзи холларда, масалан IBM PC туркумига киравчи компьютерларнинг киритиш-чиқариш базавий тизими (BIOS) отъерациюн тизимларнинг таркибий қисми сифатида хизмат қилади. Баъзи энг содда электрон ҳисоблаш қурилмаларида операцион тизимнинг ҳаммаси ички дастур сифатида яратилиши мумкин.

**Утилиталар** (*utility* ёки *tools*) - тор доирадаги ёрдамчи вазифаларни бажаришга мўлжалланган ихтисослаштирилган дастурлар. Утилиталар компьютер қурилмаларининг иш унумдорлиги ва бошқа курсаттичларини (масалан, процессор ва видеоплатанинг ҳароратини) кузатиб бориш ва бошқариш (дисководларнинг айланиш тезлигини чегаралаш; вентиляторлар айланыш тезлигини бошқариш) каби вазифаларни бажаради.

Реестрлар билан ишлаш, қурилмалар ҳолатини кузатиши ва уларни текшириб туриш билан бир қаторда дисклар билан ишлайдиган махсус дастурлар алоҳида ўрин тутади. Улар қаторига дэфрагментаторлар, дискларни текшириш, тозалаш, бир неча мантикий қисмларга ажратиш, заҳира нусха олиш ҳамда маълумотларни дискларга сиқиб ёзиш вазифаларини бажарувчи дастурлар киритилади.

**Дастурлаш тизимлари** - дастурий таъминот ишлаб чиқиш учун кўлланиладиган тизимли дастурлар;

**ассемблерлар** (*assembler*) - матн қўринишидаги ассемблер дастурлаш тилида ёзилган дастурларни компьютер бажарага оладиган кодлар кетма-кетлигига ўтирувчи дастурлар;

**компиляторлар** (*compilation*) - турли дастурлаш тилларида ёзилган дастурлар матнини компьютер бажара оладиган кодлар кетма-кетлигига ўтирувчи дастурлар;

**интерпретаторлар** (*interpretation*) - дастурлардаги амалларни тахлил қилиб уларни шу захотиёқ бажарувчи дастурлар;

**линкерлар** (*link editor* ёки *linker*) - бир ёки бир нечта объект модуллари асосида компьютер бажара оладиган модуль (.exe - файл) яратувчи дастурлар;

**препроцессорлар** (*preprocessor*) - маълумотларни қабул қилиб, уларни қайта ишлаган олган ҳолда ўзидан кейинги дастурларга (масалан компиляторларга) кулаі күринишига келтирувчи дастурлар;

**дебаггерлар** (*debugger*) - дастурлардаги хатоликларни аниқлаш, тахлил қилиш ва тузатиш имконини берадиган дастурлар;

**ихтисослаштирилган матн мухаррирлари** - дастурларнинг бошлангич матнини тайёрлаш учун кўлланиладиган маҳсус матн мухаррирлари, яъни матнли файлларни яратиш ва ўзгариши, уларни экранда кўрсатиш ва кўриб чиқиш, босмага чиқариш, алоҳида қисмларини тез изяаб топиш ва бошқа кўплаб вазифаларни бажариш мақсадида яратилған компьютер дастурлар;

**кутубхоналар** (*library*) - дастурий таъминот ишлаб чиқишида кўлланиладиган ва кўп ишлатиладиган, олдиндан тайёрланган дастур қисмлари кўринишига келтирилган дастурчалар ёки маҳсус объектларни ўз ичига олган тўпламлардир. 2 хил турдаги кутубхоналар ажратилади: динамик ва статик. Асосий дастур ишлаб турган жараёнда (*run-time*) унинг сўровига кўра тезкор хотирага юкланиб ишга тушириладиган, алоҳида олдиндан тайёрланган дастур қисмлари жойлаштирилган файллар (*Windows* учун *Dinamic Link Library* - .dll, *UNIX* ва *Linux* учун *Shared Objects* - .so, ҳамда *Mac OS* учун *Dinamic Library* - .dylib) динамик кутубхоналар қаторига киритилади. Статик кутубхоналар динамик кутубхоналардан фарқли равищда бевосита дастур ёзилаётганда кўшилиши мумкин бўлган матн кўринишидаги ёки компиляция жараёнида кўшилиши мумкин бўлган объектли модуль кўринишидаги олдиндан тайёрланган дастур қисмлари жойлаштирилган файллардан (*Windows* учун - .lib, *UNIX* оиласидаги операцион тизимлар учун одатда - .a) иборат бўлади.

**маълумотлар базаларини бошқариш тизими** (*МББТ*) - маълумотлар базаларини ташкил этиш ва юритиш учун мўлжалланган ихтисослаштирилган дастур ёки дастурлар мажмуасидир. МББТлар ҳар қандай ҳисоблаштизимининг зарурий қисми бўлмаганлиги сабабли, баъзи холларда уларни тизимли дастурий таъминот таркибига киритмайдилар. Шунингдек, одатда МББТлар фақатгина бошқа турдаги дастурлар (веб-серверлар, дастурлар серверлари) га хизмат кўрсатиш вазифаларини бажариб, бевосита фойдаланувчи учун “кўринмайдилар”. Шунинг учун уларни амалий дастурлар қаторига кўшиш ҳам нотўри бўлади. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда МББТларни баъзи холларда ораглик дастурий таъминот (*middleware*) қаторига киритадилар.

МББТларнинг асосий функциялари қаторига қўйидагилар киритилади:

ташқи хотирадаги (дисклар, тасмалар ва хок.) маълумотларни бошқариш;

тезкор хотирадаги маълумотларни бошқариш; ўзгаришларни қайд этиш, захира нусхалар олиш ҳамда бузилишлардан сўнг маълумотлар базасини тиклаш;

маълумотлар базалари тилларининг (маълумотларни аниқлаштириш ва бошқариш тиллари) ишлашини таъминлаш.

Одатда замонавий МББТлари бир қатор хусусиятларига кўра таснифланади.

Қўлланилаётган маълумотлар моделининг турига кўра МББТларнинг турлари:

**иерархик МББТ** - маълумотлар базаси дараҳтсимон (иерархик) тузилишга эга бўлган обьектлар йиғиндисидан иборат;

**занжирсимон МББТ** - иерархик маълумотлар базасидан фарқли равишда обьектлар икки томонлама алоқа ўрнатилади, аммо энг оддий сўровларни бажариш ҳам анчагина қийин бўлади;

**реляцион МББТ (relation)** - маълумотларни икки ўлчамли жадвал кўринишида ташкил этади. Ҳар бир икки ўлчамли реляцион жадвал қўйидаги хусусиятларга эга бўлади: жадвалнинг ҳар бир алоҳида элементи маълумотларнинг алоҳида элементига мос келади; жадвал устунидаги ҳар бир катақдиги барча маълумотлар бир турда бўлади (ракам, белги, мисра ва хок.); ҳар бир устун қайтарилмайдиган номга эга бўлади; жадвалда бир хил қаторлар бўлмайди; қаторлар ва устунлар кетма-кетлиги иҳтиёрий бўлади;

**объектларга мўлжалланган МББТ** - маълумотларни ўзига хос хусусиятлар ҳамда ўзаро ва ташки обьектлар билан маҳсус усуллар ёрдамида алоқага киришувчи абстракт обьектлар сифатида ташкил этувчи тизимлар;

**объектли-реляцион МББТ** - реляцион ҳамда обьектларга мўлжалланган тизимларнинг энг кучли томонларини ўзида мужассамлаштирган замонавий МББТлар. Бугунги кундаги энг кенг тарқалган МББТлар (*Oracle, Informix, DB2, FirstSQL/J*) айнан шу моделдан фойдаланишади.

Тақсимланганлик даражаси бўйича ҳамма қисмлари битта компютердада жойлаштирилладиган локал ҳамда икки ёки ундан ортиқ компютерларда жойлаштирилладиган **тақсимланган МББТлар** ажратилади.

Базадаги маълумотларни ўқиш усули бўйича МББТларнинг турлари:

**файл-серверли МББТ** - маълумотлар марказлаштирилган ҳолда файл-серверларда, МББТнинг дастурий қисми фойдаланувчилар компютерларида жойлаштириллади ҳамда локал тармоқ орқали алоқага киришилади. Маълумотларни ўзгариши ва ўқиш жараёнларининг ўзаро мувофиқлигини саклаш блокировка усуллари ёрдамида амалга оширилади. Устунлиги - файл-сервер процессорига юкламаларнинг нисбатан пастлиги, камчиликлари - тармоқ юкламаларининг нисбатан юқорилиги, марказлаштирилган бошқарувнинг қийинлиги ёки мумкин эмаслиги ҳамда юқори даражадаги ишончлилик ва хавфсизликни таъминлашнинг ўта оғирлиги ёки мумкин эмаслиги. Бугунги кунга келиб файл-сервер технологиялари эскирган усул, уларнинг йирик ахборот тизимларида қўлланилиши эса камчилик хисобланади. Файл-серверли МББТларга мисоллар: *Microsoft Access, Paradox, dBase, FoxPro, Visual FoxPro* ва ҳок.;

**клиент-серверли МББТ** - МББТ маълумотлар базаси билан серверда жойлаштирилади, ҳамда унга монопол равишда фақат ўзи мурожаат қиласди. Маълумотларни қайта ишлашга бўлган фойдаланувчиларнинг барча сўровлари тизим томонидан марказлаштирилган ҳолда бажарилади. Камчилиги - файл-сервер сифатида кўлланиладиган талабларнинг юқорилиги; устунликлари - тармоққа юкламаларнинг нисбатан пастлиги, марказлаштирилган бошқарувнинг барча қулийларидан фойдаланиш ҳамда юқори даражадаги ишончлилик ва хавфсизликни таъминлаш имкониятлари мавжудлиги. Клиент-серверли МББТларга мисоллар: *Oracle, Firebird, Interbase, IBM DB2, Informix, MS SQL Server, MySQL* ва хок.;

**ичга ўрнатиладиган МББТ** - бирон бир катта дастурнинг қисми бўлиб, у билан бирга ўрнатиладиган, яъни алоҳида ўрнатишни талаб қилмайдиган тизимлар. Ички ўрнатиладиган МББТлар фақат ўзи бирга ўрнатилган дастур томонидан ишлатишга мўлжалланган бўлиб, тармоқ бўйича гуруҳ доирасида ишлатишга имконият бермайди. Жисмондан динамик ёки статик кутубхона кўринишида яратилади, маълумотларга мурожаат қилиш ички SQL ёки маҳсус дастурий интерфейс орқали амалга оширилади. Ичга ўрнатиладиган МББТларга мисоллар: *OpenEdge, SQLite, BerkeleyDB, Firebird Embedded, MS SQL Server Compact* ва хок.

**2. Амалий дастурний таъминот ёки иловалар** - фойдаланувчилар билан бевосита мулоқотга киришувчи ҳамда унинг аниқ масалаларини ечишга мўлжалланган дастурний воситалар, оддий тилда ёрдамчи дастурлар деб ҳам юритилади.

Амалий дастурний воситалар тури ҳамда қўлланилиш соҳаси бўйича таснифланаади. Дастурний воситалар тури бўйича учта катта гурухга ажратилади: **умумий, маҳсус ҳамда касбга оид дастурний воситалар**.

Умумий дастурний воситалар гурухига кўйидагилар киритилади:

**матн мухаррирлари** - умумий ҳолда матн кўринишадаги маълумотларни, шу жумладан матн файлларини яратиш ҳамда ўзгаририш учун мўлжалланган мустақил ёки мажмуа таркибидаги дастурний восита;

**матн процессорлари** - хужоатларни ёзиш ва ўзгаририш, уларнинг босма кўринишини олдиндан кўриш учун ишлатиладиган матн мухаррирлари. Замонавий матн процессорлари шрифт ва абзацларни форматлаш, имло хатоларни тузатиш билан бир қаторда жадваллар яратиш ва матн ичida турли чизмаларни жойлаштириш имкониятларига эга. Энг кенг тарқалган матн процессорлари қаторига *Microsoft Word, OpenOffice.org Writer, WordPad* ва бошқаларни киритиш мумкин;

**компьютерда саҳифалаш дастурлари** - компьютер ёрдамида кейинчалик босмахонада чиқариш учун китоб ва журнallар ҳамда бошқа турдаги босма маҳсулотлар саҳифаларининг макетларини яратиш мақсадида ишлатиладиган дастурний воситалар. Масалан, *QuarkXPress, Adobe InDesign, Microsoft Publisher, Apple Pages* ва бошқалар;

**график мухаррирлар** - компьютер ёрдамида икки ўлчамли расмлар яратиш ва ўзгаририш имконини берувчи дастурний воситалар. Масалан, *Adobe Photoshop, Corel Draw, Auto Cad, Sportlight, GIMP* ва бошқалар;

**электрон жадвал мухаррирлари** - икки ўлчамли массив кўринишидаги маълумотлар билан ишлаш имкониятини берувчи дастурний воситалар. Баъзи электрон жадвал мухаррирлари "варақлар" ташкил этиш

орқали уч ўлчамли маълумотлар билан ишлаш имкониятини ҳам беради. Электрон жадваллар ҳисоблаш масалаларини автоматлаштиришнинг қулаги воситасидир. Кўп ҳисоб-китоблар, масалан мухосиблик (бухгалтерия) ҳисоб-китоблари айнан жадвал кўринишида амалга оширилади: баланслар, сметалар ва хок. Шунингдек бир қатор математик ҳисоблаш масалаларини рақамли усуллар ёрдамида жадвал кўринишида ечиш ҳам қулагидир. Электрон жадвалларда математик ифодаларни кўплаш имкониятлари реал тизимлардаги турли кўрсаткичлар ўртасидаги алоқаларни кўрсатиб бериш мумкин. Илгари фақатгина дастурлаш ёрдамида ечишган кўпчилик масалаларни электрон жадваллар ёрдамида математик моделлаштириш орқали ечиш имкониятлари юзага келди. Электрон жадвал мухаррирлари: *Microsoft Excel*, *OpenOffice.org Calc*, *Lotus 1-2-3*, *Gnumeric* ва бошқалар;

**веб-браузерлар** ёки **браузерлар** (*web browser*) - веб-сайтлар мазмунини кўриш, уларнинг биридан иккинчисига ёки турли саҳифаларига ўтиш, FTP-серверлардан файлларни юклаб олиш мақсадида ишлатиладиган дастурний воситалар. Бугунги кунга келиб энг кенг тарқалган браузерлар текинга ёки бошқа дастурний мажмуулар таркибида тарқатилади: *Internet Explorer* (*Microsoft Windows* таркибида), *Mozilla Firefox* (алоҳида текин ёки *Linux* таркибида), *Safari* (*Mac OS X* таркибида ёки *Microsoft Windows* учун текин), *Google Chrome* (текин), *Opera* (8.5 таҳриридан бошлаб текин) ва бошқалар.

**Махсус дастурний воситалар гурухига** кўйидагилар киритилади:

**эксперт тизимлари** - муаммоли ҳолатни хал қилиш давомида мутахассис-экспертнинг ўрнини қисман боса оладиган компьютер дастурлари мажмууси. Замонавий эксперт тизимлари сунъий тафаккур соҳасидаги олимлар томонидан ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб яратила бошлади ҳамда 80-йилларда тижоратчилар томонидан иқтисодий кўмак олиб ривожлана бошлашди;

**мультимедиа** - нафақат матн, балки овоз ҳамда тасвир (ёки видео) кўринишидаги маълумотлар билан ишлашга мўлжалланган дастурний воситалар. Улар қаторига медиаплеерлар, видео ҳамда овозли файлларни яратувчи ҳамда ўзгартирувчи дастурлар, маълумотларни бир турдан иккинчисига ўзгартирувчи (масалан, матнни овозга ёки овозни матнга айлантирувчи ва хок.) ва бошқалар киритилади;

**гиперматн тизимлари** - ўзаро гиперҷаволалар орқали боғланган маълумотлар мажмууси билан ишлашга мўлжалланган дастурний воситалар йигиндиси. Электрон луғатлар, энциклопедиялар, сўровномалар (справочниклар) ва бошқалар гиперматн тизимларига мисол бўлади;

**мазмунни бошқариш тизимлари** (*Content management system, CMS*)

- компьютер тизимида (одатда веб-сайтлардаги) ахборотларнинг мазмунини бир қанча инсонлар гурухи томонидан биргаликда яратиш, шакллантириш, ўзгартириш ва бошқариш жараёнларида ишлатиладиган дастурний воситалар. Мазмунни бошқариш тизимларининг асосий вазифалари қаторига қўйидагилар киради:

мазмун ва мундарижани яратиш ҳамда мазмун устида биргаликда ишлашни ташкил этиш воситалари билан таъминлаш;

мазмунни бошқариш: сақлаш, турли таҳрирларни юритиш, хужоатлар оқимини бошқариш ва хок.;

мазмунни эълон қилиш (чоп этиш);  
маълумотлар ва ахборотларни излаш ва танишиб бориш учун қулай кўринишга келтириш.

Мазмунни бошқариш тизимларида барча турдаги маълумотлар: хужжатлар, турли фильмлар, фотографиялар ва расмлар, телефон рақамлари ва манзиллар, илмий маълумотлар қайта ишланади. Бундай дастурлар кўпинча хужжатларни сақлаш, бошқариш, қайта кўриб чиқиш ва эълон қилиш учун ишлатилади. Мазмун бир гуруҳ ҳодимлар томонидан ўзгартирилаётганда хужжатларнинг турли тахрирларини назорат қилиб бориш бундай тизимларнинг асосий устунлик томони ҳисобланади.

**Касбга оид дастурий воситалар гуруҳига** асосан турли касбий масалаларни ечишга мўлжалланган дастурий воситалар мажмуалари киритилади. Уларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз:

**автоматик лойиҳалаштириш тизимлари** - лойиҳалаштириш масалаларини бажарувчи ахборот технологияларини амалга оширувчи автоматлаштирилган тизимлар. Уларни яратищдан асосий мақсад - муҳандислар мөхнати самарадорларигини ошириш, шу жумладан: лойиҳалаштириш ва режалаштириш жараёнларига мөхнат сарфини камайтириш, лойиҳалаш даврини ва эксплуатация харажатларини қисқартириш, таннархни камайтириш, натижалар сифати ҳамда техник иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш ва хок.;

**автоматлаштирилган иш жойи** - аниқ фаолият турини автоматлаштиришга мўлжалланган дастурий-техник воситалар мажмуаси, одатда автоматлаштирилган бошқарув тизимининг алоҳида қисми сифатида кўрсатилади;

**автоматлаштирилган бошқарув тизими** - ташкилот фаолияти, ишлаб чиқариш ёки технологик жараёнларни бошқариш мақсадида яратиладиган дастурий ва техник воситаларнинг мажмуаси. "Автоматлаштирилган" атамасининг кўлланилиши "автоматик" атамасидан фарқли равища хал қилувчи вазифалар ёки автоматлаштиришнинг иложи бўлмаган функциялар инсон-фойдаланувчи томонидан бажарилиши белгилаб кўйилишидан дарак беради. Автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг қарор қабул қилишни қўллаб-куватлаш тизимлари билан биргаликда бошқарув қарорларининг асосланганлигини оширишининг омилидир;

**илмий текширишларни автоматлаштириш тизими** - ўрганилаётган обьект, ҳодиса ва жараёнларнинг моделларидан фойдаланиш асосида илмий изланишларни ўtkазish ҳамда яратилган янги намуналарни текшириш мақсадида яратиладиган дастурий техник воситалар мажмуаси;

**биллинг тизими** - биллинг бизнес-жараёнларини қўллаб-куватловчи дастурий восита. Асосан электралоқа кохоналарида телекоммуникация ресурслари ва хизматлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, уларни нарҳлаш, абонентлар томонидан тўланиши лозим бўлган хизмат ҳақини ҳисоблаб бериш ва улар билан ҳисоб-китобларни юритиш вазифаларини бажариш учун ишлатилади.

**Амалий дастурий воситаларнинг кўлланилиш соҳаси бўйича турлари:**

**ташкилот ва муассасаларнинг амалий дастурий воситалари** - масалан, молия, маҳсулот етказиш тармоғи, фойдаланувчилар билан муносабатларни бошқариш дастурлари. Кичик бизнес ташкилотларининг ҳамда катта ташкилотнинг таркибий бўлинмаларининг (масалан, транспорт харажатларини юритиш, ИТ-хизмат фаолияти) дастурий воситалари ҳам мазкур турга киради;

**фойдаланувчиларга компьютер қурилмаларини бошқариш имкониятини берувчи дастурий воситалар;**

**ташкилот инфратузилмасини ташкил этувчи дастурий воситалар** - ташкилотдаги маҳсус ёки касбга оид дастурий воситалари ишлаши учун асос яратиб беради. Улар қаторига маълумотлар базаларини бошқариш тизимлари, электрон почта серверлари, тармоқ ва хавфсизликни бошқариш тизимлари киритилади;

**ахборот ходимининг дастурий воситалари** - алоҳида фойдаланувчининг ахборотларни яратиш ва бошқариш эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилади. Одатда бу вақт, ресурслар ва хужжатларни бошқариш дастурлариdir, масалан, матн мухаррирлари, электрон жадваллар, электрон почта дастурлари, шахсий ахборот тизимлари ҳамда медиа мухаррирлари;

**мазмун билан танишиш дастурий воситалари** - у ёки бу дастурлар ҳамда ахборот ресурслари мазмунни билан уни ўзгартириш имкониятисиз танишиш (баъзи холларда ўзгартириш имконияти берилади) учун кўлланувчи дастурлар. Рақамли мазмуннинг якка ёки гурух фойдаланувчилари томонидан ишлатилишга мўлжалланган. Мисол учун, медиа-плеерлар, веб-бразерлар шундай дастурлар қаторига киради;

**таълим дастурий воситалари** - мультимедиа ҳамда кўнгилочар дастурий воситаларга яқин, аммо улардан фарқли равишда фойдаланувчилар билимларни текшириб туриш ҳамда у ёки бу билимлар азаппачангилини наозорат қилиш буйича аниқ талабларга жавоб бериши лозим бўлади. Кўпчиллик таълим дастурлари биргаликдаги фойдаланиш ҳамда кўптомонлама ҳамкорлик қилиш имкониятларига эга бўлади;

**имитацияловчи дастурлар** (*imitation*) - илмий изланишлар, таълим или кўнгил очиш мақсадларида жисмоний ёки абстракт объектлар ёки тизимларни симуляция (ўхшатиш) қилиш учун ишлатиладиган дастурий воситалар;

**медиа соҳасидаги ускуна дастурлар** - тижорат ёки таълим мақсадларида бошқалар учун босма ёки электрон медиа ресурслар яратувчи фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондирувчи дастурий воситалар. Улар қаторига полиграфик ишлов берувчи, саҳифаловчи, мультимедиани қайта ишловчи, HTML-мухаррирлари, рақамли анимация ҳамда овоз билан ишловчи дастурлар киритилади;

**лойихалаштириш дастурлари** - дастурий ва техник таъминот яратишда кўлланилади. Ўз ичига автоматлаштирилган лойихалаштириш (*computer aided design - CAD*), автоматлаштирилган инжиниринг (*computer aided engineering - CAE*), компьютер тилларини мухаррирлаш ва компилляция қилиш, ишлаб чиқишнинг интеграллашган мухити (*Integrated development environments - IDE*) каби дастурий мажмуаларни ўз ичига оладиган дастурлар туркумидан иборат.

## 9. Алгоритмик таъминот

Однинг икки мавзуда ахборот тизимларининг икки асосий таъминоти - техник ҳамда дастурний таъминот тўғрисида сўз юритилди. Улардан биринчисини бугунги кунга келиб мутахассислар орасида "қаттиқ", иккинчисини эса "юмшоқ" (мос равища hardware ва software) таъминот деб аташ одат тусига кирмокда. Улардан биринчисини ахборот тизимининг ўзига хос "суюги" (скелети), иккинчисини эса "эти" (тирик хужайралари) сифатида кўз олдимишга келтиришимиз мумкин. Бугунги кунга келиб мазкур таъминот турлари билан бир қаторга ўзига хос "тафаккур" ёки "мия" (brainware) таъминоти ҳам чиқиб, баъзи ўта мураккаб холларда аҳамияти бўйича ўтиб ҳам кетмокда. Яъни эт билан сувкни бошқариб турувчи "ақл"нинг аҳамияти нафақат инсонлар оламида, балки ҳисоблаш техникаси ва тизимлари оламида ҳам биринчи ўринга чиқмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир ҳаракатни қачон бошлаб, қачон тугатиш, қайси кирувчи маълумотларни қайси тартибда талаб қилинаётган натижка кўринишига келтириш кераклигини, ушбу масалаларни қандай амалларни қандай тартибда бажариш орқали ечиш мумкинligини кўрсатувчи йўриқномаларга талаб ортиб бормөндаки, умуман ҳисоблаш тёхникаси ва ахборотлаштириш соҳаларида бундай йўриқномалар "алгоритм"лар деб аталади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда мазкур мавзу доирасида алгоритм тушунчасини таърифлаш билан бир қаторда, мазкур сўзининг келиб чиқиши, алгоритмларнинг умумий хусусиятлари ва кенг тарқалган турлари, уларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва тасвирилаш усуслари ҳамда самарадорлиги масалаларини батафсил кўриб чиқамиз.

Бугунги кунда ҳисоблаш техникаси фаолиятида кенг кўлланиладиган алгоритмлар рўйхати 2-иловада келтирилган.

Умумий ҳолда бугунги кунга келиб алгоритм тушунчаси тўғрисида гапирилганда "маълум масалани ечиш учун бажарувчи томонидан бажарилиши лозим бўлган аниқ сондаги амаллар тартибини ёритувчи кўрсатмалар йигиндиси" тушунилади. Нисбатан эскироқ таърифларда "тартиб" сўзи ўрида "кетма-кетлик" ибораси ишлатилган, аммо компьютер техникасининг ривожланиши натижасида параллел ҳисоблаш жараёнлари кенг кўлланилаётганилиги сабабли анча тор доирадаги "кетма-кетлик" ибораси нисбатан кенгроқ маънодаги "тартиб" сўзи билан алмаштирилди. Бунга асосий сабаб баъзи кўрсатмаларнинг бажарилиши учун бошқа кўрсатмаларнинг амалга оширилиши ёки уларнинг натижалари керак бўлади. Яъни, баъзи кўрсатмалар фақат ўзлари боғлиқ бўлган кўрсатмалар бажарилгандан сўнтина амалга оширилиши мумкин бўлади. Бошқа кўрсатмаларга боғлиқ бўлмаган, ёки ўзи боғлиқ бўлган кўрсатмалари амалга оширилиб бўлган кўрсатмалар кўлланилаётган процессор ҳамда операцион тизим йўқон берган ҳолларда исталган кетма-кетликда, параллел равища ёки бир пайтда амалга оширилиши мумкин.

Кўпинчá алгоритм бажарувчиси сифатида бирон-бир қурилма (компьютер, чилангарлик дастгоҳи, тикув машинаси ва хок.) назарда

тутилади, аммо бу ҳар доим ҳам түгри бўлавермайди. Масалан, бирон-бир таомни тайёрлаш усули - бажарувчиси ошпаз (инсон) бўлган алгоритмдир.

Алгоритм тушунчаси математиканинг энг асосий, бирламчи, фундаментал тушунчаларидан биридир. Алгоритмлар хусусиятларига эга бўлган ҳисоблаш жараёнлари (бутун сонлар устида арифметик ҳисоблаш амаллари, икки соннинг энг катта умумий бўлувчиси ва хок.) инсонларга қадим замонлардан маълум. Аммо алгоритм тушунчаси, унинг аниқ илмий таърифлари XX асрнинг бошларига келибгина шаклдан бошлади.

Алгоритм сўзининг ўзи буюк ватандош аждодимиз Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Муса ал-Хоразмий исмидан келтириб чиқарилган: алгоритм - ал-Хоразмий. Эрамизнинг таҳминан 825 йилида у Хиндистонда ўйлаб топилган ўнлик саноқ тизими тўғрисидаги рисоласини ёзди. Афсуски, мазкур асарнинг форс тилидаги асл нусхаси йўқотилган. Ал-Хоразмий ўз асарида ўнлик саноқ тизимида арифметик амалларни бажариш усулларини ёритиб берган ҳамда, эҳтимол, дунёда биринчи бўлиб сонларнинг ёзувида "0" рақамини ишлатишина тақлиф қилган. X асрларда хинҷча ҳисоблаш тизимини араб олимлари ҳам ишлата бошлашган. "0" нинг хинҷча номини улар "ас-сифр" [as-sifr] ёки "сифр" [sifr] кўринишида таржима қилишганки, ундан рус ва бошқа тиллардаги "цифра", "шифр" каби сўзлар келиб чиқкан.

XII асрнинг иккинчи ярмига келиб мазкур асар биринчи марта лотин тилига ўтирилиб, Европада тарқала бошлади. Бугунги кунгача номи етиб келмаган таржимон китобни "Algoritmi de numero Indorum" - "Алгоритми Хинд ҳисоби тўғрисида" деб номлади. Китоб қўйидаги сўзлар билан бошланди: "Dixit algorizmi: ..." - "Алгоритми айтадики: ...". Китобнинг арабча номи "Китоб ал-жабр вал-муқаллаба" ("Қўшиш ва айриш тўғрисидаги китоб") дан эса замонавий "алгебра" (ал-жабр) тушунчасининг номи келиб чиқкан.

Шундай қилиб буюк ватандошимизнинг Европага кириб келган потинлаштирилган шаклдаги исми китоб номига олиб чиқилди, ҳамда айнан шу асардан келиб чиқкан ҳолда "алгоритм" сўзи кенг қўлланила бошланган. Вақт ўтиши билан математик рисолаларнинг номидан тушмай келган algorism (ёки algorismus) сўзи "арабча рақамлар ёрдамида қозода абакни ишлатмай туриб арифметик амалларни бажариш" маъносида қўлланила бошланди ҳамда деярли барча европа тилларига кириб келди. Масалан, 1957 йilda чоп этилган инглиз тилининг изоҳли луғати - Webster's New World Dictionary да алгоритм сўзига "эскирган" белгиси билан айнан шундай изоҳ берилган.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, компьютер техникасининг ривожланиши, уларнинг жамият ҳаётининг қарийб барча соҳаларида қўлланилиши натижасида алгоритм сўзининг мазкур мавзунинг бошида келтирилган таърифи шаклланди.

Бугунги кунда замонавий таърифлардан келиб чиқкан ҳолда **алгоритмлар қўйидаги хусусиятларга эга бўлишлари керак**:

дискретлик - алгоритм масаланинг ечимини бир қанча оддий қадамларни тартиб билан бажариш жараёни сифатида талқин этиши лозим. Бунда алгоритмнинг ҳар бир қадамини бажаришга тугалланган вақт оралиги талаб этилади, яъни **бошлангич маълумотларни натижага айлантириш дискрет вақт оралиғида амалга оширилади**;

**аниқланғанлык** - ҳар бир онда жараён фаолиятнинг навбатдаги қадами тизимнинг ҳолати билан аниқ белгиланади. Яъни бир хил бошланғич маълумотларда ҳар доим бир хил натижа олиниши лозим. Замонавий фан тилида битта алгоритмнинг турли амалга оширилишлари изоморф графга эга бўлиши керак. Бошқа томондан алгоритмнинг навбатдаги қадамининг иши тизимнинг жорий ҳолати ҳамда генерация қилинган эҳтимолий сонга боғлиқ бўладиган “эҳтимолий алгоритмлар” ҳам мавжуд. Аммо бошланғич маълумотлар қаторига эҳтимолий сонларни генерация қилиш усулининг юйлиши “эҳтимолий алгоритмлар”ни оддий алгоритмларнинг бир турига айлантиради;

**тушунарлилик** - алгоритмнинг ҳар бир кўрсатмаси бажарувчи тизим томонидан тушунилиши ва бажара олиниши керак;

**тугалланиш** - тўғри бошланғич маълумотлар киритилганда алгоритм ўз ишини тугаллаши ва натижа бериши учун аниқ сондаги қадамларни бажариши лозим. Иккинчи томондан эҳтимолий алгоритм ўз ишини хеч қачон тугалласпиги мумкин, аммо бунинг эҳтимоли “0” га teng;

**универсаллилик** - алгоритм **бошланғич маълумотларнинг ҳар қандай тўғри тўпламларида натижа чиқариши лозим;**

**натижакорлик** - алгоритм ўз ишини доим натижа бериб тугатиши лозим. Алгоритм нотуғри натижалар берадётган ёки умуман натижа бермаётган бўлса, демак унда хатоликлар мавжуд, алгоритм тўғри бошланғич маълумотларнинг исталган тўпламида тўғри (маънога эга бўладиган) натижа берадётган бўлса, демак хатосиз бўлади. Дастурлаш бўйича турли мусобақаларда, масалан, олимпиадаларда, алгоритмларнинг айнан шу хусусиятларидан тузилган алгоритмларни текшириш учун фойдаланилди.

Маълум бир амалий масалани ечишда кўлланиладиган алгоритмлар алоҳида муҳим ўрин тутишади.

Математик-мантиқий воситалар сифатида алгоритмлар фаолиятнинг айнан танланган соҳасидаги ютуқлар ҳамда асосий интилиш ва ғояларни акс эттиради. Шунингдек, мақсадлари, масаланинг бошланғич шартлари ва унинг ечиши усуслари, бажарувчи ҳаракатларини белгилаш нұқтаси назарларидан алгоритмлар қўйидаги турларга бўлинади:

**механик** ёки қаттиқ, аниқ алгоритмлар, масалан, механик қурилмалар, турли дасттоҳлар ва ускуналарнинг ишлаш алгоритмлари. Механик алгоритмлар маълум ҳаракатларнинг ягона ва аниқ тартибини белгилаб беради. Айнан шу хусусият орқали улар, алгоритм ишлаб чиқилган бошланғич шароитлар амалга ошган даврда, қидирилаётган ечим ёки аниқ жавобни топиб беради;

**юмшоқ** алгоритмлар қаторига стохастик яъни эҳтимолий ҳамда эвристик алгоритмлар киради:

**эҳтимолий** (стохастик) алгоритмлар масалани эҳтимолан ечиши мумкин бўлган бир нечта йўл ва усуслари дастурини кўрсатиб беради;

**эвристик** алгоритм (грекча “эврика” - “топдим” сўзидан олинган) деб дастур ишининг якуний натижага эришилиши, барча ҳаракатлар тартиби, бажарувчининг барча ҳаракатлари аниқ кўрсатилмаган алгоритмларга айтилади. Эвристик алгоритмлар қаторига йўрікномалар ёки кўрсатмалар киритилади. Бундай алгоритмларда универсал мантиқий амаллар ва ўхшаш

масалаларни ечишдан йигилган тажриба ҳамда ўхшатиш асосида қарор қабул қилиш усуллари кўлланилади;

**чизиқли алгоритм** - вақт давомида кетма-кет бажариладиган буйруқлар (курсатмалар) йигиндиши;

**шоҳланувчи алгоритм** - текширилиши натижасида икки ёки бир нечта параллель йўлга ажralиши мумкин бўлган камида битта шартни ўз ичига олган алгоритмлар;

бошланғич маълумотларни ҳар сафар янгилаган ҳолда бир ёки бир нечта ҳаракатларни кўп маротаба қайтарувчи (қайтарилувчи буйруқларни бажарувчи) цикли алгоритмлар. Цикли алгоритмлар қаторига кўпчилик ҳисоблаш усуллари ҳамда саралаш, бирма-бир кўриб чиқиш, тартибга солиш масалаларини ечиш алгоритмлари киритилади, бунда бирон-бир шарт бажарилгунга қадар (ҳар сафар янги бошланғич маълумотлар билан) қайтариладиган буйруқлар тўплами (цикл танаси) - алгоритм ёки дастур цикли деб аталади;

**ёрдамчи алгоритм** - олдиндан яратилган ҳамда маълум масалани алгоритмлаш давомида тўлиқ ҳолда ўзгаришларсиз ишлатиладиган алгоритмлардир. Баъзи ҳолларда турли маълумотлар билан бир хил амалларни (буйруқларни) бажариш керак бўлганда, бутун алгоритм ёзувини кисқартириш мақсадларида ҳам ёрдамчи алгоритмлардан фойдаланилади.

Ахборот технологияларининг жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кириб келиши ва кенг кўлланилиши, дастурлардаги тўхталиш ва бузилишлар таваккалчилиги даражасини ошириб юборди. Алгоритмлардаги ва улар асосида яратилган дастурлардаги тўхталиш ва бузилишларга олиб келувчи хатоликларнинг олдини олиш йўлларидан бири - уларнинг тўғрилигини математик усуллар билан исботлашдан иборат.

**Алгоритмларни тахлил қилишда** математик усуллардан фойдаланиш формал услугуб номини олган. Формал услугублар алгоритмларнинг формал кўринишга келтириш - алгоритмларнинг спецификацияларини ҳамдá уларнинг тахлил қилиш, хатосизликларини исботлаш имконини берувчи маҳсус восьиталар яратишни кўзда тутади. Бундай ёndoшув дастурларни тузмасдан туриб бўлажак тизим хусусиятларини тахлил қилиш имконини беради. Ундан ташқари математик ифодаларнинг аниқлиги ва бир маънолилиги табий тиллардан фарқли равища кўп маънолилик ва ноаникиларни бартараф этади [23-24].

Алгоритмлар ҳамда дастурлар тўғрилигини исботлаш уларнинг кириувчи маълумотларга тинисбатан хусусиятларини белгилаш имконини беради. Бунинг учун иккى хил турдаги тўғрилик даражаси ажратилади:

**қисман тўғрилик** - алгоритм (дастур) ўз ишини тугаллаган ҳолларда тўғри натижага беради;

**тўлиқ тўғрилик** - алгоритм (дастур) ўз ишини маънога эга бўлган ҳар қандай бошланғич маълумотлар билан якўнлайди ҳамда тўғри натижага беради.

**Тўғриликни исботлаш давомида дастур матнини** кириувчи ва чикувчи маълумотлар ўртасидаги олиниши. Керак бўлган муносабатлар спецификацияси билан солиштириллади. Бундай муносабатлар спецификацияси бошланғич ва якунловчи шартлар деб аталувчи

тасдиқлар рўйхати сифатида яратилади. Ҳар бир тасдиқ қуидаги кўринишда ёзилади:

$$P \{Q\},$$

бу ерда:

$Q$  - дастур;

$P$  - дастур бошланишидан олдин бажарилиши лозим бўлган бошлангич шарт;

$R$  - дастур ўз ишини тўғри тугатган холда бажарилиши лозим бўлган якунловчи шарт.

Формал усуллар жуда кўплаб соҳаларни автоматлаштириш ҳамда компютерлаштириш жараёнларида мұваффакиятли қўлланилган. Улар қаторига электрон чизмаларни яратиш, сунъий тафаккур, темир йўллардаги автоматик тизимлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Алгоритмларни баҳолашнинг кенг тарқалган кўрсаткичларидан бири - унинг ишлаш вақти ҳамда кирувчи маълумотлар ҳажмига мос равижда иш вақтининг ўсишидир.

Ҳар бир амалий масала учун масаланинг ўлчами деб аталувчи катталик тәнланади. Мисол учун, матрицаларни кўпайтиришни амалга оширувчи масаланинг ўлчами сифатида кўпайтирилувчи матрицанинг энг катта ўлчами, графли масалалар учун граф қовурғаларининг сони масаланинг ўлчами сифатида ишлатилиши мумкин.

Ўлчами  $n$  га тенг бўлган масалани ишлашга кетадиган вақтнинг ўлчамга нисбатан олинган функцияси  $T(n)$  - мазкур алгоритмнинг вақт мураккаблиги функцияси деб аталади. Масаланинг ўлчами ўзгариши билан ушбу функцияning ўзгариши масаланинг асимптотик вақт мураккаблиги деб аталади.

Айнан асимптотик мураккаблик алгоритм қайта ишлаши мумкин бўлган масла ўлчамларини өлгилаб беради. Мисол учун,  $n$ -ўлчамли бошлангич маълумотларни кўриб чиқилаёттан алгоритм  $cl^2$  вақт давомида қайта ишласа, бу ерда  $c$  - бирон-бир ўзгармас катталик, яъни константа, бундай алгоритмнинг вақт мураккаблиги  $O(n^2)$  га тенг бўлади.

Алгоритмни ишлаб чиқиш давомида энг оғир ҳолатлар учун асимптотик вақт мураккаблигини имкони борича камайтиришга ҳаракат қилинсада, амалиётда, баъзи холларда, "одатда" тез ишлайдиган алгоритмлар етарли ҳисобнаниши мумкин.

Асимптотик вақт мурakkabligini taxlil qiliishi ikki xil yulda amalga oiriishi mumkin: bevosita taxliliy va statistik. Taxliliy usul anikroq natiixa beradi, ammo uni amaliyotda k'ulplash murakkabroq, statistik usul esa murakkab masalalarni tezroq taxlil qiliishi imkoninini beradi.

5-жадвалда энг кўп учрайдиган асимптотик мураккабликлар тегишли изоҳлари ва мисоллари билан келтирилган.

Алгоритмларни бир қатор усуллар билан тасвиirlash мумкин:

сўзлар ёки вербал усул - амалга ошириладиган ҳаракатлар (кўрсатмалар, бўйруқлар) табиий тилда, баъзи холларда математик ифодаларни ҳам ишлатган ҳолда ёзилади;

чалакод (псевдокод) усўли - алгоритмларни содда, тушунишга осон бўлган ҳолда тасвиirlash усулидир. Одатда, чалакод усулида алгоритмик дастурлаш тийларийнинг хизматчи сўзларидан кенг фойдаланилади ҳамда,

шу билан бир қаторда, алгоритмни инсон томонидан тушунилиши учун ахамиятли бўлмаган қирралари тушириб қолдирилади. Чалакод усули дасрликларда, илмий-техник адабиётларда ҳамда дастурлашнинг ilk босқичларида кенг ишлатилади. Ёш дастурчилар яхши биладиган “Салом, дунё!” дастурининг алгоритми чалакодларда кўйидагича кўринишга эга бўлади:

“алг СаломДунё  
бошла  
чиқар (“Салом, Дунё!”)  
тутат”;

чизма усули - мазкур усулда алгоритмлар блок-схема ёки граф-схема кўринишида тасвирланади. Блок-схемаларда алгоритмларнинг алоҳида қадамлари турли шакллардаги блоклар сифатида, ҳаракат йўналишлари эса блокларни ўзаро боғловчи чизиклар ёрдамида кўрсатилади. Граф-схемаларда эса алгоритм боғланган йўналтирилган граф  $G = \langle A, V \rangle$  сифатида тавсифланади. Бундай графнинг чўққилари  $a_i \in A, i=1, \dots, N$  алгоритмнинг кўрсатмалари (бўйруқлари) га тўғри келса, графнинг қовурғалари  $v_k = (a_i, a_j) \in V, k=1, \dots, M, i, j=1, \dots, N$  чўққилар (кўрсатмалар, бўйруқлар)нинг амалга оширилиш тартибини кўрсатиб беради.

5-жадвал

### Асимптотик мураккабликлар

Мураккаблик	Изоҳ	Мисол
$O(1)$	Турғун иш вақти масаланинг ўлчамига боғлиқ эмас	Хеш-жадвалдаги излаш вақти
$O(\log \log n)$	Алгоритм иш вақти жуда секин ўсиб боради	$n$ сондаги элементлар орасида интерполяцияли излашнинг кутилган вақти
$O(\log n)$	Логарифмик ўсиш - масала ўлчамининг 2 марта ортиши иш вақтини бир хил катталикка оширади	$x^n$ -ни хисоблаш, $n$ элементли массивда иккилик излаш
$O(n)$	Чизиқли ўсиш - масала ўлчамининг 2 марта ортиши иш вақтини ҳам 2 марта оширади	$n$ рақамдан иборат сонларни қўшиш/айириш; $n$ элементли массивда чизиқли излаш
$O(n \log n)$	Чизиқли ритмик ўсиш - масала ўлчамининг 2 марта ортиши иш вақтини 2 мартдан кўпроқ оширади	$n$ та элементларни қўшиб ёки гуруҳи билан турлаш (сортировка), солишириб турлашнинг минимал вақти;
$O(n^2)$	Квадратли ўсиш - масала ўлчамининг 2 марта ортиши иш вақтини 4 марта оширади	Турлашнинг энг оддий алгоритмлари
$O(n^3)$	3-даражали ўсиш - масала ўлчамининг 2 марта ортиши иш вақтини 8 марта оширади	Матрицаларни оддий кўлпайтириш
$O(cn)$	Экспоненциал ўсиш - масала ўлчамининг 1 га ортиши иш вақтини с марта оширади	Коммивояжер масаласи, барча имкониятларни тўлиқ кўриб чиқиши орқали излаш алгоритмлари

## Блок-схемаларда ишлатиладиган асосий блоклар

Номи	Шакли	Вазифаси
Бошлаш ва тугатиш блоки		Ташки мұхитдан кириш ҳамда ташки мұхиттага чиқиш нұктаси (одатда, алгоритмнинг боши ва охирі). Шакл ичиға тегишли ҳаракат ёзилади (бошла/тұрат).
Ҳаракат блоки		Бир ёки бир нечта амалиётни амалга ошириш, барча түрдеги маълумотларни қайта ишлаты (маълумоттар күймати, тәқдимет шакли, жойлашишини ўзгартырыш). Шакл ичиға бевосита амалларнинг ўзи ёзилади, масалан: $a:=10^*b+c$
Мантиқий (шартлы) блок		Битта кириш ҳамда фақатгина биттаси таңланиши мүмкін бўлган бир нечта мүқобил чиқишига эга бўлган мантиқий амалларни тасвирлайди. Масалан: шартни текшириш 2 та ("xa", "yuk"), солишириш 3 та ("<", ">", "=") чиқишига эга. Шакл ичиға мантиқий шарт ёзилади. Кириш одатда тепа бурчакдан келади, бошқа бурчаклар чиқиши вазифасини бажаради.
Маълумотлар блоки (киритиш-чиқариш)		Маълумотларни киритиш ёки натижаларни кўрсатиш учун қулий шаклга келтириш амалларини тасвирлайди. Ушбу шакл маълумотлар ташувчисини ажратиб кўрсатмайди. Бунинг учун бошқа түрдаги махсус шакллар ишлатилади.
Ёрдамчи алгоритмлар блоки		Алгоритм ёки дастурнинг бошқа жойида (ёрдамчи алгоритм ёки дастурда) батағсил кўрсатилган бир ёки бир нечта амаллардан иборат жараённи бажариш лозимлигини кўрсатади. Шакл ичида чақирилаётган жараён номи ва унга узатиливчи маълумотлар ёзилади. Масалан, ёрдамчи дастур ёки функциялар.

Хар бир масала учун натижага берадиган кўплаб алгоритмлар мавжуд бўлади. Алгоритмларнинг биронта ҳам таърифида буйруқлар сонига ҳеч қандай чекловлар кўйилмасада, амалиётда бир миллиард буйруқни бажарувчи дастурлар анча "секин ишлайдиган" деб ҳисобланади. Ундан ташқари дастур ҳажми, мумкин бўлган амаллари бўйича чекловлар мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам алгоритмларнинг вақт, ҳажми бўйича ҳамда ҳисоблаш самарадорлиги тушунчаси киритилади.

Алгоритмларнинг самарадорлигини ошириш замонавий информатиканинг энг долзарб масалаларидан биридир. Хатто XX асрнинг 50-йилларида унинг алохидаги йўналиши - "тезкор алгоритмлар" йўналиши юзага келди. Ушбу йўналишнинг энг машхур ютуқларидан бири π сонининг каср қисмидаги триллиондан ортиқ рақамларини тўғри ҳисоблаш имконини берувчи ака-ука Чудновскийлар алгоритмидир:

$$\pi = 12 \sum_{k=0}^{\infty} \frac{(-1)^k (6k)! (13591409 + 545140134k)}{(3k)! (k!)^3 640320^{3k+3/2}}.$$

## **2 - қисм. Ахборот хавфсизлиги**

### **3 - боб. Ахборот хавфсизлигининг назарий асослари**

#### **10. Ахборот хавфсизлиги тушунчаси**

Умуман олганда “хавфсизлик” тушунчаси Ўзбек тилининг изоҳли луғатида [25] қўйидагича таърифланган: **“хавфсизлик - хавф-хатарнинг йўқлиги; хавф бўлмаган ҳолат”**.

Ўша манбанинг ўзидан яна 2 та таърифни келтирамиз:

“**хавф** [кўркинч, кўркиш, ваҳима, ҳадиксираш] - бирор **хатарли ҳодиса ёки фалокат содир бўлиши эҳтимоллиги, хатар**”;

“**хатар** [хавф, таҳлика, ваҳима, хавотир] - бирор **бахтсизликка, ҳалокатга олиб келиши мумкин бўлган шароит**”.

Иқтибос қилинган таърифларни умумлаштириб қўйидаги натижага келишимиз мумкин: **“хавфсизлик ҳолати бу - бирор хатарли ҳодиса ёки фалокат содир бўлишининг эҳтимоли ҳам бўлмаган, ҳар қандай баҳтсизлик, ҳалокатлар содир бўлишининг олди олинган ҳолатдир”**.

Инсон фаолиятининг соҳа ва қирралари жуда ҳам кўп ва турли-туманлиги, ҳар бир фаолият соҳасининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги хавфсизликнинг ҳам тегишли йўналишлари юзага келганлигининг асосий омилидир. Масалан, “йўл ҳаракати хавфсизлиги”, “тоғ-кон ишлари хавфсизлиги”, “авиапарвозлар хавфсизлиги”, “жамият хавфсизлиги”, “миллый хавфсизлик” ва бошқалар.

Демак, “ахборот хавфсизлиги” тушунчасинининг мазмунини тушуниш учун “ахборот соҳаси” қандай соҳа ҳамда ушбу соҳада қандай фалокат ва кўнгилсизликлар, хатарли ҳодисалар, баҳтсизлик ва ҳалокатлар юзага келиши мумкин эканлигини аниқлаб олишимиз керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига [8, 3-модда] мувофиқ “**субъектларнинг ахборотни яратиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият соҳаси - ахборот соҳасидир**”, ҳамда “ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати - ахборот хавфсизлигидир”.

Шунингдек “**ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулқдори, згаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак**” [8, 11-модда], яъни бундай ахборотларнинг хавфсизлиги таъминланishi қонун билан белгиланган бўлиб, ахборотларни муҳофаза қилиш қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

**"шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;**

**ахборотнинг маҳфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;**

**ахборотнинг бузуб талқин этилиши ва соҳталаштирилишининг олдини олиш".**

Шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлиги қандай усувлар билан таъминланиши ҳам юқорида тилга олинган қонуннинг 13-, 14- ҳамда 15-моддаларида келтирилган:

**"Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига таалуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равиша руҳий таъсири кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.**

**Жисмоний шахсларга таалуқли шахсий маълумотлар маҳфий ахборот тоифасига киради.**

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига таалуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига таалуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, поча, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужожатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рӯёбга чиқарилишига тўскенилик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбани ёки таҳалпусини кўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манба ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин."

**"Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қуидаги йўллар билан эришилади:**

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга хилоф равиша ижтимоий онга ахборот воситасида руҳий таъсири кўрсатишга, уни чалғитишига йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асрар ҳамда ривожлантириш;

миллый ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллӣ анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тутувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш".

“Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги куйидаги йўллар билан таъминланади:

ахборот соҳасидаги **хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чоратабдирларни амалга ошириш**;

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан руҳсатсиз тарзда фойдаланишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равиша сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлятишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очиқдан-очиқ даъват этишини ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоварат уйғотишига қаратилган, терроризм ва диний экстремизм гояларини ёйинши ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш”.

Юқоридагиларни таҳлил қилиш натижасида ахборот хавфсизлигини икки асосий қисмга ажратиш мумкин:

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ахборотларни яратиш, қайта ишлаш ҳамда улардан фойдаланиш давомида ахборот тизимлари таркибидаги **ахборотларни ҳамда ахборот ресурсларининг ўзининг хавфсизлигини таъминлаш**;

ахборотлардан фойдаланувчиларни уларнинг онги ва дунёқарашига яратувчан бунёдкорлик интилишларига, миллий қадриятларимизга, давлатимиз Конституцияси ҳамда амалдаги қонунларимизга зид равиша бузгунчилик гояларини тарқатишни ўз ичига олган **ахборотлардан ҳимоя қилиш**.

Ахборот хавфсизлигининг биринчи қисми - ахборот тизимлари таркибидаги **ахборотлар ва ахборот ресурсларининг хавфсизлигини таъминлаш** амалдаги стандартларга мувофиқ [26] ахборотларнинг учта асосий хусусияти: “улардан фойдалана олишилик” (availability - доступность), “мутаносиблик” (integrity - целостность) ҳамда “конфиденциаллик” (confidentiality - конфиденциальность) ни **муҳофаза қилишдан** иборат.

Ҳар бир хусусиятни батафсил кўриб чиқамиз.

**Фойдалана олишилик** (A, availability - доступность) - ваколатга эга мантиқий объектнинг сўрови бўйича фойдаланишга қулай ва яроқли бўлган маълумотлар ёки ресурслар хусусияти [26]. Яъни ахборотдан ёки ахборот ресурсларидан фойдаланишга ўрнатилган тартибга мувофиқ ҳукуки бўлган шахс, ўзининг ахборот соҳасидаги манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда, керакли ахборотларни ахборот ресурси жойлашган ахборот тизими доирасида имкони борича тезроқ ва тўлиқ шаклда олиш имконияти яратилиши лозим.

Ушбу имкониятни ўлчаш ёки рақамларда ифодалаш мақсадида соҳадаги кўпчилик компаниялар фоиз кўрсаткичларидан фойдаланадилар.

Реклама мақсадларыда 99,999 % сони ишлатилсада, күп холларда, буни таъкидловчиларнинг ўзлари ҳам мазкур рақамларнинг маъносини ҳамда у қандай ўлчанганлиги тушунтириб бера олмайдилар.

Агар ўрнатилган иш вақти (agreed service time) ни AST, ахборот тизимининг ишламаган вақти (downtime) ни DT деб белгиласак, фойдалана олишилик имконияти (A) кўйидаги оддий ифода орқали ҳисобланади:

$$A = (AST - DT) / AST * 100 \%$$

Яъни, бир хафта давомида тўхталиш 5 соат давом этган бўлса, фойдалана олишилик имконияти келтирилган ифодага кўра 97 % га тeng бўлади:

$$(168-5)/168*100 \% = 97 \%$$

Ахборотлардан фойдалана олишилик имконияти фойдаланувчи учун амалий аҳамиятга эга. Чунки, ахборотдан фойдалана олишилик тўғрисидаги ҳисобот фойдаланувчи ўз вақтида керакли электрон хат-хабарни жўната олса ёки банкдаги ҳисоб рақамидан фойдалана олсангина маънога эга бўлади.

100 % вақт давомида ишлаши лозим бўлган ахборот ресурслари 97 % фойдаланиш имкониятига эга дейилганда 5 соатлик битта тўхталиш ёки нисбатан қисқа вақт давом этган бир қанча тўхталишлар бўлганлиги тўғрисида ноаниклик вужудга келади. Бундай тўхталишларнинг фойдаланувчининг ахборот соҳасида манфаатларига таъсири даражаси унинг фаолият доирасининг хусусиятлари билан боғлиқ. Баъзилар учун бир марталик қисқа тўхталиш ҳам барча ишни бошидан бошлишини талаб қилса, бошқалар, масалан интернет-магазинлар учун 2-3 соатлик бир маротаба тўхталиш ўнлаб ва ҳаттоқи юзлаб мижозларнинг йўқотилишига олиб келиши мумкин.

Баъзи техник носозликлар барча фойдаланувчиларга ҳам таъсир кўрсатабермайди. Уларнинг баъзилари ахборотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиб турган бир пайтда, бошқалари умуман бундай имкониятдан маҳрум бўлиб қолишлари мумкин. Бир хил холларда фойдаланувчи ўз компььютеридаги носозлик туфайли ахборотлардан фойдалана олмаса, ахборотлардан фойдалана олиш имкониятини ( $A=0 \%$ ) га тенг дейиллиши хотўғри бўлади. Аммо, иккичи томондан, шароитлари бир хил бўлган кўплаб фойдаланувчиларнинг бир-иккитасигина ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда бошқалари умуман бундай имкониятдан маҳрум бўлишлари уларнинг ҳақли норозиликларини келтириб чиқаради. Бундай холларда “бир фойдаланувчига тўхталиш вақти” (ITRU) деб аталадиган кўрсаткичдан фойдаланиш зарур бўлади. Уни ҳисоблаш учун зарар кўрган фойдаланувчилар сонини тўхталиш давомийлигига кўпайтириш лозим бўлади, ҳамда олинган натижага фойдаланувчининг ахборотлардан фойдаланиши мумкин бўлган вақт (PTPU) билан солиширилади:

$$A = (PTPU - ITRU) / PTPU * 100 \%$$

Аксарият холларда фойдаланувчилар бир ахборот тизими доирасида бир неча хил ахборотлардан фойдаланадилар, турли хилдаги ахборот сўровларини амалга оширадилар. Табиийки бундай сўровларнинг аҳамияти бир хил даражада бўлмайди, яъни баъзи сўровларнинг аҳамияти каттароқ, баъзилариники эса, аксинча, камроқ бўлади. Бундай холларда,

ахборотлардан фойдалана олишлик имкониятини аниқлаш учун, ҳар бир ахборот ресурси ёки ахборот сўровининг аҳамиятлилик даражасини кўрсатувчи қўшимча кўпайтирувчи коэффициент киритиш керак бўлади. Масалан, электрон хабарлар энг катта аҳамиятга эга бўлса 100%, умумий папкалардаги ахборотлар аҳамияти нисбатан кичикроқ бўлса 50% аҳамиятлилик даражасини ўрнатиш мумкин ва ҳок.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, фойдалана олишлик имконияти ҳисобланётганда ҳисоблаш даври катта аҳамият касб этади. Мисол учун, 8 соатлик тўхталиш натижасида бир хафта давомидаги фойдалана олишлик имконияти 95,24 % ни ташкил этса, бир йил учун бу кўрсаткич 99,6 % ни ташкил этади.

Юқоридагилардан кўриниб турганидек, ахборотлардан ҳамда ахборот ресурсларидан фойдалана олишлик имкониятини таъминлаш ва бошқариб туриш ахборот хавфсизлигининг катта аҳамият касб этувчи қисмларидан бўлиб, қўйидаги таркибий қисмлардан иборат:

**бевосита фойдалана олишлик имконияти** - аниқ давр мобайнида ваколати етарли бўлган фойдаланувчиларга керакли ахборотларни керакли ҳажм ва сифатини таъминлаган ҳолда етказилиши;

**ишончлилик** - ахборот тизими ёки унинг қисмининг ахборот етказиб бериш қобилиятининг белгиланган ишлатиш шароитларида сакланиши;

**тикланувчанлик** - ахборот етказиб берувчи ёки ахборот ресурларини яратувчи ахборот тизимларининг тўхталиш(бузилиш)и натижасида қисман ёки тўлиқ йўкотилган ишлатиш кўрсаткичларини тиклай олиш қобилияти.

Санаб ўтилганларни таъминлаш учун қўйидаги йўналишларда ишлаташозим:

ахборот етказиб бериш жараёнларини режалаштириш ҳамда лойиҳалаштириш жараёнида фойдалана олишлик имкониятларининг мажбурий равища таъминланиши кераклиги ҳисобга олиш;

харажатлар нуқтаи назаридан самарадор бўлган такомиллаштиришлар ёрдамида фойдалана олишлик имкониятларини ошириш;

фойдалана олишлик имкониятларига таъсир қилувчи тўхталишлар сони ва давомийлигини имкони борича камайтириш.

**Мутаносиблик** (integrity - целостность) - ахборотларнинг бажариладиган ўзгаришлардан қатъий назар, аниқлик ва зиддиятсизликни сақлаш хусусияти [26].

Яъни, ахборот ресурси таркибидаги ахборотлар уларнинг ички мантиқига, маълумотлар базасининг тузилмасига ҳамда бевосита ёритилган қонуниятларга жавоб бериши лозим. Маълумотларнинг ҳолатини чекловчи ҳар бир қонуният мутаносиблик чеклови деб аталади.

Мутаносиблик чекловларига мисоллар: ускунанинг оғирлиги манфий бўлиши мумкин эмас, ота-онанинг ёши уларнинг фарзандининг ёшидан кичик бўлмайди; телефон рақамидаги белгиларнинг сони 25 тадан ошмайди ва ҳок.

Ахборот тизимларини лойиҳалаштирилаётганда таҳлилчи ва лойиҳаловчи муҳандислар тизим доирасида ахборот ресурсларининг барча мавжуд мутаносиблик чекловларини аниқлаб, ахборот тизими яратилаётганда уларни албатта тўлиқ ҳисобга олишлари керак.

Шу билан бир қаторда ахборотлар ёки ахборот ресурсларининг мутаносибилиги уларнинг ҳақиқийлигини кафолатламайдилар, аммо бемаъно ва умуман бўлиши мумкин бўлмаган маълумотларнинг киритилишига йўл бермаган ҳолда ахборотларнинг ҳақиқатга тўғри келишини таъминлайди.

Демак, ахборотларнинг ҳақиқийлиги билан мутаносибилигини фарқлаш лозим. **Ҳақиқийлик - маълумотларнинг реалликка мослигидир.** Ахборот тизимидағи ахборотларнинг ёки ахборот ресурсларининг ҳақиқийлигини аниқлаш учун ахборот ресурси таркибидаги маълумотлар билан бир қаторда реал оламдаги маълумотларни ҳам билиш талаб этилади. Мутаносибликни аниқлаш учун эса, ахборот ресурси таркибидаги маълумотлар билан уларнинг мутаносиблик чекловларинигина билиш етарли бўлади.

Шунинг учун ҳам ахборот тизими ёки унинг таркибидаги маълумотлар базасини бошқариш тизими (**МББТ**) мутаносибликни назорат қилиши мумкин ва шарт бўлади, лекин ҳақиқийликни назорат қила олмайди. Ҳақиқийликни назорат қилиш фақат инсон зиммасига, шунда ҳам чегараланган миқёсларда (ким ҳам ҳато қилмайди?) юклатилиши мумкин.

Шундай қилиб ахборотларнинг ёки ахборот ресурсларининг мутаносибилиги дейилганда фақатгина барча чекловларга жавоб берувчи рухсат берилган ўзгартиришлар кирита олиш имконияти бўлган хусусият тушунилади.

Мутаносибликни аниқлаш **куйидаги тамойилларнинг биргаликдаги бажарилишини текшириш** лозим:

**транзакцияларнинг тўғрилиги** - фойдаланувчилар қайта ишланадиган маълумотларни исталган эмас, балки фақатгина аниқ белгиланган усуллар, тўғри транзакциялар ёрдамида ўзгартиришларига рухсат берилиши. Бунда ҳар бир транзакциянинг тўғрилигини исботлаш имконияти борлиги назарда тутилади. Маълумотларни ўзгартириш фақатгина бунга рухсат берилган маҳсус фойдаланувчилар томонидан амалга оширилиши мумкин;

**ваколатларнинг минималлаштирилганлиги** - ахборот тизимидағи ҳар бир жараёнга фақат ва фақат ўзининг тўлиқ ва тўғри бажарилиши учун етарли бўлган ваколатларгина берилади. Мазкур тамойил ҳам фойдаланувчилар, ҳам дастурий таъминот учун татбиқ қилиниши керак;

**функционал мажбуриятларнинг чегараланганилиги** - мутаносиблик нуқтаи назаридан ягона жараённи ташкил этувчи муҳим босқичлар турли фойдаланувчилар томонидан бажарилиши лозим. Бу билан бирон-бир фойдаланувчи бутун жараённи мутаносибликни бузган ҳолда бажариш имкониятининг олди олиниши кафолатланади;

**объектив назорат** - ахборот ресурси таркибидаги ҳимоя қилинаётган маълумотлар билан улар акс этираётган объектив реаллик ўзаро мос келиши доимий равишда вақти-вақти билан текширилиб турилгандагина маълумотларни назорат қилиш маънога эга бўлади;

**ваколатларнинг берилишини бошқариш** - мазкур тамойил нафақат мутаносибликни таъминлаш, балки бутунлай ахборот хавфсизлиги сиёсати учун ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Агар ваколатларни бериш тартиби

ташкилотнинг таркибий тузилмасини нотўғри талқин ётса ёки хавфсизлик маъмурига ваколатларни тўлиқ бошқариш имкониятини бермаса (қийинлаштиру), фойдаланувчилар томонидан берилган ваколатлардан ташқарига чиқиб ҳимоя чизигини четлаб ўтишга уринишларга қўзғалик мумкин;

**ҳимоя воситаларини ишлатишнинг қулай ва оддийлиги** - ҳимоя воситалари фойдаланувчилар ишига имкони борича таъсир этмаган "сезилмас" ҳолда ўзларига юкланган вазифаларни баҳаришлари лозим.

**Конфиденциаллик** (confidentiality - конфиденциальность) - маълумотларнинг ваколати бўлмаган шахсларга, жараёнларга ёки бошқа мантиқий обьектларга ахборотдан фойдаланиш ҳукуқини ёки уни очиш имконини бермаслик хусусияти [26].

Конфиденциал ахборотларни таснифлашга бўлган уринишлар ўтган асрнинг охирларида анча жiddий кўриниш олиб [27-28], янги асрнинг биринчи ўн йиллигида янада ривожлантирилди [29].

7-жадвада конфиденциал ахборотларнинг турлари, таснифланиш кўрсаткичлари ва қоидалари келтирилган бўлса, 3-иловада Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳимоя қилиниши керак бўлган маълумотларнинг турлари тегишли асослари билан биргаликда кўрсатиб ўтилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий испоҳотлар натижасида ривожланган бозор иқтисодиёти шаклланиши жараёнларида тижорат сирлари муҳим аҳамият қасб этишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг турларини олҳида кўриб чикамиз:

**илмий-техник хусусиятга эга бўлган тижорат сирлари:** гоялар, кашфиётлар, ноу-хаулар, лицензиялар, ишлаб чиқаришни ташкил этишининг янги усуслари, рационализаторлик таклифларининг мазмунни, янги технологиялар ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни жорий этиш режалари, маҳсулотларнинг рақобатбардошлиқ таҳлили натижалари, дастурий таъминот, конфиденциал маълумоларни ўқиш ҳукуқини берувчи код ва пароллар;

**ишлаб чиқариш (технологик) хусусиятга эга бўлган тижорат сирлари:** ишлаб чиқариш усуслари ва технологиялари, муҳандислик ҳамда конструкторлик хужжатлари, чизмалар, меҳнатни ташкил этиш тизими, хом ашё тўғрисидаги маълумотлар, маҳсулотларнинг тайёрланиш усуслари, бозорга чиқиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш режалари, ишлаб чиқаришга инвестициялар киритиш режалари;

**молиявий хусусиятга эга бўлган тижорат сирлари:** фойда ўлчамлари ва маҳсулот таннархи даражаси, нарх ва баҳоларнинг шаклланиш тизимлари, банк ва савдо амалиётлари, ташкилотнинг тўлов қобилияти даражаси;

**ишли хусусиятга эга бўлган тижорат сирлари:** тузилган шартномаларнинг шарт ва хусусиятлари, меҳнатни ташкил этиш тизими, реклама режалари, таъминотчилар, рақобатчилар ҳамда контрагентлар, фирма ходимлари, тижорат ёзишмалари ва олиб борилаётган кепишүйлар тўғрисидаги маълумотлар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ахборотларнинг хавфсизлигини таъминловчи учта кўрсаткичдан фақатгина биттаси, яъни **фойдалана**

**олишлик хусусияти миқдорий кўрсаткич бўлиб, уни сон билан ифодаласа бўлади. Мутаносиблик ва конфиденциаллик бўлса сифат кўрсаткичлари бўлиб, уларни сон билан ифодалаб бўлмайди. Улар таъминланган ёки таъминламаган бўлади.**

7-жадвал

**Конфиденциал ахборотларнинг турлари,  
таснифланиш кўрсаткичлари ва қоидалари**

Таснифланиш кўрсаткичи	Конфиденциал ахборот тури	Таснифланиш қоидаси
1. Ахборот мулқдори	1.1. Давлат 1.2. Юридик шахс 1.3. Жисмоний шахс	
2. Вужудга келиш ёки эгалик қилиш сабаби	2.1. Шахсий маълумотлар	Жисмоний шахсни идентификация қилиш имконини берувчи ҳамда ошкор этилиши унинг қонуний манфаатларига зинён етказиши мумкин бўлган жисмоний, молиявий, хизмат ва ҳок. холатига тегиши бўлган маълумотлар
	2.2. Касб сири	Касбий тайёргарлик давомида олинган, ҳамда ошкор этилиши учинчи шахсларнинг манфаатларига зид келиши мумкин бўлган маълумотлар. Масалан, турила захарли ёки портловчи моддалар тайёрлаш, анестезия усуллари.
	2.3. Хизмат сири	Шахс томонидан хизмат фаолияти давомида олинган, ҳамда ошкор этилиши хозирги ёки олдинги иш берувчилари манфаатларига зид келиши мумкин бўлган маълумотлар.
3. Фаолият соҳаси	3.1. Тижорат 3.2. Банк-молия 3.3. Тиббиёт 3.4. Адвокатура ...	
4. Конфиденциал- лик даражаси	Конфиденциал ахборотларнинг конфиденциаллик даражаларнинг сони, уларнинг номланиши ҳамда таснифлаш қоидалари ахборот мулқдори томонидан ўрнатилади	

Ахборот хавфсизлигининг иккинчи қисми - фойдаланувчиларни бузғунчи ахборотлардан ҳимоя қилиш ҳам, ўз навбатида, бир қанча катта йўналишга ажратилади:

Фойдаланувчиларнинг онги ва дунёқарашига яратувчан бунёдкорлик интилишларига, миллий қадриятларимизга, давлатимиз Конституцияси ҳамда амалдаги қонунларимизга зид равища бузғунчилик foяларини тарқатишни ўз ичига олган ноқонуний ахборотларнинг тарқатилишига йўл қўймаслик;

аҳолимизни, биринчи навбатда, ўсиб келаётган ёш авлодимиз атрофида шаклланा�ётган ахборот маконини замонавий интерактив, доимий янгиланиб борувчи, фойдаланувчиларнинг интеллектуал ва ахборот

**талаабларини қондира олуучи, уларнинг дунёқараашларини кенгайтирувчи, миллий ва инсоний қадрияларни мустаҳкамловчи, мустақил фикрлаш қобилияtlарини ривожлантирувчи, ватанпарварлик ва Ватан тақдири учун жавобгарлик ҳиссини тарбияловчи, соғлом турмуш тарзи ҳамда атроф-муҳит ва табиатга эҳтиёткорона ғамхўр муносабатни тарғиб этувчи ижобий ахборотлар ва ахборот ресурслари билан тўлдириш;**

ҳам ўсиб келаётган ёш авлод, ҳам уларга таълим-тарбия бераётган устозлар, шунингдек барча **фойдаланувчиларнинг кенг оммаси орасида ўзига хос ахборот иммунитети - медиасаводхонлик даражасини, яъни турли медиа, шакл ва жанрлардаги ахборотларни тахлил қилиш, баҳолаш, яратиш ҳамда ўзларининг муносабатларини шакллантиришга қаратилган кўникма ва тажрибаларини ошириб ривожлантириб бориш.**

Медиасаводхонлик тушунчасини батафсилоқ кўриб чиқамиз. Унинг асосини “**инсонларни кўраётган, ёшитаётган, ўқиётган маълумот ва хабарлари тўғрисида саволлар беришга ундаш**” модели ташкил этади. **Медиасаводхонлик** ахборот истеъмолчиларида медиахабарлардаги ташвиқот ва цензурани, янгиликлар ва дастурлардаги бир ёқлама ёндошувни ҳамда бунинг сабабларини кўра олишга имкон берувчи тахлил қилиш, хабарларга таъсир қилувчи унинг таркибий қисмларини - медианинг эгаси ҳамда молиялаштириш тизимини тушуниш қобилияtlарини шакллантиради.

Медиасаводхонликнинг мақсади - инсонларни тажрибали медиахабарлар продюсерлари ва яратувчиларига айлантириш, медиаларнинг ҳар бир турининг устун ва камчилик томонларини тушуниш ҳамдá мустақил медиаларни яратишдан иборат.

Медиасаводхонликнинг вазифаси - инсонларга, айниқса реклама ва PR доирасидаги эҳтимолий манипуляцияларни, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик ва ижтимоий медиаларнинг объектив реаллик муносабатини шакллантиришдаги муҳим ўрнини яхшироқ тушунишга ёрдам бериш орқали медиаистеъмолни фаол ва танқидий жараёнга айлантиришdir.

**Медиасаводхонлик ҳамда медиамалакалик - медиатаълим натижасидир.**

## 11. Ахборот хавфсизлигига таҳдидлар

Ахборот тизими доирасидаги ахборотларга таъсир қилувчи хавфсизлик таҳдидлари 4 хил объектларга қаратилади (8-расм): ахборот тизими таркибидаги ахборот ресурслари, жараёнлар ва дастурий таъминот; тармоқ орқали узатилаётган маълумотлар; коммуникация қурилмалари; коммуникация қурилмалари ичдаги ахборот ресурслари, жараёнлар ва дастурий таъминот (электрон почта) [30-32].

<b>Ахборот тизими доирасидаги хавфсизлик таҳдидлари таъсир қиладиган объектлар.</b>	<b>В уларнинг турлари</b>	<b>ахборот тизими таркибидаги ахборот ресурслари, жараёнлар ва дастурий таъминот</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ахборотларнинг обрўсизлантирилиши</li> <li>- маълумотлар ва дастурларнинг рухсатсиз ўзгартирилиши</li> <li>- ишлаш қобилиятига салбий таъсирлар</li> <li>- дастурий (вирусли) таҳдидлар</li> </ul>
		<b>ахборот тизими ичдаги узатилаётган маълумотлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ахборот тизимидағи маълумотлар оқимининг очилиши</li> <li>- ахборот тизимидағи маълумотлар оқимининг алмаштирилиши</li> </ul>
		<b>коммуникация қурилмалари (КҚ)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- КҚ ичдаги дастурий таъминотнинг бузилиши ҳамда КҚ ва унга уланган компютерларнинг ишдан чиқарилishi</li> <li>- пакетларнинг нотўғри манзилларга жўнатилиши, уларнинг йўқотилиши, нотўғри йигилиши ҳамда алмашиб қолиши</li> <li>- КҚ узаталаётган пакетларга вируспарнинг жойлаштирилиши</li> <li>- тармоқ фойдаланувчилари алмашаёттан маълумотларнинг хусусиятларини аниқлаш мақсадида фойдаланувчилар фоаллигини назорат қилиш</li> </ul>
		<b>тизимлараро ахборот алмашиш тизимлари (электрон почта)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- жўнатувчиларнинг ёлғон манзиллари</li> <li>- хатлар ва жўнатмаларни кузатиб ва ўқитиб бориш</li> <li>- почта бомбалари</li> </ul>

8-расм. Ахборот тизими таркибидаги ахборотлар ва ахборот ресурсларига бўладиган хавфсизлик таҳдидлари

**Ахборот тизими таркибидаги ахборот ресурслари, жараёнлар ва дастурий таъминотга бўладиган таҳдидлар уларнинг обрўсизлантирилиши; маълумотлар ва дастурларнинг рухсатсиз**

**ўзгартирилиши; ишлаш қобилиятига салбий таъсирлар ҳамда дастурий (вирусли) таҳдидларга бўлинади.**

Ахборотларнинг ёки дастурий таъминотнинг обрўсизлантирилиши улардан рухсатсиз фойдаланиш амалга оширилганда, улар билан рухсат берилмаган инсон танишиши орқали ошкор этилиши ёки ўзгартирилиши эҳтимоли вужудга келганда юзага келади.

Одатда, бундай холлар шифрланмаган ахборотлар билан танишиш имконияти туғилганда (масалан, экран ёки қоғозга чиқарилган ахборотни кўриш орқали) юзага келади.

Ахборот тизимида қўйидаги заифликлар мавжуд бўлганда обрўсизлантириш амалга оширилиши мумкин:

фойдаланиш имкониятларини бошқариш дастурларидағи созлашлардаги ҳамда техник кўрсатмалардаги хатоликлар;

шифрлаш учун етарли даражада муҳим бўлсада, шифрланмаган ҳолда сакланувчи маълумотлар;

дастурларнинг шифрланмаган ҳолда сакланувчи бирламчи матнлари; кўп бегона одамлар бўладиган хоналардаги мониторлар ва матн босиб чиқарувчи курилмалар (принтерлар);

очиқ хоналарда сакланувчи маълумотлар ва дастурий таъминотнинг заҳира нусхалари.

**Маълумотлар ва дастурларнинг рухсатсиз ўзгартирилиши** категорига уларга кўшимча кўшилиши ҳамда уларнинг ўчирилиши ёки алмаштирилиши кўринишида амалга ошиши мумкин.

Агар дастурий таъминотга сезилмас ўзгартириш киритилса, компььютерларнинг барча дастурлари шубҳа остида қолиши натижасида уларнинг барчасини таҳлил қилиш ёки қайта ўрнатиш зарурияти туғилади.

Рухсат берилмаган ўзгартиришлар ҳар қандай дастурларга, масалан кўп фойдаланувчили тизимлардаги асосий ёки хизмат кўрсатувчи дастурларга киритилиши мумкин. Уларни, умуман рухсат берилмаган бегона ташки инсонлар билан бир қаторда, рухсати бор ички фойдаланувчилар ҳам (қилинаётган ўзгартиришларнинг ўзи кўзда тутилмаган холлар назарда тутилмоқда) амалга оширишлари мумкин.

Бундай муаллифлаштирилмаган ўзгартиришлар ахборотларнинг (ёки уларнинг нусхаларининг) бошқа фойдаланувчиларга узатилишига, маълумотларнинг қайта ишланиш вақтида ўзгартирилишига ёки ахборот тизими хизматларининг ишдан чиқарилишига олиб келиши мумкин.

Маълумотлар ва дастурларнинг рухсатсиз ўзгартирилиши ахборот тизимида қўйидаги заифликлар мавжуд бўлганда амалга оширилиши мумкин:

маълумотларни факат ўқишига рухсати бор фойдаланувчиларга уларни ўзгартириш имконияти берилганлиги;

дастурий таъминотга аниқланмаган ўзгартиришларнинг, шу жумладан "тром отлари"ни яратувчи дастурларининг киритилганлиги;

муҳим маълумотларнинг криптографик назорат йигиндижисининг ҳисобламаганлиги;

ортиқча ёзувларга рухсат берувчи имтиёзлар механизмининг мавжудлиги;

**вирусларни аниқлаш ҳамда улардан ҳимояланиш воситаларининг йўклиги.**

Ахборот тизмиларининг ишлаш қобилиятига салбий таъсирлар, асосан, **маъмуриятнинг** ахборот тизимларини кўллашдаги **малакасининг етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлади.**

Фойдаланувчилар ёки **таҳдидпарнинг** ташқи агентлари тасодифан ёки мақсадли қидирув натижасида ахборот тизими хавфсизлигини бошқаришдаги заифликлар ҳамда хатоларни аниқлаб олишлари натижасида ҳар қандай рухсатларни чеклаб ўтишга имконият берадиган фойдаланиш ҳуқуқларини кўлга киритишлари мумкин.

**Дастурий (вирусли) таҳдидлар,** умуман олганда, **куйидаги мақсадларга қаратилади:**

файллар ҳамда операцион тизимларнинг қисмларини ўзгартириш ёки бузиш;

иш тезлигини камайтириш, фойдаланувчи ҳаракатларига нотўғри жавоб бериш ва ҳок.;

бетартиб хабарларни юбориш орқали тармоқ бўйлаб маълумот узатиш жараёнларига таъсир кўрсатиш ёки аралашиш;

қабул қилинаётган (узатилаётган) хабарларни тўсиб қўйиш, уларни бузиш ёки ўзгартириш;

“алоқанинг узилиши” ва шунга ўхшаш жисмоний бузилишлар тўғрисида ёлғон хабар тарқатиш;

фойдаланувчиларнинг пароллари (калит сўзлари) ни билиб олиш мақсадида соҳта сўров шакллари ҳамда фойдаланувчи интерфейсларини яратиш;

ташқи хотиранинг беркитилган қисмларида қайта ишланаётган ёпиқ маълумотларни тўплаш;

калитлар сақланадиган жадваллар ёки қимматли малумотларни аниқлаш мақсадида оператив хотираадаги маълумотларни кўчириб олиш;

оператив хотираадаги дастурлар ва маълумотларни бузиш ёки ўзгартириш;

ишли станциялардаги дастурий таъминот ёки тармоқнинг маҳаллий қисмларидаги умумий фойдаланишдаги ресурслар ичига жосус дастурларни жойлаштириш.

Бундан ташқари **серверларга вирусли таҳдидлар куйидаги алоҳида эътибор талаб қилувчи оқибатларга олиб келиши мумкин:**

шахсий компютерлар ўртасида маълумотлар алмашинаётган уларнинг серверларда бузилиши;

ўтаётган ахборотларнинг ташқи хотиранинг беркитилган қисмларида сақланиб қолиши;

сервернинг ўзининг ишли маълумотларининг (масалан, идентификация жадвалларининг) ўчирилиши, яъни тармоқ фаолиятининг ишдан чиқарилиши;

тармоқ ичida ёки узоқ масофадаги компютерларга узатилаётган файлларга вирусларнинг жойлаштирилиши.

Ахборот тизими ичida **узатилаётган маълумотларга бўладиган таҳдидлар** қаторига ахборот тизимидаи **маълумотлар оқимининг очилиши (обрўсизлантирилиши)** ҳамда алмаштирилиши киради.

Ахборот тизимидағи маълумотлар оқимининг очилиши тегишли рухсати бўлмаган инсон томонидан ахборот тизимида узатилаётган маълумотлар ўқилишига ёки бошқа усул билан фойдаланишига имконият түғилганда юзага келади.

Маълумот узатиш тармоғи орқали узатилаётган пайтда обрўсизлантирилиши мумкин бўлган ахборотлар таркибиға фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари, тизимдаги номлари (логинлари), пароллари, электрон почта хабарлари, амалий маълумотлар ва хок. киритилади.

Масалан, тизимда шифрланган ҳолда сақланадиган пароллар шахсий компьютердан ёки автоматлаштирилган иш жойидан серверга узатиш пайтида очиқ ҳолда тармоқда тутиб олинни мумкин.

Одатда компьютерларда доимий сақланиш давомида фойдаланиш имкониятлари яхшигина чеклаб қўйиладиган электрон почта хабарлари файллари ёки уларнинг алоҳида қисмлари тармоқ орқали тутилиш учун осон ўлжа сифатида очиқ ҳолда узатиласди.

Шунингдек, қўйидаги таҳдидлар ҳам ахборот оқимининг очилиши билан боғлиқ бўлади:

тармоқнинг коммуникацион қурилмалари томонидан маълумотларнинг тутилиши, бузилиши ҳамда ўзгартирилиб мажбуран қабул қилдирилиши;

тармоқнинг маҳаллий қисмларига ёлғон хабарларнинг жўнатилишини имитациялаш;

тармоқнинг маҳаллий сегменти ресурсларига мантиқий канални имитациялаш (узоқлаштирилган фойдаланиш);

ўтказилаётган ахборот оқимига дастурий таъминот ҳамда тармоқдаги маълумотларга бузғончи таъсир ўтказиши мумкин бўлган мантиқий якунланган турли дастурий ҳамда маълумотлар блокларининг сингдирилиши;

тармоқнинг маҳаллий қисмларининг алоқа каналлари орқали узатилаётган маълумотларни тутилиши, бузилиши ҳамда ўзгартирилиб мажбуран қабул қилдирилиши;

**Маълумотлар оқимининг (очилиши) обрўсизлантирилиши қўйидаги заифликлар мавжуд бўлганда амалга оширилиши мумкин:**

ахборот тизими ва маълумот узатиш тармоғи қурилмаларининг химоясининг мавжуд таҳдидларга мос эмаслиги;

маълумотларнинг тизим доирасида очиқ ҳолда узатилиши;

маълумотларнинг тизим доирасида кенгқамровли етказиш протоколлари ёрдамида тарқатилиши.

Маълумотлар оқимининг алмаштирилиши икки хил бўлади:

қонуний ахборот манзили сифатида ўзини кўрсатиб маълумотларни қабул қилиш қобилияти;

қонуний ахборот манбаи сифатида ўзини кўрсатиб маълумотларни жўнатиш имконияти.

Ахборот тизимидағи маълумотлар оқимининг очилиши эҳтимоли, одатда, хабарларни кузатиб бориш жараёнида юзага келади, чунки кенг қамровли иш тартибида ахборотлар тармоқнинг барча қурилмаларига жўнатиласди.

**Маълумотлар оқимининг алмаштирилиши** эса жўнатувчи ҳамда қабул қилувчи ўртасида ташкил этилган алоқа сеансини тутиб олиш ва маълумотларни ўзгартирилган ҳолда (сарлавҳаларни сақлаган ҳолда, хабар мазмунини алмаштириб) манзилга етказишдан иборат бўлади.

**Маълумотлар оқимининг очилиши ёки алмаштирилиши** ахборот тизимидағи қўйидаги заифликлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

маълумотларнинг ахборот тизими ичida очик ҳолда жўнатилиши;

жўнатиш ҳамда қабул қилиш вақтини кўрсатувчи сана/вақт белгисининг қўйилмаслиги ёки умуман ишлатилмаслиги;

хабарларнинг ҳақиқийligини белгилашнинг маҳсус жараёнлари (*authentication* - аутентификация) ёки электрон рақамли имзоларнинг кўлланилмаслиги;

реал вақт миқёсида бевосита жараённинг ичida алоқани узмаган ҳолда аутентификациялаш (алмаштиришдан ҳимоя қилиш учун) жараёнларининг кўлланилмаслиги.

**Коммуникация курилмаларига** (KK) бўлган **таҳдидлар** асосан дастурий (вирусли) **таҳдидларнинг турлари** бўлиб қўйидагиларни ўз ичига олади:

KKларнинг ички дастурий таъминотини ишдан чиқариш орқали унга уланган барча комп’ютерларнинг ишлаш қобилиятини йўқотиш;

пакетларни нотўғри манзилларга юбориш, уларни йўқотиш, нотўғри йигиш ёки алмаштириш;

KKлардан ўтаётган пакетлар ичига вирусларни жойлаштириш;

тармоқ . фойдаланувчилари алмашаётган маълумотларнинг хусусиятлари ва тавсифларини аниқлаш мақсадида фойдаланувчилар фаоллигини назорат қилиш.

Электрон почта билан боғлиқ таҳдидлар SMTP, POP3, IMAP4 каби электрон почтанинг асосий протоколлари ишончли аутентификацияга эга эмасликлари натижасида қалбаки манзилли хабарларни осон яратиш имкониятлари мавжудлиги билан боғлиқ. Кўрсатилган протоколларнинг биронтаси ҳам электрон хабарларнинг кофиденциаллигини таъминловчи криптографик усусларни кўлламайди. Мазкур протоколларнинг кенгайтирилган таҳрирлари мавжуд бўлсада, уларни ишлатиш тўғрисидаги қарор почта маъмурияти томонидан бевосита хавфсизлик сиёсатининг бир қисми сифатида қайд этилиши талаб қилинади. Бундай кенгайтирилган таҳрирларнинг баъзилари мавжуд аутентификация воситаларини кўллаш имкониятини берса, бошқалари мижоз ва сервер томонидан бевосита ҳар бир алоқа сеанси давомида қўлланиладиган аутентификация воситаларини келишиб олиш имкониятини беради.

Шунингдек электрон почта билан боғлиқ таҳдидлар қаторига, шунингдек, жўнатувчиларнинг қалбаки манзиллари, ҳат ва почта хабарларини тутиб олиш ҳамда "почта бомбалари" киритилади.

Интернет тармоғидаги электрон почта хабарларини жўнатувчининг манзилига кўр-кўрона ишониб бўлмайди, чунки жўнатувчи ўз манзилини қалбакилаштириши, ҳат етиб келиш жараённада унинг сарлавҳаси ўзгартирилиши ёки жўнатувчининг ўзи хабарномани жўнатилиши керак

**бўлган компьютернинг SMTP-портига уланиб унинг номидан хатни ёзиши ва юбориши мумкин.**

Электрон хатларнинг сарлавхалари ҳамда мазмуни очиқ холда юборилади. Натижада Интернет тармоғида жўнатилаётган хат-хабарларнинг мазмуни ўқилиши ёки ўзгартирилиши мумкин. Сарлавҳани ўзгартириш орқали жўнатувчини беркитиш ёки алмаштириб кўйиш, ёки хабарни бошқа манзилга йўналтириш максадларида амалга оширилади.

Почта бомбалари - электрон почта ёрдамида амалга ошириладиган хужумлардир. Хужум қилинаётган тизим ишдан чиқунга қадар унга кетма-кет кўп сондаги хатлар жўнатилаверади. Ишдан чиқиши турла серверининг турли, техник кўрсаткичлари ва имкониятларига bogлиq бўлади.

Баъзи Интернет провайдерлари Интернетга уланишини текшириб ишлатиб кўриш учун исталган инсонларга вақтинча ишлайдиган логин ва пароллар тақдим этадилар, ва улар юкорида кўрсатилган турдаги хужумларни бошлиш учун кўлланилиши мумкин.

Почта серверларининг ишдан чиқиши сабаблари, одатда кўйидагича қўринишда бўлади:

почта хабарлари улар сакланадиган диск тўлиб қолгунча қабул қилинаверади. Ундан сўнг почта хабарлари бошқа қабул қилинмайди ва почта серверининг иши тўхтаб қолади. Агар мазкур диск операцион тизим сакланадиган асосий диск бўлса, бутун тизимнинг иши тўхтатиб кўйилишига олиб келади;

кириш навбати қабул қилиниши ва узатилиши лозим бўлган хабарлар билан навбатнинг максимал микдоридан ошгунча тўлдирилади, кейинги хабарлар рўйхатга туша олмайди ва йўқотилиши мумкин;

жорий фойдаланувчига ажратилган диск хажми тўлиб қолиши натижасида, кейинги хабарлар қабул қилинмаслиги ва бошқа амалларнинг бажарилиши таъқиқланиб қолиши мумкин. Хатларни ўчириш учун ҳам кўшимча диск хотираси талаб қилиниши сабабли фойдаланувчининг ўзи мазкур муаммони еча олмай қолиши мумкин;

почта кутиси ҳажмининг катталиги тизим маъмурига тизимдаги хатолар тўғрисида хабарлар ва огоҳлантиришлар олиши қийинластириб кўяди;

хат жўнатиш рўйхатлари "почта бомбалари"нинг тушиши натижасида баъзи рўйхат аъзолари ишдан чиқиши мумкин.

Хавфсизлик таҳдидларининг амалга ошиши натижасида тизим хавфсизлигига путур етади. Бундай ҳодисаларнинг оқибатларини ҳамда ахборот тизимидағи ҳимоя воситаларини обрўсизлантирувчи таҳдид соловчи ҳаракатларнинг турли ва моҳиятни кўриб чиқамиз.

Умуман олганда хавфсизлик таҳдидларининг оқибатлари "рухсат берилмаган очилиш", "алданиш", "бузилиш" ҳамда "кўлдан бериш"га олиб келади (9-расм).

"Рухсат берилмаган очилиш" (*unautoraised opening*) дейилганда бирон-бир субъект томонидан тегишли ҳуқуқка эга бўлмай туриб ҳимояланадиган конфиденцијал маълумотлардан фойдаланиш имкониятини кўлга киритиши тушунилади.

"Рухсат берилмаган очилиш" кўйидаги ҳуружлар натижасида юзага келиши мумкин:

Ахборот хавфсизлиги таҳдидларининг оқибатлари:	ва ҳуружларни турлари:	хуружларни турлари:	бузилиш	алданиш	руҳсат берилмаган очилиши	фош этиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- қасддан фош этиш</li> <li>- маълумотлар қолдиқларини кўриш</li> <li>- инсон хатоси</li> <li>- дастурий-техник хатолар</li> </ul>	
						тутиб олиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўғирлик</li> <li>- хуфёна тинглаш (пассив холда)</li> <li>- нурланишлар тахлили</li> </ul>	
						ақлий хулоса	<ul style="list-style-type: none"> <li>- маълумотлар оқими тахлили</li> <li>- сигналлар тахлили</li> </ul>	
						бостириб кириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- тажовуз</li> <li>- кириб олиш</li> <li>- қайта тузиш</li> <li>- криптотаҳлил</li> </ul>	
						ниқобланиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- фирибгарлик</li> <li>- бадният курилма</li> </ul>	
						соҳталаштириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- алмаштириш</li> <li>- луқма қўшиш</li> </ul>	
						раддия	<ul style="list-style-type: none"> <li>- манбанинг ёлғон раддияси</li> <li>- қабул қилувчининг ёлғон раддияси</li> </ul>	
						зарар-кунандалик	<ul style="list-style-type: none"> <li>- бадният курилма</li> <li>- жисмоний бузиш</li> <li>- инсон хатоси</li> <li>- дастурий-техник хатолар</li> <li>- табиий кулфат</li> </ul>	
						ишдан чиқариш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- қалбакилаштириш</li> <li>- бадният курилма</li> <li>- инсон хатоси</li> <li>- дастурий-техник хатолар</li> <li>- табиий кулфат</li> </ul>	
						ноқонуний ўзлаштириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- хизматнинг ўғирланиши</li> <li>- функционал имкониятларнинг ўғирланиши</li> <li>- маълумотларнинг ўғирланиши</li> </ul>	
						сустеъмол	<ul style="list-style-type: none"> <li>- қалбакилаштириш</li> <li>- бадният курилма</li> <li>- чегарадан чиқиш</li> </ul>	

9-расм. Хавфсизлик таҳдидларининг оқибатлари ва сабаблари

А) "фош этиш" (*disclosing*) ёки ҳимояланаётган маълумотлар тегишли ҳуқуқи бўлмаган субъектга фойдаланиш имконияти яратилишига олиб келувчи таҳдид солувчи ҳаракатлар. Турлари:

"қасддан фош этиш" (*intentional disclosing*) - тегишли ҳуқуқи бўлмаган субъектга ҳимояланаётган маълумотлардан фойдаланиш имкониятини атайн била туриб қасддан жўрттага бериш;

"маълумотлар қолдиқларини кўриш" (*scavenging*) - тизимда қолган маълумотларни ҳимояланаётган маълумотлар тўғрисида билимга эга бўлиш мақсадида ўрганиш ва таҳлил қилиш;

"инсон хатоси" (*human error*) - инсоннинг тегишли ҳуқуқи бўлмаган субъектга ҳимояланаётган маълумотларни билиб олиш имкониятини яратган бехосдан қилинган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги;

"дастурий-техник хатолар" (*hardware and software errors*) - тегишли ҳуқуқи бўлмаган субъектга ҳимояланаётган маълумотларни билиб олиш имкониятини яратган тизимнинг ички хатолари.

Б) "тутиб олиш" (*interception*) - тегишли ҳукуқка эга жўнатувчи ва қабул қилувчилар орасида айланаётган ҳимояланадиган маълумотлардан рухсат берилмаган фойдаланиш имконияти яратилишига олиб келувчи таҳдид солувчи ҳаракатлар. Турлари:

"ўғирлик" (*theft*) - жисмонӣ шаклидан қатъий назар (магнит дисклари, флеш-хотира, CD, DVD ва ҳок.) турли аҳборот ташувчиларини ўғирлаш орқали ҳимояланадиган маълумотлардан фойдаланиш имкониятини қўлга киритиш;

"хуфёна тинглаш (пассив холда)" (*passive listening*) - тармоқдаги икки терминал орасида айланаётган маълумотларни аниқлаб билдирамай ёзib олиш;

"нурланишлар таҳлили" (*radiation analysis*) - аслида маълумотларни узатишга мўлжалланмаган, аммо тизим томонидан табиий равиша тарқатиладиган аҳборот ташувчи сигналларни аниқлаш ва қайта ишлаш орқали алоқа тизимидан ўтаётган хабарларнинг мазмуни билан танишиш.

В) "ақлий хулоса" (*conclusion*) - алоқа каналлари орқали ўтаётган маълумотларнинг хусусиятлари ёки "қўшимча маҳсулотлар"ни таҳлил қилиш воситалари ёрдамида ҳимояланадиган маълумотлардан рухсат берилмаган билвосита фойдаланиш имконияти яратилишига олиб келувчи таҳдид солувчи ҳаракатлар. Турлари:

"маълумотлар оқими таҳлили" (*traffic analysis*) - маълумотларни узатувчи алоқа тизими хусусиятларининг ўзгаришини таҳлил қилиш орқали ҳимояланаётган аҳборотларга эга бўлиш;

"сигналлар таҳлили" (*signal analysis*) - тизим томонидан аслида маълумотларни узатишга мўлжалланмаган, аммо тизим томонидан табиий равиша тарқатиладиган "аҳборот ташувчи" сигналларни аниқлаш ва қайta ишлаш воситасида ҳимояланаётган аҳборотларга билвосита эга бўлиш.

Г) "бостириб кириш" (*intrusion*) - тизимдаги хавфсизликни таъминлаш воситаларини алдаш ёки "айланиб ўтиш" ёрдамида ҳимояланадиган маълумотлардан рухсат берилмаган билвосита фойдаланиш имконияти яратилишига олиб келувчи таҳдид солувчи ҳаракатлар. Турлари:

**"тажовуз"** (*tresspass*) - тизимнинг ҳимоя воситаларини алдаш йўли билан ҳимояланәётган маълумотлардан жисмоний фойдаланиш имкониятини кўлга киритиш;

**"кириб олиш"** (*entry*) - тизимнинг ҳимоя воситаларини алдаш йўли билан ҳимояланәётган маълумотлардан мантикий фойдаланиш имкониятини кўлга киритиш;

**"қайта тузиш"** (*reconstruction*) - тизим бир қисмини бўлакларга ажратиш ҳамда тузилишини тахлил қилиш орқали ҳимояланәётган маълумотларни кўлга киритиш;

**"криптоатхилл"** (*cryptanalysis*) - шифрлашлаш жараёнининг параметрлари ва алгоритми тўғрисида маълумотларга эга бўлмасдан туриб шифрланган ахборотларни очиқ матнга айлантириши.

**"Алданиш"** (*fraud*) дейилганда тегишли ҳукуққа эга бўлган инсон томонидан нотўғри маълумотларни тўғри маълумот сифатида қабул қилишига олиб келувчи шароит ёки ҳодисалар тушунилади.

**"Алданиш" қўйидаги хуружлар натижасида юзага келиши мумкин:**

А) **"ниқобланиш"** (*masquerade*) - тегишли ҳукуққа эга бўлмаган инсон томонидан ўзини керакли ҳукукларга эга инсон сифатида кўрсатиши оқибатида ҳимояланәётган маълумотлардан рухсат берилмаган фойдаланиш ҳукуқини кўлга киритишига олиб келувчи таҳдид солувчи ҳаракатлар. Турлари:

**"фирибгарлик"** (*hoax*) - субъектларнинг ўзини тегишли ҳукуқларга эга фойдаланувчи сифатида кўрсатиб, тизимдан рухсат берилмаган фойдаланиш имкониятига эгалик қилишга бўлган уринишлар;

**"баднийт қурилма"** (*device malicious acts*) - "ниқобланиш" нуқтai назаридан ўзини тизимнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш учун керакли деб кўрсатувчи, аслида эса ҳимояланәётган маълумотлардан рухсат берилмаган фойдаланиш имкониятини берувчи ёки бошқа ёмон ниятли амалларни бажариш орқали фойдаланувчини алдовчи ҳар қандай техник восита ёки дастурий таъминот (масалан, "тroy оти") ни ўрнатиши.

Б) **"соҳталаштириш"** (*adulteration*) - ўзgartирилган маълумотлар тегишли ҳукуқларга эга фойдаланувчиларнинг адаттирилишига ҳамда чалғитилишига олиб келувчи таҳдид солувчи ҳаракатлар. Турлари:

**"алмаштириш"** (*substitution*) - тегишли ҳукуқларга эга фойдаланувчиларни алдашга ёки чалғитишга хизмат қилувчи тўғри маълумотларнинг бузилганларига алмаштирилиши ёки ўзgartириб қўйилиши;

**"луқма қўшиш"** (*insertion*) - тегишли ҳукуқларга эга фойдаланувчиларни алдашга ёки чалғитишга хизмат қилувчи нотўғри маълумотларнинг қўшиб қўйилиши.

В) **"раддия"** (*rejection*) - бир инсон томонидан бошқасини ўзи ҳақиқатда амалга оширган хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлигини тан олмаслиги билан боғлиқ бўлган таҳдид солувчи ҳаракатлар. Турлари:

**"манбанинг ёлғон раддияси"** (*false rejection source*) - маълумотларни яратган инсон томонидан ушбу маълумотларнинг муаллифлиги учун жавобгарлиқдан қочишига қаратилган ҳаракатлар;

**"қабул қилувчининг ёлғон раддияси"** (*false rejection of the consignee*)

- ахборотларни қабул қилган одам томонидан уларни олганлигини ҳамда уларга эгалик қилаётганлигини ёлғондан рад этишга қаратилган ҳаракатлар.

Оқибатларнинг учинчи тури ахборот тизими хизматларининг түгри ишлашпарины тұхтатиб ёки бунга қаршилик қилувчи шароит ёки ҳодисалар бўлиб, "бузилиш" (*destruction*) деб аталади.

**"Бузилиш" қуидаги ҳурожлар натижасида юзага келиши мумкин:**

А) "**заракунандалик**" (*sabotage*) - ахборот тизими ишлашини унинг баъзи қисмларини ишдан чиқариш орқали тұхтатиб қўйишга олиб келувчи таҳдид солувчи ҳаракат ёки ҳодислар. Турлари:

**"бадний қурилма"** (*device malicious acts*) - "заракунандалик" нуқтаи назаридан тизимга атайн үрнатилувчи унинг ишлаш қобилиятини бузишга ёки ресурсларининг йўқотилишига олиб келувчи ҳар қандай техник восита ёки дастурий таъминот (масалан, "мантиқий бомба") ни атайн үрнатиши;

**"жисмоний бузиш"** (*the physical destruction*) - тизимнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш ёки унинг иш фаолиятини тұхтатиш мақсадида тизим қисмларидан бирини атайн бузиб қўйиш;

**"инсон хатоси"** (*human error*) - инсоннинг тизим қисмларидан бирининг ишдан чиқишига олиб келган бехосдан қилинган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги;

**"дастурий-техник хатолар"** (*hardware and software errors*) - тизимнинг нормал ишлашини бузадиган ёки унинг тўлиқ ишламаслигига олиб келувчи ички хатолари;

**"табии кулфат"** (*naturel cataclisms*) - тизим ёки унинг бирон-бир қисмининг ишдан чиқишига олиб келувчи ҳар қандай табиий ҳодиса (масалан, ёнғин, тошқин, зилзила, чақмоқ ва ҳоқ.).

Б) "**ишдан чиқариш**" (*damage*) - тизим ишлашида кераксиз ўзгаришларни амалга оширувчи ишлаш алгоритмлари ёки тизим маълумотларини ўзgartиришга қаратилган таҳдид солувчи ҳаракатлар. Турлари:

**"қалбакилаштириш"** (*fraud*) - "ишдан чиқариш" нуқтаи назаридан тизим функцияларининг түгри бажарилишига ёки умуман бажарилмай қолишига олиб келувчи дастурий таъминот, ахборотлар ёки бошқарувчи маълумотларнинг атайн ўзgartирилиши;

**"бадний қурилма"** (*device malicious acts*) - "ишдан чиқариш" нуқтаи назаридан тизимга атайн үрнатилувчи унинг ишлаш алгоритмларининг ўзгаришига олиб келувчи ҳар қандай техник восита ёки дастурий таъминот (масалан, "компьютер вируслари") ни атайн үрнатиши;

**"инсон хатоси"** (*human error*) - инсоннинг ишлаш алгоритмлари ёки тизим маълумотларининг ўзгаришига олиб келувчи бехосдан қилинган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги;

**"дастурий-техник хатолар"** (*hardware and software errors*) - тизимнинг ишлаш алгоритмлари ёки тизим маълумотларининг ўзгаришига олиб келувчи ички хатолари;

**"табии кулфат"** (*naturel cataclisms*) - тизимнинг ишлаш алгоритмлари ёки тизим маълумотларининг ўзгаришига олиб келувчи ҳар қандай табиий ҳодиса (масалан, чақмоқ чакиши натижасида юзага келган кучли электромагнит импульси).

**“Күлгө киритиш”** (*capture*) күренишидаги оқибатлар қаторига тизимдаги хизматларни бошқариш бунга тегишли ҳуқуқи бўлмаган инсонга ўтиб қолишига олиб келувчи шароит ёки ҳодисалар киритилади.

“Кўлга киритиш”га олиб келадиган **хуружлар**:

А) “**ноқонуний ўзлаштириш**” (*misappropriation*) - тегишли ҳуқуқи бўлмаган субъект томонидан тизим ресурсларини рухсат берилмаган жисмоний ва манимқмий бошқариш имкониятлари эгаллаб олишига қаратилган таҳдид соловчи ҳаракатлардир. Турлари:

“**хизматнинг ўғирланиши**” (*theft of service*) - субъектлар томонидан тизим хизматларининг рухсат берилмаган ишлатилиши;

“**функционал имкониятларнинг ўғирланиши**” (*theft of functionality*) - амалдаги дастурий-техник воситалар ҳамда тармоқ қурилмаларида ишлатилаётган дастурий таъминотни ноқонуний равищада кўлга киритилиши;

“**маълумотларнинг ўғирланиши**” (*data theft*) - маълумотларнинг ноқонуний равищада кўлга киритилиши ва ишлатилиши.

Б) “**сустеъмол**” (*abuse*) - тизимдаги тегишли рухсати бўлган обьект ёки субъект томонидан тизим хавфсизлигига путур етказувчи таҳдид соловчи ҳаракатлардир. Турлари:

“**қалбакилаштириш**” (*forgery*) - “сустеъмол” нуқтаи назаридан тизимни рухсат берилмаган хизматлар ёки функцияларни бажаришга мажбур қилувчи дастурий таъминот ёки бошқарув маълумотларининг атайин ўзгартирилиши ёки бузилиши;

“**бадният қурилма**” (*device malicious acts*) - “сустеъмол” нуқтаи назаридан тизимга унинг ишлаш алгоритмларининг ўзгаришига ёки рухсат берилмаган функцияларнинг бажарилишига олиб келувчи ҳар қандай техник восита ёки дастурий таъминотнинг тизимга атайин ўрнатилиши;

“**чегарадан чиқиш**” (*violation of permissibility*) - субъект томонидан берилган имтиёзлардан кенгроқ имкониятларга эга бўлиш мақсадида рухсат берилмаган ҳаракатларни амалга ошириш.

### 12. Ахборотларни техник ҳимоя қилиш

Рисоланинг З-боби ("Ахборот ҳавфсизлигининг назарий асослари") доирасида ахборот ҳавфсизлиги тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари ҳамда ахборот ҳавфсизлигига бўлган таҳдидлар билан батафсил танишиб чиқилди. Мазкур боб доирасида эса ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш, яъни ахборотларни ҳимоя қилиш усусларини кўриб чиқамиз.

Умуман олганда ахборотларни ҳимоя қилиш 2 та катта қисмга - "ахборотларни техник ҳимоя қилиш" ҳамда "ахборотларни криптографик ҳимоя қилиш"га ажратилади. Номидан ҳам кўриниб турганидек, 2-қисмга маълумотларнинг семантик мазмунини яшириш, улардан рухсат берилмаган тарзда фойдаланиш ёки уларнинг аниқлаб бўлмайдиган ўзгартирилишининг олдини олиш мақсадида маълумотларнинг шаклини ўзгартириш ҳамда тиклаш билан боғлиқ бўлган математик воситалардан фойдаланиш усуслари киритилади. Бундай усусларни рисоланинг навбатдаги, 13-мавзуси доирасида бевосита кўриб чиқамиз.

Мазкур мавзу доирасида эса ахборотларни **техник ҳимоя қилиш** усусларини ёртишига ҳаракат қиласиз.

Сўнгги 20 йип давомида бутун дунёда, шу жумладан мамлакатимизда

- |  |
|--|
| 1. Ахборотларни жисмоний ҳимоя қилиш усуслари                                      |
| 2. Аппарат ва дастурий бузилишларнинг олдини олиш усуслари                         |
| 3. Бузилишлардан сўнг маълумотларни тиклаш усуслари                                |
| 4. Зарарли дастурлардан ҳимояланиш усуслари  |
| 5. Тармоқ таҳдидларидан ҳимояланиш усуслари  |
| 6. Узоклаштирилган фойдаланувчилар билан ишлашда ахборотларни ҳимоя қилиш усуслари |
| 7. Рухсат этилмаган фойдаланишдан сакланиш усуслари                                |

10-расм. Ахборотларни техник ҳимоя қилиш усуслари синфлари

ахборотларни техник муҳофаза қилиш усусларини таснифлаш бўйича бир қатор изланишлар олиб борилган [33-38]. Мазкур изланишлар натижасига кўра ахборотларни техник муҳофаза қилиш усуслари **етти синфга** ажратилади (10-расм).

Бунда **ахборотларни ҳимоя қилиш усуслари**, улар ўзлари қарши турувчи ҳавфсизлик таҳдидларига кўра синфларга ажратилади.

Кўйида ҳар бир синфни алоҳида кўриб чиқамиз.

1. **Ахборотларни жисмоний ҳимоя қилиш усуслари** ахборот тизимининг долзарб қисмларини тўғридан-тўғри жисмоний таъсирлардан саклашга қаратилади.

Серверлар ҳамда коммуникация қурилмаларининг **жисмоний**

**химоаси**, одатда энг күп таҳдид солувчи ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган чоралар рўйхатини белгилаб берувчи **2 та асосий омил билан белгиланади**.

**Биринчи омил - табиий оғатлар.** Улар глобал омил бўлиб, масалан, географик тақсимланган серверлар ҳамда ахборот банкларига эга бўлган йирик ташкилотлар миқёсида эътиборга олиниши зарурдир.

**Табиий оғатлар** (ёнгин, тошқин, зилзила ва бошқ.) давомида иш жараёнларининг узлуксизлигини ҳамда **Хавфсизликни таъминлаш чоратадбирлари техник хусусиятга** эга бўлиб, улар қаторига, мисол учун серверлар жойлаштириладиган хоналарни ёнгин хавфсизлигини, тегишли шамоллатиш (вентилляция), хавонинг иссиқлик даражаси ва намлигини доимий равишда мўттадил сақлаш имконини берадиган маҳсус қурилмалар билан жиҳозлаш киритилади.

**Серверлар хоналарининг жойлашишига ҳам маҳсус тавсиялар мавжуд.** Жумладан, тошқин юз бериш хавфи юқори бўлган ҳудудларда уларни имкони борича юкорирокда, зилзила ҳудудларида эса, аксинча биринчи қаватда ёки хатто ундан пастроқдаги хизмат хоналарида жойлаштириш тавсия қилинади.

Иккинчи омил - антропоген таъсирлардир. Улар қаторига бузилишларга олиб келиши мумкин бўлган инсонлар томонидан амалга оширилган хатти-ҳаракатлар киритилади. Масалан, ходимнинг хатоси ёки сервер хонасига ноқонуний кириш натижасида сервер ўчиб қолиши мумкин. Булар қаторига билвосита хатти-ҳаракатлар ҳам киритилади, мисол учун инсоннинг хатоси туфайли электр энергияси таъминоти узилиб қолади (бирон-бир одам тасодифан электр энергиясини ўчириб ёки кабелларини узиб кўйиши).

Инсон айби билан юзага келадиган хавфсизликнинг бузилишларини олдини олиш учун ташкилий чоралар қўрилиши лозим: қўриқлаш хизматини кучайтириш, сервер хонасига кирувчилар сонини чегаралаш ва бошқ.

Билвосита электр таъминоти тўғрисида гап кетганда, албатта, серверларни асосий электр таъминоти тармогидаги бузилиш даврида барча ахборотларни сақлаб қолиб серверларни тўғри ўчириш ёки заҳира электр тармоғи ишга тушгунча ишлатиб туриш имкониятини берувчи узлуксиз электр таъминоти қурилмалари билан таъминлаш зарур.

Бундай даражада хавфсизликни таъминлаш масаласи одатда серверларнинг катта мажмуалари (шу жумладан географик тақсимланган серверлар тизими) га эга бўлган катта ташкилотларда юзага келади. Шуниси ҳам эътиборлики, бундай ечимларни қўллаш фақатгина ахборот хавфсизлиги бузилиши натижасида юз берадиган йўқотишлар мўлланилаётган ечимнинг ўзининг нархидан юқори ёки хеч бўлмаса тенг бўлгандагина маънога эга бўлади.

Агар ташкилотда тизим ишлашини тўхтабиб қўйиши мумкин бўлган барча холатларни назарда тутиш зарурини ёки имконияти бўлмаса, бундай бузилишларнинг олдини олиш имкониятини берадиган ечимларга эътибор қаратиш лозим.

**2. Аппарат ва дастурий бузилишларнинг олдини олиш усуслари.** Сир эмаский, замонавий техниканинг қувватлари ва иш самарадорлиги ошиб

борган сари, унинг мураккаблиги ҳам ортиб бораверади. Шу билан бирга илгари таъсири сезилмаган ташқи омиллар ҳам аҳамиятли бўла бошлиши мумкин. Бундай омиллар қаторига кўплаб мисоллар келтирса бўлади: электр тармоқларининг нурланишидан тортиб шартли равишда нейтрено заррачасининг учиб ўтишигача. Баъзи тизим маъмурлари ўртасида кенг тарқалган фикрга кўра, хатто энг оддий элементар зарралар ҳам процессор фаолиятига таъсир қилиб, унинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Тафсилотларга берилиб ўтирамаймизда, техник таъминотнинг бузилишига олиб келувчи барча эҳтимолий таъсирларни санаб ўтирамаймиз. Фақат шундайлигича қабул қиласми: техника вақти-вақти билан ишдан чиқиб туради - процессорлар куяди, қаттиқ дисклар "тўкилиб" туради ва ҳок. Шу билан бирга бундай ҳодисалар кутилмагандо ҳамда энг ноқулай вазиятда юзага келади.

Сервер ишлаши тўхтаб қолганда биринчи келадиган фикр - кўлимизда асосий сервер ишдан чиққиши билан унинг ўрнини боса оладиган ҳудди шундай сервер бўлиши керак. Ахборотларни кўшимча аппарат-техник воситаларни қўллаш орқали ҳимоя қилишининг кўплаб мисоллари мавжуд: битта диск ишдан чиқкан ҳолларда бошқа дискларда сақланаётган маълумотларга сўровларни қайта ишлашни тўхтамайдиган RAID-массивлари; процессорлардан бири ишдан чиқкан пайтда ҳам ўз ишини тўхтатмайдиган кўп процессорлар тизимлар ва ҳок.

Ушбу тамойилни бутун тизимга қўллаш натижасида асосий сервер ишдан чиқкан пайтда кўшимча серверни ишга тушириб юбориш имконияти яратилади. Бундай усул **кластерлаш** (*clustering*) деб аталади. "Кластерлаш" тушунчасининг бир қанча таърифлари мавжуд. Биз ушбу тушунча ҳақида сўз юритганда бир нечта серверларга ҳудди битта **сервер каби ишлаш имконини берадиган технологияни тушунамиз**. Бунда фойдаланувчилар ҳам уларнинг амалий дастурлари ҳам барча серверларни ягона тизим сифатида қабул қиласидар. Серверлардан бири ишдан чиқкан ҳолларда битта ёки бир нечта заҳира серверлари ишга тушиб унинг ўрнини босишиади ҳамда фойдаланувчилар ва дастурлар ишида ушбу ҳолат акс этмайди.

Кластерлашда заҳира серверларидан фойдаланишининг бир қанча усуллари мавжуд. Биринчи варианнда заҳира серверлари "факаттина заҳиралаш" вазифаларини бажаради, яъни **серверларни "оддий кўзгулаш"** амалга оширилади. "Кўзгу"-серверда асосий серверда ўрнатилган барча дастурий таъминот ва маълумотлар базалари "бирга-бир" кўринишида ўрнатилади, у асосий сервер билан доимий алоқада бўлиб туради, ҳамда тизим долзарблилигини сақлаб туради. Асосий сервер ишдан чиқканда "кўзгу"-сервер фаолликни бошлайди ҳамда ушбу ҳолат дастурлар ва фойдаланувчининг ишлашида ҳамда сўровларни қайta ишлашда деярли билинмайди.

Молиявий томондан бундай усул ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди, чунки техник таъминотнинг нархи бир неча бор ортиб кетишига қарамай, тизимнинг умумий самарадорлиги ҳамда бажарадиган вазифалари сони ошмайди. Битта сервер ишининг хавфсизлигини таъминлаш учун кластерлаш энг мақбул ечим бўла олмайди.

Аммо ташкилотнинг ахборот тизимида бир нечта сервер мавжуд бўлган ҳоллар учун кластерлаш яхши ечим бўла олади. Бундай ҳолларда

барча серверлар доим фаол холда бўлиб, ўзларига бўлиб берилган вазифаларни, уларнинг имкониятлари асосий серверга керак бўлиб қолгунча, бажариб туришади. Тўхтаб қолган сервер вазифаларини бошқалари ўртасида тақсимлаб туриш вазифасини маҳсус кластерлаш дастурлари бажаришади. Бундай дастурий таъминот олдиндан белгилаб қўйилган сценарийлар бўйича ишлайди: ишдан чиқсан серверни ёки маълумотлар қисмини тиклайди ҳамда фойдаланувчи ва дастурларнинг сўровларини кластернинг ишлаб турган серверларига йўналтириб туради.

Кластерлашнинг афзаллиги шундан иборатки, у реал вақтда бир нечта серверларни синхронлаштириш ҳамда маълумотларни бир нечта ахборот омборларига тарқатиш имкониятини беради. Масалан, дастурий таъминоти бир хил бўлган кластердаги серверлар жуфтлиги (ёки бир нечтаси) умумий ахборотлар омбори билан боғлиқ холда ишлатилиши мумкин.

Бунда ахборот омборларини ташкил қилишнинг эса кўплаб усувлари яратилган бўлиб, уларнинг ичидаги энг кенг тарқалгандарни каторига қўйидагилар киради: **DAS** (*Direct Attached Storage*), **NAS** (*Network Attached Storage*), **SAN** (*Storage Area Networks*) ва бошқ.

Кластерлашнинг салбий томони шундан иборатки, унинг таркибида серверлар ўртасида катта тезликка эга бўлган алоқа тармоғи талаб қилингандиги учун, уларни географик бир-биридан узоқлаштириш техник муаммолар келтириб чиқаради.

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида қўшимча техник воситалардан фойдаланишга яна бир кенг қўлланиладиган восита - **RAID**-массивлардир (*Redundant Arrays of Independent Disks*). Аммо улар бутун тизимни эмас, балки фақатгина маълумотларни сақлашга мўлжалланган, лекин RAID-массивларда тизимнинг заҳира нусхаларини ҳам сақлаш мумкин.

RAID-массивларда бир нечта қаттиқ дисклар битта қурилма каби ишлатилади. Бундай қурилмаларда маълумотларни ёзиш/ўқиш жараёнлари параллель равишда бир нечта дискларда амалга оширилади, демак, тизимнинг самарадорлиги ҳам, ишончлилиги ҳам ошади. Ундан ташқари битта ёки бир нечта дискларда битта диск ишдан чиққанда йўқотилган маълумотларни тиклаш имконини берадиган жуфтликни текширадиган маълумотлар сақланади. Аммо икки ёки ундан ортиқ дисклар бузилганда маълумотлар йўқотилишидан қочиб бўлмайди. Шунинг маълумотларни ташки хотира қурилмаларига кўчириб, заҳира нусхаларини яратиб бориш лозим.

**3. Бузилишлардан сўнг маълумотларни тиклаш усувлари.** Фараз қиласилик, сервер бузилишининг аппарат-техник қурилмалар ёрдамида олдини олишнинг имкони бўлмади - у содир бўлди. Бундай холларда имкони борича қисқа вақт давомида 2 та масала ҳал қўлиниши лозим бўлади: ахборотларни сақлаб қолиш ҳамда сервернинг иш холатини тиклаш.

Ушбу муаммоларнинг барча ечимлари битта тамойил - ахборотлардан мунтазам равишда заҳира нусхаларини кўчириб туриш ҳамда бузилиш юз берганда заҳира нусхалардан тиклаш асосида қурилади. Кўпинча бундай ечимлар маҳсус дастур кўринишида амалга оширилади.

**Дастурий хавфсизлик воситаларининг асосий хусусиятлари шундан иборатки, улар хавфсизликни таъминлаш чораларининг барча бошқа турларига ташкилий, техник, аппарат-техник чоралардан алоҳида, уларга боғлиқ бўлмаган равишда қўлланилиши мумкин. Дастурий воситаларнинг қўлланилиши барча холларда, серверлар алоҳида экранли, ёнгиндан сакланган ҳамда яхши кўриқланадиган хонада жойлаштирилишидан ёки тизим доирасида серверлар кластерлари ва тақсимланган маълумотлар омборлари мавжудлигидан қатий назар ўзини оқлайди.**

**Дастурий ечимлар қўламдордир, яъни уларни битта серверли кичик тизимлarda ҳам, сервер хоналари ва маълумотлар омборлари бир нечта қаватда жойлаштириладиган йирик тизимлар доирасида ҳам қўллаш мумкин. Тизимнинг қўламидан келиб чиқсан холда энг мақбул дастурий ечимларни танлаш имконияти мавжуд, масалан хавфсизлик тизими самарадорлигини сақлаган холда маълумотларни масофадан туриб заҳира нусхалар кўчириш тизими маъмурлаш имкониятини қўллаш ёрдамида молиявий иқтисод қилиниши мумкин.**

**Бизнес узлуксизлигини таъминлаш мақсадида қўлланиладиган дастурий ечимлар - заҳира нусхалар кўчириш ва маълумотларни саклаш тизимлари**дир. Айнан уларнинг қўлланилиши сакланётган маълумотлардан узлуксиз фойдаланиш ҳамда фавқулодда вазиятларда уларнинг фойдаланувчиларга тўхталишсиз етказиб берилишини кафолатлайди.

**Маълумотлардан фойдаланиш ҳамда қайта тиклаш тезлиги - муҳим катталиқдир.** У қанча катта бўлса, ташкилот ишининг тўхталиш вақти, ва мос равища бизнесдаги йўқотишлар шунчалик кичик бўлади.

Энг оддий усул - мунтазам равища барча ахборотларнинг (масалан, мижозлар, маҳсулотлар ва бошқа маълумотлар базалари) заҳира нусхаларини олиш ҳамда нусхаларни алоҳида компьютерларда, SAN тармоғида ёки ташки хотира курилмасида сақлашдан иборат. Бунда заҳира нусха олиш маъмур томонидан кўлда ёки тизимнинг ўзи томонидан белгиланган жадвалга мувофиқ автоматик равища амалга оширилади.

Албатта, бундай усул "арzon ва" жиддий", аммо ҳар доим ҳам самарали бўлавермайди. Агар фақат маълумотларнинг заҳира нусхалари сақланадиган бўлса, уларни исталган пайтда қайта тиклаш мумкин. Аммо тизим бутунлай ишдан чиқсан пайтларда олдин тизимнинг ўзининг ишини барча дастурлари билан биргалиқда, сўнгра эса, маълумотларни тиклаш лозим бўлади. Бундай ҳолларда корхона ишида узилиш юзага келиб чиқиши табиийдир.

**Нафақат маълумотларни, балки бутун тизимни заҳиралайдиган усул нисбатан самаралироқдир.** Бундай усул доирасида бутун тизимнинг акси заҳира қилинади ҳамда сервер ишдан чиқсан холларда қисқа вақт давомида бутун тизимни ўзининг охирги заҳира олинган нусхаси асосида тиклаш имконияти мавжуд бўлади. Табиийки бу ишларни тўлиқ кўлда амалга ошириш мумкин эмас. **Бундай усулни иўлга қўйиш учун маҳсус дастурий таъминот мавжуд бўлиб, уни ҳар бир ташкилотнинг эҳтиёжларидан келиб чиқсан холда мослаш мумкин.**

Юқорида таъкидланганидек, дастурий ечимлар аксарият холларда кўламдордир, яъни маълум эҳтиёжлар учун серверларнинг заҳира нусхаларини автоматик кўчирувчи қисмини сотиб олиш, ёки унга фойдаланувчилар компютерларини маъмурӣ бошқарувчи кўшимча қисмларни ёки бутун инфратузилмани заҳиралаш имкониятини берувчи тўлиқ дастурларни харид қилиш мумкин.

Охиригина ечимга мисол қилиб тизим доирасидаги барча серверлар ҳамда маълумотлар омборлари билан бир қаторда ходимларнинг компютерлардаги аҳборотларни ҳам заҳираловчи комплеқ дастурий тизимларни келтириш мумкин. Бундай тизимлар қўйидагилар хисобига ишчи станцияларнинг ишлаш қобилиятини сақлаб бериш имкониятига эга бўлади:

**ишчи станцияларга тизимнинг унификациялаштирилган дастурлар тўпламларининг ўрнатилиши;**

серверда қисқа вақт мобайнида дастурий хато натижасида ишчи станцияда йўқотилган маълумотларни ҳам, ёки қаттиқ диск ишдан чиқкан холларда бутун тизимни ҳам тиклаш имкониятини берувчи фойдаланувчилар тизимларининг заҳира нусхаларининг сақланиши;

дастурий тузатмаларнинг бошқарилиши, бунда барча дастурий тузатмалар ва янгиланишлар сервер томонидан фойдаланувчилар компютерларига марказлаштирилган тартибда ўрнатилади, керак холларда олдинги ҳолатга қайтириш имконияти ҳам мавжуд бўлади;

**ишчи станциялардаги дастурларни янгилаш ёки техник томондан такомиллаштириш зарурияти тўғрисидаги аҳборотларнинг автоматлаштирилган тарзда йиғилиши.**

Табиийки, бундай тизимларда аҳборотлар нафақат серверларда, балки тармоқдаги маълумотлар омборларида ёки алмаштириладиган ташки хотира курилмаларида сақланиши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, алмаштириладиган ташки хотира курилмалари кўпинчча заҳира нусхаларини сақлаш учун энг қулай курилмалар бўлади. Тажрибадан маълумки, магнит тасмалар, CD ва DVD дисклар узоқ мuddат хизмат қилиши мумкин, нисбатан арzon, ҳажми нисбатан катта ҳамда улардаги маълумотларни ўчириб қайта ёзиш мумкин.

Юқоридагиларни хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, дастурий ечимларнинг тўғри танланиши бизнес жараёнларнинг узлуксизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг энг муҳим таркиби қисмларидан бири бўлиш билан бир қаторда техник воситаларга қилинадиган молиявий ҳаражатларни иктисод қилиш имконини яратади.

**4. Зарарли дастурлардан ҳимояланиш усувлари.** Умуман аҳборотларни ҳимоя қилиш усувлари орасида энг кенг тарқалган ҳамда маълум усувлари сифатида **зарали дастурлар** - "вируслар"га чалиниш сабабли уларнинг йўқотилиши ёки бузилишидан сақланиш усувларини келтириш мумкин. Бундай усувлар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин:

битталаб текшириш (*scanning*);

эвристик тахлил;

антивирус мониторларини қўллаш;

ўзгаришларни аниқлаш;

компютерларнинг базавий киритиш-чиқариш тизимлари (BIOS) га ёзилган антивирус дастурларининг қўлланилиши.

Кўрсатилган усууларнинг барчаси бугунги кунда “антивирус дастурлари” деган ном билан кенг оммага тарқалган дастурий таъминот доирасида кўлланилади. Бугунги кунга келиб Eset NOD32, Awast, Касперский лабораторияси маҳсулотлари каби антивирус дастурлари кенг тарқалган.

Юқорида кўрсатилган усуулар яхши маълум ва адабиётларда кенг ёритилганлигини ҳисобга олган ҳолда уларни бу ерда батафсил ёритмай қизиқувчан ўкувчиларга [36-37] ларни тавсия қиласиз. Кўрсатилган адабиётлар нисбатан эскироқ бўлсада, уларда зарали дастурларнинг турлари ҳамда уларга қаршилик кўрсатиб ҳимояланишнинг усуулари батафсил ёритилган бўлиб, бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

**5. Тармоқ таҳдидларидан ҳимояланиш усуулари** синфида тизим ичига ташки тармоқдан тегишли хуқуқи бўлмаган фойдаланувчиларнинг кириб келишидан сақланиш ҳамда тармоқ хукумларини аниқлаш ва тўхтатиш (*blocking*, блокировка) усуулари киритилади.

Бугунги кунга келиб кўпчилик ташкилот ва муассасалар, тижорат корхоналари ўзларининг географик тақсимланган таркибий бўлинмалари, хизмат сафарида бўлган ёки узоқ масофада ишлайдиган ходимлари, ҳамкорлари ва бошқалар билан маълумот алмашинувини ташкил этиш жараёнида ташки глобал тармоқлар (одатда Интернет) нинг мавжуд инфратузилмасидан фойдаланишлари кенг йўлга кўйилган. Аммо ташки тармоқларнинг ахборот макони мазкур муассасалар назоратидан ташқарида қолади, шунинг учун бундай тармоқлар ташкилотлар ахборот тизимларининг ахборот ресурсларига қаратилган тармоқ хуружларининг эҳтимолий манбаи бўлиб қолиши табиийdir.

Бундай ташки тармоқ хуружларидан ҳимояланишнинг биринчи усули - маҳсус тармоқлараро экранларнинг (ТЭ) кўлланилишидир. Уларни маҳсус адабиётларда шунингдек немис тилидаги “брэндмауз” (*brandmauer*) ёки инглиз тилидаги “файервол” (*firewall* - “оловли девор”) номлари билан ҳам аташади. ТЭ ички ва ташки тармоқлар туташадиган жойга ўрнатилиб, у ердан ўтэётган маълумотлар оқимини ташкилотнинг хавфзислик сиёсатига мувофиқ равища чеклаб туради. Кўплаб замонавий ТЭ лар хукумлар таъсирининг олдини олиши мумкин, аммо улар бази тармоқ хуружларини оддий маълумотлар оқими сифатида қабул қилиши натижасида тармоқ таҳдидларидан тўлиқ ҳимоя қила олмайди. Масалан, Web-серверга бўлдайдиган мурожаатларни ТЭ маълум портга бўлган оддий мурожаат сифатида қабул қиласи ва ушбу портга борадиган маълумотлар оқимини ўтказиб юборишига мажбур, акс ҳолда фойдаланувчилар сервердаги маълумотлардан фойдалана олмай қоладилар.

Шунинг учун ТЭ лари билан бир қаторда ахборот тизими ичига хукумларни аниқлаш чоралари ва воситаларни кўллаш тавсия қилинади. Маълум бир портга келаётган маълумотлар оқими ичидаги хуружни аниқлаб олиш учун ана шу оқимнинг ўзини тахлил қилиш ҳамда имкони бўлса хукумни у аниқ мўлжалга етиб боришидан олдин аниқлаш лозим бўлади. Ахборот тизими ичига хукуми аниқланса, ТЭ даги “тешик”ларни, ҳамда у ўтказиб юбораётган хукумларнинг турини аниқлаш мумкин бўлади. Шундан сўнг ТЭ тегишли равища қайта мосланиши мумкин.

Аммо фақатгина ташқаридаги ёмон ниятли инсонларгина ахборот ресурсларига таҳдид соладилар деб бўлмайди. Фойдаланувчилар ёки тизим маъмурлари ўзларининг қасдан ёки бехосдан қилган ҳаракатлари билан дастурий таъминот ёки тизимнинг созланишини ўзгартириб кўйишлари мумкин. Бунинг натижасида операцион тизимлар “осилиб” қолиши, серверлар ёки ишли станциялар ишида бузилиш ва тўхталишлар ва ҳок юзага келиши мумкин. Охир оқибат бундай ўзгаришлар ахборот тизимининг ёмон ниятли ахборот хавфсизлиги хуружларидан ҳимоясини кучизлантириб қўяди. Ахборот тизими доирасида тегишли рухсатсиз ўрнатилган ташки алоқа курилмалари (масалан, модемлар) маълумотлар оқимини тармоқдаги ҳимоя воситаларидан четлаб ўтишга имконият яратиб беради, бу эса хужумларнинг муваффакиятга зришиш эҳтимолини ошириб юборади.

Бугунги кунда ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситалари бозорида ахборот тизими ичидаги хуружларни реал вақт тартибида аниқлаш имконини берадиган ҳамда “Хуружларни аниқлаш тизим”лари ёки XAT (*Intrusion Detection Systems, IDS*) деб ном олган воситалар мавжуд. Аммо хуружларни вақтида аниқлашнинг ўзи етарли эмас, уларнинг тизимга бузгунчи таъсирининг олдин олиш учун уни тўхтатиб қўйиш лозим. Ўтган асрнинг охирларида ҳам хуружларни тўхтатиш вазифалари хавфсизлик маъмурларига юкланар эди, аммо маъмурларни ўз вақтида сезиз тегишли чоралар кўришини кафолатлаб бўлмайди. Мос равиша XXI аср бошларида янги ҳимоя воситалари - “Хуружларни қайтариш тизим”лари (ХҚТ, *Intrusion Detection Systems, IDS*). Тизимнинг ишончлилигини таъминлаш учун ахборот тизимини иккла турдаги ҳимоя воситалари билан таъминлаш лозим. Замонавий комплекс ҳимоя тизимлари таркибида хуружларни аниқлаш ҳамда қайтариш тизимларининг имкониятлари бирлаштирилган бўлиб, улар шартли равиша XAT/ХҚТ маҳсулотлари деб аталади.

Аммо XAT/ХҚТ воситалари ҳам етарли бўлмади - тизимдаги “тешиклар” деб аталувчи ҳамда хужум ўюштираётганлар томонидан муваффакиятли ишлатилиши мумкин бўлган суст ва бўш жойларни билиш мақсадга мувофиқдир. Тизим доирасида ишлатилаётган суст пароллар, тармок воситаларининг созланишидаги номутаносибликлар, опреацион тизимдаги ва дастурий таъминотдаги заифликлар ва бошқалар ахборот тизимидаги “тешиклар” бўлиши мумкин. Тизим доирасидаги бундай “тешикларни” қидириш ва аниқлаш учун маҳсус воситалар - **заифлик сканерлари** (*vulnerability assessment*) деб номланивчи маҳсус воситалар яратилган. Уларнинг ахборот тизимида мавжудлиги ҳимоя даражасини сезиларли даражада оширади: тизимдаги заиф жойларни аниқлаган хавфсизлик маъмури хуруж рўй беришидан олдин тегишли чораларни кўриши ва уларни бартараф этиши мумкин. Бугунги кунда заифликларни автоматик равиша аниқлаб бартараф этувчи воситалар яратилмоқда.

Хуружларнинг салбий таъсиrlари хатарини максимал даражада камайтириш учун XAT, ХҚТ, заифлик сканерлари ҳамда заифликларни бартараф этиш тизимларини **хуружларни бартараф этиш тизими** (ХБТ) деб аталувчи бир марказдан бошқарилувчи ягона тизимга бирлаштириш лозим бўлади. Бундай тизим ТЭ дан кейинги иккинчи ҳимоя чизигини ташкил этади.

ХБТ ларнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат бўлади:

ахборот тизимининг турли даражалари - тармоқ, ахборот ресурслари даражаларидаги маълумотлар оқими таркибидаги тармоқ хужумларини реал вақт тартибида аниқлаш;

хужумлар амалга оширилгунига қадар уларни тұхтатиб қўйиш;

мавжуд ҳимоя воситаларини четлаб ўтиш имконини берадиган заифликларни аниқлаш;

хужумлар аниқланиб уларнинг таъсири тұхтатиб қўйилганлиги тўгрисида оператив маълумот бериш;

заифликларни бартараф этиш.

**6. Узоқлаштирилган фойдаланувчилар билан ишлашда ахборотларни ҳимоя қилиш усуллари.** Сўнгги йилларда бутун дунёда "Виртуал ҳусусий тармоқлар" (VXT, Virtual Private Network - VPN) ҳамда уларни ташкил этиш воситалари тез суръатлар билан ривожланмоқда. Бунинг асосий сабаби корхоналарнинг географик тақсимланган бўлинмалари ҳамда узоқ масоффодан турби ишловчи фойдаланувчиларни Интернет тармоғи орқали ташкилотнинг тизимиға улаш орқали харажатларни камайтиришга мақсадидир. Ҳақиқатдан ҳам бир нечта маҳаллий тармоқларни бирлаштириш масаласи Интернет тармоғи орқали ҳал қилинганда бошқа турдаги тармоқлар, масалан Frame Relay га нисбатан сезиларди даражада арzonрок бўлади. Аммо Интернет тармоғи орқали бир нечта маҳаллий тармоқлар бирлаштирилганда маълумотларни хавфсиз узатиш масаласи юзага келади. Шунинг учун ҳам узатилаётган маълумотларнинг мутаносиблиги ҳамда конфиденциаллигини таъминлаш усулларини яратишига эҳтиёж туғилди. Айнан ана шундай усуллар асосида ташкил этилган тармоқлар VXT (VPN) деб ном олди. Уларнинг инглиз тилидаги номи кенг тарқалганигини ҳисобга олган холда биз ҳам "VPN" атамасини кўллаймиз.

Турли адабиётларда VPN нинг турли тарифлари келтирилган бўлсада, уларнинг барчасини VPN нинг асосий ҳусусияти - корпоратив маълумотлар оқимини узатиш учун Интернет тармоғидан магистрал асос сифатида фойдаланиш ҳусусияти бирлаштиради. VPN тармоқлар узоқ масоффада жойлашган фойдаланувчиларни ҳамда маҳаллий тармоқларни ўзаро улаш вазифасини бажаришади. VPN тузилмаси таркибига глобал тармоқ, ҳимояланган протоколлар ҳамда маршрутизаторлар киради.

Ўзаро узоқ масоффада жойлашган маҳаллий тармоқларни бир-бирига улаш учун алоҳида ажратилган виртуал канаплардан фойдаланилади. Бундай уланишларни яратиш учун маҳсус туннеллар ташкил этиш усулидан фойдаланилади. Туннел ташаббускори маҳаллий тармоқдаги маълумотлар пакетларини сарлавҳасида ташаббускор ва қабул қилувчининг манзиллари ёзилган янги IP-пакетлар ичига жойлаштиради. Туннелнинг қарама-қарши бошида асосий пакетни устама пакетдан чиқариб олувчи тескари жараён амалга оширилади.

Маълумотлар узатишни бундай амалга ошириш жараёнда уларнинг конфиденциаллиги ҳамда мутаносиблигини оддий туннеллаш ёрдамида таъминлашнинг иложи йўқ. Конфиденциаллигини таъминлаш мақсадида туннелнинг иккала учида бир хил бўлган бирон-бир шифрлаш алгоритмидан фойдаланиш керак бўлади.

Түрли ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган дастурый ва техник таъминот асосида VPN тармоқларини яратиш учун бирон-бир умумий усул келишиб олиниши лозим. Бундай стандартлаштирилган усул вазифасини VPN учун маҳсус яратилган "Интернетнинг хавфсиз протоколи" (*Internet Protocol Security, IPSec*) деб аталаувчи протокол бажаради. Ушбу протокол туннепни хосил қилиш ва ишлатиш жараёнида қўлланиладиган идентификация, шифрлаш ҳамда маҳсус шифрлаш қалитларини алмашиш усувларини белгилаб беради. Протоколнинг камчилиги сифатида унинг фақат IP-тармоқларга мўлжалланганлигини кўрсатиш мумкин.

VPN яратишида қўлланиладиган протоколларга мисол қилиб шунингдек Ascend Communications ҳамда 3Com компаниялари томонидан яратилган PPTP (*Point-to-Point Tunneling Protocol*) ни, Cisco Systems компаниясинининг L2F (*Layer-2 Forwarding*) протоколини ва кўрсатиб ўтилган иккى протоколни бирлаштирувчи L2TP (*Layer-2 Tunneling Protocol*) ни кўрсатиш мумкин. Аммас қайд этилган протоколлар IPSec дан фарқли равища барча юқлатиладиган вазифаларни бажара олмайдилар, жумладан PPTP шифрлаш усулини аниқлаб берга олмайди.

IPSec билан бир қаторда туннел ичидаги ташқи араплашувни истисно қилиб маълумотларни узатиш имконини берувчи IKE (*Internet Key Exchange*) протоколи тўғрисида ҳам айтиб ўтиш лозим. IPSec узатилаётган пакетларни шифрлаш ва имзолаш вазифалари билан чекланган холда, IKE бир-биридан узоқ масофада жойлашган қурилмалар ўртасида криптографик қалитларни хавфсиз бошқариш ва алмашиш имконини беради: у хавфсиз алоқа ўрнатиш учун очиқ қалитлар ёрдамида шифрлаш усулидан фойдаланиб қалитларни узатиш жараёнини автоматлаштиради. Бундан ташқари IKE ўрнатилган алоқа сеанси ичидаги шифрлаш қалитларни алмаштириш орқали узатилаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини янада кучайтириш имкониятига ҳам эга.

VPN яратишининг бир қанча усувлари мавжуд. Усувларни танлаш жараёнида VPN яратишида ишлатилаётган воситаларнинг самараадорлиги омилини ҳисобга олиш зарур. Мисол учун, маршрутизаторлар ўзларининг максимал қувватида ишлаётган бўлса, VPN туннеллари ҳамда маълумотларни шифрлаш ва очиш вазифаларининг қўшилиши, маршрутизаторлар оддий оқимни ҳам эплай олмай қолишилари натижасида тармоқ ишининг умуман тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин.

Тажрибадан маълумки, VPN яратиш учун маҳсус қурилмалардан фойдаланиш ўринли бўлади, аммо молиявий маблаглар чекланган холларда дастурый восталарнинг ўзи билан ҳам етарли даражада мақбул бўлган ечимни топиш мумкин.

#### **VPN яратиш усувлари:**

брандмауэрлар асосида;

маршрутизаторлар асосида;

дастурый таъминот асосида;

тармоқ операцион тизими асосида;

маҳсус қурилмалар асосида.

**7. Рұхсат этилмаган фойдаланишдан сақланиш усувлари ёки фойдаланувчиларни идентификациялаш усувлари ахборотларни муҳофаза қилишининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Бундай**

усуллар турли-туман ва жуда кўп бўлишига қарамай улар шартли равища  
**уч қисмга ажратилади:**

дастурий-техник идентификация усуллари;

биометрик идентификация усуллари;

электрон рақамли имзо ёрдамида идентификациялаш усуллари.

**Дастурий-техник идентификация усуллари** қаторига бевосита операцион тизимлар, маълумотлар базаларни бошқариш тизимлари, ахборот тизимидағи амалий дастурий таъминот ҳамда кўпланилаётган воситаларнинг техник таъминотига (кўшимча кодли ахборот ташувчилар ва бошқ.) бевосита ўрнатилган парол ва кодлар билан боғлик усуллар киритилади. Бунда улар фойдаланувчиларнинг биометрик кўрсаткичлари ва электрон рақамли имзоларига боғлик бўлмайди.

**Биометрик идентификация усуллари** қаторига фойдаланувчининг ўзигагина тегишли бўлган ноёб биометрик кўрсаткичларининг (бармоқ изи, кўз тўр пардасининг расми ва хок.) аввалдан тайёрланган намунавий нусхаси билан мос келиш-келмаслиги асосий идентификацияловчи кўрсаткич бўлиб хизмат қиливчи усуллар киритилади. Шундан келиб чиққан холда бундай усулларнинг кўпланилиши нисбатан қимматбаҳо дастурий-техник тизимларнинг харид қилинишини ҳамда тегишли намунавий нусхаларнинг олдиндан тайёрланиши билан боғлик бўлади.

**Электрон рақамли имзо ёрдамида идентификациялаш усуллари** ўз номидан кўриниб турганидек криптографик ҳимоя усулларининг бири - электрон рақамли имзоларни ишлатиш билан чамбарчас боғлик ҳамда кейинги мавзу доирасида батафсил кўриб чиқилади.

### 13. Ахборотларни криптографик ҳимоя қилиш

**Криптография** сўзи қадимги грек тилидаги “крипто” (ёпиқ) ҳамда “графос” (ёзув) сўзлари асосида яратилган бўлиб бугунги кунда **маълумотларнинг конфиденциаллиги ҳамда ҳақиқийлиги** (*authenticity - аутентичность*) ни, яъни муаллифнинг аниқлиги ҳамда ёлғондан рад этилишининг олди олишини **таъминлаш тўғрисидаги фан маъносида ишлатилади**.

Криптография шакланаётган даврларда асосан ахборотларни шифрлаш, яъни сир тутилувчи алгоритм ва ёки калит ёрдамида бошлангич матннинг шифрланганг матнга айлантириш ҳамда шифрни очиш, яъни шифрланганг матннинг асл холига қайтариш усулларини ўрганиш билан шуғулланган. Анъанавий криптография **симметрик криптотизимлар бўлимини ташкил этиб, бунда шифрлаш ҳамда шифрни очиш битта калит ёрдамида амалга оширилади**.

Замонавий криптография шунингдек **асимметрик криптотизимлар, электрон рақамли имзо тизимлари** (ЭРИ), **хеш-функциялар, калитларни бошқариш, криптотаҳлил** (ёпиқ ахборотларни олиш), **квантлар криптографияси** каби бўлимлардан иборат.

Мазкур мавзу доирасида аваламбор криптография фани доирасида кўлланиладиган асосий тушунчалар билан батағсил танишиб чиқамиз. Сўнgra криптографиянинг тарихи ҳамда бугунги кундаги ҳолати тўғрисидаги фикр юритамиз.

Криптографияда **кўлланиладиган асосий тушунчалар** куйидагилардан иборат:

**очик (бошлангич) матн** - криптография усуллари билан ишлов берилмаган матн кўринишида бўлиши шарт бўлмаган бошлангич маълумотлар;

**шифрланган (ёпиқ) матн** - криптотизим томонидан (одатда кўрсатилган калит ёрдамида) қайта ишланган маълумотлар;

**калит** - криптографик алгоритм кўрсаткичи бўлиб, шифрлаш ва бошлангич матнни қайта очиш амалларини бошқарувчи белгилар кетма-кетлигидан иборат. Замонавий криптотизимларнинг криптографик бардошлилиги деярли тўлиғича калитларга (уларнинг узунлигига) боғлиқ;

**шифр (cipher, cipher)** - калитлардан фойдаланган ҳолда аниқ қоидаларга мувофиқ амалга ошириладиган криптографик ўзгартиришлар йигиндиси;

**криптотизим (cryptosystem)** - маълумотларни криптографик ўзгартирилишини ва ёки криптографик калитларни тайёрлаш ва тақсимлаш жараёнишини бошқарилишини таъминловчи ташкилий, техник ва дастурий воситалар жами;

**шифрлаш (encryption)** - маҳсус алгоритм ва калит ёрдамида очик (бошлангич) матнни шифрланган (ёпиқ) матнга айлантириш жараёни;

**расшифровкалаш (deciphering)** - шифрлашга тескари жараён бўлиб, маълум калит ёрдамида шифрланган (ёпиқ) матнни очик (бошлангич) матнга ўтиришдан иборат;

**асимметрик шифр**, икки калитли шифр, очиқ калитли шифр (*asymmetric cipher*) - икки, ўзаро мос тушмайдиган шифрлаш ва расшифровкалаш калитлари бўлган шифр. Бунда шифрлайдиган калитни билган ҳолда расшифровкалайдиган калитни билмай туриб шифрланган (ёпик) матнни очиқ (бошлангич) матнга ўғириш мумкин эмас ва тескариси;

**очиқ калит** (*public key*) - асимметрик тизим доирасида кўлланиладиган ва тизимнинг барча фойдаланувчилари эркин фойдалана оладиган, ёпик ёзишма давомида шифрлаш ва электрон рақамли имзо тизимларида расшифровкалаш учун ишлатиладиган калит;

**ёпик калит** (*private key*) - асимметрик тизим доирасида кўлланиладиган ва сир тутиладиган, ёпик ёзишма давомида расшифровкалаш ва электрон рақамли имзо тизимларида шифрлаш учун ишлатиладиган калит;

**криптотаҳлил** (*cryptanalysis*) - маълумотларнинг конфиденциаллиги ҳамда мутаносиблигини бузишнинг математик усулларини ўрганувчи фан;

**криптотаҳлилчи** - криптотаҳлил усулларини яратувчи ваёки ўз фаолиятида кўлловчи мутахассис;

**криптология** - шифрларни яратиш ҳамда уларни очиш билан шуғулланувчи криптография ва криптотаҳлилни бирлаштирувчи ягона фан (собиқ иттифоқ давлатларида кам ишлатиладиган, гарб давлатларида кенг тарқалган атама);

**криптографик хужум** (криптохужум) - криптотаҳлилчининг криптографик ҳимояланган маълумот алмашиш тизимининг иш тартибини бузишга қаратилган уринишлари. Муваффақиятли криптохужум бузиш ёки очиш деб аталади;

**дешифрлаш** (*decryption, decipherment*) - шифрлашга қарама-қаршим шифрлаш калити маълум бўлмаган ҳолларда шифрланган (ёпик) матнни очиқ (бошлангич) матнга ўғириш жараёни. Ушбу атама одатда шифрланган матнни криптотаҳлил қилиш жараёнига нисбатан ишлатилади;

**криптографик бардошлилик** - криптографик алгоритмнинг криптотаҳлилга қарши туриш имконияти;

**имитоҳимоя** (*imitation (simulation) of protection*) - тизимни ёлғон маълумотларнинг мажбуран киритилишидан (қабул қилинишидан) ҳимоя қилиш. Яъни матн очиқ қолдирилади, лекин уни тасодифан ёки қасддан ўзгартирилмаганлигини текшириш имконияти сақланиб қолади. Одатда имитоҳимоя узатилаётган маълумотларга имитокӯшимчалар кўшиш орқали амалга оширилади;

**имитокӯшимча** (*imitoincenter*) - очиқ маълумотлар ҳамда шифрлаш калитидан маълум қодиа асосида хосил қилинган ва шифрланган маълумотларга имитоҳимояни таъминлаш учун қўшиладиган маълум узунликдаги маълумотлар бўлгаги;

**электрон рақамли имзо** (ЭРИ) ёки электрон имзо (*digital signature*) - криптографик усуллар асосида муаллифликни ҳамда маълумотларнинг ҳақиқийлигини ишончли равишда таъминлаш имконини берувчи восита. Бошқача қилиб айтганда асимметрик имитокӯшимча, яъни текширувчи қалбакилаштира олмайдиган имитокӯшимча;

**сертификация маркази (certification center)** - ҳалоллиги шубхасиз ҳамда очиқ калити күпчиликка маълум бўлган томон. Сертификация марказининг электрон имзоси очиқ калитнинг ҳақиқийлигини кафолатгайди;

**хеш-функция (hash-function)** - исталган узунликдаги хабарномани унга нисбатан сезиларли даражада калта бўлган ягона белгилар кетма-кетлигига айлантирадиган функция. Оддий хеш-функциядан фарқли равишда криптографик хеш-функциялар учун тескари ҳисоблаш ҳам, бир хил хеш-функцияга эга бўлган икки хабарномани топиш ҳам ўта мураккаб масала бўлади.

**Криптография тарихи** тахминан беш минг йиллик солномага эга (4-илова). Криптографиянинг ривожланиш тарихини қўлланилган шифрлаш усулларининг технологик кўрсаткичларига қараб давларга ажратиш мумкин.

**Биринчи давр** (тажминан эр. ав. З-минг йилликдан бошлаб) мобайнида **моноалфавитли шифрлар** қўлланилган бўлиб, уларда очиқ матндан харфлар бошқа харфлар ёки белгилар билан алмаштирилади.

**Иккинчи давр** Яқин Шарқ мамлакатларида IX асрда **Ал-Кинди** (Абу Юсуф Ёкуб ибн Исҳоқ ибн Саббоҳ Ал-Кинди, 801-873 йилларда яшаган араб олими, Маъмун академияси аъзоси) томонидан, Европада эса XV асрда **Леон Баттиста** (Леон Баттиста Альберти, 1404-1472 йилларда яшаган итальян олими) асарлари билан бошланган бўлиб XX асрнинг бошларига қадар давом этди. Ушбу даврнинг асосий хусусияти **полиалфавитли** (кўп алфавитли) шифрларнинг муомалага киритилишидир.

**Учинчи давр** ХХ асрнинг бошларидан ўрталаригача давом этиб, шифрлашда **электромеханик воситаларнинг қўлланилиши** билан ажралиб туради, шу билан бирга полиалфавитли алгоритмларнинг қўлланилиши давом этади.

**Тўртинчи давр** ХХ асрнинг ўрталаридан 70-йилларигача қадар давом этиб **математик криптографияя** ўтиш даври деб аталади. Ушбу даврда Шенон (Клод Элвуд Шенон, 1916-2001 йилларда яшаган Америкалик муҳандис-математик) асарларида аҳборот миқдори, маълумотларни узатиш, энтропия, шифрлаш функцияларининг аниқ математик таърифлари яратилди. Шифр яратишнинг асосий қисми сифатида унинг маълум криптографик хужумлар - чизиқли ҳамда дифференциал криптотаҳлилларга бардошлигини текшириш мажбурий қилиб белгиланди. Аммо 1975 йилгача криптография "мумтоз" ҳолда, яъни битта - "ёпик" калитли бўлиб қолаверди.

**Криптография ривожланишининг замонавий даври** (1970-йилларнинг охириларидан бугунги кунгача) янги йўналиш - очиқ калитли криптографиянинг туғилиши ва ривожланиши билан боғлиқдир. Шу даврда нафақат янги техник имкониятлар пайдо бўлди, балки хусусий шахсларнинг ҳам криптография имкониятларидан кенг фойдаланишлари йўлга қўйилди (бунгача криптографияни қўллаш фақатгина давлат томонидан амалга оширилишига рухсат берилган эди).

Замонавий криптография математика ва информатика фанларининг чегарасида юзага келган янги фандир. Унинг ютуқлари амалиётда: электрон тижорат, электрон хужжат алмашинуви (электрон рақамли имзо ва бошқа

кўринишларда), телекоммуникация ва бошқа соҳаларда кенг қўлланимокда.

Бугунги кунга келиб хисоблаш техникасининг криптографияда кенг қўлланилиши одатий холга айланди. Ўндан ортиқ текширилган алгоритмлар мавжуд бўлиб, етарли даражада узун бўлган криптографик калитлар ҳамда алгоритмларнинг тўғри ишлашини таъминлайдиган дастурлар уларнинг криптографик бардошлигини таъминлади. Қўлланилиши кенг тарқалган стандартлар қаторига қуидагиларни киритишимиш мумкин:

симметрик алгоритмлар: *DES, AES, Camellia, Twofish, Blowfish, IDEA, RS4;*

асимметрик алгоритмлар: *RSA, Elgamal;*

хеш-функциялар: *MD4, MD5, MD6, SHA-1, SHA-2* ва бошқалар.

Шу ўринда мамлакатимизда ҳам ўзига хос **криптография мактаби яратилганлигини** таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ушбу мактабнинг юзага келиши ҳамда ривожланиб боришида П. Ф. Хасанов, Х. П. Хасанов, О. П. Аҳмедова, Д. Е. Акбаров сингари олимларнинг кўшган ва қўшаётган хиссалари бекиёсдир [44-46].

Мазкур мактаб фаолияти ҳамда давлат томонидан берилган эътибор натижасида [47] Ўзбекистон миллий шифрлаш алгоритмига эга бўлган саноқли давлатлар қаторига кирди. Бугунги кунга келиб ўзбек криптография мактаби томонидан такомиллашган диаматрицалар алгебралари ва параметрли алгебра асосида яратилган ва ривожлантирилаётган криптотизимлар ва криптоалгоритмлар бутун дунё криптологлари томонидан тан олинган.

**Симметрик криптотизимлар** дейилганда очиқ матнни **шифрлаш ҳамда расшифровкалаш** учун ягона **калит** ишлатиладиган шифрлаш тизимлари тушунилади [39-40]. Асимметрик шифрлаш тизимлари яратилишига қадар мавжуд бўлган ягона усул айнан **симметрик шифрлаш** усули бўлган. Ахборот алмашаётган томонлар калитни сир тутишлари талаб этилган ҳамда шифрлаш алгоритми маълумот юборишдан олдин келишилган бўлиши лозим.

Симметрик алгоритмларнинг асосини қуидаги усуллар ташкил этади: оддий араплаштириш;

калитли оддий араплаштириш;

иккилик араплаштириш;

“сирли квадрат” араплаштириши.

**Калитсиз оддий араплаштириш** - шифрлашнинг энг оддий усулидир. Бошлангич матн жадвалга устунлар бўйича ёзилади. Хосил бўлган ёзувнинг қаторлар бўйича ташкил қилинган кўриниши ёпиқ матнни ташкил этади. Ушбу шифрдан фойдаланиш учун жўнатувчи ҳамда қабул қилувчи унинг калити - жадвалнинг ўлчамларини келишиб олиши лозим. Харфларни гуруҳларга бирлаштириш шифр калитига таъсир қилмайди, фақатгина хабарни узатишдаги қулайлик учун ишлатилиши мумкин.

**Калитли оддий араплаштириш** - нисбатан амалиётда кўпроқ қўлланиладиган усул бўлиб, оддий араплаштиришга ўшаб кетади, фақатгина улардан фарқли равища жадвалнинг устунлари сатрлари билан алмаштириш жараёнида кўшимча равища сирли калит - сўз, жумла ёки рақамлар тўпламига кўра ўзгартишилар киритилади.

**Иккилил аралаштириш** дейилгандында бир марта шифрланган хабарни яна бир ва ундан ортиқ марта шифрлаш тушунлади. Бунда иккинчи жадвалнинг ўлчамлари биринчисидан фарқли қилиб танлади. Ўлчамларнинг ўзаро туб сонлар бўлиши энг яхши бардошлиликни таъминлайди. Бундан ташқари биринчи жадвалда устунларни, иккинчисида эса қаторларни алмаштириш, жадвалларни илон изи, спираль ёки бошқа усуллар билан тўлдириш каби қўшимча усулларни ҳам қўшиш мумкин.

“Сирли квадрат” деб квадрат шаклидаги шундай жадвалларга айтиладики, уларнинг катакларига 1 дан бошлаб натурал сонлар шундай тартибда ёзиладики, барча қаторлар, устунлар ҳамда диагоналларда жойлаштирилган сонларнинг йиғиндиси доим бир хил сонга тенг бўлади.

Эрамизнинг бошларидаги ва ўрта асрларда кенг тарқалган шифрлаш усулида сирли квадратлардаги сонларнинг тартибида мос равища очик матн ёзилган. Сўнгра жадвал қаторларидаги харфлар бир мисрага туширилганда ёпиқ матн ҳосил бўлган.

Бундай сирли квадратларнинг сони жуда кам бўлиб, бундай шифрларни очиб ташлаш жуда осон масаладек кўриниши мумкин. Аммо квадратнинг ўлчами ортиб борган сари, мавжуд сирли квадратларнинг сони ҳам ортиб боради. Ҳақиқатдан ҳам агар сирли квадратни  $90^\circ$ ,  $180^\circ$  ҳамда  $270^\circ$  га буриб ҳосил қилинадиган квадратларни ҳисобга олмасак  $3 \times 3$  ўлчамли фақат битта сирли квадрат мавжуд.  $4 \times 4$  ўлчамли сирли квадратлар сони 880 тани,  $5 \times 5$  ўлчамлilари тахминан 250000 тани ташкил этади. Барча мавжуд сирли квадратларни битталаб кўриб чиқиш учун жуда катта вақт талаб қилинганлиги сабабли катта ўлчамдаги сирли квадратлар ўша давр учун жуда ҳам ишончли шифрлаш усули бўлиб хизмат қилган.

Мисол учун “БугунИшБошлайман” деган хабарни шифрлаш лозим бўлсин. Хабарнинг узунлиги 16 га тенг бўлганлиги учун камида  $4 \times 4$  ўлчамли сирли квадрат танлашини, ҳамда ундаги сонларга мос кетма-кетликада хабарнома ёзилиши лозим (11-расм).

16	3	2	13		16 н	3 г	2 у	13 й
5	10	11	8	=>	5 н	10 ш	11 л	8 Б
9	6	7	12		9 о	6 И	7 ш	12 а
4	15	14	1		4 у	15 а	14 м	1 Б

11-расм. “Сирли квадрат” алмаштириши

Энди жадвал қаторларидаги харфларни кетма-кет ёзисиб чиқсан, ёпиқ - “шифрланган” матн ҳосил бўлади: “нгуй ншлб ойша уамб”. Ёпиқ матнни “очиш” учун барча сонлар худди шундай тартибда жойлаштирилган сирли квадратда тескари амалларни бажариш лозим. Шундай қилиб биз танлаган  $4 \times 4$  ўлчамли сирли квадрат бизнинг шифр учун “калит” вазифасини ўтайди.

Симметрик алгоритмларга кўйиладиган асосий талаблардан бири очик матнданда ҳар қандай статистик қонуниятларнинг ёпиқ матнда тўлиқ ўзгариб кетишидир. Бунинг учун шифр “кўчки таъсири”га эга бўлиши керак, яъни очик матнданда битта белгининг ўзгариши ёпиқ матнданда кўплаб белгиларнинг, идеал ҳолатда эса барча белгиларнинг ярмининг ўзгаришига олиб келиши лозим. Шунингдек, симметрик алгоритм чизиқли бўлмаслиги керак, яъни:

$$f(a) \text{ xor } f(b) == f(a \text{ xor } b)$$

шарт бажарилмаслиги керак. Акс ҳолда, алгоритм дифференциал криптохатлилга бардошлигини йўқотиб қўяди.

Бугунги кунда амалиётда кенг қўлланилаётган симметрик тизимларни иккі катта гуруҳга ажратиш мумкин:

**блокли шифрлар** очик матнни маълум узунликдаги (одатда 64 ёки 128 бит) бўлакларга (блокларга) ажратиб олади, ҳар бир блокка сирли қалит ёрдамида раундлар деб аталувчи арапаштириш ҳамда алмаштириш амаллари қўлланилади. Раундларнинг бир неча бор қайтарилиши “кўчки таъсири”ни таъминлаб беради: очик ҳамда ёпиқ блоклардаги битларнинг қайтарилиши орасидаги боғлиқлик йўқолиб боради;

**оқим шифрларида** шифрлаш амаллари ҳар бир бит ёки байт билан гаммалаштириш (бирон-бир гамма-кетма-кетлики очик матнга қўшиш) ёрдамида бажарилади. Оқим шифрлари блокли шифрлар асосида, уларни махсус тартибида ишлатиш орқали, осон ташкил этилиши мумкин.

Кўп симметрик шифрлар катта сондаги алмаштириш ва арапаштириш амалларидан иборатdir. Уларнинг асосий қисми ҳар сафар қалитни ўзgartirган холда кўп маротаба (80 мартагача) алгоритмни қайtаришдан иборат бўлди. Барча қайtарилишлар учун тузилган қалитлар тўплами “**қалитлар жадвали**” (*key schedule*) деб аталади. Одатда унинг ўзи ҳам асосий қалит билан турли амаллар, шу жумладан арапаштириш ва алмаштириш амалларини бажариш орқали ҳосил қилинади.

Симметрик шифрларни яратишнинг асосий усусларидан бири **Фейтель тармоқларини қўллашд**ан иборат бўлиб, бундай шифрлаш алгоритмлари  $F(D, K)$  функцияси асосида курилади, бу ерда  $D$  - ўлчами шифрлаш блокидан икки баробар кичик бўлган очик матнинг бўлаги ҳамда  $K$  - навбатдаги қадам учун қалит. Қўлланилаётган функцияга тескари бўлган функция номаълум бўлиши мумкин. Фейтель тармоқларининг устунлиги матнни очиш ва ёпиш амалларининг деярли бир хиллиги бўлиб (ягона фарқ - қалитлар жадвалининг тескари ишлатилишида), уларнинг техник воситалар асосида амалга оширилиши нисбатан осон бўлди.

Арапаштириш амали битларни маълум қонуният асосида ўрин алмаштиради, “кўчки таъсири”ни юзага келтиради ва чизиқлидиr, яъни:

$$f(a) \text{ xor } f(b) == f(a \text{ xor } b).$$

Алмаштириш амали хабарнинг маълум қисми (одатда 4, 6 ёки 8 бит) бирон-бир ўзгармас, бевосита алгоритмда берилган сонга алмаштирилади ҳамда шифрга “чизиқсизлик” элементларини киритади.

**Симметрик шифрларнинг асосий кўрсаткичлари** қўйидагилардан иборат:

- бардошлилик;
- қалит узунлиги;
- раундлар сони;
- блок узунлиги;
- дастурий/техник воситаларда амалга оширишнинг мураккаблиги;
- ўзgartiriшларнинг мураккаблиги.

**Асимметрик криптотизимларга нисбатан симметрик шифрлаш алгоритмларининг устунликлари:**

Applied Cryptography компаниясининг маълумотларига кўра ишлаш тезлиги таҳминан 3 тартибга (1000 марта) юқори;

соддароқ амалларни бажариш ҳисобига дастурий/техник амалга оширишнинг осонлиги;

бир хил бардошлиликни таъминлаш учун керак бўлган қалитнинг қалтароқлиги;

катта тарихга эга эканлиги ҳисобига чуқурроқ ўрганилганлиги.

**Асимметрик криптотизимларга нисбатан симметрик шифрлаш алгоритмларининг камчиликлари:**

катта тармоқларда қалитларни бошқариш мураккаблиги: фойдаланувчилар сонининг ортиб бориши яратилиши, узатилиши ва сактаниши лозим бўлган қалитлар сонининг квадратик ортиб боришига олиб келади. 10 та фойдаланувчи қатнашадиган тармоқда 45 та, 100 та фойдаланувчи учун 4950 та, 1000 та фойдаланувчи учун 499500 та ва ҳок. қалитлар керак бўлади;

қалитлар алмашинувининг муракаблиги: барча фойдаланувчилар ўзаро қалитларни алмашиб олишлари учун ишончли ёпиқ алоқа канали керак.

Бугунги кунга келиб симметрик шифрлаш алгоритмларининг камчиликларини амалиётда бартараф этиш учун аралаш криптотизимларни кўллаш таклиф қилинмоқда. Бундай тизимлар доирасида асимметрик шифрлаш ёрдамида симетрик шифрлаш қалитлари ўзаро алмашилади ҳамда бевосита ахборот алмашинуви жараёнларида айнан симметрик алгоритмлардан фойдаланилади.

Симметрик алгоритмларининг яна бир хусусияти шундан иборатки, ёпиқ қалитлар иккала томонга маълум бўлганлиги учун уларда хабарларнинг муаллифларини аниқлашнинг имкони йўқ.

**Асимметрик криптографияянинг асосини бир томонлама функциялар**, яъни  $x$  учун  $f(x)$  ни ҳисоблаш жуда осон, аммо  $f(x)$  дан келиб чиқиб  $x$  ни етарли даражада тез аниқлаш иложсиз вазифа бўлган функциялар ташкил этади [41-42].

Аммо бир томонлама функцияларнинг ўзи амалиётда деярли фойдасизdir, чунки у билан хабарни шифрлаш мумкин, уни очиш эса мумкин бўлмайди. Шунинг учун криптографияда ўзига хос "туйнук"ка эга бўлган бир томонлама функциялардан фойдаланилади. Бу ерда "туйнук" дейилгандা ёпиқ матнни очишга имкон берадиган сир тушунилади. Ёки математик ифодалар ёрдамида ёзилганда шундай  $Y$  мавжудки,  $f(x)$  ҳамда  $Y$  ни билган ҳолда  $x$  ни ҳисоблаш мумкин. Масалан, соатни эҳтиёт қисмларга ажратиб ташлагандан сўнг уни қайта йигиши анча мушкул бўлади, аммо қўлимизда соатни йигиши йўриқномаси бўлса, вазифа нисбатан осон ечилади.

Очиқ қалитли криптографияянинг моҳияти ва усулларини тушунишга куйидаги мисол - "компьютер тармоқларида паролларнинг сакланиш усули" ёрдам беради. Тармоқдаги ҳар бир фойдаланувчи ўзининг паролига эга бўлиб, тармоққа кириш давомида у ўзининг тармоқдаги номи (логин) ҳамда паролини киритади. Амма пароль сервернинг ёки компьютернинг хотирасида сақлансанса, бошқа фойдаланувчилар, айниқса тармоқ администратори уни ўқиб олиши ҳамда конфиденциал маълумотлардан

фойдаланиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Муаммони хал қилиш учун бир томонлама функциядан фойдаланилади.

Пароль яратилаётганда компьютер хотирасида унинг ўзи эмас, балки у ҳамда фойдаланувчининг номидан ҳисобланган функцияниң қиймати сақланади. Масалан **Мохирахон** исмли фойдаланувчининг пароли “Атиргул” бўлсин. Маълумотлар киритилганда тизим  $f(\text{Мохирахон}, \text{Атиргул})$  функцияси ҳисобланади. Айнан ҳисоблаш натижаси, масалан “Гултожихўроз” тизимда сақланади. Натижада пароллар сақланадиган файл (жадвал) қўйидаги кўринишга келади:

Исл	$f(\text{Исл, Пароль})$
Мохирахон	Гултожихўроз
Сайдфозил	Нилуфаргул
...	...

Мохирахон ўз паролини киритганда, тизим  $f(\text{Исл, Пароль})$  ни ҳисоблайди ҳамда у хотирада сақланадиган қиймат “Гултожихўроз”га тенг келсагина маълумотлардан фойдаланиш имконини беради. Фойдаланувчи исми ёки паролидаги бирон-бир ҳарфнинг ўғариши натижанинг тубдан ўзгариб кетишига ва сақланадиган қиймат билан мос қелмаслигига олиб келади. “Сирли” пароль хеч қандай кўринишда тизимда сақланмайди, пароллар жадвали ҳам ҳар қандай фойдаланувчи томонидан ўқилиши конфеденциалликнинг бузилишига олиб келмайди, чунки функцияниң натижаси (“Гултожихўроз”)га қараб ҳақиқий парол (“Атиргул”)ни ҳисоблаш чиқаришининг иложи йўқ.

Кўриб чиқилган мисолда “туйнуксиз” бир томонлама функция ишлатилган бўлиб охирги натижага қараб бошлангич катталикни топиш масаласи кўйилмаган. Навбатдаги мисолда эса “туйнук” ёрдамида бошлангич маълумотни тиклаш масаласини ечиш йўли тушунтирилади.

Хабарни шифрлаш учун бир неча жилдли қалин китоблардан изборат бўлган шаҳар телефон тармоғи абонентлари справочникини олиш мумкин. Унинг ёрдамида шаҳардаги исталган инсоннинг телефон рақамини осон топиш мумкин, аммо бирон-бир телефон рақами кимга тегишли эканлигини аниқлаш деярли иложсиз масала. Шифрланадиган хабардаги ҳар бир хабар учун исми-шарифи ўша ҳарфдан бошланадиган абонентнинг телефон рақамини олиш мумкин. Мисол учун “Китоб” сўзи қўйидагича шифрланади:

Хабар	Танланган абонент	Ёпиқ матн
К	Комилов	2245613
и	Искандаров	2789152
т	Тўраев	2148994
о	Омонов	2556321
б	Бозоров	2982112

Якуний ёпиқ матн қўйидаги кўринишда бўлади: “2245613 2789152 2148994 2556321 2982112”. Ёпиқ матнни очиш жараёнини қийинлаштириш учун шифрланадиган ҳарфга тўғри келадиган абонентларни тасодифий

тарзда танлаш керак. Шундай қилиб бошланғич матнни бир неча хилдаги турли ёпиқ матнларга айлантириш мүмкін.

Ёпиқ матндан хабарни очиш учун абонентларнинг телефон рақамлари тартиб билан жойлаштирилган справочникдан фойдаланиш керак. Мазкур справочник фақаттана фойдаланиш ҳуқуқига эга фойдаланувчилар учун "түйнүк" вазифасини ўтайди. Кўлида бундай справочники бўлмаган криптотахлилчи ёпиқ матнни очиш учун анча вақт сарфлайди.

**Очиқ қалитли шифрлаш.** Мос равища  $K$  - қалитлар макони, е ҳамда  $d$  - эса шифрлаш ва очиш қалитлари бўлсин.

Исталган қалит  $e \square K$  учун шифрлаш функцияси:

$$E_a(m)=c.$$

Бу ерда  $c \square C$ ,  $C$  - ёпиқ матнлар макони ҳамда  $m \square M$ ,  $M$  - очиқ матнлар макони.

Ёпиқ матн с ни билган ҳолда бошланғич хабар  $m$  ни очиш функцияси:

$$D_d(c)=m$$

Демак  $\{E_e, e \square K\}$  - шифрлаш ҳамда  $\{D_d, d \square K\}$  - унга мос келувчи ёпиқ хабарни очиш тўпламини ташкил этади. Бу ергага ҳар бир  $(E, D)$  жуфтлик куйидаги хусусиятга эга бўлади:  $E_e$  ни билган ҳолда  $E_e(m)=c$  тенгламани очиш мумкин эмас, яъни исталган ёпиқ матн  $c \square C$  учун унга мос келадиган очиқ матн  $m \square M$  ни топиш мумкин эмас. Бундан шифрлаш қалити  $e \square K$  ни билиб туриб очиш қалити  $d \square K$  ни топиб бўлмайди. Юқоридаги мисолга ўхшатсан,  $E_e$  - бир томонлама функция,  $d$  эса - "түйнүк".

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда очиқ қалитли шифрлаш ёрдамида ёхборот алмашинувини ташкил этиш учун қуйидагиларни бажариш лозим:

қабул қилувчи томон очиқ (шифрлаш) е ҳамда ёпиқ (очиш)  $d$  қалитларни яратади, исталган (очиқ бўлиши ҳам мумкин) алоқа канали ёрдамида е ни юборувчи томонга жўнатади;

юборувчи томон шифрлаш (очиқ) қалити е ёрдамида бошланғич хабар  $m$  ни шифрлайди  $E_e(m)=c$  ва хосил бўлган ёпиқ матн с ни қабул қилувчи томонга истайлган алоқа канали ёрдамида юборади;

қабул қилувчи томон ёпиқ қалит  $d$  ҳамда очиш функцияси  $D_d$  ёрдамида ёпиқ матн с дан бошланғич хабар  $m$  ни очади:  $D_d(c)=m$ .

Очиқ қалитли криптотизимлар алгоритмларини қўйидагича кўллаш мумкин:

узатилаётган ёки сақланаётган ахборотларни ҳимоя қилишининг мустақил воситаси;

қалитларни тарқатиш воситаси (одатда очиқ қалитли тизимларни кичик ҳажмдаги қалитларни тарқатиш учун кўллаб, маълумот алмашинувининг ўзи учун бошқа алгоритмлардан фойдаланилади);

фойдаланувчиларни идентификация ва аутентификациациялаш воситаси.

Асимметрик шифрларнинг симметрик криптотизимларга нисбатан устуналиги қўйидагилардан иборат:

алоқа ўрнатишдан олдин ёпиқ (сирли) қалитни алоқа ўрнатишдан олдин ишончли ёпиқ канал орқали узатиш керак эмас;

сир сакланиши лозим бўлган ёпиқ калит фақат бир томонга мълум (симметрик тизимларда иккала томонга ёпиқ калит мълум бўлади ҳамда иккала томон уни сир саклаши лозим);

(E, D) жуфтликни узоқ вақт мобайнида алмаштираслик мумин (симметрик тизимларда калитларни ҳар бир ахборот алмашинуидан сўнг янгилаш лозим);

катта тармоқларда асимметрик тизимлар учун симметрик тизимларга нисбатан анча кам сондаги калитлар керак бўлади.

**Асимметрик шифрларнинг симметрик криптотизимларга нисбатан камчиликлари** кўйидагилардан иборат:

алгоритмга ўзgartириш киритиш анча мураккаб вазифа;

бир хил даражадаги бардошлиликни таъминлаш учун нисбатан узунроқ калитлар талаб қилинади;

шифрлаш ва ёпиқ матнни очиш жараёнлари симметрик тизимларга нисбатан анча паст тезлиқда амалга ошиди;

нисбатан каттароқ ҳисоблаш имкониятлари керак бўлади, шунинг учун амалиётда асимметрик тизимлар бошқа алгоритмлар билан биргаликда ишлатилади:

1) электрон рақамли имзо учун олдин хабарнинг хеш-функцияси ҳисобланади, асимметрик калит ёрдамида эса нисбатан сезиларни даражада калтароқ бўлган хеш-функциянинг натижаси имзоланади;

2) мълумотларни шифрлаш жараёнида улар аралаш тизимлар таркибида ишлатилади: катта ҳажмдаги мълумотлар симметрик калит билан, асимметрик калитлар билан эса симметрик калитнинг ўзигина шифрланади.

**Криптотахлил усуслари** ёпиқ калитни билмаган холда шифрланган матндан бошлангич хабарни очиш учун маҳсус яратиладиган алгоритмлардан иборат. "Криптотахлил" (*cryptanalysis*) атамаси 1920 йилда америкалик олим Уильям Фредерик Фридман (1891-1969 йиғларда яшаган, "америка криптологиясининг отаси") томонидан киритилган.

Аввал криптотахлил усуслари табий тилнинг қонуниятларига асосланган бўлиб, қозоц ва қалам ёрдамида амалга оширилган. Бугунга келиб математик услубларнинг кенг кўлланилиши натижасида маҳсус криптотахлил компютерлари ҳам яратилмоқда.

Мълум шифрни криптотахлил усусларини кўллаш ёрдамида очишга килинган уриниши криптохужум деб аталади. Муваффақиятли натижা билан якунланган криптохужум - шифрнинг "очилиши" ёки "бузилиши" деб аталади.

Америкалик криптограф олим, ёзувчи ҳамда компьютер хавфсизлиги бўйича мутахассис Брюс Шнейер (*Bruce Schneier*, 1963 йилда таваллуд топган) нинг фикрича криптотахлил шифрлаш алгоритмини биладиган холларда 4 та асосий ҳамда 3 та кўшимчча криптотахлил усусларини ажратиб кўрсатади [42].

**Криптотахлилнинг асосий усуслари:**

ёпиқ (шифрланган) матн асосидаги хужум;

очиқ ва уларга мос келувчи ёпиқ матнлар асосидаги хужум;

очиқ матнни (шифрлаш учун матнни) танлаш имконияти бўлган хужум;

очиқ матнни мослаштириб танлаш имконияти бўлган хужум.

**Криптотахлилнинг кўшимчча усуслари:**

ёпиқ матнни танлаш имконияти бўлган хужум;  
калитни танлаш имконияти бўлган хужум;  
босқинчисимон криптотахлил.

Санаб ўтилган усулларни қўриб чиқамиз.

**Ёпиқ (шифрланган) матн асосидаги хужумни ташкил этиш** учун криптотахличининг иҳтиёрида битта алгоритм ёрдамида шифрланган бир нечта ёпиқ матнлар бўлиши керак. Бундай холларда критохужумнинг мақсади имкони борича кўпроқ ёпиқ матнларга тўғри келувчи очик матнларни ёки шифрлаш учун ишлатилган калитни топишдан иборат бўлади.

Ушбу хужум учун бошлангич маълумотларни йигиш учун шифрланган матнларни кўлга киритиш керак бўлади. Агарда улар очик алоқа каналлари орқали узатилса, бундай масала анча осон ечилади, аммо бундай хужум турлари энг кучсиз ҳамда нокулайдир.

**Очиқ ва уларга мос келувчи ёпиқ матнлар асосидаги хужум давомида икки турдаги масалалар ечилиши мумкин:** очик матнлардан ёпиқ матнларни хосил қилиш учун ишлатилган калитни аниқлаш ҳамда ушбу калит ёрдамида шифрланган исталган матнни очиш алгоритмини топиш.

Бундай хужумларни ташкил этиш учун очик матнларни кўлга киритиш асосий вазифадан иборат ва бу вазифа кўплаб йўллар билан амалга ошириллади. Масалан, файл номидаги кенгайтмадан унинг ичидаги маълумотлар тўғрисида хulosалар қилиниши мумкин.

Езишма очилаётган холларда ҳар бир хабар қўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлишини таҳмин илиш мумкин: саломлашиш, асосий матн, хайрлашиш ҳамда имзо. Демак, хужумни кенг тарқалган саломлашиш ("Ассалому-алайкум", "Салом!" ва хок.) ёки хайрлашиш ("Кўришгунча". "Хурмат билан", "Хайр" ва бошқ.) шаклларини қўйиб кўриш орқали уюштириш мумкин. Кўриниб турибдеки, бундай хужумлар фақат ёпиқ матн асосидаги хужумларга нисбатан қучлироқдир.

**Очиқ матнни танлаш имконияти бўлган хужумни амалга ошириш** учун криптотахлилчи иҳтиёрида бир нечта очик ва улар асосида яратилган ёпиқ матнлардан ташқари яна бир нечта маҳсус тузилган очик матнларни танлаш ва улар асосида яратилган ёпиқ матнлардан фойдаланиш имконияти бўлиши лозим.

Бундай хужумларнинг мақсади аввалги усулники каби бўлади. Уни амалга ошириш учун бошлангич маълумотларни, мисол учун, қўйидаги йўл билан олиш мумкин: шифрлашдан фойдаланувчилардан бирининг номидан иккинчиси номига сохта очик (шифрланмаган) хабар юборилади. Баъзи холларда бошлангич хабарни тўлиқ ўз ичига олган шифрланган жавобни олиш мумкин бўлади. Бунинг натижасида криптотахлилчи шифрлаш калити ҳақида кўпроқ маълумот қўлга киритиши мумкин.

**Очиқ матнни мослаштириб танлаш имконияти бўлган хужум** аввалги усулнинг қулироқ қўринишидир. Унинг қулиялиги шундан иборатки, криптотахлилчи томонидан аниқлаб бўлинган маълумотлар асосида у ёки бу маълумотлар қисмини шифрлаш тўғрисида қарор қабул қилиш имкониятига эга. Яъни аввалги усулда криптотахлилчи шифрлаш натижасини олиш учун фақат битта катта ҳажмдаги очик матнни танлаш имкониятига эга бўлса, ушбу усулда у ўзини қизиқтираётган маълумотларни,

күлгө киритиш учун қадамба-қадам, аввалги қадамларнинг натижаларни ҳисобга олган холда бир неча маротаба очик матнни шифрлатишга юбориши мумкин.

Айнан очик матнни мослашувчан танлаш имкониятининг мавжудлиги ҳисобига мазкур хужум тури санаб ўтилган усуллар ичида устун мавқени эгаллади.

**Ёпиқ матнни танлаш имконияти бўлган хужум.** Фараз қиласлик, криптотахлилчи бир қанча муддат давомида шифрни очувчи воситадан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Бундай холда криптотахлилчи қисқа вақт мобайнида ўзига маълум бўлган ёпиқ матнларга мос келувчи очик матнларни кўлга киритиши ҳамда шифрлаш калитини аниқлаш мақсадида криптотахлил жараёнига киришиши мумкин.

Қисқа кўринишида бу вазифани қуйидагича ифодалаш мумкин:

$C_1, P_1=D_k(C_1), C_2, P_2=D_k(C_2), C_3, P_3=D_k(C_3), \dots, C_n, P_n=D_k(C_n)$  лар берилган, бу ерда:  $C_n - n$ -ёпиқ матн,  $P_n - C_n$  га тўғри келувчи очик матн ҳамда  $D_k$  - к калит ёрдамида шифрни очиш функцияси. К калитни топиш керак. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бундай усул билан амалга оширилган хужумларни яна “тушлик вақти хужуми” ёки “кечаси амалга ошириладиган хужум” деб ҳам аташади. Яъни улар эътиборсиз қолдирилган ёпиқ матнларни очиш воситалардан рухсат берилмаган фойдаланиш орқали амалга оширилади.

**Калитни танлаш имконияти бўлган хужум** давомида криптотахлилчи бир нечта калитларни ишлатадиган алгоритм ишини кузатиб боради. Бунда унга калитларни ўзаро бирлаштирувчи бирон-бир хусусият маълум бўлиши керак. Масалан, барча калитларнинг охириги 80 та бити бир хил қийматга эга эканлиги калитларни топишга ёрдам бериши мумкин.

**Босқинчисимон криптотахлил** жараёнида криптотахлилчи “инсон” омилидан унумли фойдаланиши, яъни фойдаланувчиларни кўрқитиши, пора бериш, қўйноқса солиш ёки бошқа йўллар билан шифрлаш тизими ёки ҳатто калитни ҳам кўлга киритишга ҳаракат қилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда бу усул тўлиғича инсонларнинг заифлигига асосланган бўлиб, анчагина самарали ҳисобланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, криптографик усуллар ахборотларнинг конфиденциаллиги ва мутаносиблиги ҳамда фойдаланувчиларнинг идентификацияси ва аутентификациясини таъминлашда кенг кўлланилади. Бунда криптографик калитларни бошқариш вазифаси жуда муҳим ўрин эгаллади ва қуйидаги алоҳида масалалардан иборат бўлади:

- янги фойдаланувчиларни тизимга киритиш;
- калитларни яратиш, тақсимлаш ва ишга тушириш;
- калитлар ишлатилишини назорат қилиш;
- калитларни алмаштириш ҳамда йўқ қилиш;
- калитларни архивлаш, саклаш ҳамда қайта тиклаш.

Калитларни бошқариш ҳамда уларнинг бевоситә амалиётда кўлланилишини таъминлаш, ташкилот ва муассасаларро бўладиган ахборот алмашинувини таъминлаш учун тегишли вазифаларни бажарувчи ишончли учинчи томон яратилади [43].

## 3 - қисм. Давлат ташкилот ва муассасаларини ахборотлаштириш

### 5 - боб. Ахборотлаштиришининг хукуқий асослари


#### 14. Давлат ахборотлаштириш тизими

Умумий ҳолда асосий мақсади давлат ташкилот ва муассасаларининг фаолиятими ахборотлаштиришга қаратилган институционал-ташкилий тузилмаларни бирлаштирувчи ўзига хос модел давлат ахборотлаштириш тизимини ташкил этади.

Давлат ахборотлаштириш тизими давлат бошқарув тизимининг узлуксиз таркибий қисми бўлганлиги учун бевосита давлат ахборотлаштириш тизимини таҳлил қилишдан олдин умуман бошқарув тизими ҳамда замонавий давлат бошқарув тизимининг умумий тавсифини қисқача кўриб чиқамиз. Сўнгра замонавий давлат бошқарув тизимининг асосий қисмлари ҳамда хусусиятлари мамлакатимизда яратилган ахборотлаштириш тизими доирасида қандай тарзда шакллантирилганлигига эътибор қаратамиз.

Ҳар қандай бошқарув тизими бошқарувчи, бошқарилувчи ва коммуникатив қисмлардан ташкил топади (12-расм).

Табиати ва қўулланилиш соҳасидан қатъий назар, ҳар қандай бошқарув тизимининг умумий хусусиятлари:



тизим мутаносиблигини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин тутувчи ахборот алоқаси мавжуд бўлади. Қисмлари ўзаро маълумот алмасиб турмайдиган тизим мутаносиблигини саклай олмайди ва мос равища ишламайди;

бошқарув таъсириларига мос равища турли ҳолатларга ўта олиш қобилияти мавжуд бўлади; ичидан энг мақбули

қабул қилинадиган тизим бажариши мумкин бўлган вазифалари тўплами мавжуд бўлади;

бошқарув тизимига мос бўлган аниқ тузилмага эга бўлади;

тизимга таъсир ўтказиш ҳамда тизим томонидан ташки мухитга таъсир ўтказиш имкониятими таъминловчи тизимининг очиқлиги;

тизим фаолиятининг маълум мақсадга йўналтирилганлиги.

Давлат бошқаруви ижтимоий тизимдир. Ижтимоий тизимлар инсонлар томонидан яратилади, уларнинг асосий ташкилий элементи инсонлардир. Айнан шу хусусият ижтимоий бошқарувнинг ижодий характеристи ва кучини белгилаш билан бир қаторда унинг асосий камчилиги ҳамдир. Муболагасиз таъкидлаш мумкинки, жамиятдаги жараёнлар ва инсонларни бошқариш муракаблиги сабабли давлат бошқаруви энг мураккаб тизим деб аталиши мумкин ҳамда фақат унгагина хос бўлган бир қатор қўшимча хусусиятлар мавжуд:

тизим элементлари иерархик тузилмага эга;

тизимда ўзини-ўзи бошқариш механизmlари мавжуд;


бошқарув объекtlари ва субъектлари онгли ва ўзини-ўзи тўлиқ англайди;

формал ва ноформал муносабатлар мавжуд;

ташкиллаштирилганлик (ижтимоий тизим ва уни таъминловчи давлат бошқарувининг соҳаси доим ташкил этилган яхлит бир тузилмадир).

Шуну ҳам таъкидлаш лозимки, давлат бошқаруви тизимининг вазифаларини бажариш ҳуқумат ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ. Яъни фақаттана давлат бошқаруви тизими қонуллар чиқариш ва мажбурлаш, бюджет ва фискал сиёсатни шакллантириш ва бошқа шу каби ҳуқуқларга эга.

Давлат бошқарув тизими даставвал жамиятдаги барқарор ривожланишни таъминлаш, унинг эҳтиёж, қизиқиш ҳамда ишонч ва умидларини қондиришни мақсад қиласди.



Ижтимоий мухит ичida жойлашган тизимга ташқаридан талаблар ва қўллаб-кувватлаш кўринишидаги таъсиirlар кўрсатилади, тизимдан ташки мухитга эса қабул қилинган қарорлар ва амалий ҳаракатлар кўринишидаги бошқарув таъсиirlарини амалга оширилади.

Бошқарув тизими томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўзла-рига ҳам ташки мухит томонидан имкониятларни сафарбар қилиш орқали қўллаш ёки амалга оширилишига қаршилик кўрсатиш орқали таъсиir ўтказилади. Демак, давлат тизимининг жамиятдаги ўзгаришларга, унинг талабларига мос келувчи жавоблар бериси, яъни тегишли қарорлар чиқариши ва амалий ҳаракатларни бажариши мақсадга мувофиқидir.

Тизимга бўлган талаблар жамиятнинг эҳтиёж ва умидларидан келиб чиқкан ҳолда шакллантирилади ҳамда мазмун жиҳатдан қўйидаги йўналишларни қамраб олиши мумкин:

тақсимот жараёнлари, яъни бошқарилаётган соҳа доирасида инсоний, молиявий, техник ва бошқа ресурсларнинг мутаносиб тақсимланиши;

тартибига солиш турли усул ва кўринишларда амалга оширилиши мумкин. Масалан, маҳсулот ва хизматлар бозори, ишлаб чиқарувчилар хавфсизлик ва бошқаларни назорат қилиш ва ҳоҳ;

**коммуникатив жараёнлар** анъанавий хатлар алмашишдан тортиб турли хилдаги оммавий тадбирлар (кўргазмалар, семинарлар, учрашувлар, давра сухбатлари ва ҳок.) ўюстиришгача бўлган ахборот алмашишнинг турли усуслари орқали амалга оширилади.

**Давлат бошқарув тизими мураккаб тузилма** бўлиб бир қанча мустақил лекин ўзаро узвий боғланишларга эга ижтимоий тизимлардан иборат. Улар қаторига куйидагилар киритилади:

бошқарувчи тизим (бошқарув субъекти);

бошқарилувчи тизим (бошқарув объекти);

коммуникатив тизим, яъни бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимларни ўзаро боғлаб турувчи элементлар тизими: тўғри ва қайта алоқа, вертикал ва горизонтал, бўйсундириувчи ва кўллаб кувватловчи алоқалар ва ҳок.

**Бошқарувчи тизимнинг вертикал кесимини** куйидаги икки қисмга ажратиш мумкин:

**А қисм** - жамиятни ошкора бошқаришни ҳамда давлат миқиёсида ҳокимиятни амалга оширади. Унинг мақсади барча соҳаларда жамият тараққиётининг мақсади, вазифалари ва стратегиясини белгилаш, давлат мустақиллигини таъминлаш, ҳалқаро муносабатларда миллий манфаатларни ҳимоя қилишдан иборат;

**Б қисм** - давлат-маъмурӣ тизими бўлиб, жамият ҳаётининг маълум соҳаларида кундалик ишларни бошқаришга қаратилган вазифаларни бажариша мўлжалланади.

**Давлат бошқарув тизимининг горизонтал кесимида** қуйидаги қисмларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

институционал;

меъёрий-ҳукукий;

функционал-тузилмавий;

коммуникатив;

профессионал-кадрлар;

профессионал-маданий;

илмий-технологик.

Санаб ўтилган қисмларнинг ҳар бири ўзининг тузилмаси, мақсади ва вазифаларига эга бўлган мураккаб тузилмалардир.

**Институционал қисм** жуда муҳим ўрин эгаллайди, чунки бошқарув вазифаларини амалга ошириш учун, биринчи навбатда, **ким бундай ҳукуқга эга ва буни амалга ошириши мумкинлиги** белгилаб олинган бўлиши лозим.

**Меъёрий-ҳукукий қисм** давлат бошқарув тизими ишлашининг асосини ташкил этади. Унинг таркибига тизим “кириши” ва “чиқиши”да амал қилувчи ҳукуқий қонун, қоида ва меъёрлар киритилади.

**Коммуникатив қисм** бошқарув субъектларининг вертикал ва горизонтал бошқарув, расмий ва норасмий алоқалари, ҳамда уларнинг жамоат ташкилотлари ва фуқаролар билан муносабатларининг мажмуасидан ташкил топади. Яъни, бу бошқарув доирасидаги алоқалар тизимидир.

**Функционал-тузилмавий қисм** тизим доирасидаги ҳар бир тузилмавий элементнинг ўрни ва аҳамиятини, мақсади ва бажарадиган ўзига хос вазифаларини белгилаб беради. У давлат бошқарув шаклини,

марказлаштирилганлик даражасини ҳамда ўзини-ўзи бошқариш тизимларининг ривожлангилигини акс эттиради.

Давлат бошқарув органларининг бошқарув вазифалари хилма-хил бўлиб, бошқарув объекти ҳамда бошқарув таъсирининг мазмуни, усули ва ҳажмига боғлиқ бўлади. Функционал тизим вазифаларни белгилаб бериш билан бир қаторда, уларнинг вертикал ва горизонтал бўйича тақсимланишини, турли тузилмалардаги қайтарилишларни аниқлаш ва мустасно қилиш, давлат органи ташкилий тузилмасининг унинг вазифаларига номутаносиблигини бартараф этиш имконини беради.

**Профессионал-кадрлар қисми** давлат бошқарувининг сифати ҳамда самарадорлигини белгилаб беради. Унинг ажралмас бўлгаги бўлган **профессионал-маданий қисм** бошқарувчи кадрлар профессионал билимлари, маъмурий аҳлоқ намуналари, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий қадрият ва меъёрлар, тарихий анъаналар ҳамда кўлланилаётган замонавий фан ютуқ ва муваффақиятлари мажмуаси ва табиати орқали тавсифланиши мумкин.

Бошқарув кадрларининг маданияти давлат бошқарув тизимидағи субъектив омил сифатида кўп холларда унинг етуклиги, сифати ҳамда мутаносиблигини белгилаб беради. Профессионал маданият даражаси тизимнинг барқарорлик даражасини белгилаб беради.


**Илмий-технологик қисм** бутун тизимнинг мутаносиблиги ва ташкиллаштирилганлигини таъминлаб берувчи ҳамда давлат бошқарув тизими фаолиятининг самарадорлигини оширувчи асосий омилdir.

**Бошқарилаётган тизимни жамиятнинг давлат таъсирига тушувчи** барча объектлари тизими ташкил этади. Бунда ҳар бир бошқарилаётган обьект ўзининг таркибида **мос даражадаги бошқарув субъектларига** эга бўлади.

Бошқарилаётган тизим бошқарув тизимида бир қатор ҳусусиятларига кўра фарқланади. Агар бошқарув тизимида асосан иерархия ва субординацияга асосланган вертикал муносабатларнинг устунлиги кузатилса, бошқарилаётган тизимларда хилма-хил, кўп қатламли диспозицион, горизонтал алоқалар кўпчиликни ташкил этади. Булар жамият ҳаётини таъминловчи (тил, оила, одоб ва аҳлоқ, бозор, миллат ва ҳок.) алоқалар ҳамда қадриялар ва афзал билишлик билан боғлиқ бўлган ижтимоий-маданий ва сиёсий муносабатлардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади". Муҳокама қилинаёттан мавзу доирасида давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча йўналишларини бевосита ахборотлаштириш билан шуғулланувчи ижро этувчи ҳокимият тизимини тахлил қилиб чиқамиз.

Сўнгги йиллар давомида давлатимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларнинг ижро этилиши натижасида мамлакатимизда замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган давлат ташкилот ва муассасалари фаолиятини ахборотлаштириш тизими шакллантирилди (14-расм).



14-расм. Давлат аxborotlashтириш тизими

Мазкур тизимни кўриб чиқар эканмиз унинг доирасида ижро вертикали яратилганлигини ҳамда мазкур вертикальнинг ҳар бир босқичида ўзига хос горизонтал алоқалар мавжудлигини таъкидлашимиз мумкин.

Ижро ҳукумати доирасида давлат аxborotlashтириш тизимини Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маʼкamasasi бошқариб туради. Мос равишда унинг таркибида маҳсус “Аxborot tizimlari va telekommunikatsiyalar masalalari axborot-taxjilil departamenti” ташкил этилган.

Шунингдек, ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг коллегиаллик асосида қабул қилинишини таъминлаш, барча давлат муассасаларида аxborotlashтириш соҳасида, шу жумладан, “Электрон

**хукумат**" тизимини яратиш доирасида амалга оширилаётган ишларни ўзаро мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни ечишининг энг мақбул чораларини ўз вақтида амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири бошчилигидаги "Мувофиқлаштирувчи республика комиссияси" ҳам иш юритмоқда.

Ахборотлаштириш соҳасидаги маҳсус ваколатли орган вазифасини Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси бажармоқда. У ўз ваколатлари доирасида барча давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимият ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш ҳукуқига эга.

Маҳсус ваколатли орган давлат ахборотлаштириш сиёсатини амалга ошириш доирасида шунингдек **жамоат ташкилотлари** билан ҳам доимий ҳамкорликни амалга оширади.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини бевосита амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси тизимига кирувчи бир қатор давлат унитар ҳамда хўжалик юритувчи корхоналари зиммасига юклатилған:

"Ўзбектелеком" ОАЖ - давлат ахборотлаштириш тизими доирасида муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса Миллый ахборот тизими доирасида яратиладиган давлат органларининг, ҳамда йирик ҳудудий ва тармоқ ахборот тизимларининг телекоммуникацион инфратузилмаси яратилишида, шунингдек барча турдаги ахборот тизимлари фойдаланувчиларига маълумот узатиш хизматларини кўрсатишда унинг аҳамияти ва иштироки каттадир.

"Узинфоком" маркази зиммасига ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида дастурлар ва бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш; реал иқтисодиёт тармоқлари, бошқарув, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳалари учун, ҳамда маълумотларнинг ахборот базаларини, веб-сайтлар ва бошқа дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича тендерларида иштирок этиш; компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиши масалалари юзасидан бошқарув органлари, бюджет ташкилотлари ва хусусий бизнесга кенг микёсдаги ахборот, сервис ва консалтинг хизматлари кўрсатиш каби вазифалар юкланган. Бугунги кунга келиб ".uz" интернет доменини бошқариб туриш, давлат ахборот ресурсларини, шу жумладан ҳукумат портали "gov.uz"ни саклаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш вазифаларини ҳам амалга ошираётган ташкилот ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини бевосита амалга оширувчи байроқдор ташкилотлардан бирига айланди.

"Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази 2013 йилга келиб ташкил этилган янги ташкилот бўлиб, унинг зиммасига куйидагилар юкланган: "Электрон ҳукумат" тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш; уни шаклантиришда ягона технологик ёндашувни таъминлаш; давлат органлари фаолиятининг функционал ва операцион жараёнларини тизимли қайта ташкил этишни амалга ошириш, давлат хизматлари кўрсатиш билан

боғлиқ бўлган таклифлар тайёрлаш; "Электрон ҳукумат" тизимини самарали жорий этиш учун амалдаги норматив-ҳукукий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш; тизим доирасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини тизимли мониторинг қилиш ва баҳолаш, интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш, лойиҳаларни амалга оширишнинг мақсадли индикаторлари ва кўрсаткичларини аниқлаш.

"Ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш" маркази ҳам 2013 йилда ташкил этилиб, қуйидаги йўналишларда фаолият олиб боради: "Электрон ҳукумат" тизими ахборот тизимлари комплекслари, ресурслари ва маълумотлар базаларининг ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш, ахборотлаштириш обьектларини аттестациядан ўтказиш; давлат органларининг ахборот тизимлари ва ресурслари ахборот ҳавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш; ахборот ҳавфсизлигига мавжуд замонавий таҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тўгплаш, "Электрон ҳукумат" тизими ахборот тизими, ресурслари ва маълумотлар базаларига ноқонуний кириб олиш ҳолатларининг олдини олишини таъминлайдиган ташкилий ва дастурий-техник ечимларни самарали қабул қилиш бўйича тавсиялар ва тақлифлар ишлаб чиқиш; ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳукукий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; телекоммуникациялар тармоқларининг операторлари ва провайдерлари билан ҳамкорлик қилиш, давлат органларининг компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасидаги қонун бузилишларининг олдини олиш масалалари бўйича биргаликдаги ишларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш; Интернетнинг миллый фойдаланувчиларини Интернет тармоғи миллый сегментида ахборот ҳавфсизлигига вужудга келаётган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек ахборотларни муҳофаза қилиш бўйича консультация хизматлари кўрсатиш; қонун бузувчиларни таҳпил қилиш, идентификациялашда ҳамда ахборотлар маконидаги рухсатсиз ёхуд бузувчи ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланилайдиган услугб ва воситаларни таҳлил қилишда ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш; ахборот ҳавфсизлиги соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Кўриниб турганидек, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш ва "Ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш" марказлари мамлакатимизда "Электрон ҳукумат" яратилишида асосий ўрин тутишлари белгилаб берилган.

**Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази "UNICON.UZ"** давлат унитар корхонаси, айниқса, ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида маҳсус техник ва дастурий воситаларни яратиш билан бир қаторда умуман ахборотлаштириш соҳасидаги норматив-меъёрий базанинг яратилишида, давлат ва соҳа стандартлари, бошқарувчи ва кўрсатма берувчи ҳужокатларни ишлаб чиқиш орқали ўзининг катта ҳиссасини кўшмоқда.

**Давлат алоқа инспекцияси** ахборотлаштириш соҳаси доирасидаги қонунчилик ҳамда мавжуд амалдаги меъёрий хуҷоатларининг талаблари сўзсиз бажарилишини назорат остига олган.

**Тошкет ахборот технологиялари университети** (ТАТУ) мамлакатимиздаги барча турдаги муассасалар, ташкилот ва корхоналар учун замонавий билимларни пухта эгаллаган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш вазифасини ўз зиммасига олган.

**АКТНИ ривожлантириш жамғармаси** соҳа доирасидаги йирик лойиҳалар ҳамда "давлат буюртмаси" доирасида яратилаётган асосий ахборот тизимлари комплексларини молиялаштириш мақсадида яратилган.

Юқоридагилардан кўриниб турганидек, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялари давлат кўмитаси тизимига кирувчи корхона ва ташкилотлар фаолияти давлатимизнинг ахборотлаштириш соҳаси учун умумий бўлган вазифалари ҳамда масалаларини ечишга қаратилган.

Шу билан бир қаторда давлат ва ҳўжалик ҳамда маҳаллий бошқарув органлари доирасидаги ички ахборотлаштириш жараёнларини амалга ошириш, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари ва уларнинг комплексларини яратиш мақсадида **маҳсус ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўлинмалари**, баязи холгаarda эса алоҳида ташкилотлари тузилган.

Бундай бўлинмалар билан бир қаторда шунингдек ўз таркибида маҳсус "Ахборот ҳавфсизлиги бўлинмалари" ҳам тузилган давлат ва ҳўжалик ҳамда маҳаллий бошқарув органлари ҳам мавжуд.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат ахборотлаштириш тизими таркибида **жамоат ташкилотлари** ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг вазифалари таъсисчилар томонидан аниқ белгиланади.

Жумладан, келтирилган давлат ахборотлаштириш тизими тузилмасига киритилган "**АТ соҳасидаги корхоналар ассоциацияси**" мамлакатимиздаги бир қатор корхоналарни ўз қаторига бирлаштирган. Шундан келиб чиқсан холда ушбу нодавлат нотижорат ташкилоти соҳа доирасида фаолият юритаётган корхоналар учун умумий бўлган муаммоларни аниклиайди ҳамда уларни бартараф этиш борасидаги чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва тегишли ташкилотларга тақдим этади. Мисол учун, айнан шу ассоциация давлат корхона ва ташкилотлари ходимларининг компьютер саводхонлигини баҳолаш учун масъул деб белгиланган.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган бир қатор йирик Интернет оператор ва провайдерлари томонидан таъсис этилган "**Tasix**" ҳам айнан жамоат ташкилотларига мисол бўлиши мумкин. 2005-2010 йиллар оралиғида Интернет тармогининг миллӣ сегменти фойдаланувчиларининг сони кескин ортиб кетишида айнан унинг тутган ўрни бекиёс бўлди.

## 15. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

Ўзбекистон Республикаси истиқолга эришган кундан бошлаб дунёвий хуқуқий давлат қуришга киришилганлиги жамият ҳәётининг барча соҳалари каби ахборотлаштириш соҳасида ҳам қонуний хуқуқий асослар яратилишига имкон юратди. Бунинг натижасида 1993 йилнинг 7 май санасида “Ахборотлаштириш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди [48].

Мазкур Қонун олти боб, ўттиз битта моддадан иборат бўлиб, ўтган асрнинг охирги ўн йиллигига мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасида олиб борилган ишлар учун хуқуқий асос вазифасини ўтади. Унда, асосан давлат ташкилот ва муассасалардаги жараёнларни ички ахборот тизимлари ёрдамида ахборотлаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган эди.

Қонун кучга кирган ва амал қилган ўтган асрнинг 90-йилларида мамлакатимизда, айниқса банк-молия соҳасида ахборотлаштириш жараёнлари жадаллик билан ривожланди. Жумладан, банклараро электрон тўловлар тизими, молия вазирлигининг давлат ҳамда маҳаллий бюджетларга тушумларни ва ҳаражатларини назорат қилувчи компьютерлаштирилган тизими, давлат солиқ идораларининг ички ахборот тизимлари яратилди.

Аммо, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ахборотлаштириш жараёнлари жамият ҳәётининг барча соҳаларини бирдек қамраб олмади. Шунингдек, XX ва XXI асрнинг чегараларида ахборот технологияларининг, шу жумладан Интернет, уяли алоқа ҳамда маълумот узатиш технологияларининг ва бевосита ҳисоблаш техникасининг портлаш суръатлари билан ривожланиши қабул қилинган қонуннинг янгиланиши кераклигини кўрсатиб берди.

Замон талабларидан келиб чиққан юртимиз мутахassisларининг саъий-ҳаракатлари натижасида 2003 йилнинг 11 декабрь санасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Ахборотлаштириш тўғрисидаги” Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди [1]. Кўрсатилган санадан бошлаб бугунги кунгача ахборотлаштириш соҳасидаги барча жараёнлар айнан шу қонун асосида амалга оширилаётганлиги ва мувофиқлаштирилаётганлиги учун уни батафсил таҳлил қилиб чиқамиз.

Қонуннинг асосий мақсади “ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибига солищдан иборат” (1-модда).

Қонунда берилган асосий тушунчаларнинг таърифини рисоланинг 1-мавзуси доирасида таҳлил қилинганлиги учун, уларга тўхталиб ўтирумай қонун билан белгиланган кейинги масала - давлатнинг ахборотлаштириш жараёнларига бўладиган муносабатини кўриб чиқамиз.

Қонунга мувофиқ, “Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини

ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда **миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган**". Ушбу вазифани бажариш учун бир қатор асосий йўналишлар белгиланган:

"хар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий хуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланилишини таъминлаш;

давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва худудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;

дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;

тадбиркорликни кўллаб-куvvatлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун куляй шароит яратиш;

кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш" (4-модда).

Кўрсатилган йўналишлардаги фаолиятни ташкиллаштириш ҳамда ахборотлаштириш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш учун **маҳсус** ваколатли орган белгиланиши ҳамда ана шу орган томонидан бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди (6-модда), яъни:

"Маҳсус ваколатли орган:

давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

ахборотлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқади;

давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва худудий ахборот тизимлари яратилишига кўмаклашади;

ахборотлаштириш соҳасидаги стандартлар, нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқади;

ахборот тизимлари ва ахборот технологияларининг техника воситалари ҳамда хизматларини сертификатлаштириш ишларини ташкил этади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз ахборот ресурслари ҳамда ахборот тизимлари муҳофаза этилишини таъминлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини ривожлантиришга кўмаклашади;

ахборотлаштириш соҳасида маркетинг тадқиқотлари ва мониторингни ташкил этади;

ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб ахборот хавфсизлигини ҳамда ахборот тизимларидан устувор фойдаланилишини таъминлади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади".

**Ахборотлаштириш соҳасининг ҳуқуқий меъёрлари** қўйидагилар билан тартиби солиниши белгиланган (7-модда):

"ахборотни ҳужжатлаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва ахборот тизимларини яратиш тартиби;

ахборот ресурсларига ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқини амалга ошириш тартиби;

ахборот ресурсларининг улардан эркин фойдаланиш даражаси бўйича тоифасини белгилаш тартиби;

ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш тартиби;

ахборот тизимларининг тармоқлараро уланиши тартиби".

Шунингдек Қонун доирасида, **ахборотни ҳужжатлаштириш ахборотни ахборот ресурсларига киритишнинг мажбурий шарти** ҳамда ахборот ресурсларидан сакланадиган ва ишлов бериладиган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ахборот **электрон ҳужжат** бўлиб, **қоғоз ҳужжат** билан бир хил юридик кучга эга эканлиги белгилаб қўйилди (8-модда).

**Давлат ахборот ресурслари** қўйидагилардан иборат бўлади:

"давлат органларининг ахборот ресурслари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган ахборот ресурслари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат сирлари ҳамда маҳфий ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг белгиланган тартибда тақдим этиладиган ҳужжатлаштирилган ахбороти" (10-модда).

Юридик ва жисмоний шахслар ҳужжатлаштирилган ахборотни давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун тегишли давлат органларига белгиланган тартибда тақдим этишлари шарт бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳужжатлаштирилган ахборотни мажбурий тақдим этиши тартиби, давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш учун масъул давлат органларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш тоифаларини ҳам рисоланинг 1-мавзуси доирасида кўриб чиқсан эдик. Қўшимча равишда "жисмоний шахсларнинг шахсига таалукли маълумотлар тўғрисидаги ахборот маҳфий ахборот тоифасига" киритилишини таъкидлашмиз мумкин (13-модда).

5-мавзу доирасида эса **миллий ахборот тизимиға** батафсил тўхтатланган эдик.

**Қонун доирасида юридик ва жисмоний шахслар ўртасида битимлар тузишда ахборот тизимларидан фойдаланиш мумкинлиги ҳамда бундай фаолият қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши (16-модда) белгилаб кўйилганлиги мамлакатимизда электрон тижоратнинг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қиласди.**

Шунингдек техник воситаларни сертификация қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилганки, қўйидагилар таъкидланади: "Ахборот тизимларини ташкил қилувчи техника воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши керак. Давлат органлари ахборот тизимларининг, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимларининг, юридик ҳамда жисмоний шахслар ахборот тизимларининг давлат сирлари ёки маҳфий ахборотни ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган техника воситалари, шунингдек мазкур тизимларни муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим" (17-модда).

**Ахборот хавфсизлигини таъминлаш** вазифаларига ҳам алоҳида эътибор берилди (19- ва 20-моддалар). Яъни, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиши қўйидаги мақсадларда амалга оширилиши белгиланди:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

ахборот ресурсларининг тарқалиб кетиши, ўйрланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб кўйилиши, қалбакилаштирилиши ва улардан бошқача тарзда рухсатсиз эркин фойдаланишининг олдини олиш;

ахборотни йўқ қилиш, тўсиб кўйиш, ундан нусха олиш, уни бузиб талқин этишга доир рухсатсиз ҳаракатларнинг ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бошқа шаклдаги аралашишларнинг олдини олиш;

ахборот ресурсларидаги мавжуд давлат сирлари ва маҳфий ахборотни сақлаш.

Бунда, "ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан гайриқонуний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулқдорларига, эгаларига ёхуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда маҳфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлашиштартади.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби уларнинг мулқдорлари, эгалари томонидан мустақил белгиланади.

Давлат сирлари ҳамда маҳфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади".

**Ахборот тизимларининг ўзаро боғланиши ва халқаро ахборот тизимларига уланиши ҳам эътибордан четда қолмади (18- ва 21-моддалар).**

Демак, “ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши турли ахборот тизимлари ўргасида ахборот армасиши учун амалга оширилади.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ ўзаро тармоқлараро боғланиш имкониятини ахборот тизимларининг мулқорлари, эгалари таъминлайди.

Турли ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши ахборот тизимларининг мулқорлари, эгалари ўргасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Тармоқлараро боғланиши амалга ошириш ҳамда турли ахборот тизимларининг ўзаро алоқада бўлиш тартиби ва шартлари маҳсус ваколатли орган томонидан белгиланади”.

Шунингдек, “давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар ўз ахборот тизимларини халқаро ахборот тармоқларига ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улаши мумкин.

Эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларини ўз ичига олган ахборот тизимларининг халқаро ахборот тармоқларига ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиши фақат зарур муҳофаза чоралари кўрилганидан кейин амалга оширилади”.

Кўшийча равища ахборотлаштириш соҳасидаги низоларни ҳал қилиш ҳамда қонун ҳужжатларини бузганлиқдаги айбор шахсларни жавобгарликка тортиш амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Мавзу якунида Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисидаги” Қонуни мазмунининг таҳлилини келтирамиз (8-жадвал).

8-жадвал

### Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисидаги” Қонуни мазмунининг таҳлили

№	Соҳа йўналишлари	Қонуннинг тегишли моддалари
1.	Қонуннинг мақсади	1-мода
2	Ахборотлаштиришнинг ҳуқуқий тартибга солиш	2- ва 7- моддалар
3	Асосий тушунчалар	3-мода
4	Ахборотлаштириш ва давлат	4-6- моддалар
5	Қоғоздаги ва электрон ҳужжатларнинг тенг кутилиги	8-мода
6	Ахборотлаштириш ва мулқиличик	9-мода
7	Ахборот ресурлари ва тизимлари	10-14- моддалар
8	Миллий ахборот тизими	15-мода
9	Электрон тижорат	16-мода
10	Сертификация	17-мода
11	Тизимлараро ва тармоқлараро боғланиш	18- ва 21- моддалар
12	Ахборот хавфсизлиги	19-20- моддалар
13	Низоларни ҳал қилиш ва жавобгарлик	22-23- моддалар

## **16. Ахборотлаштириш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуклари**

Олдинги мавзу доирасида кўриб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисидаги” Қонунининг янги таҳрирда қабул қилиниши ахборотлаштириш соҳасида сифат ва мазмун жиҳатдан янгиланган қонунчилик базасининг яратилишига замин яратди. Нисбатан қисқа давр мобайнида бир қатор қонунлар қабул қилинган бўлиб, мазкур мавзу доирасида уларнинг бир нечтасини тахлил қилиб чиқамиз.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни [49] 22 моддадан иборат бўлиб уларнинг мазмунининг таҳлили 9-жадвалда келтирилган.

Ушбу Қонуннинг мақсади, унинг номидан ҳам кўриниб турганидек; “электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибига солишдан иборат” (1-модда).

Қонун билан “электрон рақамли имзо” (ЭРИ), унинг ёпиқ ва очиқ қалитлари”, “ҳақиқийлигини тасдиқлаш”, ҳамда “электрон хужоат” каби асосий тушунчаларга таъриф берилган (3-модда).

Мазкур таърифларга мувофиқ ЭРИ - электрон хужоатнинг саънаси, тартиб рақами, жўнатилиш манзили каби ажralmas реквизитларидан биридир. Яъни электрон хужоат ҳам қоғоздаги анъанавий хужоатлардан айнан ЭРИга эга эканлиги билан ажralиб туради. Бунда ЭРИ зиммасига хужоат муаллифини аниқ идентификациялаш ҳамда хужоат ичидаги маълумотларда хатолик йўқлигини аниқлаш вазифалари юклатилади.

ЭРИнинг ёпиқ қалити фақатгина унинг эгасига маълум бўлиши керак ва электрон хужоатларни иззолаш учун кўлланилса, унинг очиқ қалити ўзининг ёпиқ қалитига мос келиши, барча фойдаланувчилар кўллаши мумкин бўлган манзилга жойлаштирилиши керак бўлиб, имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун ишлатилади.

Қонунга мувофиқ, ЭРИ қўлда кўйилган имзо билан тенг аҳамиятга эга бўлиши учун учта шарт, яъни ЭРИнинг ҳақиқийлиги тасдиқланishi, сертификати амалда бўлиши ҳамда у белгиланган мақсадда ишлатилган бўлиши лозим (7-модда). Шунингдек, ЭРИ муҳр ўрнида ҳам ишлатилиши мумкин (20-модда).

ЭРИдан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибига солишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси ва у **маҳсус ваколат берган орган амалга оширади** (4-модда). Маҳсус ваколатли орган зиммасига ЭРИдан фойдаланиш стандартлари, нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш, қалитларни рўйхатга олиш марказларини давлат рўйхатидан ўtkазиш, рўйхатга олиш марказларининг ваколатли шахсларига ЭРИ қалитлари сертификатларини бериш вазифаларини ҳамда қонун хужоатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади (5-модда).

ЭРИ қалитларини рўйхатга олиш марказлари сифатида маҳсус ваколатли орган томонидан ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўtkазилган юридик шахслар фаолийт кўrsatiши мумкин (6-модда). Бунда

уларнинг зиммасига ЭРИ очиқ ва ёпиқ калитларини яратиш, ёпиқ калитларни муҳофаза қилиш, сертификатлар реестрини юритиш ва реестрдан эркин фойдаланиш имкониятларини яратиш, сертификатларнинг амал қилишини тұхтатиб түриш ва қайта тиқлаш, бекор қилиш ҳамда ЭРИларнинг ҳақиқийлігінің тасдиқлаш каби вазифалар юклатилади.

ЭРИ калитларини рўйхатга олиш марказларининг фаолияти қонунда кўзда тутилган тартибда тутатилади (18-модда).

9-жадвал

### Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни мазмунининг таҳлили

№	Соҳа йўналишлари	Қонуннинг тегишли моддалари
1	Қонуннинг мақсади	1-модда
2.	Электрон рақамли имзонинг ҳуқуқий тартибига солинишни ва мақоми	2-, 7- ва 20- моддалар
3	Асосий тушунчалар	3-модда
4	Электрон рақамли имзо ва давлат	4-5- моддалар
5	Рўйхатга олиш маркази ва уни тугатиш	6- ва 18- моддалар
6	Электрон рақамли имзо воситалари	8-модда
7	Электрон рақамли имзонинг таркибий қисмлари (очиқ ва ёпиқ калитлар)	9-12- моддалар
8	Электрон рақамли имзо сертификати	13-17- моддалар
9	Чет давлатларнинг электрон рақамли имзо сертификатларидан фойдаланиш	19-модда
10	Низоларни хал қилиш ва жавобгарлик	21-22- моддалар

Электрон хужоатда ЭРИ яратилишини, унинг ҳақиқийлиги тасдиқланышыни ҳамда ёпиқ ва очиқ калитларининг яратилишини таъминлайдиган барча техникавий ва дастурий воситалар ЭРИ воситалари деб аталади (8-модда). ЭРИ воситалари ўрнатилган тартибда сертификацияланган бўлишлари керак.

ЭРИ ёпиқ ва очиқ калитлари талабгорларнинг мурожаати асосида ЭРИ воситалари ёрдамида рўйхатга олиш марказлари томонидан яратилади. ЭРИ ёпиқ калитининг эгаси рўйхатга олиш марказидан ЭРИ сертификатини олган кундан бошлаб электрон хужоатларни ЭРИ ёрдамида имзолаши мумкин. Ёпиқ калитларнинг эгалари унинг муҳофазасини таъминлаши лозим ва мос равища ёпиқ калитдан нотўғри фойдаланилганлиги ёки тегишли даражадаги муҳофазасини таъминланмаганлиги сабабли бошқа шахспарга зарар етказилган холларда белгиланган тартибда жавобгарлика тортилишлари мумкин (9-11-моддалар).

ЭРИнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун унинг очиқ калитидан фойдаланадиган шахслар очиқ калит файланувчилари деб аталади. Улар турди техник носозликлар ёки ЭРИ ҳақиқийлиги тасдиқланмаган холларда ушбу камчилликлар тўғрисида ЭРИ ёпиқ калитининг фойдаланувчисини хабардор қилиш ҳуқуқига эгалар (12-модда).

Рўйхатга олиш маркази томонидан берилган ҳамда ЭРИ очиқ калитининг унинг ёпиқ калитига мос келишини тасдиқлайдиган хужоат ЭРИ сертификати деб аталади (13-модда). У анъанавий (коғоз) ва электрон шаклларда яратилиши мумкин ва куйидаги маълумотларни ўз ичига олиши шарт:

ЭРИ ёпиқ калитининг эгаси бўлган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

агар ЭРИ ёпиқ калитининг эгаси юридик шахснинг вакили бўлса, шу юридик шахснинг номи;

тартиб рақами ва амал қилиш муддати;

ЭРИнинг очиқ калити;

ЭРИнинг очиқ калитидан фойдаланишда ёрдам бериши мумкин бўлган ЭРИ воситаларининг номи;

мазкур сертификатни берган рўйхатга олиш марказининг номи ва жойлашган манзили;

ЭРИдан фойдаланиш мақсадлари;

ЭРИ сертификатлари реестрининг электрон манзили.

Электрон шаклдаги ЭРИ сертификати берилаётганда у рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг ЭРИ билан тасдиқланади (14-модда). Анъанавий шаклдаги ЭРИ сертификати икки нусхада расмийлаштирилади. Бундай сертификатнинг ҳар бир нусхаси рўйхатга олиш марказининг ваколатли шахси томонидан имзоланиши ва рўйхатга олиш марказининг муҳри билан тасдиқланishi керак. ЭРИ сертификатининг бир нусхаси ЭРИ ёпиқ калитининг эгасига берилади, бошка нусхаси эса рўйхатга олиш марказида сақланади.

ЭРИ сертификатининг амал қилиши ёпиқ калит эгасининг аризаси асосида, аризада кўрсатилган, лекин мазкур сертификатнинг амал қилиш мухлатидан кўп бўлмаган муддатга рўйхатга олиш маркази томонидан тўхтатиб турилиши мумкин (15-модда). ЭРИ сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилган муддат ичida рўйхатга олиш маркази тегишли ёпиқ калит эгасининг аризасига биноан мазкур сертификатнинг амал қилишини қайта тикилаши мумкин.

ЭРИ сертификати ёпиқ калити эгасининг аризаси асосида ёки унинг розилигидан қатъий назар, рўйхатга олиш маркази томонидан бекор қилиниши мумкин (16-модда). Рўйхатга олиш маркази, электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг розилигидан қатъий назар, қуйидаги ҳолларда ЭРИ сертификатини бекор қилиши шарт:

унинг амал қилиш муддати тугаган бўлса;

ЭРИ сертификати берилишига асос бўлган ҳужоатнинг амал қилиши тугатилганлиги аниқ маълум бўлса;

ёпиқ калитнинг эгаси ўз мажбуриятларини бажармаган ҳоллар аниқланган бўлса.

Электрон шаклдаги бекор қилинган ЭРИ сертификати рўйхатга олиш марказида камида уч йил сақланади (17-модда). Электрон шаклдаги ЭРИ сертификатини сақлаш муддати тугаганидан кейин, у рўйхатга олиш марказининг ЭРИ сертификатлари реестридан чиқарилади ва архивда сақлаш тартибига ўтказилади. Анъанавий шаклдаги ЭРИ сертификати қонун

Электрон ҳужжатнинг мажбурий реквизитлари қаторига ЭРИ, жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг почта ва электрон манзили ҳамда ҳужжат яратилган сана киритилади (6-модда). Керакли холларда қонун ҳужжатларида ёки иштирокчиларнинг келишишви билан электрон ҳужжатнинг бошқа реквизитлари ҳам белгиланиши мумкин.

Электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади (7-модда).

Унинг электрон ва қоғоздаги нусхалари бўлиши мумкин. Белгиланган тартибда ҳақиқий деб тасдиқланган электрон ҳужжатнинг бир хил ҳар қайси айнан нусхаси асл нусхадир (8-модда). Қоғоздаги нусхалар белгиланган тартибда тасдиқланган бўлиши керак (9-модда).

ЭҲАнинг асосий иштирокчилари электрон ҳужжатни жўнатувчи ва қабул қилувчилардир (10-12- моддалар). Шунингдек, улардан ташқари ЭҲА доирасида **ахборот воситачилари** ҳам иштирок этишига руҳсат берилади. ЭҲА билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс ахборот воситачисидир. Ахборот воситачиси, агар ЭҲАнинг иштирокчилари билан тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, электрон ҳужжатлар мазмунини ёки улардан фойдаланиш тартибини ўзгартиришга ҳақли эмас (13-модда).

Амалиётда ЭҲАдан фойдаланиш доирасида анъанавий ҳужжат айланиши каби ҳужжатнинг жўнатилиш ва қабул қилиш вақтлари, ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши муҳим аҳамият касб этади. Бунда электрон ҳужжатни жўнатувчи томонидан унинг бекор қилиниши мумкин бўлмаган жўнатилиш вақти электрон ҳужжатни жўнатиш вақти деб ҳисобланади (14-модда).

Электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи томонидан кўрсатилган ахборот тизими орқали электрон манзил бўйича электрон ҳужжат келип тушган вақт электрон ҳужжат қабул қилиб олинган вақт деб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, электрон ҳужжат, агар электрон ҳужжатнинг қабул қилиб олинишини таъминлаган ахборот тизими ҳатто бошқа ерда жойлашган бўлса ҳам, электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи турган жойда қабул қилиб олинган деб ҳисобланади (15-модда).

Электрон ҳужжатлар ЭҲА иштирокчилари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланиши керак (16-модда). Бунда электрон ҳужжатларни сақлаш чоғида улардан эркин фойдаланиш ва уларнинг қоғоз нусхаларини тақдим этиш имконияти таъминланishi лозим, ҳамда электрон ҳужжатни сақлаш муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунга ўхшаш мақсадга мўлжалланган қоғоз ҳужжат учун белгиланган муддатдан кам бўлмаслиги керак.

ЭҲА доирасида электрон ҳужжатларни мухофаза қилиш электрон ҳужжат айланишининг иштирокчиларига ёки бошқа юридик ва жисмоний шахсларга зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида белгиланган тартибда амалга оширилиши лозим (17-модда).

Қўшимча равицда Қонун доирасида ЭҲА соҳасидаги низоларни ҳал қилиш ҳамда қонун ҳужжатларини бузганликдаги айбдор шахсларни

**жавобгарликка тортиш** амалдаги қонунчилиқда белгиланған тартибда амалга оширилиши күрсатып үтілген (18- ва 19- моддалар).

3. Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тұғрисида"ги Қонуни [51] 14 моддадан иборат бўлиб уларнинг мазмунининг таҳлили 11-жадвалда келтирилган.

11-жадвал

### Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тұғрисида"ги Қонуни мазмунининг таҳлили

№	Соҳа йұналишлари	Қонуннинг тегишли моддалари
1	Қонуннинг мақсади	1-модда
2	Электрон тижоратнинг ҳуқуқий тартибга солиниши	2-модда
3	Электрон тижорат таърифи	3-модда
4	Электрон тижорат иштирокчилари	4-7- моддалар
5	Электрон тижоратда шартнома	8-9- моддалар
6	Электрон тижоратда оферта	10-11- моддалар
7	Электрон ҳужкатлардан фойдаланиш	12- модда
8	Низоларни хал қилиш ва жавобгарлик	13-14- моддалар

Ушбу Қонуннинг мақсади, унинг номидан ҳам күришиб турғанидек, "электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солышдан иборат" (1-модда).

Унга мувофиқ (3-модда) ахборот тизимларидан фойдаланған ҳолда амалга ошириладиган, товарларни сотиш, ишларни бажарыш ва хизматлар күрсатышга доир тадбиркорлик фаолияти электрон тижоратдир (ЭТ).

ЭТ иштирокчилари қаторига уни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек тегишли товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ҳаридорлари бўлған юридик ва жисмоний шахслар ҳамда ахборот воситачилари киритилади (4-модда). Улар тузган тегишли шартномаларида наэзарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни бажарадилар (5-модда). ЭТ иштирок этиши, унинг иштирокчилари га нисбатан ахборот тизимларидан фойдаланмасдан амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан қўшимча талаблар ёки чеклашлар белгиланиши учун асос бўла олмайди.

Этни амалга оширувчи шахслар товарлар (ишлар, хизматлар) ҳаридорига: юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли күрсатилган ҳолдаги тўлиқ номини ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини, почта ва электрон манзилини, ўзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳамда керакли ҳолларда тегишли лицензияси (руҳсатномаси) борлиги тұғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборотни тақдим этиши ёхуд унинг бундай ахборотдан фойдаланиш эркинлигини таъминлаши шарт (6-модда).

Ахборот воситачиларининг хизматлари шартнома асосида күрсатилади (7-модда).

Этдаги шартнома шартлари қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлиши керак ҳамда унга ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлған ахборот ресурсида жойлаштирилган электрон ҳужжатга ҳавола

қилиш йўли билан киритиладиган алоҳида шартларни ўз ичига олиши мумкин (8-модда). Бу ҳолда электрон ҳужжатни жойлаштирган ЭТ иштирокчиси қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган муддат мобайнида ундан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаши, бу муддат ўтгандан кейин эса ушбу электрон ҳужжатнинг белгиланган тартибда сақланишини таъминлаши шарт.

ЭТда шартнома электрон ҳужжатларни айирбошлиш, ЭТ кўринишида бўлмаган, қабул қилиб олинган оферта (шартнома тузиш таклифи) қабул қилинганлиги тўғрисидаги электрон ҳужжатни жўнатиш ва электрон ҳужжат кўринишида бўлган, қабул қилиб олинган офертадаги шартнома шартларини бажариш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш воситасида тузилиши ва эътироф этилиши мумкин (9-модда).

Офертани ўз ичига олган электрон ҳужжат олинганлигини оферта шартларига розиликни кўрсатмасдан тасдиқлаш, худди шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) харидорининг ҳаракатсизлиги акцепт ҳисобланмайди. Агар қонун ҳужжатларида шартнома бўйича тарафнинг бошқа тарафга шартномани тузиш ёки ижро этиш билан боғлиқ ҳужжатни тақдим этиш мажбурияти назарда тутилган бўлса, кўрсатилган мажбуриятни бажариш шартномани тузиш усулидан қатъни назар амалга оширилади. ЭТда шартнома факат электрон ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда тузилганлигига асосланиб ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

ЭТда оферта таклиф этиш, шу жумладан таклиф қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги reklama ёки бошқа маълумотлар маҳсус билимга эга бўлмаган қабул қилиб олувчига қабул қилиб олинган ахборотнинг электрон тижоратга тааллуқлилигини аниқ белгилаш ва оферта жўнатувчининг ҳукукий ҳолати, унинг товарлари (ишлари, хизматлари), бу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) нархлари ва уларни олиш шартлари ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш имкониятини берадиган шаклда тақдим этилиши керак (10-модда).

ЭТда шартнома тузиш мақсадида йўлланадиган оферта кўйидагиларни ўз ичига олиши шарт (11-модда): электрон ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда шартнома тузиш тартиби, шартнома шартларини келишиб олиш чоғида ўзgartишлар киритиш имконияти ва тартиби, акцептни электрон ҳужжат воситасида юбориш ва чақириб олиш тартиби ва ҳамма эркин фойдаланиш мумкин бўлган ахборот ресурсида жойлаштирилган электрон ҳужжатга ҳавола қилиш йўли билан шартномага киритиладиган шартларга тааллуқли қайдлар.

Электрон ҳужжатлардан битим тузилганлигининг далили сифатида фойдаланиш мумкин (12-модда).

Кўшимча равишда Қонун доирасида ЭТ соҳасидаги низоларни ҳал қилиш ҳамда қонун ҳужжатларини бузганликдаги айбор шахсларни жавобгарликка тотиш амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган (13- ва 14- моддалар).

4. Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тўловлар тўғрисида"ги Қонуни [52] 23 моддадан иборат бўлиб уларнинг мазмунининг таҳлили 12-жадвалда келтирилган.

Ушбу Қонуннинг мақсади, унинг номидан ҳам кўриниб турганидек, “электрон тўловлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солищдан иборат” (1-модда).

Унга мувофиқ “Техника воситаларидан, ахборот технологияларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш электрон тўловдир” (3-модда).

12-жадвал

### Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонуни мазмунининг таҳлили

№	Соҳа йўналишлари	Қонуннинг тегишли моддалари
1	Қонуннинг мақсади	1-модда
2	Электрон тўловларнинг ҳуқуқий тартиби	2- ва 23- моддалар
3	Солиниши	
4	Электрон тўлов тизими, унинг қоидалари ва турлари	4-, 5- ва 7-9- моддалар
5	Электрон тўлов тизими субъектлари	6- ва 10-12- моддалар
6	Электрон тўлов ҳужжати	13-16- моддалар
7	Электрон тўловларни амалга ошириш	17-18- моддалар
8	Электрон тўлов тизимида хавфсизлик	19-20- моддалар
9	Низоларни ҳал қилиш ва жавобгарлик	21-22- моддалар

Электрон тўлов тўлов тизимининг субъектлари ўртасида тузилган шартномалар асосида тўлов тизимининг белгиланган қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

**Тўлов тизими** дейилганда эса “электрон тўловлар амалга оширилаётганда тўлов тизимининг субъектлари ўртасида юзага келадиган муносабатлар мажмуми” тушунилади (4-модда) ҳамда банклараро тўлов тизими, банкнинг ички тўлов тизими ва чакана тўлов тизимлари ажратилади.

Банклараро тўлов тизими банклар ўртасидаги электрон тўловларни банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган вакиллик ҳисобвараклари орқали амалга ошириш учун мўлжалланган (7-модда). Банклараро тўлов тизимининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Банкнинг ички тўлов тизими банк филиаллари ва мижозлари ўртасида электрон тўловларни амалга ошириш, шунингдек банклараро тўлов тизими билан ўзаро ҳаракатда бўлиш учун мўлжалланади (8-модда). Банкнинг ички тўлов тизими қоидалари тўлов тизимининг аъзоси - банк томонидан белгиланади.

Чакана тўловлар тизими банк карталари ва бошқа электрон тўлов воситалари қўлланилган ҳолда электрон тўловларни амалга ошириш учун мўлжалланади (9-модда). Электрон тўлов воситалари унинг мазкур чакана тўловлар тизимига мансублигини идентификациялаш имкониятини берадиган фарқловчи белгиларга (товар белгисига, хизмат кўрсатиш

белгиларига) эга бўлиши керак. Чакана тўловлар тизимининг қоидалари мазкур чакана тўловлар тизимини тузган ташкилот томонидан белгиланади.

Кўриниб турганидек, барча турдаги тўлов тизимларининг ўзининг қоидалари мавжуд бўлиб, бир-биридан фарқланади. Аммо барча турдаги тўлов тизимларининг қоидаларида қўйидагилар албатта кўрсатилиши лозим:

тўлов тизими аъзоларининг тўлов тизимига аъзо бўлиш ва аъзоликдан чиқиш тартиби;

электрон тўловларни амалга ошириш тартиби ва шартлари, шу жумладан, электрон тўлов ҳужжати реквизитларининг таркиби ва формати бўйича талаблар;

ахборот хавфисизлиги ва муҳофазасини таъминлаш тартиби;

тўлов тизимининг субъектлари ўртасидаги низоларни ҳал этиш тартиби (5-модда).

Янги киритилган “**тўлов тизимининг субъектлари**” тушунчаси эса тўлов тизимининг аъзолари ва тўлов тизимидан фойдаланувчиларни ўз ичига олади (6-модда). Бунда электрон тўловларни амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар тўлов тизимининг аъзолари бўлса, хизмат кўрсатилаётган юридик ёки жисмоний шахслар тўлов тизимидан фойдаланувчилар ҳисобланади.

Тўлов тизимининг субъектлари ўртасидаги муносабатлар улар ўртасида тузилган шартномалар билан тартибга солинади. Шартнома ёзма шаклда тузилган бўлиши ва унда қўйидаги қоидалар албатта кўрсатилиши керак:

электрон тўловларни амалга оширишда электрон тўлов ҳужжатларини жўнатиш ҳамда қабул қилиб олиш тартиби;

электрон тўловларни амалга ошириш жараёнида электрон тўлов ҳужжатларида электрон ракамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш тартиби;

электрон тўловларни амалга оширганлик учун ҳақ миқдори;

тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан, ахборот хавфисизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича мажбуриятлари;

тарафларнинг жавобгарлиги, шу жумладан, электрон тўловларни амалга оширишда юзага келадиган хавфлар бўйича жавобгарликнинг тақсимланиши;

низоларни ҳал қилиш тартиби (10-модда).

Бошқа қоида ва шартлар шартномага томонларнинг келишувига кўра киритилиши мумкин.

Тўлов тизимининг аъзолари электрон тўловларни амалга оширганлик учун ҳақ олишга ва қонунда белгиланган ҳолларда тўлов тизимидан фойдаланувчиларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ҳақлидир (11-модда). Шунга мос равишда тўлов тизимининг аъзолари тегишли тўлов тизимининг белгиланган қоидаларига мувофиқ электрон тўлов ҳужжатига ишлов берилишини ва унинг муҳофаза қилинишини таъминлашлари керак.

Тўлов тизимидан фойдаланувчилар эса ўз ҳисобварақларида турган пул маблағларини мустақил тасарруф этишга ва ўз ҳисобварақлари бўйича

пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида ахборот олишга ҳақлидир (12-модда). Шу билан бирга тўлов тизимидан фойдаланувчилар:

тўлов тизиминынг қоидалари билан белгиланган ахборотни муҳофаза қилиш тартибига риоя этиши;

электрон тўлов воситаларининг ва идентификация маълумотларининг сакланишини таъминлаши;

тўлов тизиминынг аъзосига электрон тўлов воситалари ёки идентификация маълумотлари йўқолгандиги тўғрисида шартномада белгиланган муддатларда хабар қилишлари шарт.

Тўлов тизиминынг қоидалари билан белгиланган таркиб ва форматдаги реквизитларига эга бўлган ҳамда электрон тўловни амалга ошириш учун зарур ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжат **электрон тўлов ҳужжати** ҳисобланади (13-модда). У пул-ҳисоб-китоб ҳужжатига тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади (16-модда). Бунда электрон тўлов ҳужжати пул-ҳисоб-китобга доир қозоз ҳужжат асосида ёки электрон тўлов воситасидан фойдалантган ҳолда тузилади ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланни лозим. У билан ишлаш давомида уни электрон тўловни амалга ошириш учун зарур реквизитларни саклаган ҳолда қозода тақрорлаш имконияти таъминланиши керак.

Электрон тўлов ҳужжатига ишлов берилishi учун ундаги ЭРИнинг ҳақиқийлиги тасдиқланган ҳамда тўлов тизиминынг қоидалари билан белгиланган таркиб ва форматдаги реквизитларга эга бўлиши керак.

Электрон тўлов ҳужжатига ишлов бериш дейилганда уни қабул қилиш, киритиш, ёзиш, қайта тузиш, ўқиш, қайд этиш, алмаштириш, саклаш ва йўқ қилиш билан боғлиқ амаллар тушунилади.

Кўриб чиқилаётган Қонунга мувофиқ, электрон тўлов ҳужжати банк операция куни давомида келиб тушган бўлса, ўша куннинг ўзида, банк операция куни тугагандан сўнг келиб тушган бўлса, кейинги кундан кечитирилмай амалга оширилиши лозим, агарки субъектлар ўртасида тузилган шартномада бошқа муддатлар кўрсатилмаган бўлса (17-модда).

Тўлов тизиминынг субъектлари тўлов тизимида ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича белгиланган талабларга риоя этишлари керак (19-модда). Бунга кўшимча равишда тўлов тизиминынг аъзолари электрон тўловлар тўғрисидаги маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлашлари керак (20-модда).

Шунингдек Қонун доирасида электрон тўловлар соҳасидаги низоларни ҳал қилиш ҳамда Қонун ҳужжатларини бузганиликдаги айбор шахсларни жавобгарликка тортиш амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган (21- ва 22-моддалар).

5. Юқорида кўриб чиқилган барча қонунлар, шу жумладан "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунининг янги таҳрири ҳам яратилишидан олдин умуман ахборотлаштириш ҳамда мамлакатимиз фуқароларининг турли-туман ахборотларга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондириш зарурлиги кўрсатиб берилган Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни [8] қабул қилинган.

Ушбу Қонун 16 моддадан иборат бўлиб уларнинг мазмунининг тахлили 13-жадвалда келтирилган.

**Унинг вазифаси** "ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этилишини, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳукуқлари рўёбга чиқарилишини, шунингдек ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашдан иборат" (1-модда).

Қонун доирасида таъриф берилган асосий тушунчаларга рисоланинг опдинги мавзуларида тўхталиб ўтилган эди (1. Ахборотлаштириш тушунчаси, 10. Ахборот хавфсизлиги тушунчаси).

13-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни мазмунининг тахлили**

№	Соҳа йўналишлари	Қонуннинг тегишли моддалари
1	Қонуннинг вазифалари	1-модда
2	Ахборот эркинлигининг ҳукукий тартибга солиниши	2- модда
3	Асосий тушунчалар	3-модда
4	Ахборот эркинлиги, принциплар ва кафолатлар	4-5- ва 7-8- моддалар
5	Ахборотнинг очиқлиги, ахборот олиш тартиби ва беришни рад этиш	6- ва 9-10- моддалар
6	Ахборотни муҳофаза қилиш ва давлат	11-12- моддалар
7	Шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги	13-15- моддалар
8	Жавобгарлик	16- модда

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳукуқига эга. Ахборот олиш факат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳукуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадрияtlари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин (4-модда).

Бунда **ахборот эркинлигининг асосий принциплари** сифатида қуйидагилар белгиланган: очиқлик, ошкоралик, ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва ҳаққонийлик (5-модда).

Ахборот ундан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги таъминланган ва ҳаққоний бўлиши керак. Ахборотни бузуб талқин этиш ва соҳталаштириш тақиқланади. Оммавий ахборот воситалари ўзлари тарқататёган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Ахборот мулкдори, эгаси ахборот беришни рад этганилиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин (7-модда).

**Ахборот эркинлигини таъминлаш қонунда қуйидаги қоидалар билан кафолатланган** (8-модда):

давлат ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқини ҳимоя қиласи. Жинси, ирқи, миллияти, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб ахборот олиш ҳуқуки чекланишига йўл қўйилмайди;

давлат ҳокимиюти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига таалуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар;

Ўзбекистон Республикасида цензурага ва ахборотни монополпаштиришга йўл қўйилмайди.

**Ахборотнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш учун эса қуидаги қоидалар киритилган (6-модда):**

Ахборот очиқ ва ошкора бўлиши керак, маҳфий ахборот бундан мустасно.

Маҳфий ахборотга қуидагилар кирмайди:

фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари, уларни рӯёбга чиқариш тартиби тўғрисидаги, шунингдек давлат ҳокимиюти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонун ҳужжатлари;

экологик, метеорологик, демографик, санитария-эпидемиологик, фавкулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда аҳолининг, аҳоли пунктларининг, ишлаб чиқариш обьектлари ва коммуникацияларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ахборотлар;

кутубхоналарнинг, архивларнинг ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатадиган юридик шахсларга тегишли ахборот тизимларининг очиқ фондларида мавжуд маълумотлар.

Давлат ҳокимиюти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият манфаатларига таалуқли воқеалар, фактлар, ходисалар ва жараёнлар тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида оммавий ахборот воситаларига ҳабар бериши шарт.

Бунда ҳар ким ахборот олиш учун бевосита ёки вакиллари орқали ёзма ёхуд оғзаки сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга (9-модда) ва уларга ахборот берганлик учун белгиланган тартибида ҳақ олиниши мумкин.

Шунингдек, агар сўрапаётган ахборот маҳфий бўлса ёки уни ошкор этиши натижасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етиши мумкин бўлса, ахборотни бериш рад этилиши мумкин (10-модда).

Ахборот берилиши қонунга хилоф равишда рад этилган шахслар, шунингдек ўз сўровига ҳаққоний бўлмаган ахборот олган шахслар ўзларига етказилган моддий зарарнинг ўрни қонунда белгиланган тартибида қопланиши ёки маънавий зиён компенсация қилиниши ҳуқуқига эга.

Ахборот хавсизлигини таъминлашга қаратилган 11-15 моддалар риссланинг 10-мавзуси доирасида батафсил кўриб чиқилган.

Шунингдек, Қонун доирасида ахборот эркинлиги соҳасидаги қонун хужжатларини бузганлиқдаги айбор шахсларни жавобгарликка тортиш амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган (16-модда).

## 17. Ахборотлаштириш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуности хужжатлари

Мавзу аввалида мамлакатимиздаги меъёрий хужжатларнинг турлари, асосий хусусиятлари ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги маълумотларни келтириб ўтамиш.

Ўзбекистон Республикаси "Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида"ги Қонунига [70] мувофиқ мамлакатимизда норматив-хуқуқий хужжат деб "қонунга мувофиқ қабул қилинган, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзgartиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий хужжат"га айтилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади.

Республикамизда амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлар қуидаги турларга бўлинади:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунларни ташкил этади. Мос равишда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности хужжатлардир.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтилизиши йўли билан қабул қилинади. Улар конституциявий қонунлар тарзида қабул қилиниши мумкин. Мамлакатимизнинг амалдаги кодекслари ҳам Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан тасдиқланган.

Қонуности хужжатларни ташкил этувчилар қуидагича таърифланиши мумкин:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимиз Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар, қарорлар ва фармойишлар тарзида норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қиласди.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** мамлакатимиз Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қиласди.

**Вазирликлар**, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколати доирасида бўйруқлар ҳамда қарорлар тарзида норматив-хукукий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилишади.

**Бўйруқлар** вазирлар томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилиш якка тартибда амалга ошириладиган идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади. **Қарорлар** давлат қўмиталари томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилиши мазкур идоранинг коллегиал органи амалга оширадиган идоралар томонидан қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бўйруқлари ҳамда қарорлари бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар билан келишилган ҳолда ёки кўшма қарорлар тарзида норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ҳамда худудий органлари норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас.

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари** ўз ваколати доирасида қарорлар тарзида норматив-хукукий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти юқори турувчи органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилишади.

**Турли норматив-хукукий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати** Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-хукукий ҳужжатларни қабул қилган органларнинг ваколатига ва мақомига, ушбу ҳужжатларнинг турларига, шунингдек норматив-хукукий ҳужжат қабул қилинган санага мувофиқ белгиланади.

Норматив-хукукий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-хукукий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт. Норматив-хукукий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда, юқори юридик кучга эга бўлган норматив-хукукий ҳужжат қўлланилади.

**Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-хукукий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қиласди.**

Агар норматив-хукукий ҳужжатни қабул қилган вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки идоранинг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини хукукий жиҳатдан тартибга солиш учун маҳсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси

ёки идора томонидан қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатта нисбатан ююридиқ кучга эга бўлади.

Бунда норматив-хуқуқий ҳужжатнинг расмий матни унга имзо кўйиш йўли билан, яъни:

Ўзбекистон Республикасининг қонуни - Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарори ва фармойиши - Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори - Ўзбекистон Республикаси Бош вазири;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари - норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган раҳбари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари - тегишли ҳоким томонидан тасдиқланади.

Бевосита ахборотлаштириш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси даражасида қабул қилинган амалдаги қонуности ҳужжатларнинг хронологик рўйхати 5-иловада келтирилган.

Мазкур рўйхатта 2002 йил ва ундан кейинги даврда қабул қилинган 70 дан ортиқ норматив-хуқуқий ҳужжатлар киритилганини, ушбу давр ичida қабул қилинган бир қатор қарорлар ўз кучини йўқотганлигини ҳисобга олсак, мамлакатимиз раҳбарлари томонидан ахборотлаштириш соҳасига жуда катта эътибор бериладиганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Хисоб боши сифатида нима сабабдан айнан 2002 йилнинг танлаб олингандиги тўғрисида рисоламизнинг 20-мавзуси доирасида батафсил тўхталиб ўтамиш.

Иловага киритилган ҳужжатлар мазмуни тахлилиниң натижалари эса 14-жадвада кўрсатилган.

Ундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси даражасида қабул қилинган қонуности ҳужжатлари жамиятимиз ҳаётининг ҳамда ахборотлаштириш соҳасининг деярли барча йўналишларини қамраб олган.

Табиийки, алоҳида катта эътибор ахборотлаштириш соҳасининг институционал (тузилмавий) тизимини ривожлантириш, ахборотлаштиришнинг ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи кўп йиллик дастурамал ҳужжатларни тасдиқлаш ҳамда ахборотлаштириш соҳасининг ўзини тартибга солишга берилган.

Бундай йўналишлар доирасига киритилган меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар;

соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг энг муҳим, фундаментал механизмларини жорий этади;

ахборотлаштириш соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органи ва унинг таркибига кирувчи муассасаларнинг ташкилий тузилмалари ва уларнинг меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

бир неча йиллик истиқболдаги ахборотлаштириш соҳасининг асосий мақсадларни, бажарилиши лозим чора-тадбирлар режаларини ҳамда ечилиши бўлган вазифалар ва муаммоларни белгилайди;

соҳа доирасида фаолият юритиш учун керак бўлган рухсат берувчи хужжатлар (лицензиялар) ҳамда уларни бериш тартибларини тасдиқлайди.

Соҳани тартибга солиш ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш” тўғрисидаги Қонунига кўра Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳсус ваколатли органга берилганлиги сабабли ушбу йўналишда асосан Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган.

14-жадвал

**Ахборотлаштириш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси даражасида қабул қилинган  
амалдаги қонуности хужжатлар мазмунининг тахлили**

№	Қонуности хужжатлар йўналиши	Президент даражасидаги хужжатлар рақами	Вазирлар Маҳкамаси даражасидаги хужжатлар рақами
1	Институционал (тузилмавий) тизимни ривожлантириш	ПФ-3080, ПФ-3557, ПҚ-2058	328, 336 (2002 йил), 404, 555, 561 (2004), 200 (2005), 56 (2007), 250, 355 (2013)
2	Кўп йиллик дастуралмал хужжатлар	ПҚ-117, ПҚ-1730	200 (2002), 128 (2005), 346 (2012)
3	Соҳани тартибга солиш	-	413 (2003), 592 (2004), 215 (2005), 122 (2009), 355, 356 (2012), 18, 233, 268 (2013)
4	Кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш	ПҚ-91, ПҚ-2155	385 (2002), 598 (2004), 111 (2008), 289 (2011), 188, 337 (2013)
5	Ахборотлаштириш инфратузилмасини ривожлантириш	ПҚ-149, ПҚ-572	369, 453 (2004), 290, 321 (2009), 1 (2010)
6	Ахборотларни муҳофаза қилиш	ПҚ-614	296 (2011)
7	Соҳа доирасидаги рағбатлантириш чоралари	ПҚ-2042	296, 352 (2002), 137 (2007)
8	Давлат ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини шакллантириш	ПҚ-2045	27, 123 (2006), 253, 259 (2007), 116 (2009), 378 (2012), 154, 312 (2013)
9	Ижтимоий соҳаларда ахборотлаштириш жараёнлари	ПҚ-191, ПҚ-219, ПҚ-312, ПҚ-381, ПҚ-952, ПҚ-1487	563 (2004), 46, 150 (2006), 198 (2011), 198 (2013)
10	Иқтисодий соҳаларда ахборотлаштириш	ПҚ-1843, ПҚ-2048, ПҚ-2066, ПҚ-2158	157 (2006), 370 (2012), 308 (2013), 1 (2014)
11	Электрон тижоратни ривожлантириш		21, 120 (2007)

Кейинги навбатда ахборотлаштириш соҳасининг ўзининг алоҳида йўналишлари, шу жумладан кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ахборотлаштириш инфратузилмасини янада ривожлантириш, ахборотларни муҳофаза қилиш ҳамда соҳа доирасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш каби масалалар ўрин олган.

Бундай хужоатлар орқали:

ахборотлаштириш соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашга мўлжалланган олий ўкув ўртларини ташкил этиш, улардаги мутахассислар тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш, замонавий талабларга жавоб берадиган шароитларни яратиш вазифалари хал қилинган;

ахборотлаштириш инфратузилмасини янада ривожлантиришнинг яқин истиқболдаги мақсадли кўрсаткичларини белгилаш, хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш масалалари ечишган;

ахборотларни муҳофаза қилишинн ҳукумат даражасидаги эътиборни талаб қиливчи долзарб масалалари кўриб чиқилган, керакли йўналишлар бўйича ваколатли органлар белгиланган ва ҳок.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш имкониятларини юзага чиқариш ва янада ривожлантириш учун шароитлар яратиш мақсадларида ахборотлаштириш соҳаси доирасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига турли имтиёзлар белгиланган.

14-жадвал доирасидаги навбатдаги йўналишларга киритилган қонуности норматив-меъёрий хужоатлари ёрдамида шунингдек қўйидаги вазифалар хал қилинган:

давлат ташкилот ва муассасаларининг ахборот ресурслари ҳамда ахборот тизимларини шакллантириш ва ривожлантириш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Интернет тармогидаги расмий порталини яратиш, унинг ишини ташкил этиш ва такомиллаштириб бориши;

ижтимоий соҳалар, айниқса таълим жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ушбу мақсадларда чет эл инвестицияларидан самарали фойдаланиш, мамлакат аҳолисига кўрсатиладиган замонавий кутубхона ҳамда ахборот-ресурс хизматларини янги босқичга олиб чиқиши;

иктисодиётнинг турли тармоқларида компютерлаштириш ва ахборотлаштириш жараёнларини йўлга кўшиш, бунда замонавий илғор чет эл тажрибасидан кенг фойдаланиш, иктиносидий тартибга солиш механизмларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этиш орқали тадбиркорлик муҳитини тубдан янгилаш;

электрон тижоратни ривожлантириш ва бошқалар.

Шу ўринда бугунги кунда "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири устида ишлар олиб борилаётганлигини ҳам таъкидлаш мумкин.

### **18. Электрон ҳукумат тизими**

Бугунги кунга келиб "электрон ҳукумат" тушунчасынинг бир қатор тарифлари мавжуд бўлиб, уларнинг энг қисқаси қўйидагича: "давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини автоматлаштириш". Gartner Group мутахассислари эса "электрон ҳукумат" тушунчаси доирасида хизмат кўрсатиш, фуқароларнинг сиёсий ҳаётдаги ҳамда давлат бошқарувидаги иштироки жараёнларини ички ва ташки муносабатларни ўзгартириш орқали техния воситалар, Интернет ҳамда замонавий оммавий ахборот воситалари ёрдамида тўхтосиз такомиллаштиришни назарда тутадилар.

Мазкур мавзу доирасида "электрон ҳукумат" тушунчасинининг мазмуни ҳамда хусусиятларини батафсил таҳлил қилиб чиқамиз.

Инсонлар доим давлатдан кўп нарса кутишади ҳамда давлат ташкилотлари фаолиятининг автоматлаштирилиши муҳим ўрин тутади. Турли мамлакатлarda ўтказилган сўровлар кўрсатадики, инсонларнинг фикрига кўра, "электрон ҳукумат" яратилиши биринчи даражадаги аҳамиятта эга бўлиши лозим. Ҳар сафар бирон-бир давлат хизматини Интернет орқали кўрсатиш йўлга қўйилиши фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ижобий муносабатларини келтириб чиқаради. Давлат хизматларининг автоматлаштирилиши бутун жамиятга ижобий таъсир кўрсата олган ҳамда бутун аҳолини қамраб олган холларда муваффакиятга эришади.

Маълумки, ўзбек тилидаги "электрон ҳукумат" атамаси инглиз тилидаги "*e-government*" (*electronic government*) сўзини тўғридан-тўғри таржима қилиниши натижасида вужудга келган. Инглиз тилидаги "*government*" сўзи нафақат ижро ҳокимиятининг марказий муассасасини, шунингдек бутун давлатни ҳам англатади. "*Electronic government*" бирикмасидаги "*electronic*" сўзи эса давлат органларининг фаолият юритиш шакл ва услубларига тегишли бўлиб, мазкур фаолиятнинг субъекти "ҳукумат"нинг ўзини назарда тутмайди. Яъни мазмун жиҳатидан "*e-government*" бу "электрон бошқарув" ёки "электрон давлат бошқаруви" тушунчаларига мос келади.

Биринчи марта электрон ҳукумат тўғрисида АҚШда 1991 йилда, интернет ҳамда умуман ахборот технологиялари ривожланишига доимо алоҳида катта эътибор қаратган Билл Клинтон президентлиги даврида гапира бошлашди.

"Электрон ҳукумат" атамаси энг аввал илмий ишларда, сўнгра эса давлат органларининг хужоатларида учрай бошлади. У ердан оммавий ахборот воситаларига ҳам кўчиб ўтган атама кейинчалик қонунчиликда ҳамда норматив-ҳуқуқий хужоатларда ишлатила бошланди. 1999 йилдан бошлаб электрон ҳукумат атамаси АҚШнинг етакчи оммавий ахборот

воисталарида доимий равищда учрайдиган бўлди. 2000-2003 йилларда кузатилган қизиқишнинг нисбатан ортишидан сўнг мазкур муаммо эътибордан четда қола бошлади.

Бундай ҳолат русийзабон оммавий ахборот воситаларида ҳам кузатилди. АҚШ га нисбатан атамага қизиқиш Россияда бир ярим - икки йилга кечиккан бўлсада, унинг чўққиси баландроқ бўлди, ҳамда 2004-2005 йиллардаги пасайиш янги ўсиш даври билан алмашди. Бугунги кунга келиб Россиялик журналистлар электрон ҳукумат атамасини АҚШлик ҳамкасбаларига нисбатан кўпроқ ишлатишмоқда.

Жаҳон банки томонидан электрон ҳукумат атамасига қуйидагича таъриф берилган: "электрон ҳукумат дейилганда хокимиятнинг самарадорлиги, камхаражатлиги ва шаффоғлигини ошириш ҳамда унинг устидан жамият назоратини имкониятларини ошириш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ишлатилиши тушунилади".

Ўзбекистонда 1991-2012 йиллар давомида "электрон ҳукумат" эмас балки "давлат муассасалари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш" ёки "давлат муассасалари фаолиятини ахборотлаштириш" тўғрисида гапирилар ва ёзилар эди. Умуман олганда, атама мазмунининг юқоридаги тахлилилардан келиб чиққан холда таъкидлаш мумкинки, ўша пайтда мамлакатимиизда қабул қилинган ва чет элларда кўпланилган усуллар моҳияти жихатидан бир хил маънога эгадир.

"Электрон ҳукумат" атамасининг ўзи эса нисбатан калта ва ишлатишга кулайлиги сабабли тахминан 2012 йилнинг иккичи ярмидан бошлаб мамлакатимиизда ҳам барча турдаги хужкатлар доирасида кенг кўпланилишига кириб келди.

Шундай қилиб, электрон ҳукумат - бутун мамлакат миқиёсидаги барча бошқарув жараёнларини автоматлаштиришга асосланган ҳамда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ижтимоий алоқалар оғирлигини камайтириш мақсадларига хизмат қилувчи давлат бошқаруви ахборот тизимирид. Электрон ҳукумат вужудга келиши, хужкатларни бошқариш ҳамда уларни қайта ишлаш жараёнлари билан боғлиқ бўлган барча масалалар ечими тўлиқ амалга оширилган, умумдавлат тақсимланган жамият бошқаруви тизими яратилишини тақозо қиласди [53].

Ахборот-коммуникация технологиялари тезкор суръатлар билан ривожланаётган шароитда барча соҳаларда давлат органларининг электрон кўринишдаги фаолиятларига фуқаролар ҳамда ҳар қандай мулкчилик шаклларига асосланган ташкилот ва муассасалар томонидан эҳтиёж мавжуддир. Ушбу йўналишнинг долзарблигини мамлакатимиизда ахборотлаштириш йўналишида нисбатан етакчилик қилаётган иқтисодий (банк-молия, солиқ) ва коммунал соҳалар мисолида кўришимиз мумкин.

Бугунги кунга келиб бутун дунёда тан олинган ягона электрон ҳукумат яратиш концепцияси мавжуд эмас. Фақатгина фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар талаб қилиши мумкин бўлган ҳамда ҳукумат томонидан бажарилиши лозим бўлган умумий талаблар йигиндиси нисбатан шаклланган. Турли тоифадаги фойдаланувчиларни транзакцияларни арzonлаштирувчи, давлат органлари билан муносабатларни

соддалаштирувчи, тезлаштирувчи ва қулайликни оширувчи ахборот олиш ҳамда хизматлардан фойдаланишинг самарали усуллари жорий этилишига интилишлари бирлаштириб туради.

Электрон ҳукумат яратилиши самаралироқ ва ҳаражатларни камайтирувчи маъмуриятни ташкил этиш билан бир қаторда жамият ҳамда ҳукумат ўртасидаги муносабатларни тубдан ўзгартириб янги босқичга олиб чиқиши лозим. Умумий якунда бу жамият ҳаёти ва иқтисодиётнинг либераллашув даражасининг ҳамда ҳукуматнинг ҳалқ олдидаги жавобгарлигининг ортишига олиб келади.

Электрон ҳукумат ахборот тақдим этиш ҳамда фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, бошқа давлат ташкилотлари ҳамда давлат хизматчиларига шаклланиб улгарган давлат хизматларини давлат ва аризачи ўртасидаги ўзаро алоқалар минималлаштирилган ҳамда ахборот технологиялари максимал даражада ишлатиладиган кўрсатиш усулидир.

Электрон ҳукумат анъанавий ҳукумат асосида қуриладиган усткўрма ёки паралель равишда ишловчи қўшимча тузилма эмас, у фақатгина давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини фаол кўллаш асосидаги янги ўзаро муносабатлар ўрнатиш усулини аниқлаб беради [54].

Йигиндиси электрон ҳукуматни шакллантирувчи бир неча турдаги муносабатлар мавжуд. Турли манбаларда муносабатларнинг қўйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

G2C - ҳукумат ва фуқаролар ўртасида (Government-to-Citizen);

G2B - ҳукумат ва тадбиркорлик субъектилари (бизнес) ўртасида (Government-to-Business);

G2G - ҳукуматнинг турли муассасалари ўртасида (Government-to-Government);

G2E - ҳукумат ва давлат хизматчилари ўртасида (Government-to-Employees);

G2F - ҳукумат ва чет эллик фуқаролар ўртасида (Government-to-Foreigners).

Электрон ҳукумат яратилишидан олинадиган устунликларни максималлаштириш учун қўйидаги асосий тамойилни амалга ошириш лозим: **"ҳукуматга ҳамма исталган жойдан ҳамда исталган вақтда мурожат қилиши мумкин"**. Яъни электрон ҳукумат фуқаролар ва давлат ўртасидаги алоқани кунига 24 соат, хафтасига 7 кун мобайнинда географик жойлашув ва йил фаслидан қатъий назар таъминлаб бериши керак [55].

Анъанавий ҳукумат доирасида ахборотларни фуқароларга етказиб бериш, одатда, пассив ва номунтазам тартибида асосан оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Фуқаролар янги қонун ва ҳукумат қарорлари тўғрисида матбуот, радио, телевидение ва бошқалар орқали маълумот оладилар, аммо бундай ахборотлар уларга бевосита керак бўлган вақтда тегишли хужжатлар билан танишиш имкониятига эга эмаслар.

Ахборотга бўлган талаблар қондирилгандан сўнг, давлат муассасаларининг хизмат кўрсатиш вақти ҳамда у ердаги навбат кутиш билан боғлиқ бўлган, хизматлардан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги омили билан тўқнашилади. Булардан ташқари яна бир

муаммо - давлат хизмати ҳақини тұлаш учун банк муассасаларыда яна бир навбатда туриш масаласи келип чиқады.

Ахборот олиш қийинчиликлари ҳамда давлат хизматчиларининг хизмат күрсатышдан манфаатдор бўлмаганликлари сабабли фуқаролар унга қонун бўйича тақдим этилиши лозим бўлган қандайдир имтиёзлар ёки тўловлар ҳақида хатто билмаслик ҳолатлари ҳам учраб турди. Инсонлар ўзларининг ҳуқуқларини билмаганликлари сабабли баъзи нопок амалдорларнинг қурбонлари бўлишлари ҳам мумкин.

Бундай муаммоларнинг олдини олиш учун давлат муассаси кўрсатадиган барча хизматлар тафсилотлари, меъёрий-ҳуқукий ахборотлар билан танишиш имконияти ҳамма ва ҳамма вақт бўлиши лозим.

Мамлакат миқёсида электрон ҳамжамият шаклланиши доирасида бундай мълумотлар стандартлаштирилиши ҳамда эълон қилиниши лозим. Агарда улар Интернет тармоғидаги веб-сайтларда эълон қилинса, фуқароларнинг ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш даражаси ҳам ортиб боради.

Электрон ҳукумат яратилиши ахборот технологияларининг ривожланиши билан паралель равишда боради. Мутахассисларнинг фикрига кўра ахборот-коммуникация технологияларининг давлат бошқарувига жорий этилиши иқтисодиёт ривожланишини тезлаштириш, расмиятчилик сарф-харажатларни камайтириш, давлат идораларининг иш самарадорлиги ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ҳамда турли-туман ахборотларни олиш имкониятини яхшилаш, давлат хизматларнинг шаффоғлигини таъминлаш, бюрократик тўсикларни куясизлантириш хисобига фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги аҳоли имкониятларини кўпайтириш имкониятларини яратади.

Электрон ҳукумат яратилиши давлат бошқарув идоралари тóмонидан ўзларининг веб-сайтларини яратишларини, уларга технологик хизмат кўрсатишларини, тўхтовсиз ишлашларини ҳамда ўзаро самарали алоқада бўлишларини таъминлашлари тақозо этади. Давлат ташкилотининг веб-ресурси мос идоранинг тузилиши ва фаолияти ҳақида умумий тушунча бера олиши, жамоатчиликка кўрсатиладиган веб-хизматларнинг минимал тўпламини кўрсата олиши ҳамда бошқа давлат муассасалари билан оператив ҳамкорлик қилиши воситаларига эга бўлиши лозим. Истиқболда эса бундай онлайн тузилмалар нафақат марказий муассасаларни, балки уларнинг жойлардаги бўлинмаларини, шу жумладан йирик иқтисодий марказлар ва барча аҳоли пунктларини қамраб олиши лозим.

Бугунги кунга келип бутун дунё мутахассислари томонидан шакллантирилган ва қабул қилинган қарашларга кўра давлат ҳокимиятининг асосий вазифаси солиқ тўловчилар томонидан тўплланган маблагларни ўз фуқароларига хизматлар кўрсатишлари учун сарфланиши лозим. Шунга мос равишда аҳоли ҳукуматдан сифатли хизматлар кўрсатилишини талаб қилишга ҳақли. Бу жиҳатдан олиги қараганда G2C ва G2B, ҳамда билвосита G2E муносабатлари катта аҳамият касб этади, чунки хизматларнинг бажарилиш сифати ва тезлиги давлат идораларининг ички иш тартибининг ташкил этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Электрон ҳукумат ахборот технологияларини, шу жумладан ўзаро алоқа қилишнинг энг осон воситаси - Интернет тармоғи имкониятларини кенг кўлланилишини кўзда тутади.

Аммо электрон ҳукумат Интернет орқали ахборот алмашиш тизими ишга туширилишидан эмас, балки давлат томонидан мазкур тизим орқали хизматлар кўрсатилишидан бошланади [53]. Барчада ҳам амалдорларнинг хоналарига кириш имконияти мавжуд эмас. Албатта, қабул вақтини кутиб ўтиргандан кўра Интернет орқали хизмат олиш яхшироқдир.

Электрон ҳукуматнинг юзага келиши фуқароларнинг ҳукумат ўзига олган мажбуриятларидан келиб чиқсан кутишларига давлат томонидан бериладиган ўзига хос жавоб бериш воситасидир.

Электрон ҳукумат фуқароларнинг ҳокимият, турли ижтимоий хизматлар, қўмиталар ва идоралар билан, якунда эса, исталган даражадаги амалдор билан бевосита очиқ мулоқотини таъминлаши лозим ва бу билан электрон ҳукуматнинг интерфаоллиги таъминланади.

Моҳияти жихатидан электрон ҳукуматнинг яратилиши субъектив омиллар таъсирини камайтирган ҳолда амалдорни фуқарога яқинлаштириш усулидир. Давлат хизматчиси ва фуқаронинг юзма-юз бўлмаган, назорат остига, олинган ҳамда фуқаронинг ўзига унинг сўровларининг ечилиш жараёнларини кузатиб бориш имкониятини бераидиган мулоқоти - электрон ҳукумат яратилишининг асосий мақсадларидан биридир. Бунда жамият камида порахўрлик ва коррупция даражасининг камайишидан манфаат кўради.

Замонавий ахборот технологиялари электрон ҳукумат ташкил этиш учун концептуал ҳамда амалий даражада ишлаб чиқилган бой ва кенг имкониятларни тақдим этади.

Электрон ҳукумат моделини идеал интеграллашган ахборот тизими сифатида кўриб чиқамиз - у қандай дастурий технологиилар асосида курилиши лозим бўлади.

Электрон ҳукуматнинг асосий инфратузилмавий қисмларидан бири электрон ҳужжатларни бошқариш тизимларидир (*IDM - Integrated Document Management*). Ўзбекистон бозорида электрон ҳужжат алмашуви тизимлари (ЭҲА) деб аталувчи бундай тизимларнинг электрон ҳукумат тизими доирасида кенг қўлланилиши унинг асосан ҳужжатлар билан ишлашга мўлжалланганлигини таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам электрон ҳукумат биринчи навбатда ҳужжатлар - фуқароларнинг аризалари, хатлар, маълумотномалар ва бошқалар билан ишлашни назарда тутади.

Давлат идоралари фаолиятида ҳужжат бир вақтнинг ўзида ҳам ишлаб чиқариш воситаси, ҳам мақсадини ташкил этади. Ҳужжатлар билан ишлаш бир қатор омиллар билан боғлиқ; уларни сақлаш, излаш, биргаликда қайта ишлаш, қофоз шаклдан электрон шаклга ва тескарига айлантиришларни амалга ошириш лозим.

Давлат секторида электрон ҳужжат алмашуви тизимларини жорий этиш доирасида ечилиши лозим бўлган қуйидаги умумий масалаларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

**ёзишмаларни автоматлаштириш** - бу ерда асосан кириш, чиқиш ва ички ҳужжатларни қайта ишлаш, ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳисобини юритиш, уларни келишиш, бажарилишини назорат қилиш ва шу каби масалалар назарда тутилади;

**фуқаролар ва ташкилотларга хизмат кўрсатиш** - биринчи навбатда бу фуқаролар ва ташкилотларадан абонентлик пунктлари ёки Интернет

орқали келип тушаётган мурожатларни оммавий қабул қилиш ва қайта ишлашидир;

**ишларни юритиш** - қайта ишлаш жараёнида бирламчи хужоатта тикиб қўйилиши лозим бўлган бир қанча янги хужоатлар кўшилиб боради. Турли даражада автоматлаштирилган босқичлардан ташкил топган жараён давомида бирламчи хужоат ёнига ҳам қоғоз шаклдаги ҳам электрон шаклдаги хужоатларни бириктириш лозим бўлади. Ҳам қоғоз шаклдаги, ҳам электрон шаклдаги хужоатларнинг ҳисобини синхрон равища юритиш ҳамда ишларни муомаладан чиқариш ва муомалага қайтариш вазифаларини автоматлаштирувчи тизимлар *Record Management* тизимлари (RM-тизимлар) деб аталади.

Электрон ҳукумат яратиш доирасида биргина ЭХА-тизимларидан фойдаланиш етарли бўлмайди. Бугунги кундаги замонавий талаблар IDM ва BPM (*Business Process Management*) тизимларининг бириквишидан ташкил топган мукаммал ахборот ресурсларини бошқариш (ECM) тизимлари кўпланилишини тақозо этади [56].

**Шундай қилиб электрон ҳукумат яратилишининг асосий мақсадлари қўйидагилардан иборат:**

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш самарасини кўтариш;

фуқароларнинг ўзларига-ўзи хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш;

инсонларнинг малакаси ва технологик хабардорлиги даражасини ошириш;

барча сайловчиларнинг мамлакатни бошқариш жараёнларидаги иштироклари даражасини ошириш;

географик жойлашув ҳамда иш вақти омиллари таъсирини камайтириш.

**Электрон ҳукумат тизимининг вазифалари:**

самарали ва кам ҳаражатли бошқарув усулини тадбиқ этиш;

жамият ва ҳукумат муносабатларини тубдан янги босқичга олиб чиқиш;

фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда ҳукуматнинг халқ олдидаги жавобгарлик даражасини ошириш.

Мазкур мавзу доирасидаги билдирилган фикрларни умумлаштирган холда қўйидаги хуносаларга келишиниз мумкин:

1. Электрон ҳукумат яратилиши давлат ташкилотларининг интернет тармогига чиқишидан бошланади, бу эса ўз навбатида давлат хизматларининг тузилмаси ва вазифасини тубдан қайта кўриб чиқишга олиб келади. Фуқароларга хизмат ва ахборотлар улар истаган жойда ва вақтда инсонларга кулай шаклда тақдим этилиши лозим. Муваффақиятли амалга оширилган давлат хизматлари очик, ҳаммабол, оддий, фойдаланувчига кулай, интеграллашган ҳамда давлат ва хусусий секторларнинг ҳамкорлиги тамоилига асосланган бўлади. Улар нафақат интернет тармогига уланган инсонларни, балки шу кунгача тармоқка кирмаган ва у билан таниш бўлмаганларни жалб қила олади. Бу мақсадга эришишнинг асосий йўли - фуқаролар ва хусусий корхоналарга янги қўшимча хизматларни йўлга қўйиш.

2. Энг тўлиқ маънода электрон ҳукумат - ўз вазифаларини амалга оширишнинг янги замонавий усулларини йўлга қўйиш учун давлат муассасалари бугунги кунда яратадиган инфратузилмадир. Улар уч турдаги ахборот технологиялари воситаларидан ташкил топади: бевосита техник инфратузилма; вертикал алоқаларни таъминловчи ечимлар; оммавий кириш ва уланиш нұкталари (масалан оммавий порталлар).

3. Давлат хизматларини олиш учун жисмоний дунёда яратилган тармоқ, виртуал оламда ҳам энг яхши натижалар беради. Аҳоли учун Интернет тармоғида хизматлар кўрсатиш канаплари сифатида давлат муассасаси веб-сайти, электрон дўйон ёки оммавий порталлар ва ижтимоий тармоқлар хизмат қилиши мумкин. Аҳолига хизмат кўрсатиш йўллари максимал даражада ошириш давлат манфаатлари қаторига киради. Оммавий порталлар ва ижтимоий тармоқлар бир кун давомида баъзи давлат веб-сайтлари бир ой ва ҳатто бир йил давомида жалб қила оладиган сондаги инсонларга хизмат кўсатиши мумкин.

4. Интернет тармоғи доирасида давлат хизматларининг самарали тармоғини яратиш мижоз билан бевосита алоқа қилувчи оммавий портал ёки ижтимоий тармоқ, хизматлар провайдери ва бевосита ишни амалга оширувчи давлат муассасаси ўртасидаги техник интеграцияни талаб қиласди. Бундай тармоқнинг турли қатнашчилари ўзаро эксплюзив шартномалар тузишмайди; аксинча, оммавий муносабатлар учур бўлган даражадаги интеграцияни таъминлаш учун ҳар бир иштирокчи очиқ ва стандартлаштирилган техник талаблар ва хизмат кўрсатишнинг эълон қилинган қоидалари доирасида ҳаракат қиласди.

5. Интернет орқали амалиётларни бажаришнинг бизнес-модели эксплюзив бўла олмаслигига қарамай, давлат ташкилот ва муассасалари аҳоли учун хизмат кўрсатишнинг ҳамда мижоз билан муносабатлар занжирийнинг юкори сифатини таъминлаши лозим.

Шундай қилиб электрон ҳукуматнинг яратилиши нафақат самаралироқ ва камроқ ҳаражатли бошқарувни таъминлаши, балки шунингдек, жамият ва ҳокимият ўртасидаги муносабатларнинг тубдан ўзгаришини таъминлаши лозим. Охир-оқибат бу фуқаролик жамиятининг ривожланишига ҳамда ҳукуматнинг ҳалқ олдидағи жавобгарлик даражасининг ортишига олиб келади.

Бугунги кунда web 2.0 технологияларининг ҳамда ижтимоий тармоқларнинг ривожланиб бориши "битта ойнали" электрон ҳукумат тизимининг долзарблигини янада оширишини тахмин қилиш мумкин. Чунки бу технологиялар сиёсий алоқалар имкониятларининг ортишига хизмат қиласди ҳамда ҳукумат, бизнес ва фуқаролар ўртасидаги янги интеграция шаклларининг юзага чиқишига йўл очади.

## 19. Электрон ҳукумат яратиш босқичлари. Чет зл тажрибаси

Бугунги кунга келиб бутун дунё мутахассислари ҳамжамияти томонидан шакллантирилган қарашларга мувофиқ электрон ҳукумат яратиш күйидаги түртта босқичга бўлиниади:

**ҳозир бўлиш** - электрон ҳукумат яратилишини бошлаб беради. Унинг давомида давлат муассасалари интернет тармоғида ўзларининг веб-сайтларини яратадилар. Ўзига хос "ташриф қоғози" вазифасини бажарувчи ушбу сайтларда, асосан, давлат ташкилотининг вазифалари, унинг ваколати доирасида мамлакатда юз берадётган воқеалар ва ўзгаришларни тавсифловчи янгиликлар, манзил ҳамда боғланиш имкониятлари каби умумий маълумотлар жойлаштирилади;

**ахборот таъминоти** босқичида давлат ташкилоти ҳамда фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида расмий веб-сайтлар орқали "сўров-жавоб" шаклидаги муносабатлар ўрнатилади. Бунда мурожаат этувчилар ўз сўровларини сайтдаги маҳоус бўлим, форум ёки электрон почта орқали йўллаш имкониятлари яратилади. Давлат муассасаси томонидан ҳар бир сўров "кўлда" кўриб чиқилади, қайта ишланади, жавоб тайёрланади ҳамда мурожаатчига юборилади;

**тармоқ транзакциялари** - электрон ҳукумат яратишнинг учинчи босқичи бўлиб, унинг доирасида аҳоли ва корхоналарга автоматлаштирилган хизмат кўрсатиш йўлга кўйилади. Яъни, келиб тушган ҳар бир сўровнома автоматик тарзда кўриб чиқилади, унга мос равища тегишли жавоб тайёрланиб мурожаатчига йўлланади;

**интеграция** - электрон ҳукумат яратишнинг юқори босқичи бўлиб, давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона интеграллашган ахборот тизимининг ишга туширилишини таъқозо этади. Бунинг натижасида бир нечта турдош бўлмаган давлат муассасаларининг биргалиқдаги ишлашларини талаб қилувчи мураккаб давлат хизматларини автоматик равища кўрсатиш имкониятлари яратилади.

Турли мамлакатлар электрон ҳукумат яратишга турли даврларда турли дастурларни амалга ошириш орқали киришадилар. Шунга мос равища турли давлатлардаги электрон ҳукуматнинг яратилиши ва ривожланиши турли босқичларда бўлади.

Рисоламизнинг 4-мавзусидан маълумки, БМТ томонидан ўтказилган ўрганишларга кўра, бу соҳада етакчи ўнта ўринни Корея Республикаси, Голландия, Буюк Британия, Дания, АҚШ, Франция, Швеция, Норвегия, Финляндия ва Сингапур мамлакатлари эгаллаган. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида Россия Федерацияси энг юқори - 27-ўриндан жой олган. Ривожланаётган Африка давлатлари эса рўйхатнинг сўнгги ўринларида жойлашган. Албаттa, электрон ҳукуматни жорий этиш имкониятлари биринчи навбатда, яхши ривожланган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари инфраратузилмаси мавжуд бўлишини таъзозо этади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, электрон ҳукумат ва мамлакатдаги фуқаролик жамиятининг ривожланганлик даражаси ўзаро боғлиқ ва бир-бирига катта таъсир ўтказувчи жараёнлардир.

Бугунги қунга келиб электрон ҳукумат яратиш доирасидаги чет зал тажрибасини таҳлил қылғанда, одатда уч хил асосий йұналиш ажратиб күрсатилади:

Европа модели (Фарбий, Марказий ҳамда Шарқий Европа давлатлари);

инглиз-америка модели (АҚШ, Буюк Британия, Канада);

осиё модели (Жанубий Корея, Сингапур) [57].

Электрон ҳукуматтнинг Европа моделининг хусусиятлари:

тавсияларининг бажарылыши Европа иттифоқига азъо бўлган барча давлатлар учун мажбурий ҳамда нуфузи давлат муассасаларидан баланд бўлган "евроташкилот"ларнинг мавжудлиги (Европарламент, Еврокомиссия, Европа суди ва ҳок.);

ягона валюта, ягона бутуневропа ахборот макони, ягона Конституциянинг тайёрлананаётганилиги, капитал, энергия ва ахборотларнинг эркин ҳаракатланиши билан намоён бўлувчи европа халқлари ва мамлакатларининг ўюқори даражадаги интеграцияси;

ягона бутуневропа ахборот маконида айланувчи ахборот оқимлари ахборот муносабатларининг тартибга солувчи қатъий қонунчиллик хужжатларининг қабул қилинганлиги.

Бу модельдаги бошқарув ва миллий ҳукуматлар ҳамда "евроташкилот"ларнинг фаолияти ахборот тармоқлари ва тизимларидан фойдаланувчи фуқароларнинг манфаатларига қаратилган замонавий илғор технологияларнинг кўлланилиши орқали таъминланган. Бундай бошқарув усули фойдаланувчи(сайловчи, фуқаро, жамоатчилик вакили)га реал вақт режимида ҳукумат ахборотларини қабул қилиш ва электрон сайлов тизимлари ёки солиқ ва жарималар тўлаш билан бобгиқ давлат хизматларидан фойдаланиш давомида фуқаролик бурчини мувваффақиятли амалга ошириш имкониятини беради.

Европа иттифоқи электрон ҳукумат яратилишида асосий ургуни ўзининг таркибиға кирувчи барча миллатларнинг ижтимоий бирлиги ҳамда бутуневропа ҳамжамиятияга беради. Бунда европаликлар асосий таҳдиидни сони тез суръатлар билан ортиб бораётган ва Интернет тармоғида ишлашга тайёр ва ҳатто қобилияти ҳам бўлмаган ёшли катта нафақаҳўрлар ҳамда ёш ҳаракатчан авлод ўртасида юзага келаётган ракамли узилишда кўрмоқдалар. Европаликлар учун ахборот жамияти - Европанинг кўпмиллатли маънавий бойлигини сақлаб қолиши воситасидир. Улар учун ахборот жамияти технологияларига киритилаёттан инвестициялар, авваламбор, инсонга бўлган инвестициялардир.

Мазкур ғояни амалга ошириш ва ҳаётга тадбиқ этиш чораси сифатида 2000 йилда ўз ичига "электрон ҳукумат" яратишни ҳам киритган "Электрон Европа" дастури ишлаб чиқилди. Шунни ҳам таъкидлаш лозимки, "Электрон Европа" дастури миллий "электрон ҳукумат"лар яратилишини инкор этмайди, ва бундай тизимлар Буюк Британия, Германия, Франция, Португалия, Эстония ва кўплаб бошқа мамлакатларда яратилди ва ривожлантириб борилмоқда.

Мисол таркиасида электрон ҳукумат лойиҳалари ҳокимият аппарати фаолиятида ўзгаришлар қилинишига турткы бериши ва давлатни замон талабларига мувофиқ такомиллаштирилишида асосий ўрин згаллаши лозим

деб ҳисоблайдиган Германия федерал ҳукуматини кўриб чиқамиз. Аҳолига Интернет орқали хизмат кўрсатиш расмий стратегияси испоҳотларнинг тўртта соҳасини қамраб олувчи тўртта тамойилга асосланади [58]:

қонунлар бажарилишини яхшиловчи ва самарадорлигини оширувчи янгиланган тақсимот;

федерал ҳукумат тимсолининг ўзининг шеригини кўра олган фуқароларга йўналтирилганлик;

давлат хизматларининг барча томонлама ривожлантирилиши натижасида давлат органларининг ўз мажбуриятларини яхшироқ бажаришлари, имкониятлардан самаралироқ фойдаланишлари ва шаффофроқ фаолият юритишлари;

ўз меҳнати натижаларидан манфаатдор ходим ва хизматчиларни ишга қабул қилиш ва ишда олиб қолиш имкониятини берувчи самарали бўшқарув.

Германия, шунингдек, федерал ҳукумат томонидан кўрсатиладиган барча хизматларни Интернет тармоли орқали кўрсатиш имкониятларини яратишни ўз олдига мақсад қилиб олди.

Ирландия электрон ҳукуматининг алоҳида ажralиб турувчи хусусияти биринчилар қаторида ишга туширилган давлат харидлари тизимиdir. Бунинг учун маҳсус яратилган сайтда тадбиркор ўзини қизиқтирган танлов савдолари тўғрисида ахборот олиш билан бирга, уларда қатнашиш учун ўзларининг таклифларни ҳам қолдириши мумкин.

Европа мамлакатларида қайта алоқа шакллари ҳам ривожланиб бормоқда. Жумладан, сайловчилар фикри билан қизиқишининг интерактив усулларидан бири Франциянинг давлат сайтларидан бири - De'bat Public (оммавий муҳокама)да жорий этилган. Унда курилиши режалаштирилаётган инфратузилмавий лойиҳалар (кўприк, йўл, уй-жой курилиши ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинади ва фуқаролар бундай лойиҳалар борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари мумкин [59].

Шунингдек, Францияда биринчилар қатори кўрсатилаётган хизматлар учун сайт орқали банк карталаридан тўловларни амалга ошириш имкониятлари ишга туширилиб керакли хизматларни олиш жараёнлари тубдан соддалаштирилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, электрон ҳукумат яратишнинг Европа модели миллий бирдамликини шакллантиришга қаратилган. Ахборот жамиятига кириллаётган маблаглар, энг аввало, инсон ривожланиши учун йўналтирилаётган инвестициялар сифатида баҳоланади. Фуқаролар электрон ҳукумат тимсолида, аввалимбор давлат хизматининг самарадорлиги ортиши ҳисобига, ўзларининг шериларини кўришлари лозим. Энг яхши деб топилган лойиҳалар қаторига давлат эҳтиёжлари учун электрон танлов савдолари, давлат хизматлари учун банк карталари орқали тармоқ доирасида тўловларни амалга ошириш имкониятлари, қайта алоқа шаклларининг ривожланиши, йирик инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш олдидан сайловчилар фикрини ўрганиш ҳамда оддий қидиув тизимлари ёрдамида аҳолига керакли маълумотларни излаб топиш имкониятларини яратиш кабилар киритилган.

Электрон ҳукуматнинг инглиз-америқа модели АҚШ, Канада, Буюк Британия каби мамлакатларда амалга оширилмоқда. Давлат идораларида йиғилаётган маълумотлардан аҳолига фойдаланиш имкониятларини яратиш муаммосини дунёда биринчилардан бўлиб Канада 1994 йилдаёқ ечишга киришиди. Лойиҳани учта босқичга бўлган канадаликлар беш йил давомида “электрон ҳукумат” тизимини яратиш вазифасини қабул қилдилар. Модуллипик тамоилини асос қилиб олган тизим қўйидаги тўрт қисмга ажратилди:

Канада сайти;

турли порталларни бирлаштирувчи ягона ахборот портали;

ахборот излаш, бизнес-жараёнларни автоматлаштириш ҳамда дастурлар ва маълумотларни интеграллаштирувчи тизимларни ўз таркибиغا киритувчи оралиқ дастурий таъминот;

қофоз ва электрон шаклдаги хужожатларни ҳамда электрон шаклдаги маълумотлар омбори ва маълумотлар базаларини бошқариш тизимларидан ташкил топган инфратузилмавий дастурий таъминот.

Бугунги кунга келиб, лойиҳа доирасидаги ишларнинг амалга оширилиши натижасида Канада ҳокимияти муассасалари аҳоли билан барча муносабатларни ўз таркибига 500 дан ортиқ сайтапни бирлаштирган ягона ахборот портали орқали амалга оширилмоқда. Canada eGovernment Resource Centre маълумотларига кўра фуқаролар томонидан давлат идораларига бевосита ташриф буориши ва қофоз шаклдаги хужожатлардан воз кечиш оқибатида 2006-2008 йилларнинг ўзида давлат бюджетининг иқтисоди деярли 10 млрд. АҚШ долларига етди [60].

Канададан сўнг АҚШда ҳам электрон ҳукумат яратишга киришилди, жумладан, “Электрон ҳукумат стратегияси” (“E-Government Strategy”) қабул қилинди. АҚШ ҳукуматининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги стратегияси тамоилларининг таҳлили натижасида қўйидаги хулосаларга келиш мумкин:

ҳукумат фуқаролар билан давлат идоралари ўртасидаги муносабатларда аҳоли учун қулийликлар яратишдан манфаатдор;

ҳукумат иқтисодиётнинг электронлашувида, шу жумладан электрон тижоратни ривоҷлантиришда етакчи ўринни эгаллайди;

ҳукумат фаолиятини фуқаролар томонидан назорат қилиш миллий ташаббуси доирасида давлат муассасалари ўз ишини қайта ташкил этади.

АҚШ федерал ҳукумати томонидан қўйидаги йўналишларга алоҳида зътибор қаратилади:

давлат эҳтиёжларини қондириш учун товар ва хизматлар етказиш бўйича электрон танловлар ташкил этилиши, давлат ташкилотлари ва вазирликларнинг электрон савдоларга қўшилиши;

аҳоли томонидан ҳукумат ва маъмурӣ ахборотлар олинишига имконият яратиш;

смарт-карталарни, шу жумладан федерал ҳукумат доирасида кенг қўлланилишини таъминлаш;

ҳукумат веб-сайтлари орқали турли масалаларни ечиш, шу жумладан, расмий хужожатларни олиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш, давлат аппарати фаолияти тўғрисидаги маълумотларни аҳолига етказиш ва бошқалар;

ахборот-коммуникация технологияларининг соғлиқни сақлаш ва тиббиётда кенг қўлланилиши.

Хўкумат стратегияси электрон хизмат кўрсатишнинг барча турларини қўллаш ва ривожлантиришни кўзда тутади. Яъни хизматлар Интернет тармоғи, рақамли телевидение, чақирувларга хизмат кўрсатиш марказлари орқали кўрсатилиши мумкин. Шу билан бирга электрон сервислар шахсий боғланишларни инкор этмайди. Инсонларнинг индивидуал ва ўзига хос эҳтиёжларини қондириш муаммоси маълум хавотир уйғотганлиги сабабли кичик ва ўрта тадбиркорлар учун бизнес-порталлар ҳамда алоҳида фуқаролар учун маҳсус шахсий интернет-саҳифалар яратилиши кўзда тутилган. Бизнес юритишинг янги имкониятлари фуқаролар ва хўкумат ўртасидаги муносабатларнинг ўзгаришига олиб келади. Шу билан бирга аҳолининг тўла ишончини қозониш учун ахборот тизимлари ва шахсий маълумотларнинг ҳимоясини кафолатлаш лозим.

**АҚШ "Электрон хўкумат стратегияси" қўйидати усуслар билан федерал ҳўкумат самарадорлигини оширишни кўзда тутади:**

ахборот хизматлари кўрсатиш усусларини соддалаштириш;

давлат бошқарувидаги қайтариладиган ва ортиқча вазифаларни бартараф этиш;

фуқаролар, тадбиркорлар, хўкумат ва федерал идоралар хизматчиларига федерал ҳўкумат томонидан тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланиш ва зарурий ахборот излашни осонлаштириш;

давлат идораларининг фуқаролар эҳтиёжларини тезда қондиришга йўналтирилганликлари;

федерал ҳўкуматнинг ўз фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа ташаббусларини амалга ошириш учун шароит яратиш.

Ишлаб чиқилган стратегияга мувофиқ электрон ҳўкумат ривожланшининг асосий мақсадларидан бири турли давлат идораларида қайтарилувчи давлат вазифаларни камайтириш ёки умуман бартараф этиш ҳисобига, уларга сарфланаётган маблағларни тежашдан иборат [61].

АҚШда асосий эътибор фуқароларга универсал хизмат кўрсатиш ва уларни давлат бошқаруви муаммоларидан хабардор қилиш имкониятини берувчи ахборот **супермагистралларини яратишга** қаратилган. Бунда "монологик" (бир томонлама) сиёсий-маъмурӣ ҳокимиётдан "хизмат кўрсатувчи ҳокимият" шаклидаги амалдорлар ва фуқаролар ўртасидаги диалогга ўтиш тамоилий яққол намоён бўлади. Бу тамоийл доирасида электрон ҳўкумат фуқароларга хизмат кўрсатади ҳамда улар олдида ҳисобот беради. Умумий холда америка ҳўкумати фаолияти очиқлилик, шаффофлик ва фуқаролар олдидаги жавобгарликни ошириш шиори остида амалга оширилмоқда. АҚШ савдо вазирлиги баҳолашларига кўра битта тўловни амалга оширишга бўладиган харажатлар анъанавий маъмурӣ жараёндаги \$1.65-2.70 дан веб-технологиялар асосидаги жараёнга ўтишда \$0.60-1.00 гача, яъни 2.7 маротаба камаяди. АҚШ солиқ ва тўловлар хизмати ҳисоботларига кўра солиқ ҳисоботларининг веб-технологияларга ўтказилиши жорий этилган 2003 йилдаёқ 32 млн. АҚШ долларидан ортиқ маблағни иқтисод қилишга эришган. Худди ўша йили Таълим вазирлиги электрон шаклдаги ахборотлар билан ишлашга ўтиш орқали қоғоз, босма ва

пошлина 23 млн. АҚШ доллариға қисқартирган. АҚШ қышлоқ хұжалиғи вазирлігі интеграллашған электрон харидлар тизимині жорий этиш ҳисобига бириңчы йилнинг (2006) үзіде 8.5 АҚШ доллари миқдорида иқтисодий самарага еришган [62].

Халқаро экспертерларнинг фикрига күра буғунғи кунда АҚШ мағымуритининг "электрон ҳукумат" яратиш борасидаги шубхасиз муваффакиятларини таъкидлаш мүмкін: ахборот оқимлари ва ахборот технологияларини бошқаришнің давлат тизими ва сиёсати тубдан испох қилинди. Шу жумладан:

электрон ҳукумат яратиш миллий ва устивор масалалардан бири мақомини опди;

электрон ҳукумат яратиш сиёсатини юритиш ваколаттарининг умумфедерал ҳамда алоқида давлат муассасалари даражаларida максимал марказлашувига еришилди;

давлат органлари фаолиятини ахборотлаштириш масалалари бүйича шахсий жавобгарлық тизими яратылды;

электрон ҳукумат яратиш сиёсати ва тажрибалари унификацияланди, уларнинг шаффоғлиғи ва ҳисобдорлар таъминланди [63].

Эркин фойдаланиш имкониятни беруучи батағсил маълумотлар кирилтілген расмий статистик ахборотларни эълон қилиш тажрибаси муваффакиятли амалга оширилмоқда. Бу билан фуқароларнинг эркин ахборот олиш ҳуқуқлары таъминланған.

Шундай қилиб, АҚШ электрон ҳукумат ғоясини тадбиқ этиш борасида сезиларлы ривожтапшылаш гәз ва баъзи мутахассиларнинг фикрига күра бошқа давлатлар ўз фаолиятларida қўллайдиган ечим ва технологияларни шакллантироқда [64].

**Буюк Британия** электрон ҳукумати "Электрон фуқаролар, электрон тадбиркорлик, электрон ҳукумат. Ахборот асрида жамиятга хизмат кўрсатиш стратегик концепцияси" деб ном олган ҳужжат доирасида қайд этилган. Дастурда қўйидаги муаммоларни ечишга ургу берилган:

давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш;

давлат бошқарув органларида ижтимоий ахборотларни самарали ишлатилишини таъминлаш;

фуқароларни давлат хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш мақсадида техник ва таълим шароитларини шакллантириш.

Электрон ҳукумат яратишнинг бошланғич босқичида Буюк Британия ҳукумати бир қатор мухим қадамларни амалга ошириди. Бириңчидан, "электрон вакил" (e-envoy) сайланди. Электрон вакил электрон ҳукумат яратилиши учун жавобгар этиб белгиланди ва фақатгина бош вазирга ҳисобот бериши белгилаб қўйилди. Унинг асосий вазифаси турли давлат идоралари ўртасидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ҳамда уларнинг ҳамжиҳатлиқда ишлашларини ташкил этишдан иборат бўлди. Иккинчидан, барча давлат амалдорлари учун электрон пошлияларни ташкил этилди ва уларнинг солиқ тўловчиларнинг электрон мурожаатларига жавоб беришлари мажбурий қилиб белгиланди. Учинчидан, парламент томонидан кун давомида қабул қилинган қарорларни ўша куннинг ўзида Интернет тармоғида эълон қиливчи онлайн тизим ишга туширилди. Тўртинчидан, ҳар бир фуқарога ўз масаласининг ечими боғлиқ бўлған амалдорга бевосита

мурожаат қилиш имконини берадиган ягона интернет-порталы яратилди . [65].

Буюк Британия стратегиясида энг муҳим масала сифатида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларига қаратилган ҳукумат моделини яратиш белгиланган. Инсонлар давлат муассасалари билан анъанавий усулда муносабатларга киришиш: наебатда туриш, хужатлар йиғиши, идораларга қатнаш бўйича катта тажрибага эгалар. Шунинг учун 80% аҳолиси интернет фойдаланувчилари бўлган жамият аъзоларига таниш анъанавий усулларни бевосита Интернет тармоғига кўчириш муваффақиятсизлика олиб келувчи йўл эди. Ахборот технологияларини жорий этишнинг биринчи босқичидаги кўрсаткичларнинг нисбатан пастлиги айнан шу билан изоҳланди. Оптималлаштиришга интилиш авваламбор, янги сайланган раҳбариятнинг сиёсий важлари билангида боғлиқ эди, иқтисодий фойда кейинги қадамлардагина сезила бошлади.

Янги тизим давлат хизматларини энг аввал фуқаролар учун қулай кўринишида ташкил этишини тақозо этди. Интернет иш услублари ҳамда давлат идораларининг ташкилий тузилмаларини янгилаш воситаси бўлиши лозим эди. Давлат сайтларида оммавий ахборотларгина эълон ёкинган давр британияликлар учун қизиқиш уйғотмади. Интернет-саҳифаларда бирламчи бюрократик тўсиқларнинг олиб ташланиши уларнинг эътиборини тортмади.

Буюк Британиянинг давлат хизматлари ягона порталы яратувчилари буғунги кунги инновациялар учун янги тамойил яратишларига тўғри келди: "тармоқдаги ҳукумат" ("government in net") дан "тармоқдан келувчи ҳукумат" ("government from net") га ўтиш керак". Тарқоқ холдаги давлат Интернет-ресурсларини бирлаштириш бошланди. Охирги йилларда ҳукумат муассасаларининг мавжуд 4 мингта веб-сайтларнинг бир-бирини қайтарувчи 1 мингга яқини ёпилди. Янги хизматларга талабларни рағбатлантириш учун мисслиз чоралар кўришга тўғри келди: мажбурий тўловларни электрон кўринишида амалга оширувчиларга солиқ имтиёзларини белгилаш учун қонунчиликка тегишли ўзгаришлар киритилди. Фуқаролар учун 10 фунт, тадбиркорлик субъектлари учун эса - 150 фунт миқдорида имтиёз берилди. "Тармоқдан келувчи ҳукумат" ғоясини бирлаштирувчи омил сифатида давлат хизматларининг "онлайн" амалга оширилиши хизмат қилди. 2010 йилга келиб 75% хизматлар электрон кўринишига ўтказилди [66].

Буюк Британия давлат органлари учун асосий масала - аҳоли билан интерфаол мулоқот давомида давлат хизматчиларини мутаассиб (механик) амалларни бажариш заруратидан халос этишдир.

Шундай қилиб давлатни ахборотлаштириш соҳасидаги **инглиз-америка модели қуидаги тамойилларга** асосланади:

аҳолига интерфаол давлат хизматларини кўрсатишни кенгайтириш; башқарув органларининг ортиқча функцияларини бартараф этиш; ахборот технологиялари воситасида фуқаролар эҳтиёжларини имкони борича тезроқ қондириш.

Бундай моделин амалиётда қўяғловчи мамлакатларда Интернет орқали транзакцияларни амалга ошириш, электрон тўловларни ривожлантириш ҳисобига бюджет маблагларининг сезиларға тежалишига эришиллади. Муваффақиятли ривожланган лойиҳалар қаторига шунингдек

тармоқ доирасида расмий статистик ахборотларни эълон қилиш, ижтимоий маълумотларни давлат органлари томонидан самараали кўллаш, қонунчилик доирасида қабул қилинаётган қарорларнинг кун давомида оператив тарзда эълон қилиниши кабилар киради. Бундан ташқари, ҳукумат органлари веб-саҳифаларининг ягона портал доирасида интеграцияси билан бир қаторда, ҳавола кўрсатиш технологиялари ҳам кўлланилади.

Электрон ҳукумат яратишнинг осиё модели миintaқада шаклланган ўзига хос бошқарув услуби, корпоратив маданиятнинг осиёча шакли ҳамда иерархик пирамида кўринишида қуриладиган кўп қатламли давлат бошқаруви тизимига асосланади.

**Жанубий Корея** ҳукумати электрон демократия моделини шакллантириш давомида аҳолининг барча эҳтиёжларини ахборот технологиялари ёрдамида қондириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини маданият ва таълим тизимларига кенг жорий этилишига асосий ургуни берди.

Электрон демократиянинг муваффақиятли ривожланиши **Жанубий Корея** фуқароларига уларнинг муҳим ўринга эга эканликлари ва ҳақиқатдан ҳам давлат ва жамият ҳаётига таъсир ўтказа олишлари тўғрисидаги фикрни ўзларига сингдиришларига имкон берди. Электрон коммуникацияларни ривожлантириш соҳасидаги онгли равишда амалга оширилган, узоқни кўра билган, чукур ўйланган ва ички имкониятлар тўғри баҳолangan давлат сиёсати **Жанубий Корея** тажрибасининг энг муҳим ва фойдали киррасидир. Бутун давлат миқиёсида ягона ахборот маконининг яратилиши нафақат ҳокимият имкониятларини кучайтиради, балки шунингдек демократиянинг асосий: “халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбай ва ташувчиси” тўғрисидаги тамойилининг амалий ифодаси бўлиб хизмат қилади.

2008 йилдан бўён БМТ **Жанубий Корея** электрон ҳукуматини дунёда энг яхши ва самараали деб тан олмоқда. Бу давлат фуқаролари 2000 дан ортиқ электрон хизмат турларидан фойдаланишлари мумкин. **Жанубий Корея** тизимнинг ривожланганлик ҳамда унинг халқ орасидаги тушунарлиғиги ва маълумлиги даражаси бўйича бошқа давлатларни катта фарқ билан ортда қолдирмоқда. Электрон ҳукумат инфратузилмаси ҳамда асосларини яратиш **Жанубий Корея**да 1987 йилдаёқ бошланган. Бугунги кунга келиб мамлакат ахолиси амалда ушбу тизимдан фойдаланган холда дўйонлардаги оддий харидлардан бошлаб солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш ҳамда хўжатларни расмийлаштиришгача деярли барча амалиётларни ўйдан чиқмай туриб бажара олишлари мумкин. Жамоат жойларида керакли ахборотларни тақдим этиш ҳамда зарурий маълумотномаларни чоп этиш имкониятини берувчи маҳсус терминал қурилмаларини кўплаб учратиш мумкин.

**Жанубий Корея** ҳар йили Интернетга уланишнинг ўртacha тезлиги ва кенг полосали Интернетдан фойдаланиш даражаси бўйича дунёда биринчи-иккинчи ўринларни згалладайди. Бир неча йил олдин мамлакатда 100% давлат ташкилотлари ягона электрон хужжат алмашинуви тизимига уланди. Фақатгина вазирлар ва улардан юкори даражадаги хужжатлар ва маълумотномаларгина қоғоз шаклида тайёрлана бошлади. 2008-2009 йиллар давомида электрон ҳукумат тизими давлат бюджети учун 1 млрд.

АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни иқтисод қилиш ҳамда давлат хизматчилари сонини деярли 10 минг кишига камайтириш имконини берди. Умумий бир йиллик ижтимои-иқтисодий самара ҳажми 16 млрд. АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда [67].

15-жадвалда Жанубий Кореяда электрон ҳукумат яратиш босқичларининг хусусиятлари тұғрисида қысқа маълумотлар көлтирилган.

Сингапур ҳукумати узоқ истиқболда ўзларига нисбатан катта табиий бойликлар ҳамда ишлаб чиқариш баҳоси пастроқ бўлган мамлакатлар билан рақобат қила олмай қолишини тушунганилиги сабабли келажакда ююри технологияларга асосланган иқтисодиёт яратишга ҳаракат қилмоқда. 1999 йилнинг октябр ойида Сингапур бош вазири Го Чок Тонг, ююри технологияларга асосланган иқтисодиёт яратиш ташабbusи ҳақида сўзлар экан, ўз фаолиятни ижодий услуг ва билимлар асосида ташкил этувчи корхоналарни мамлакатга жалб қилиш мухим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтди. Инновациян фаолиятни рағбатлантириш мақсадида Сингапур ҳукумати илмий ҳамда тажриба конструкторлик инфрузилмасини яратди, интеллектал мулк ҳукуқларини ҳимоясини кучайтириди, янгиликларни яратиш ва жорий этиши ҳамда бюрократик тўсиқларни камайтиришга маблағ ва куч сарфламоқда, электрон тижорат ривожланиши учун қулай шароитлар яратмоқда. Бундан ташкиари Сингапур ҳукумати баъзи бўлимларини, уларнинг бозорда бўлаётган ўзгаришларга ўз вақтида жавоб қайтаришлари ва мослашувчанликларини таъминлаш мақсадида хусусийлаштириди. Ҳукумат, шунингдек электрон тижорат юритиш учун зарур бўлган аддия тизими ҳамда ҳақиқийликни тасдиқлаш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, шартномаларнинг асосий қоидаларини келишиш, баҳсли ҳолатларни ечиш ва конфиденциалликни таъминлаш жараёнларини ўз ичига олувчи бошқариш механизmlарини яратди.

Бугунги кунда Сингапур давлат хизматларининг катта қисми онлайн тизимлар орқали амалга оширилади, уларнинг баъзилари "Сингапур-БИР" дастури орқали амалга оширилади. Ҳукумат фуқароларнинг иш жойларидан ёки уйларидан давлат хизматлари олиш учун уларга қулай вақтда мурожаат қилишларини кўллаб кувватлайди. Электрон ҳукумат тизимининг асосий дастурларидан бири "Электрон фуқаро" бўлиб, у илгари турли ҳукумат идоралари томонидан кўрсатилган ўзаро бир-бирига боғлиқ хизматларни интеграллашган кўринища тақдим этмоқда. Сингапурнинг асосий эътибори турли давлат идорали бўйича тақсимланиб кетган хизматларни ягона давлат портали(<http://www.egov.gov.sg/>)га интеграллаша қартилган.

Сингапурнинг ҳар бир фуқароси давлат хизматлари сайтида рўйхатдан ўтиши, ўзига логин ва калит сўз танлаши ва хатто уларни мобил телефонига боғлаб кўйиши мумкин. Шундан сўнг мобил телефон орқали ўзига тегишли маълумотларни кўриши, масалан пенсия жамгармасидаги ўзининг хисоб рақамининг ҳолатини назорат қилиб бориши мумкин. 2010 йилнинг февралидан чет эллик фуқаролар ҳам, ишчи виза эгаси бўлган тақдирда, Сингапур давлат тизимида рўйхатдан ўтиши имкониятига эга бўлдилар [59].

Сингапурда электрон ҳукумат тизими ривожланишининг **асосий стратегик мақсадлари**:

рақамли иқтисодиёт доирасида ҳукуматни қайта қуриш;  
интеграллашган электрон хизматлар кўрсатиш;

### Жанубий Кореяда электрон ҳукумат яратиш босқичлари

<b>Босқич рақами ва датири</b>	<b>Давлат дастури</b>	<b>Мувофиқлаштирувчи кўмита ва жавобгар вазирликлар</b>	<b>Чора-тадбирлар мазмуни</b>
1. 1987- 1995 йиллар	Миллий кенг полосали тармоқ (NBCN) яратиш дастури	Вазир бошчилигидаги тармоқ яратиш кўмитаси, Почта ва телекоммуни- кациялар вазирлиги	Инфратизимла яратиш, шу жумладан, компьютер техникиси билан таъминлаш, давлат муассасаларидаги ички жараёнларни компьютерлаштириш, аҳоли, кўчмас мулк ҳисоби ва бошқ. давлат ахборот тизимларининг яратилиши
2. 1996- 2001 йиллар	Ахборотлаштириш соҳасида олдинга сижиш миллый режаси (NIPMR)	Бош вазир бошчилигидаги Ахборотлаштириш соҳасида олдинга сижиш кўмитаси, Ахборот ва коммуникациялар вазирлиги	1997 йилги иктисадий инкороз сабабли асосий эътибор Корея ахборот супермагистрали (KISH) лойиҳасига қаратилган
3. 2001- 2003 йиллар	Электрон ҳукумат яратиш режаси (e-Government Plan)	Президентнинг электрон ҳукумат бўйича маҳсус кўмитаси, PEGSC Вазирликлар: ахборот ва коммуникация, режалаштириш ва бюджет, давлат бошқаруви ва ички ишлар	Турли муассасалар ахборот тизимларининг марказлашуви ва бирлаштирилиши бошланди, молия, таълим, ижтимоий хизома, электрон рақамли имзо, давлат харидлари, уйда солиқка тортиш ва шу каби 11 та марказлаштирилган тизимлар яратилди
4. 2003- 2007 йиллар	Электрон ҳукумат яратиш режаси (e-Government Plan)	Президентнинг электрон ҳукумат бўйича маҳсус кўмитаси, PEGSC Вазирликлар: ахборот ва коммуникация, режалаштириш ва бюджет, давлат бошқаруви ва ички ишлар	Дунёдаги энг яхши электрон ҳукумат яратиш вазифаси кўйилди. 4 та ўйналиш (амалий қўллаш, аҳоли ва тадбиркорларга хизмат курсатиш, ахборотни бошқариш ҳамда қонунчилик) доирасида 10 та алоҳида жадвал бўйича 31 та лойиҳа амалга ошиди
5. 2008 йилдан буён	Электрон ҳукумат яратиш режаси (e-Government Plan)	Президентнинг электрон ҳукумат бўйича маҳсус кўмитаси, PEGSC Вазирликлар: ахборот ва коммуникация, режалаштириш ва бюджет, давлат бошқаруви ва ички ишлар	Жаҳондаги етакчи ўринни сақлаб қолиш, мобил курилмалар ҳамда рақамли телевидение тизимларидан фойдаланган холда хизмат курсатиш имкониятларини кенгайтириб боришга қаратилган чора-тадбирлар

олдиндан кўра билувчи ва хозиржавоб ҳукумат бўлиш;  
ахборот коммуникация технологияларини янги имкониятлар яратиш учун қўйлаш;

ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида инновациялар яратувчиси бўлиш.

**Кўрсатилган стратегик мақсадларга эришиш учун қабул қилинган "Ҳукумат ҳаракат режаси" доирасида олтита стратегик йўналиш ишлаб чиқилган:**

**1) билимларга асосланган ишчи муҳит яратилиши:** барча табақадаги давлат хизматчилари компьютер сведхонлари бўлишлари ҳамда иш жараёнлари, хизматларни етказиш ва жамоада ишпашни яхшилаш учун ахборот коммуникация технологиялари афзалликларини кўллашлари шарт;

**2) хизматларни электрон кўринишида етказиши:** техник жиҳатдан электрон кўринишида етказилиши ёки самарадорлиги ортиши учун электрон услублар кўлланилиши мумкин бўлган барча давлат хизматлари электрон кўринишига ўтказилиши шарт;

**3) технологик тажрибалар:** давлат органларининг тез ўзгарувчан техник шароитларга қисқа вақт ичida ўрганиш кўнимларни хосил бўлишига ҳамда самараисиз ёки нотўғри ечимларга катта инвестициялар киритиш эҳтимоллигигина камайтиришга ёрдам беради;

**4) оператив самарадорликнинг оширилиши:** ишлатилаётган компьютер техникаси замонавий бўлиши лозим;

**5) мослашувчан ҳамда мустаҳкам инфратузилма:** телекоммуникациялар, радиотехнологиялар ва ахборот технологияларининг ўзаро конвергенцияси (яқинлашиб, қоришиб кетиши) кам ҳаражатли тармоқ ҳукумати яратиш имкониятларини ошириди. Чуқур ўйланган, яхши тайёрланган, ишончли ва осон кенгайтириладиган инфратузилма электрон ҳукумат ташаббусларини кўллаб-қувватланишининг мажбурий шартидир;

**6) ахборот коммуникация технологиялари соҳасидаги таълим:** ахборот коммуникация технологиялари соҳасидаги таълим дастурлари нафақат компьютер тизимлари ва дастурларини ўрганиш, балки уларни бизнес жараёнлари самарадорлигини ошириш ҳамда давлат хизматларини тармоқ орқали етказиш усусларини ҳам ўз ичига олиши лозим.

Шу билан бирга, Сингапур электрон ҳукуматини ривожлантириш режаси давлат бошқарувининг барча қатламларида юқори даражадаги мувофиқлаштириши тақозо этади [61].

Осиё давлатларида шунингдек, электрон хизматлар учун масофадан туриб ҳақ тўлаш кенг ривожланган. Мисол учун, **Бахрейнда** дебет пластик карталари билан тўловларни амалга ошириш мумкин. Хавфсизлик даражаси янада юқорирорк бўлган тўлов усуслари ҳам мавжуд: **Япония** ва **Бирлашган Араб Амирликларида** давлатга мажбурий тўловларни пули олдиндан тўланадиган стретч-карталар ёрдамида амалга ошириш мумкин [59].

Хулоса қилиб айтганда, электрон ҳукумат яратишнинг **Осиё модели** электрон коммуникация имкониятларини ривожлантириш ҳамда ижтимоий соҳалар - таълим, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларини кенг ахборотлаштиришга асосланади. Осиё мамлакатларида ахборот

технологияларини ривожлантириш ҳисобига давлат аппаратини қисқартириш мақсади кўйилади. Ахборот технологиялари соҳасида миллий илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик фаолияти инфратузилмасини ривожлантириш, электрон тикорат равнаки учун қулай шарт-шароитлар яратишга катта эътибор берилади. Фуқароларни давлат хизматларидан фойдаланишга жалб қилиш учун оммавий жойларда маҳсус терминаллар ўрнатилади, давлат хизматлари кўрсатувчи порталлардан мобил алоқа қурилмалари ҳамда рақамли телевидение ёрдамида фойдаланиш имкониятлари яратилади. Шунингдек, тарқоқ холдаги турли давлат органларининг веб-сайтлари ягона ахборот маконига бирлаштирилади.

Мавзу якуннада давлат тузилмаси ва техник тайёргарлик даражаси Ўзбекистонга нисбатан яқин бўлган МДҲ мамлакатлари орасида БМТ электрон ҳукумат тайёrlиги индекси бўйича етакчи ўринни эгаллаганлигига қарамай бир қатор мураккаб муаммоларга дуч келаётган Россия Федерацияси тажрибасини кўриб чиқамиз.

Электрон ҳукумат яратишнинг Россия модели "Электрон Россия 2002-2010" федерал мақсадли дастури ҳамда 2011-2018 йилларга мўлжалланган "Ахборот жамияти" давлат режасида ёритилган.

Кўrsatilgan ҳужжатларни амалга ошириш доирасида уч хил йўналишда ишлар олиб борилмоқда:

хизмат кўrсatiшnинг кўlфункцияli марказлар тармоғини ташкил этиш (КФМлар тармоғи, 2008 йилда бошланган);

ўзаро идоралараро электрон ҳамкорлик тизими (ИЭХТ) орқали боғланган давлат ва муниципал хизматлар кўrсatiш ягона портални (ДХЯП, 2009 йил) ҳамда минтақалар ва муниципалитетлар порталлари тармоғи (ДХЯПлар тармоғи, 2009 йил);

очиқ ҳукумат (ОҲ) тизими (2011 йил). Очиқ давлат маълумотлари давлат ва маҳаллий бошқарув органлари веб-сайтларининг мажбурий қисмларидан бири этиб белгиланди. Очиқ ҳукумат тизимининг алоҳида қисмларидан (очиқ минтақа, очиқ вазирлик ва ҳок.) ДХЯП орқали эмас, балки бевосита Интернет тармоғи воситасида фойдаланиш мумкин. Бугунги кунга келиб давлатнинг барча очиқ маълумотларини ягона сайтда бирлаштириш ишлари бошланган.

2013 йилнинг октябр ойида жамоатчилик муҳокамасига "Давлат ва муниципал хизматларни электрон кўринишда тақдим этиш механизmlарини ривожлантириш концепцияси" тақдим этилди. Унда юқорида кўrsatilgan учта йўналишни бирлаштириш натижасида Россия Федерациясининг интеграллашган электрон ҳукуматини хосин қилиш фояси илгари сурилган. Глобал ривожланиш миқиёсида жаҳон ҳамжамияти эса "интеграллашган ҳукумат" эмас, балки "ақлли ҳукумат" (*smart government*) яратиш кераклигини таъкидламоқда (IBM компанияси сиёсий одоб нуқтаи назаридан тўғрироқ бўлган "ақллироқ ҳукумат" (*smarter government*) атамасини кўллади).

Gartner компаниясининг таърифига кўра ақлли ҳукумат технологиялари "барқарор аҳамиятга эга жамият қадриятларини яратиш мақсадларида давлат вазифаларини режалаштириш, раҳбарлик қилиш ва оператив бошқариш амалга оширилаётганда функционал бўлинмалар, жараёнларнинг миқиёси ва юридик майдонидан қатъий назар ахборот,

хизматлардан фойдаланувчилар ва ҳукуматнинг амалий технологияларини, интеграллаштиради".

Ушбу таъриф ҳамда кўпчилик эксперктарнинг фикрига кўра **ақлли ҳукуматни** амалга ошириш давлат ва **муниципал хизматларни** аниқ жисмоний ва юридик шахслар ҳамда аниқланмаган фойдаланувчилар даврасига тақдим этиш тизимлари асосида ижро ҳукуматининг барча вертикаллари ва горизонталлари бўйича эксперт, семантик ва операцион интеграллашувини таъминлаш орқали яратиш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугунги кунга келиб ўзбек ва рус тилларидаги **маҳсус адабиётларда** аниқ фуқаролар ёки уларнинг аниқ бўлмаган доирасига **вазирлик** ва идоралар томонидан **биргаликда хизмат кўрсатишининг ташкилий-услубий** ва **мельёрий-ҳукукий масалалари** деярли ёритилмаган. Бир вақтнинг ўзида **инглиз тилида** ишловчи эксперктар ҳамжамияти томонидан ўтаётган асрнинг бошларида ушбу мавзуда кўплаб изланишларни амалга ошириди. Улар доирасида "**бирлашган ҳукумат**" (*joint up government*), "**яхлит ҳукумат**" (*government as a whole*) ёки "**қизиқишлилар бўйича жамиятлар тўплами сифатидаги ҳукумат**" (*community of interests*) ларнинг турли жиҳатлари ўрганилган.

Шундай қилиб Россияда электрон ҳукумат яратиш хронологияси кўйидаги кўринишда шаклланди:

2008 йил - КФМлар тармоғи;

2009 йил - ДХЯП+ИЭХТ;

2011 йил - ОҲ;

2013 йил - интеграллашган ҳукумат (КФМ+ДХЯП+ИЭХТ);

2015 йилдан - ақлли ҳукумат.

Санаб ўтилган электрон ҳукумат турларини Россия электрон ҳукуматининг мос равища 1-, 2-, 3-, 4- ҳамда 5-авлодлари деб аташ мумкин.

2013 йил давомида ИЭХТ уч маротаба қайта кўриб чиқилган бўлишига қарамай Россия электрон ҳукумат инфратузилмасининг ривожланиши боши берк кўчага кириб қолди. Хизматларни электрон кўринишга ўтказишнинг кенг кўламли дастури бажарилмай қолди. Баъзи мутахассисларнинг фикрига кўра, фуқаролар ва аҳолига хизмат кўрсатиш доирасидаги **идоралараро ҳамкорлик модели** ҳамда **хизматларни электрон кўринишига ўтказишнинг илмий-амалий тамойиллари** амалда ишламийдиган бўлиб чиққанлиги бунга сабаб бўлди. Яъни, маъмурӣ иш тартибларининг вербал (оғзаки) тавсифларини амалга ошириш мумкин бўлган электрон жараёнларга ўтказишнинг **муфассал яхлит** (узилишларсиз) **технологияси** ҳануз яратилмаганини маълум бўлди [68].

Юқорида эсга олинган 2013 йилги "Давлат ва муниципал хизматларни электрон кўринишида тақдим этиш механизmlарини ривожлантириш концепцияси" доирасида ҳам мазкур боши берк кўчадан чиқиб кетишининг йўллари таклиф этилмаган. Унинг муаллифлари бугунги кунда федерал, минтақавий ва муниципал хокимият органлари томонидан кўрсатилаётган 34 хил электрон хизмат турлари билан чекланиб кўя қолишган.

Бундай ҳолатда давлат ва муниципал хизматларини идоралараро лойиҳалаштириш ва яратишнинг ташкилий тизими ҳамда хизматларни электрон кўринишга ўтказишнинг илмий асосларини тубдан қайта кўриб

чиқиш лозим. Бунда, идоралар ўзаро алмашаётган маълумотларнинг ягона моделини яратиш, ягона справочниклар тизимини шакллантириш, электрон хизмат кўрсатиш тартибларининг қонунчиллик ўзгарган холларда онлайн тарзда мослашувларини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шундай қилиб, давлат хизматларини электрон кўринишга ўтказиш учун давлат интерфаол хизматларини тайёрлаш ва кўрсатишнинг муфассал жараёнини амалга ошириш имкониятини берадиган яхлит тузилма ҳамда ахборот ҳамкорлигининг барча сатҳларида ишлайдиган ягона маълумотлар модели асосида яратилган ягона ахборот макони яратилиши лозим.

Бунинг учун қўйидаги вазифаларни бажариш керак:

хизматнинг ўзини таркибий жиҳатдан формал кўринишга келтириш ҳамда уни электрон кўринишга ўтказишнинг барча: ташкилий, меъёрий, ҳукуқий, технологик, техник ва бошқа жиҳатларини ўз ичига олган ягона комплекс услубини жорий этиш;

хизматларни электрон кўринишга тайёрлаш жараёнларида маълумотлар моделлари объектлари бийлан ишлаш, метамаълумотларни автоматик тахлил қилиш имкониятларини кўзда тутувчи дастурлаш тилларидан фойдаланадиган саноат технологияларидан фойдаланиш;

тўлақонли ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида катта сондаги қатнашувчиларнинг ягона семантик, меъёрий-ҳукуқий ва ташкилий-услубий маконда биргаликда жамоавий фаолият юритишларини таъминлаш.

## 20. Ўзбекистонда электрон хукумат яратиш

Республикамизда жамият ҳайтининг барча жабхаларини компьютерлаштириш ҳамда бошқарув жараёнларини амалга оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг кўллаш 20-асрнинг 70-йилларида ёш бошланган эди. Жумладан, ўша даврда Фанлар Академияси қошидаги Кибернетика илмий-текшириш институту томонидан РАСУ лойиҳасини (Республиканская автоматизированная система управления - Республика автоматлаштирилган бошқарув тизими) амалга ошириш бошланганлиги яхши маълум. Ушбу лойиҳага кўра барча давлат ташкилотларидағи автоматлаштирилган бошқарув тизимлари республика бўйича ягона тизимга уланиши керак эди.

РАСУ лойиҳаси 80-йиллардаги барча соҳаларни қамраб олган турғунлик даврида эътибордан четга қолганлиги сабабли охирига етказилмай қолган бўлсада, деярли барча Республика миқёсидаги идораларда маҳсус АСУ бўлинмалари (автоматизированная система управления - автоматлаштирилган бошқарув тизимлари) тузиленгандиги, ўша даврдаги етакчи олий ўқув юртларида (ТошДУ, ТошПИ, ТХХИ ва бошқалар) тегишли мутахассислар тайёрлаш бошланганлиги мамлакатимизда кибернетика, дастурлаш, бошқарув тизимларини лойиҳалаштириш йўналишлари ҳамда умуман ахборотлаштириш соҳасининг ривожи учун сезиларни хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси истиқололга эришган кундан бошлаб дунёвий ҳуқуқий давлат қуришга киришилганлиги жамият ҳайтининг барча соҳалари каби ахборотлаштириш соҳасида ҳам қонуний ҳуқуқий асослар яратилишига имкон яратди. Бунинг натижасида 1993 йилнинг 7 май санасида “Ахборотлаштириш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди [48].

Рисоламизнинг 15-мавзуси доирасида таъкидланганидек, мазкур қонун олти боб, ўттиз битта моддадан иборат бўлиб, ўтган асрнинг охириги ўн йиллигига мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасида олиб борилган ишлар учун ҳуқуқий асос вазифасини ўтади. Унда, асосан давлат ташкилот ва муассасалардаги жараёнларни ички ахборот тизимлари ёрдамида ахборотлаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган эди.

Қонун кучга кирган ва амал қилган ўтган асрнинг 90-йилларида ахборотлаштириш соҳасидаги давлат ташкилот ва муассасалари маблағлари ҳисобига яратиладиган барча ахборотлаштириш лойиҳаларини давлат экспертизасидан ўтказиш тизими шакллантирилди, ўша даврдаги давлат фан-техника кўмитаси таркибида “Ахборотлаштириш бош бошқармаси” ташкил этилди. Айнан ушбу бошқарма саъи ҳаракатлари натижасида мамлакатимизда, айниқса банк-молия соҳасида ахборотлаштириш жараёнлари жадаллик билан ривожланди. Жумладан, банклараро электрон тўловлар тизими, молия вазирлигининг давлат ҳамда маҳаллий бюджетларга тушумларни ва ҳаражатларини назорат қилувчи компьютерлаштирилган тизими, давлат солиқ идораларининг ички ахборот тизимлари яратилди.

Аммо, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ахборотлаштириш жараёнлари жамият ҳаётининг барча соҳаларини бирдек қамраб олмади. Шунингдек, XX ва XXI асрнинг чегараларида ахборот технологиялари, шу жумладан Интернет, уяли алоқа ҳамда маълумот узатиш технологияларининг ва бевосита ҳисоблаш техникасининг жуда тез суръатларда ривожлана бошлади. Натижада барча давлат ташкилот ва муассасаларида компьютер тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш массалаларини янги босқичга олиб чиқиши вазифаси давр талаби сифатида шаклланди.

Ушбу замон талабига жавобан 2002 йилнинг 30 майида УП-3080 сонли "Компьютерлаштириши янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига имзо чекилди [69].

Мазкур фармонга мувофиқ ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш, иктисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникиси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун куляй шарт-шароитларни яратиш мақсадида компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишининг биринчи галдаги энг муҳим вазифалари белгиланиши билан бирга бир қатор тузилмавий ўзаришлар ҳам амалга оширилди:

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилди ва унинг вазифалари белгиланди;

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги асосида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташкил этилди ҳамда унинг асосий вазифалари аниқланди;

Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-куватлаш бюджетдан ташқари жамғармаси Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси сифатида қайта ташкил этилди ҳамда унга маълумот узатиш тармоқлари ва ахборот технологияларини ривожлантириш соҳасидаги устувор лойиҳалари ва илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлаш вазифаси юкланди;

Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилди;

Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази - "Узинфоком" ташкил этилди.

Қайд этилган институционал ўзаришлар 2002-2012 йиллар давомида мамлакатимизда умуман ахборотлаштириш соҳасининг ривожланишида, шу жумладан, электрон ҳукумат тизимининг шакллантирилишида муҳим ўрин эгаллади.

Айнан Мувофиқлаштирувчи кенгаш раҳбарлиги остида алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари томонидан "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон

Республикаси қонунининг янги таҳрири ҳамда рисоламизнинг 16- ва 17- мавзулари доирасида кўриб чиқилган бошқа хужоатларнинг лойиҳалари тайёрланди ва ўрнатилган тартибда қабул қилинди.

Фармон ижроси доирасида қабул қилинган бир қатор давлат раҳбари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши натижасида:

**давлат ахборот ресурслари ва давлат органлари ахборот тизимлари реестрлари яратилди, 150 дан ортиқ давлат ахборот ресурси ҳамда 140 дан ортиқ давлат ахборот тизими уларда рўйхатдан ўтказилди;**

100 дан ортиқ давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтлари ишга тушибди, улар орқали мамлакат аҳолиси ва тадбиркорлик субъектлари билан “сўров-жавоб” шаклидаги мулоқот ва 600 дан ортиқ интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш йўлга кўйилди;

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Интернет тармоғидаги расмий портала - [www.gov.uz](http://www.gov.uz) яратилди ва унинг фаолияти давр талабларига мос равишда ва замонавий ахборот технологияларининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланган холда ташкил этилишига доимий эътибор берилмоқда;

Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғи - ZiyaNet яратилди, мамлакатимиз аҳолисига ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини кўрсатиш тизими замонавий ахборот-коммуникацион технологиялари асосида тубдан қайта ташкил этилди;

республикамиз ахборот маконидаги компьютер инцедент (нохуш ҳодиса) ларда ишга киришувчи ўзига хос “тез ёрдам” жамоаси - UzCert яратилди, мамлакатимиз мутахассислари томонидан яратилган ахборот ва маълумотларни ҳимоя қилиш, айниқса криптографик усууллар асосида яратиладиган ишончли воситалар, шу жумладан ЭРИ воситалари ривожлантирилишига эътибор қаратилди.

**2012 йилга келиб, амалга оширилган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, ватанимизда рисоламизнинг 19-мавзуси доирасида кўриб чиқилган электрон ҳукумат яратишнинг тўртта босқичидан биринчи ва иккинчиси узил-кесил босиб ўтилганлигини таъкидлаш мумкин.**

Ушбу жараённинг учинчи ва тўртинчи босқичларига ўтиш учун мамлакатимиз ахборотлаштириш тизимини институционал жиҳатдан тубдан қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилди.

2012-2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилиниши натижасида мамлакатимизда бугунги кунда фаолият юритаётган ҳамда рисоланинг 14-мавзуси доирасида батафсил таҳлил қилинган давлат ахборотлаштириш тизими шакллантирилди. Жумладан:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги асосида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникацион технологиялари давлат қўмитаси, унинг қошида эса “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказлари ташкил этилди;

“ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида давлат буюртмаси” тушунчаси киритилди ва уни шакллантириш тартиби қабул қилинди;

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Интернет тармоғидаги расмий портали ҳамда давлат ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини баҳолаш тизими такомиллаштирилди;

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонунини яратиш устида ишлар бошлаб юборилди ва ҳок.

Шу ўринда учинчи ҳамда тўртинчи босқич электрон ҳукумат тизимларини яратишнинг замонавий жаҳон тажрибасидан келиб чиқсан ҳамда республикамизда амалда тарихий шаклланган шарт-шароитларни ҳисобга олган холда электрон ҳукумат тизимини бир нечта функционал қисмлар йигиндиси сифатида шакллантириш (15-расм) мақсадга мувофиқлигини тъқидлаш мумкин.

Ҳар бир функционал тизимнинг батафсил кўриб чиқамиз:

1) ягона идентификация тизими - электрон ҳукумат тизимининг барча фойдаланувчилари ҳам хизматлар буюртмачилари бўлган аҳоли ва

1. Ягона идентификация тизими
2. Электрон мурожаатларни ва хизматларга буюртмаларни қабул килиш ва ҳисобини юритиш тизими
3. Электрон мурожаатларга жавоб тайёрлаш ва хизматларни бажариш тизими
4. Марказлаштирилган маълумотлар базалари тизими
5. Ягона справочниклар тизими
6. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими
7. Ҳимояланган идоралараро маълумот алмашиш тизими
8. Юқори давлат идораларини ахборот билан таъминлаш тизими
15-расм. Электрон ҳукумат тизимининг функционал тузилмаси

тадбиркорлар, ҳам хизматларни бажарувчилар бўлган давлат хизматчиликарининг шахсини аниқ тасдиқлаш имкониятини яратиши лозим. Шунга мос равища буюртмачилар тўғрисидаги қонун билан рухсат этилган бошқа маълумотларини олиш имконияти ҳам бўлиши керак. Бундай тизимда албатта ЭРИ воситаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. “Электрон рақамли имзо тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида кўзда тутилган икки погонали давлат ЭРИ тизими тўлиқ шаклда ишга туширилиши турли ЭРИ қалитларини рўйхатта олиш марказлари хизматларидан фойдаланувчилар учун ўзаро маълумот алмашиш имконини яратади;

2) электрон мурожаатларни ва хизматларга буюртмаларни қабул килиш ва ҳисобини юритиш тизими - мамлакатимиз фуқаролари ва тадбиркорларининг электрон шаклдаги мурожаатлари ва интерфаол хизматларга буюртмалари Интернет тармоғидаги икки манзилга юборилиши мумкин: бевосита давлат мусассасининг интернет сайтига ёки ҳукумат порталига. Аммо турли тушунмовчиликлар ҳамда ҳисоботлардаги фракланишларнинг олдини олиш мақсадида ҳар икки усуlda амалга оширилаётган мурожаатларнинг ягона умумлаштирилган ҳисоби юритилиши лозим ва бу вазифани ҳукумат портали доирасида марказлаштирилган тартибда ечиш энг қулай ва самарали йўлдир. Бунда ҳукумат порталига келиб тушган электрон хабарлар рўйхатдан ўтказилгандан сўнг тегишли давлат органи ахборот тизимига жавоб

тайёрлаш учун юборилади. Давлат ташкилотининг интернет сайтига келиб . тушган хабарлар эса қайта ишлашга қабул қилинганилиги тўғрисидаги маълумотнома мурожаатчига юборилаётган пайтда ҳукумат порталига ҳам тегишли маълумотни юбориши лозим бўлади. Шундай қилиб барча давлат муассасаларига келиб тушаётган электрон хабарларнинг ҳисоби марказлашган тарзда юритилади. Мурожаатларга жавобан тайёрланган ҳамда интерфаол хизматларнинг бажарилганилиги тўғрисидаги электрон хабарлар мурожаатчига юборилиши билан бир қаторда уларни ҳисобини юритиш тизимида ҳам тегишли рўйхатдан ўтказилиши билан интерфаол хизматларнинг бажарилиш жараёнлари ҳукумат портали билан ишловчи ёки унинг фаолиятини таъминловчи мутахассислар томонидан тўлиқ назоратга олинади;

3) электрон мурожаатларга жавоб тайёрлаш ва хизматларни бажариш тизими - ҳар қандай электрон ҳукумат ўзининг асосий вазифаси – аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизматларни замонавий аҳборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этишини максимал даражага олиб чиқищдан иборат. Яъни, ўз-ўзидан кўриниб турганидек, кўриб чиқилаётган функционал тизим - умуман электрон ҳукумат тизимининг сифатини ва етуклилк даражасини кўрсатиб туради. Унинг ҳам электрон мурожаатларни ва хизматларга буюртмашларни қабул қилиш ва ҳисобини юритиш тизими каби икки қисмдан иборат бўлиши иктиносидӣ, ташкилий, хавфсизлик ва бошқа жиҳатлардан мақсадга мувофиқидир: кўплаб давлат муассасаларида қайтариладиган вазифаларни (масалан хизматлар учун тўлов қабул қилиш ва бошқалар) бажарўвчи марказлаштирилган яхлит қисм ҳамда ҳар бир давлат муассасасининг иш жараёнига боғлиқ бўлган ўзига хос қирраларини амалга оширувчи ҳусусий қисм. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай давлат муассасасининг электрон ҳукумат тизими доирасида фаолият юритиши мўлжалланган аҳборот тизими лойиҳалаштирилаётганда фақатгина ушбу давлат органи тартибга солиши белгиланган соҳагагина боғлиқ вазифаларни аҳборот-коммуникация технологиялари асосида бажариш мақсадларига хизмат кўрсатадиган қисми мазкур давлат ташкилотининг ўзида яратилиши, қолган вазифалар эса яхлит электрон ҳукумат тизими доирасида марказлаштирилган ҳолда ягона ечимга эга бўлиши лозим;

4) марказлаштирилган маълумотлар базалари тизими - бундан аввалинда хат бошида кўриб чиқилган бир марта яратилиши ва барча зарурӣ холларда ишлатилиши мумкин бўлган марказлаштирилган вазифаларни амалга ошириш қисми каби марказлаштирилган маълумотлар базалари қисми ҳам кўплаб давлат муассасалари фаолиятида зарур бўлган маълумотларни битта жойга жамлаш орқали уларнинг ўзаро мослигини таъминлаш ҳамда иктиносидӣ самара олиш имконини беради. Айнан қандай маълумотлар базалари марказлаштирилган бўлиши кераклигини электрон ҳукумат тизимининг яратилиши учун жавобгар давлат органи барча бошқа давлат органлари фаолиятини таҳлил қилиш орқали аниқлаши лозим. Халқаро тажрибадан келиб чиқадиган бўлсак марказлаштирилган маълумотлар базалари қаторига, кўп холларда, куйидаги базалар киритилишини кўришимиз мумкин:

**жисмоний шахслар базаси**, яъни мамлакат фуқаролари билан бир қаторда чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги йўқ шахслар тўғрисидаги маълумотларни жамлаш учун яратилади (Давлат персоналлаштириш маркази, аддия, ички ҳамда ташқи ишлар ва соглиқни сақлаш вазирликлари томонидан биргаликда яратилиши лозим);

**юридик шахслар базаси**, барча турдаги тадбиркорлик субъектлари билан бир қаторда, нотижорат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритувчи чет эл муассасалари ва корхоналарининг ваколатхоналари ва ҳоҳ (Давлат статистика қўмитаси);

**қонунчилик маълумотлари базаси**, шу жумладан барча ташкилот ва муассасалар учун мажбурий бўлган қонун ости меъёрий хужжатлар базаси (аддия вазирлиги);

**географик маълумотлар базаси ёки электрон харита** ("Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси) ва бошқалар.

**5) ягона справочниклар тизими** - марказлаштирилган маълумотлар базаларидан фарқида равишда электрон ҳукумат тизими яратилиши учун жавобгар бўлган давлат бошқарув органи томонидан шакллантирилиши лозим. Маълумот алмушинувининг ягона тартиби (регламенти) ва шакллари (форматлари) асосида давлат бошқарув тизимида кўлланиладиган спрэвочник ва классификаторлар рўйхатини ҳамда уларнинг ўзини ўз таркибига олиши лозим;

**6) ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими** - электрон ҳукумат тизими доирасидаги барча маълумотларнинг ҳамда тизимнинг ўзини ички ва ташқи хуружлардан ҳимоясини таъминлаши лозим. Бунда тизим доирасида ягона ва марказлаштирилган ахборот хавфсизлиги сиёсатининг юритилиши иқтисодий, ташкилий ва бошқа жиҳатлардан сезиларли самарага эришиш имконини беради;

**7) ҳимояланган идоралараро маълумот алмашиб тизими** - электрон ҳукумат доирасида иштирок этувчи барча ахборот тизимларини ҳамда ахборотлаштириш объектларини боғлаб турувчи яхлит ҳимояланган телекоммуникацион инфратузилма ва идоралараро маълумот алмашибнинг ягона стандартлари кўлланилишини тақозо этади;

**8) юқори давлат идораларини ахборот билан таъминлаш тизими** - жамият ҳаётининг барча жабхалари ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги реал ҳолат тўғрисидаги актуал маълумотларни юқори давлат идораларига етказиб бериш мақсадида яратилади. Яъни барча давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари ягона ахборот маконида фаолият юритиши бошлагач, улардаги аҳвол тўғрисида автоматик равишда ҳисботлар шакллантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш имкониятлари яратилади.

Юқорида кўриб чиқилган электрон ҳукумат тизимининг функционал қисмларига кўйиладиган талаблар биринчилардан бўлиб шакллантирилиши ҳамда уларнинг барча талабларга жавоб берадиган тарзда ишлиши электрон ҳукумат тизими шакллантирилишининг барча босқичларида қатъий назорат остига олиниши лозим.

Мазкур мавзу сўнгидаги 6-боб доирасида келтирилган маълумотларни умумлаштирган холда мамлакатимизда электрон ҳукумат тизимини яратиш ва умуман ахборотлаштириш жараёнлари кенг кўламда

**Бивожланишининг сифатини оширишга, чет давлатларда йўл қўйилган хатоларни четлаб ўтишга хизмат қилиши мумкин бўлган бир қатор тавсияларни ифодалашга жазм қилдик.**

**Биринчидан**, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан мамлакат ахолиси ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган барча **хизматларни тўлиқ инвентаризациядан ўtkазиш**, уларни куйидаги кўрсаткичлар йўналишларида чукур ва батафсил тахлил қилиш лозим:

хизматларга фойдаланувчилар томонидан бўладиган талабнинг катталиги бўйича;

хизматларни компьютерлаштиришнинг имкониятлари даражалари бўйича;

хизматларни компьютерлаштириш асосида олиниши мумкин бўлган самаранинг катталиги бўйича;

хизматларнинг турли давлат муассасаларида такрорланиши даражаси бўйича;

хизматларни ташкил этувчи алоҳида функционал вазифаларнинг турли ташкилотларда ҳамда турли хизматлар доирасида қайтарилишлари сони бўйича;

хизматларнинг бажарипиши муддатлари, иштирок этувчи бўлинмалар ҳамда ходимлар сони ва бошқа тахлилий кўрсаткичлар бўйича.

**Иккинчидан**, тахлил натижалари асосида барча давлат хизматлари ва уларни ташкил этувчи функционал вазифаларни электрон кўринишга ўтказилиш имкониятларига қараб уч гурухга ажратиш лозим:

кўплаб давлат муассасаларида қайтариладиган ҳамда марказлаштирилган тартибда электрон шаклга ўтказиладиган хизматлар ва вазифалар;

давлат муассасалари учун специфик бўлган ва уларнинг ўзлари томонидан электрон шаклга ўтказиладиган хизматлар ва вазифалар;

электрон шаклга ўтказиб бўлмайдиган хизматлар ва вазифалар.

Бунда: **биринчи гурухни максимал даражада кенгайтириш ҳисобига иккинчи ва учинчи гурухларга киритиладиган хизмат ва вазифалар сонини имкони борича минималлаштириш лозим;**

марказлаштирилган тартибда электрон шаклга ўтказиладиган хизматлар ва вазифаларни компьютерлаштириш кетма-кетлиги ишлаб чиқилиши керак.

Шунингдек, мазкур вазифа доирасида, **марказлаштирилган маълумотлар базалари ҳамда справочниклар тизимлари** режалаштириши мақсадга мувофиқ.

**Учинчидан**, тахлил натижалари асосида илғор замонавий чет эл тажрибасидан келиб чиқкан холда давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини ахборотлаштириш билан шугулланётган маҳсус бўлинмалар ва ташкилотлар учун мажбурий бўлган бир қатор долзарб услубий, бошқарув ва йўриқнома хужожатлари ишлаб чиқилиши зарур. Биринчи навбатдаги бундай долзарб хужожатлар жумласига қўйидагиларни киритиш мумкин:

марказлаштирилган тартибда электрон шаклга ўтказиладиган хизматлар ва вазифаларни компьютерлаштириш кетма-кетлиги билан

**мувофиқлаштирилган давлат ташкилоти томонидан специфик хизмат ва вазифаларни электрон шаклга ўтказиш кетма-кетлиги;**

**давлат муассасаси томонидан ўзининг специфик хизматлари ва вазифаларини электрон шаклга ўтказиш бўйича бир неча мукобил услубларни, шу жумладан, давлат муассасасида специфик хизматлар ва вазифаларни электрон шаклга ўтказишга тайёргарлик кўришнинг наъмунавий режасини ўзида жамлаган ягона йўриқнома;**

**давлат ташкилоти томонидан бажариладиган специфик хизмат ва вазифаларни компьютерлаштиришга бўлган марказлаштирилган тартибда электрон шаклга ўтказиладиган хизмат ва вазифалар билан мувофиқлигини тъзмилаш бўйича талаблар.**

**Санаб ўтилган меъёрий хужожатларга амал қилиш бутун электрон ҳукумат тизимининг мўътадил ишлари учун аҳамияти жуда катта эканлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг талабларининг бажарилиши давлат томонидан албатта қатъий назоратга олиниши керак. Бу вазифаларнинг бажарилишида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникацион технологиялар давлат қўмитаси тизимиға кирувчи ҳамда тегишли ваколатларга эга бўлган Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникацион технологиялар соҳасидаги давлат назорати инспекцияси фаол иштирок этиши лозим. Кўшимча равища, кўрсатилган хужожатлар талабларига риоя қилмаганлик учун интизомий ва хатто маъмурий жавобгарлик чораларини кўриш масаласини ҳам жамоатчилик муҳокамасига кўйиш ижобий натижаларга олиб келишини кутиш мумкин.**

**Тўртингчидан, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўрсатилаётган хизмат таҳлили билан бир пайтнинг ўзида электрон ҳукумат тизимининг яхлит архитектураси ишлаб чиқилиши ҳамда ваколатлари имкони борича юқори даражада тасдиқланishi лозим.** Чунки тизим яратилиш даврида унинг архитектурасига сезиларли ўзгартиришларнинг киритилиши ўша вақттacha бажарилган барча ишларни қайтадан кўриб чиқиш ва қайтадан бажаришга мажбур қилиши мумкин, бу эса кўшимча молиявий, техник ва ташкилий ресурсларни сафарбар қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тизимнинг яхлит архитектураси тасдиқланганидан сўнг кичик элементларни қайта кўриб чиқиш имконияти сақланган ҳолда, принципиал ўзгартиришларга йўл кўйилмаслиги керак.

**Архитектуранинг ўзи ишлаб чиқилаётган даврда эса, албатта илғор замонавий чет эл, жумладан Жанубий Корея ҳамда Сингапур каби давлатлар, тажрибаси чукур таҳлил қилиниши, уларнинг имкони борича кўпроқ ижобий томонлари ўзлаштирилиши лозим. Шу билан бир қаторда мамлакатимизда шаклланиб улгурган баъзи соҳаларни ахборотлаштириш тизимларидан максимал даражада самарали фойдаланиш имкониятлари эътибордан четда қолмаслиги лозим. Яъни республикамизнинг банк, молия, солиқ, телекоммуникацион тармоқлар ва бошқа илғор соҳаларда яратилган инфратузилма, ахборот тизимлари ва ресурсларидан, тўплланган бой тажрибадан бошқа соҳаларда кенг фойдаланиш имкониятларини яратиш лозим.**

**Бешинчидан, электрон ҳукумат доирасида лойиҳалаштирилаётган ахборот тизимларининг техник хужожатлари давлат экспертизасидан**

ўтказилаётганда амалдаги ва яратиладиган йўриқномалар талаблари бажарилишига, айниқса тизимларнинг модулллилк тамойилига жавоб беришларига алоҳида эътибор бериш лозим. Бунда, электрон шаклга ўтказилаётган хизматларни ташкил этувчи ҳар бир функционал вазифа алоҳида модуллар шаклида лойиҳалаштирилиши лозим. Барча ахборот тизимлари доирасида компьютерлаштирилган модуллар рўйхатлари ва уларнинг техник ҳамда технологик ечимлари жамланишидан давлат органлари вазифаларининг электрон банки ҳосил бўлади. Мазкур банкда тўплланган маълумот, дастурий ва техник ишланмалар янгидан-янги ахборот тизимлари яратилишида, навбатдаги хизматлар электрон шаклга ўтказилишида тайёр ечимлар вазифасини ўтайди. Электрон ҳукумат доирасидаги навбатдаги тизимлар пойиҳалаштирилаётганда биринчи навбатда электрон банкда жамланган модулларга асосланиш барча жиҳатлар нуқтаи назаридан тежамкорлик ва самарадорликни таъминлайди.

Шунингдек электрон ҳукумат тизими доирасидаги лойиҳалар амалга оширилаётганда шу соҳада фаолият юритаётган маҳаллий компаниялар хизматларидан фойдаланишига ҳаракат қилиш лозим. Бу эса, ўз навбатида, миллий интеллектуал ҳамда ишлаб чиқариш салоҳиятининг ортишига, юқори савибли маҳаллий мутахассис кадрларнинг етишиб чиқишига ва охир-окибат ахборотлаштириш соҳасининг мамлакатимизда янада ривожланишига замин яратади.

Олтинчидан, электрон ҳукумат тизимини яратиш жараёнларида қабул қилинаётган қарорлар, амалга оширилаётган ишлар ҳамда айниқса ишлаб чиқилаёттан меъёрий-норматив хужжатларнинг юқори сифатини, мукаммаллигини, ҳаётйлигини таъминлашда ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган ҳам назариётчи, ҳам амалиётчи мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари хал қилювчи ўрин тутади. Шунинг учун уларнинг жамоатчилик ёки расмий асосдаги касбий ҳамжамиятларини шакллантириш мухимdir. Бундай ҳамжамиятлар турли даражаларда фаолият юритувчи мутахассис-ходимлар учун турли мақсадларни кўзлаган ҳолда яратилиши мумкин:

мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасида энг юқори (Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ёки Мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси) даражада қабул қилинадиган хужжатларнинг бошлангич экспертизасини амалга оширувчи ҳамда вазирлик ва идоралардаги ахборотлаштириш соҳасидаги биринчи шахслардан ташкил топган Мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси қошидаги Техник кўмита;

давлат муассасаларида электрон ҳукумат тизимида кирувчи ахборот тизимларини бевосита яратиш билан шуғулланувчи мутахассислар ўзларининг умумий муаммолари тўғрисида фикр алмаша оладиган, уларни хал қилишининг самарали йўлларини ишлаб чиқишилари мумкин бўлган АТ-бошқарувчилар клуби (*IT-managers club*);

электрон ҳукумат яратиш жараёнларининг республика аҳолисининг умид кутишларига нечоғлик жавоб берадиганлигини ўрганиб бориш мақсадида яратиладиган фаол жамоатчилик вакиллари ҳамда ушбу соҳага ихтисослашган журналистларни бирлаштирадиган Е-фойдаланувчилар клуби (*e-Users club*) ва бошқалар.

# **Иловалар**

## **1-илова. Ҳисоблаш техникаси ривожланишининг XX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган солномаси**

эр.ав. 3000 йил - Қадимги Вавилонда биринчи **абак** ясалган.

эр.ав. 500 йил - Хитойда абакнинг "замонавий" кўриниши - **суанъпань** пайдо булди. У қамишга терилиган тошчалардан иборат булган.

эр.ав. 87 йил - Грецияда "**Антикитер механизми**" яратилди - у тишчали узатиш механизми асосидаги қурилма булиб, астрономик ҳисобкитобларда ишлатилган.

1492 йил - Леонардо да Винчи ўзининг кундаликларидан бирида ўн тишши халқалардан иборат 13 хонали **қўшувчи мосламанинг** чизмасини келтиради. Факатина XX асрга келиб да Винчининг чизмаларига асосан ишлайдиган мослама қурилиб, Леонардо да Винчи фикрлари ва лойиҳаларининг тўғри эканлиги тасдиқланди.

1623 йил - Тюбинген университетининг профессори Вильгельм Шиккард тишчали ғилдираклар асосида **олти хонали ўнлик сонларни кўшиш ёки айириш** учун ишлатилиши мумкин бўлган қурилмани яратди. Бу қурилма кашфиётчининг ҳётлигига амалга оширилган оширилмаганлиги ханузгача маълум эмас, лекин 1960 йилда мослама қайта тикланган ва ўзининг ишга яроқлилигини кўрсаттган.

1630 йил - Ричард Деламейн **логарифмик чизгични** яратди.

1642 йил - Блез Паскаль ўзининг "**Паскалина**"сини тақдим этди. У дунёда биринчи бўлиб ясалган рақамли механик ҳисобловчи мослама сифатида машхурлика эришиди. Бу қурилма беш хонали ўнлик сонларни кўшиб ёки айириб ҳисоблай олар эди. Паскаль бундай ҳисоблагичлардан ўндан ортиғини яратди, уларнинг оҳиргилари сакиз хонали ўнлик сонлар билан ишлай олар эди.

		38-модда. Кимматли қоғозлар бозорида ахборотни ошкор қилиш тұғрисидеги умумий қоидалар  Кимматли қоғозлар бозорида ахборот очық ва ошкорадир, қонунда белгиланған ҳолларда ошкор қилинадиган маҳфий ахборот бундан мұстасно.  <b>45-модда. Кимматли қоғозлар бозорида ахбороттинг маҳфийлигі</b>  Кимматли қоғозлар бозори профессионал иштирекиларининг мінезділіктері, улар ҳисобварақтарининг қолаты ва ўтказылған операциялар тұғрисидеги маълумотлар, шунингдек кимматли қоғозларға доир бітімларнинг мазмұны (кимматли қоғозларнан номи, сони, бағосы, битім түзілген сана, вакт, биржә саудосы ўтказылған ҳолларда еса сауда иштірек эттан шахслар хам бундан мұстасно) маҳфий ахборот бўлади. Маҳфий ахборотга ега шахслар бу ахборотдан бітімлар тузиш учун фойдаланыш, шунингдек уні бітімлар тузиш учун бошқа шахсларга берішга ҳәқіт змас. Маҳфий ахборотдан фойдаланыш имкониятiga эга бўлған шахслар бундай ахборотты ошкор этгандык учун белгиланған тартибда жавобгар бўладилар. <b>46-модда. Кимматли қоғозлар бозорида маҳфий ахборотни ошкор қилиш</b>  Маҳфий ахборотты ошкор қилиш қонунда назарда тутилған ҳолларда ва тартибида амалға оширилади. Мінезділіктерінде ҳисобварақтары бўйича маълумотномалар уларнинг ўзларига ёки вакилларига, ваколатларига - тааллукли масалалар юзақидан монополияға қарши давлат органды, давлат солиқ хизмети органларига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд, қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини мөддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментига, судларга, кўзатилған жиноят иши бўлған тақдирда еса терғов ва суриштирув органларига берилади. Мінезділіктерінинг мазмұны ҳақидаги ахборот судларга тақдим этилади, терғов ва суриштирув органларига еса кўзатилған жиноят иши бўлған тақдирда тақдим этилади. Маҳфий ахборот кимматли қоғозлар бозорини тартибида солиши бўйича ваколатли давлат органды үз кимматли қоғозлар бозори тұғрисидеги қонун ҳуҗкатларини бузилғанлиги фактларини кўриб чиқаётган ҳолларда ошкор

		килинади. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиц. билан болгик маҳфий ахборот қонун хуҗоатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда маҳсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.
13	"Масъулияти чекланган ҳамда күшимча масъулиятили жамиятлар тўғрисида" 06.12.2001 й.	9-модда. Жамият иштирокчиларининг мажбуриятлари Жамият иштирокчилари:  жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қўлмасликлари шарт.
14	"Хўжалик ширкатлари тўғрисида" 06.12. 2001 й.	7-модда. Хўжалик ширкати иштирокчиларининг мажбуриятлари Хўжалик ширкатининг иштирокчилари:  хўжалик ширкатининг фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қўлмасликлари шарт.
15	"Махсулот таҳсимотига оид битимлар тўғрисида" 07.12.2001 й.	17-модда. Мол-мулк ва ахборотга бўлган мулк ҳукуки  Барча бошлангич геологик, геофизик, геокимёвий, экологик ва бошқа ахборот, уни талқин этиш натижаларни ва ҳосила маълумотлар, шунингдек битим бўйича ишларни бажариш жараёнидা инвестор томонидан олинган тоб жинслари ва рудаларнинг намуналари, шу жумладан керн, катлам суюкликлари давлат мулкни ҳисобланади. Инвестор битимда назарда тутилган маҳфийлик шартларига риоя этган ҳолда, ушбу мoddанинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ахборот, маълумотлар ва намуналардан битим бўйича ишларни бажариш мақсадида текин фойдаланиш ҳукумiga эга. Ахборот, маълумотлар ва намуналардан фойдаланиш тартиби, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби қонун хуҷоатларига мувофиқ битимда белгилаб қўйилади.
16	"Сугурта тўғрисида" 05.04.2002й.	Фаолияти 25-модда. Ахборот олиш ҳукуки Ҳукукни муҳофаза қўлувчи органлар, судлар, тибиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар сугурталовчиларнинг ва аджастерларнинг сўровига кўра сугурта ходисаларининг рўй бериси сабаблари ҳамда ҳолатларини, шунингдек сугурта товони (сугурта пул) мидорларини сугурталовчи ва аджастер томонидан аниқлаша учун зарур бўлган тегиши ахборот ва хуҷоатларни тақдим этиши шарт. Махсус ваколатли давлат органи сугурта бозорининг профессионал иштирокчиларидан қабул қилинган пул маблаглари ва мажбуриятларининг мидорлари ҳақидаги ахборотни, шунингдек бошқа ахборотни ўз ваколати доирасида талаб қилиб олишга ҳақим. Бундай ахборотни талаб қилиб олиш ёзма равишда, сўров сабаблари кўрсатилган ҳолда емалга оширилмоги лозим. Махсус ваколатли давлат органи ўзи олган ахборотнинг сир тутилишига риоя этиши шарт, ахборотнинг ошкор қўлинини конунда рухсат этилган ҳоллар бундан мустасно.
17	"Давлат тўғрисида" 12.12.2002 й.	статистикаси 7-модда. Давлат статистикаси органларининг мажбуриятлари Давлат статистикаси органлари:  яқса тартибдаги статистика маълумотларининг маҳфилигини, давлат сирлари ва юридик шахсларнинг

		тижорат сирларига риоя этилишини, жисмоний шахслар тўгрисидаги маълумотларнинг эгаси мавхумлаштиришини таъминлаши;
18	"Ер ости бойликлари тўгрисида" (Янги таҳрири) 13.12.2002 й.	<p><b>46-модда. Ер қаъри тўгрисидаги геологик ва бошқа ахборот</b></p> <p>Давлат бюджети маблаглари, шунингдек ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ўз маблаглари ҳисобига олинган ер қазъи тўгрисидаги геология ва бошқа ахборот Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига ҳисобга олиш, сақлаш ҳамда бир тизимга солиш учун белгиланганд шакда мажбурий тартибида ва бепул топширилади. Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тушаётган ахборотнинг махфийлигини таъминлаши шарт.</p>
19	"Банкротлик тўгрисида" (Янги таҳрири) 24.04.2003 й.	<p><b>126-модда. Тугатишга доир иш юритишини бошлаш оқибатлари</b></p> <p>Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишини бошлаш тўгрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан:</p> <p>қарздорнинг молиявий аҳволи тўгрисидаги маълумотлар махфий тоғфага (шу жумладан тижорат сирига) мансублигини йўқотади;</p>
20	"Банк сири тўгрисида" 30.08.2003 й.	<p><b>3-модда. Банк сири</b></p> <p>Банк сири банк томонидан муҳофаза қилинадиган кўйидаги маълумотлардан иборатdir:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>ўз мизозларининг (вакилларининг) операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотлар;</li> <li>банк ўз мизозига (вакилига) банк хизматлари кўрсатиши муносабати билан мазкур мизоз (вакил) тўгрисида олган маълумотлар;</li> <li>мизознинг (вакилнинг) банк сейфлари ва биноларида сақлаб турилган мол-мулки, унинг ҳусусияти ва қиймати ҳакидаги маълумотлар;</li> <li>мизоз (вакил) топширигига биноан ёки унинг фойдасини кўзлаб амалиг оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўгрисидаги маълумотлар;</li> <li>банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида мумомалада бўлиши натижасида маълум бўлиб колган, бошқа банкнинг мизозига (вакилига) доир маълумотлар;</li> <li>жамғаридаги пенсия тизимининг иштирокчилари, пенсия бадалларининг мидори ва суммаларининг ҳаракати, фуқароларнинг шахсий жамғаридаги пенсия ҳисобварақларидағи пенсия жамғармалари тўгрисидаги маълумотлар.</li> </ul> <p><b>7-модда. Банк сирининг муҳофаза қилиниши</b></p> <p>Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг муҳофаза қилиниши банк томонидан кафолатланади.</p>
21	"Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўгрисида" 11.12.2003 й.	<p><b>24-модда. Текширувни бошлаш тўгрисидаги қарор ва текширув бошланганлигидан хабардор қилиш</b></p> <p>Давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари текширув ўтказилишига кўмаклашилари ва ваколатли органнинг сўровига биноан товарлар намуналарини ҳамда зарур ахборотни, шу жумладан махфий ахборотни таҳдим</p>

		<p>этишлари лозим.</p> <p><b>27-модда. Ахборотнинг маҳфийлиги</b></p> <p>Текширув жараёнида ваколатли органга тақдим этиладиган маҳфий ахборот уни тақдим этган манбаатдор шахснинг ёзма руҳсатномасисиз ошқор юлинимаслиги керак.</p>
22	"Ахборотлаштириш тўғрисида" 11.12.2003 й.	<p><b>10-модда. Давлат ахборот ресурслари</b></p> <p>Давлат ахборот ресурслари куйидагилардан шакллантирилади:</p> <p>давлат органларининг ахборот ресурсларидан;</p> <p>юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат бюджети маблаглари хисобидан яратилган ахборот ресурсларидан;</p> <p>юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат сирлари ҳамда маҳфий ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурсларидан;</p> <p>юридик ва жисмоний шахсларнинг белгиланган тартибида тақдим этиладиган ҳужжатлаштирилган ахборотидан.</p> <p>Юридик ва жисмоний шахслар ахборотни давлат органларига белгиланган тартибида тақдим этиши шарт.</p> <p>Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳужжатлаштирилган ахборотни мажбурий тақдим этиши тартиби, давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш учун масъул давлат органларининг рўйхати Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.</p> <p>Давлат сирлари ва маҳфий ахборот жумласига киритилган ахборотни тақдим этиши тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.</p> <p><b>11-модда. Ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш тоифалари</b></p> <p>Ахборот ресурслари улардан эркин фойдаланиш тоифалари бўйича ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларига ва эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига бўлинади.</p> <p>Чекланмаган доирадаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган ахборот ресурслари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурслариридир.</p> <p>Давлат сирлари тўғрисидаги ахборотни ва маҳфий ахборотни ёки эркин фойдаланилиши ахборот ресурсларининг мулкдорлари томонидан чеклаб қўйилган ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига киради.</p> <p>Ахборот ресурсларининг мулкдорлари ва эгалари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларидан юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг тенг хукуқ асосида эркин тарза фойдаланишини таъминлаши керак.</p> <p>Ахборот ресурсларини эркин фойдаланиш тоифаларига киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида ахборот ресурсларининг мулкдори томонидан аниқланади.</p> <p><b>13-модда. Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.</b></p> <p>Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.</p> <p>Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборот маҳфий ахборот тоифасига киради.</p> <p>...</p>

		<p><b>17-модда.</b> Ахборот тизимларининг техника воситаларини сертификатлаштириш</p> <p>Ахборот тизимларини ташкил қилувчи техника воситалари қонун хужоатларида белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши керак.</p> <p>Давлат органлари ахборот тизимларининг, юридик ҳамда жисмоний шахслар ахборот тизимларининг давлат сирлари ёки маҳфий ахборотни ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтилизиш учун мўлжалланган техника воситалари, шунингдек мазкур тизимларни муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.</p> <p>...</p> <p><b>19-модда.</b> Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофazа қилиш</p> <p>Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳofazа қилиш қўйidагi мақсадlарda аmалga biшиriladi:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>shahs, jamiyat va davlatning ahborot xavfisizligini taъminlaш;</li> <li>ahborot resurslarining tarқaliб ketishi, ўғirlanishi, ўyқotiliши, buzub talқin etiliши, t’osib қўyiliши, qalbakilaшtiрилиши va ulardan boshqacha tarza ruxsatsiz ёrkjan foydalaniлишинing oғdini olish;</li> <li>ahborotni ўyқ қилиш, t’osib қўyioish, undan nusxa olish, uni buzub talқin etishiغا doir ruxsatsiz ҳarяkatlarнing ҳamda ahborot resurslari va ahborot tizimlariga bosqcha shakldagi arapaшишlарнинг oғdini olish;</li> <li>ahborot resurslaridagi mavjud davlat sirlari va maҳfий ahborotni saklaш.</li> </ul> <p><b>20-модда.</b> Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофazа қилинишини ташкил этиш</p> <p>Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар bilan gaiриkonuniy munosabatda bolish natijasida ahborot resurslarining ёki ahborot tizimlarinинг mulқdorlari, egalariga ёxud bosqqa юridik ҳamda jismoniy shahslariga zarar etkaziliши mumkin bolса, muҳofazaga қiliниши keraқ.</p> <p>Davlat organlari, юridik va jismoniy shahslar давлат sirlari ҳamda maҳfий sirlar t’ugrisidagi ahborotni ўz ichiga olgan ahborot resurslari va ahborot tizimlarinинг muҳofazaga қiliнишинi tashkiл etishi tarтиbi sharт.</p> <p>Aхборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳofazaga қiliнишинi tashkiл etishi tarтиbi ularning mulқdorlari, egalarini tomonidan mustaqil belgilanadi.</p> <p>Davlat sirlari ҳamda maҳfий sirlar t’ugrisidagi ahborotni ўz ichiga olgan ahborot resurslari va ahborot tizimlarinинг muҳofazaga қiliнишинi tashkiл etishi tarтиbi Uзbekiston Respublikasi Vazirlar Maҳkamasi tomonidan belgilanadi.</p>
23	"Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга курашиб тўғрисида" 26.08.2004 й.	<p><b>6-модда.</b> Ички назорат</p> <p>Ички назорат пул маблаглари ёки бошқа мол-мулк билан боғлик операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг маҳсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши позим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолиятидан.</p> <p>Ички назорат амалга оширилаётганда зарур ахборотни расмийлаштириш, унинг маҳfийлигини таъминлаш тартиби, кадрларни тайёрлаш ва ўқиттишига доир малака талаблари, шунингдек маҳsус ваколатли давлат органига хабар қилиниши позим бўлган пул маблаглари ёки бошқа мол-мулк билан боғлик операцияларни аниқлаш мезонлари ва уларнинг аломатлари белгиланади.</p> <p>Пул маблаглари ёки бошқа мол-мулк билан боғлик</p>

			<p>операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидалари тегишли назорат қўлиувчи, лицензияловчи ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан маҳсус ваколатли давлат органи билан биргалицида, бундайдан органлар бўлмаган холда эса, маҳсус ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқилиди ва тасдиқланади.</p> <p>Ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат мазкур қоидаларни тасдиқлаган органлар, шунингдек маҳсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.</p> <p>...</p> <p><b>19-модда. Маълумотларнинг маҳфийлигини ва сақланишини таъминлаш</b></p> <p>Маҳсус ваколатли давлат органи ва унинг ходимлари ўзларига маълум бўлиб қолган тижорат, банк сирни ёки бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг маҳфийлигини ва сақланишини таъминлашлари шарт.</p> <p>Пул маблаглари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг, маҳсус ваколатли давлат органининг ҳамда жинойи фаoliyatiдан олинган даромадларни легаллаштиришига ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашибиша иштирок этувчи бошқа органларнинг ходимлари юридик ва жисмоний шахсларни уларга нисбатан ўтказилаётган назоратдан хабардор килишига ҳақли эмас.</p>
24	"Электрон тўғрисида" 16.12.2005 й.	тўловлар	<p><b>20-модда. Электрон тўловлар тўғрисидаги маълумотларнинг маҳфийлиги</b></p> <p>Тўлов тизимининг азолари электрон тўловлар тўғрисидаги маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлашлари керак.</p> <p>Электрон тўловлар тўғрисидаги маълумотлар учини шахсларга тақсим этилмайди, конунда белгилangan ҳоллар бундан мустасно.</p>
25	"Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида" 04.04.2006 й.		<p><b>7-модда. Автоматлаштирилган банк тизими мулқдори</b></p> <p>...</p> <p>Автоматлаштирилган банк тизими мулқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгилangan қоидаларга мувофиқ ахборотнинг муҳофаза қилинишини таъминлаши ҳамда ахборот мулқдорини унинг ахбороти муҳофазаси бузилишининг барча ҳоллари тўғрисида хабардор килиши шарт.</p> <p>Автоматлаштирилган банк тизими мулқдори давлат сирларини ўз ичига олган ёки маҳфий ҳисобланган ахборотнинг муҳофаза қилинишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси томонидан белгилangan тартибда таъминлаши шарт.</p>
26	"Фуқаролар соглигини сақлаш тўғрисида" 29.08.1996й.		<p><b>45-модда. Шифокор сирни</b></p> <p>Фуқаронинг тиббий ёрдам сўраб мурожаат қўлганлиги, унинг соглигининг ҳолати, касаллигига кўйилган ташхис хусусидаги ҳамда уни текшириш ва даволаш давомида олинган бошқа маълумотлар шифокор сирини ташкил этади.</p> <p>Шифокор сирни ҳисобланган маълумотлардан ўйиш ҳамда касб-корига, хизматга доир ва бошқа хил вазифаларни бажариш пайтида хабардор бўлиб қолган шахсларнинг бу маълумотларни фуқаро ёки унинг конуний вакилининг розилигисиз ошкор қилишига йўл кўйилмайди, ушбу мoddанинг учини қисмида белгилangan ҳоллар бундан мустасно.</p> <p>Шифокор сирни ҳисобланган маълумотларни фуқаро ёки унинг конуний вакилининг розилигисиз беришга кўйидаги сабабларга кўра йўл кўйилади:</p>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- ахволи оғирлігі сабабли ўз хоҳиши-иродасини бигдира олмайдыган фұқарони текшириш ва дәволаш мақсади;</li> <li>- юкумли касаллікпаратар қарқалиши, ялпы заһарланиш ва зааррланиш ҳағы таҳдид согланида;</li> <li>- тергов, ёки суд текшируви ўтказилиши муносабати билан суриштирув ва тергов органларининг, прокуратура ва суднинг сўрови бўйича;</li> <li>- ўн тўт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсга ёрдам кўрсатилётганда унинг ота-онаси ёки қонуний вакилларини хабардор қилиш учун;</li> <li>- фұқаронинг соглігига гайриқонуний хатти-ҳаракатлар ёки баҳтсиз тасодиф натижасида зарар етказилган деб гумон қилишга асослар мавжуд бўлганида.</li> </ul> <p>Шифокор сири ҳисобланган маълумотлар қонунда белгиланган тартибда берилган шахслар шифокор сирини ошкор қилганлик учун қонун ҳуюкатларига мувофиқ тибиёт ва фармәцевтика ходимлари билан баб-баравар жавобгар бўладилар.</p>
--	--	---

## 4-илова. Криптография тарихи

**Биринчи давр - қадимги дунё криптографияси, мондоалфавитли шифрлар.** Матнларни ҳимоя қилиш усули сифатида криптография ёзув билан бир вақтда яратылғанлығы тұғрисида маълумотлар бўлиб, уларга кўра "ёпиқ ёзув"лардан фойдаланиш қадимги Хиндистан, Миср ҳамда Мессопотамияда йўлга кўйилган. Қадимги хинд ёзувларида 64 хил санъат турларидан бири сифатида матнни ўзgartириш санъати эътироф этилган. Мессопотамияда топилган таҳтачада битилган кулолчилик маҳсулотлари учун ранг тайёрлаш усулини ёзиб қолдирган муаллиф ёзувнинг сирсақланиши учун кам қўлланиладиган белгиларни ишлатиш, баъзи ҳарфларни тушириб қолдириш, исмларни сонларга алмаштириш каби усулларини қўллаган. Кейинчалик криптографиянинг ҳаётнинг турли йўналишларида, асосан ҳарбий соҳада кенг қўлланилганлығи тұғрисида маълумотлар мавжуд.

Криптографиянинг биринчи қўлланилиши сифатида қадимги Мисрда таҳминан 4000 минг йил олдин маҳсус иероглифларнинг қўлланилганлыги тан олинади. Криптографиянинг баъзи элементлари Қадимги ҳамда Ўрта подшохлик даврларига мансуб ёзувларда аниқланган бўлса, тўлиқ ёпиқ (шифрланган, криптографик) матнлар XVIII супола давридан маълум. Пиктографиядан келиб чиқсан иероглифли ёзувларда идеограммаларнинг кенг қўлланилиши натижасида ребус бошқотирмаси шаклидаги фонограммаларнан яратиш кенг тарқалган. Қадимги мисрликларнинг криптографияси матнларнинг ўқилишини қийинлаштириш ва сирларни сақлашдан кўра кўпроқ хаттоларнинг ўзаро топқирил ва зукколик борасида мусобақалашуви ҳамда ўз ёзувларига эътиборни жалб қилиш маъқсадида ишлатилган. Бани-Хасандо жойлашган ва яхши сакланган ВНЗ рақамли мақбарадан топилган ўз даврининг йирик амалдори Ҳумхотеп II (эр. ав. XIX аср) ни улуғлаш тұғрисидаги матнлар бунга яққол мисол бўла олади.

Криптографини қўллаш мисоллари яхудийларнинг муқаддас китобларида ҳам учратиш мумкин, жумладан Иеремия (эр. ав. VI аср) нинг китобида атбаш деб аталувчи оддий шифрлаш усулидан фойдаланилган.

Вақт ўтиши билан криптография мақсадларида маҳсус воситалардан фойдаланиш ҳам йўлга кўйила бошлади. "Қадимги Спарта шифри" деб ном олган маҳсус восита "скитала" - маълум бўлган шундай воситаларнинг биринчисидир. Скитала тұғрисидаги дастлабки маълумотлар шоирлар Архилох ва Пиндарларнинг асарларида (эр. ав. VII аср) "хасса", "асо" маъноларида келтирилган бўлсада, Спартанинг Афинага қарши урушида (эр. ав. V аср) ушбу восита айнан криптографик мақсадларда ишлатилганлығы аниқ маълум. Унинг ишлаш тамойилларини Родосслик Аполлоний (эр. ав. III аср) ҳамда Плутарх (таҳминан эр. 45-125 йиллари) ёзиб қолдиришган бўлсада фақатгина Плутархнинг маълумотлари буғунги кунгача етиб келган.

**Скитала - устига чарм тасма ўраладиган цилиндр шаклидаги узун таёқ кўринишида ясапган.** Очиқ матн тасмага таёқнинг ўқи бўйлаб ёзилган.

Тасма таёқдан ажратиб олинганда матнни ўқиш имконияти ҳам йўқолган. Ёпиқ матнни очиш учун худди шундай диаметрли иккинчи цилиндрик таёқ бўлиши керак.

Бундай шифрга биринчи бўлиб ижобий якунланган криптохужумни **Арасту** (Аристотель) амалга оширган деб ҳисобланади. Бунинг учун қадимги юон олимни конуссимон таёқка тасмани ўраб борган ва конуснинг диаметри шифрлаш учун ишлатилган таёқ диаметрига тўғри келганда маънога эга бўлган матн пайдо бўла бошлаган.

Эр. ав. IV асрда яшаган машҳур юон саркардаси Эней томонидан бир қатор шифрлаш воситалари яратилган бўлиб, уларнинг орасида "Эней гардиши", "Эней чизгичи" ҳамда "Энейнинг китобли шифри" анча машҳур бўлган. Айниқса "Энейнинг китобли шифри" узоқ умр кўриб ҳатто I Жаҳон уруши даврида Германиялик жосуслар томонидан ҳам ишлатилган. Мазкур шифрнинг негизида китобдаги керакли харфлар ёнига билинмас тешиклар қилиб кўйиш ёрдамида матнни шакллантириш усули ётади. Бу усулда ёпиқ матн белгиланган китоб маълумот қабул қилувчи шахсга етказилиши бироз кийинчиликлар туғдирган.

Эр. ав. II асрда қадимги Юнонистонда **Полибий** квадрати кашф этилган. Бунда алфавит харфлари 5x5 ўлчамли квадрат ичига ёзилган (грек алфавити ишлатилганда 1 та катак бўш қеғрилигиган) "Лундан сўнг квадратнинг юборилаётган матннаги харфга тўғри келувчи сатр ва устунларининг тартиб рақамлари (ҳар бир харфга 2 та сон) оптик телеграф ёрдамида узатилган. Баъзи олимлар бу усулни бошланғич алфавитнинг ўлчамини кичрайтирувчи биринчи тизим ҳамда замонавий иккисилик тизимларнинг аждоди сифатида талқин этадилар.

Қадимги Рим тарихчиси Светонийнинг гувоҳлигига кўра Рим императори Цезар кейинчалик ўз номи билан аталган монаалфавитли шифрдан фойдаланган. Бу шифрнинг тафсилотларини ўша даврдаги тилшунос, грамматика соҳасидаги олим - Проб ёзib қолдирган. Цезар шифрида ҳар бир харф циклик равища маълум миқдордаги қадамларга сурилиб боради. Сурилиш ўлчами шифрнинг калити бўлиб хизмат қиласи (Цезарнинг ўзи харфларни 3 та қадамга сурган):

Биринчи давр давомида содда шифрлардан ташқари яна бир усул - битта алфавитни иккинчиси билан тўлиқ алмаштириш ҳам кўлланилиган. Бошланғич ҳамда якуний алфавитларнинг ўзаро боғланишини белгиловчи калитни билмай туриб бошланғич матнни ўқишининг имкони бўлмаган. Шунингдек алфавитдаги харфларни ёзишининг ўзига хос усуслари ёрдамида уларни ўзгартириб юбориши ҳам кенг тарқалган. Бундай тизимлар шимоли-ғарбий Европа мамлакатларида ўрта асрларнинг охирларигача ишлатилган.

Ўрта асрларни ўз ичига олган иккинчи давр **криптографияси**, асосан монаалфавитли шифрлар, сиёсатчилар, олимлар, дипломатлар, савдогарлар ва ҳатто оддий инсонлар томонидан ишлатила бошлади. Вақт ўтиши билан частотали криптотаҳлил усусларининг ривожланиб бориши ҳамда мос равища шифрларнинг мураккаблиги ортиб бориши натижасида аввал омофоник алмаштириш, сўнгра **полиалфавитли шифрлар** яратилди.

Бу борада Яқин Шарқ олимларининг араб тилидаги асарлари жуда катта аҳамият касб этди. Жумладан, VIII асрда яшаб ижод қилган араб

тилшунос олими **Халил ал-Фараби** шифрларни очиш учун одатий жумлалардан фойдаланиш мүмкінлігінә эзтибор қаратди. У юонон тилядаги Византия императорига ёзилган хат “Бисмиллоху рохманир раҳийм” жумласи билан бошланишини тахмин қылиб ёпік матнни бехато очишига әрищди. Бир қанча муддатдан сүнг у үзи кашф этган усул тұғрисида “**Китоб ал-муаммо**” рисоласини яратди.

855 йилда араб олими **Абу Бакр Ахмад ибн Али ибн Вахшия ан-Набати** “Инсоннинг қадимги ёзув сирларини очишига бўлган интилиши тұғрисида” ги рисоласида бир нечта, шу жумладан кўп алфавитли шифрлаш тизимлари тұғрисида маълумот беради. IX асрда шунингдек частотали криптотаҳлил тұғрисидаги тушунчалар **Ал-Киндининг** рисолапаридан биринчи марта тарифланган ва батафсил ёритилган.

X асрда **ас-Сулининг “Адаб ал-Куттаб”** (котиблар учун ўзига хос йўрикнома) рисоласида солиқлар тұғрисидаги ёзувларни шифрлаш бўйича кўрсатма ва йўрикномалар берилган бўлиб, криптографиянинг oddий ҳаётда кенг кўлланилганидан далолат беради.

1412 йилда **Ибн Ал-Хаймнинг** 14 жилдлик “**Субх ал-Ааша**” энциклопедик асари яратилди. Ушбу китобнинг бўлимларидан бири криптография мұаммоларига бағишлиланган бўлиб унда 7 хил алмаштириш ва ўзgartириш шифрлаш тизимлари, частотали криптотаҳлил усуслари батафсил ёритилишидан ташқари, “**Куръони Карим**” асосида ҳисоблаб чиқилган араб тилядаги ҳарфларнинг учраш частотаси жадваллари ҳам көлтирилган.

Криптология фани луғатига алгоритм ҳамда шифр сўзларининг киритилиши айнан юқорида тиљга олинган китоблар орқали амалга ошди.

Европа мамлакатларидан криптография йўналишида битилган биринчи асар сифатида XIII асрда Роджер Бэкон томонидан ёзилган, матнларни ёпишнинг етти хил усули кўрсатилган “**Роҳиб Роджер Бэконнинг санъат ва табиатнинг сирли ишлари** ҳамда жодугарликнинг ночорлиги тұғрисидаги нома”си эътироф этилади.

XIV асрда Рим папаси махфий хизмати ходими Чикко Симонети махфий ёзув тизимлари тұғрисидаги китобини, XV асрда эса Рим папаси Климентий XII нинг котиби Парма шаҳрида туғилган Габриэль де Левинда “Шифрлар тұғрисидаги фалсафий асар’ини яратди. Симеоне де Крема 1401 йилда биринчи бўлиб унли ҳарфларни бирдан ортиқ эквивалентлар билан алмаштириш учун омофонлар жадвалларидан фойдаланди. Орадан юз йилдан ортиқ вақт ўтгандан сүнг бу жадвалларни критохужумларга муваффакиятли бардош бериш учун Эрнан Кортес (1485-1547 йилларда яшаган испаниялик конкистадор, ацтеклар давлатини тугатиб Мексикани босиб олган, Европага ваниль ҳамда шоколадни олиб келган) ҳам ишлаттган.

Бутун фаолиятини факат криптографияга бағишлиланган биринчи ташкилот 1452 йилда Венеция (Италия) да ташкил этилди. Ҳукуматнинг топшириғига биноан шифрларни яратиш ва уларни “бузиш” билан шуғулланган мазкур ташкилот 1469 йилда “**Милан калити**” деб ном олган пропорционал алмаштириш усулига асосланған шифр яратди.

Ғарбий криптография отаси деб италиялик олим, ёзуучи ва санъатшунос Леон Баттиста Альберти (1404-1472 йилларда яшаган) тан олинади. У, ўз даврида Европада кенг тарқалған моноалфавитли

шифрларни очиш усулларини ўрганган ҳолда, частотали криптотахлилга бардошли бўлган криптотизим яратишга ҳаракат қилди. Мазкур муаммога бағишланган асар 1466 йилда ёзилган бўлиб, Альберти бир эмас балки икки ва ундан ортиқ алфавитлардан фойдаланишни таклиф қилди.

Криптография ривожланишидаги навбатдаги қадамни германиялик аббат **Иоганн Тритемия** кўйди. 1518 йилда нашр этилган "*Poligraphiya*" асарининг 5-қисмида у ҳар бир навбатдаги ҳарфни алоҳида ўзининг қадамига силжитиши орқали шифрлаш усулини кўрсатиб берган. Бундан ташқари Тритемия сўзларни биттадан ҳарфларга эмас, балки иккитадан ҳарфларга "биграммаларга" ажратиб шифрлашини таклиф қилган (биринчи биграммали шифрлаш алгоритми - *Playfair* XIX асрдагина таклиф қилинган). Кейинчалик, XVII асрда германиялик энциклопедист-олим ва қашфиётчи **Афанасий Кирхер** (1602-1680 йилларда яшаган) Тритемия изланишларининг лингвистик жиҳатларини таҳлил қилиб, олинган натижаларни 1663 йилда зълон қиласди. Натижаларнинг бири бешта - лотин, итальян, француз, испан ва немис тилларида матнларни шифрлаш ва узатиш имконини берадиган "бешта тилдаги полиглотик код"нинг яратилиши бўлди, бунда ёпиқ матндан очиқ матнни чиқариб олиш юқорида кўрсатилган бешта тилнинг исталган бирида амалга ошириш имконияти бўлган.

1550 йилда Рим папаси хизматида бўлган италиялик математик, мұхандис ва файласуф **Джероламо Кардано** (1501-1576 йилларда яшаган) кейинчалик "Кардано панжараси" деб номланган шифрлаш усулини яратди. Бу усул кейинчалик ёпиқ матндаги белгиларнинг жойлашишига асосланган транспозицион ёки геометрик шифрлар синфини асосини ташкил этди. Шунга ўхшаган, аммо анча соддароқ геометрик шифрдан Иккинчи жаҳон уруши даврида кўлга тушган немис сув ости кемаси зобитлари ўз юртларига хат юборища ишлатишга ҳаракат қилишган.

XVI асрнинг энг машҳур криптологи сифатида франциялик дипломат ва криптолог олим **Блез ди Виженер** (1523-1596 йилларда яшаган) тан олинган. 1585 йилда нашр этилган ўз асарида у Тритемия шифрига ўхшаган янги шифрни тавсифлаб берган. Янги шифрнинг Тритемия шифридан фарқи шундан иборат эдики, бошлангич матндаги ҳар бир ҳарфни шифрлаш калитини танлаш учун бошқа очиқ матн ҳарфларидан фойдаланиш таклиф қилинган эди. Виженер шифри деб аталадиган мазкур усул тасодифий калитнинг узуонлиги очиқ матн узуонлигига тенг бўлганда абсолют бардоштиликка эга эканлиги XX асрга келибгина Шенон асарларида исболанди.

1639 йилда "Войнич кўлёзмаси" деб ном олган номаълум муаллиф томонидан номаълум тилда ёзилган китоб тўғрисидаги биринчи маълумотлар пайдо бўлган. Кўплаб криптологлар ушбу китоб матнини очиша ҳаракат қилганларига қарамай бугунги кунга келиб ҳам кўлёзма мазмuni билан хеч ким таниша олмаган.

XVI асрда Испания қироли император Карл I даврида унинг Англия, Франция ҳамда Римдаги элчилари билан маълумот алмашинуви маҳсус шифрлаш тизими - *nomenclator* - географик номлар кўрсаткичи асосида ташкил этилган. Мазкур шифрлаш усулида ҳарфларни сонлар билан алмаштириш ҳамда биграммаларни ишлатиш мухим ўрин туттан, масалан,

BL = 23, BR = 24, TR = 34 ва ҳок. Тахминан ўша даврларда тадқиқотчи Гильермо Ломанн Вильєна томонидан яратилган ҳамда Испаниянинг американадаги мустамлакаларида ишлатилган шифрларни “хиндулар криптографияси” (*criptografía Indiana*) деб аташган.

Мазкур икки шифрлаш усулларининг күшилиши натижасида XVII асрда “хиндулар номенклатураси” (*nomenclator Indiano*) деб номланган шифрлаш тизими юзага келган. Унда харфлар 2 тадан сон билан алмаштирилган, шунингдек триграммалардан фойдаланилган.

1626 йилда Реальмон шахри қамали ҳамда 1628 йилда Ла-Рошель қамали давомида франция фуқароси Антуан Россиньоль (1600-1682 йилларда яшаган) гугенотларнинг кўлга киритилган шифрланган ёзишмаларини очишига эришиши натижасида душман мағлуб этилади. Франция ҳукумати ғалабадан сўнг уни яна бир неча бор шифрланган хабарларни очиш учун жалб қиласди.

Кўлланилаётган шифрнинг бардошлилиги шифрланаётган маълумотнинг турига боғлики бўлиши кераклиги тўғрисидаги тамойилни айнан Антуан Россиньоль киритган. Унга фикрига кўра ҳарбий соҳа учун юборилаётган бўйруқ бажарилгунга қадар очилмаслиги кафолатланган шифр етарли бўлади, дипломатик ёзишмалар учун шифрни очиш учун ўнлаб йиллар талаб этилиши лозим.

Француз криптологи Этьен Базери (1846-1931 йилларда яшаган) Росиньольларнинг “Буюк шифри” (“Great Cipher”) ёрдамида Франция қироли Людовик XIV нинг шифрланган архивларини уч йиллик меҳнат натижасида очишига муваффақ бўлган. Қоғозлар ичida қиролнинг бир маҳбусни кундуз кунлари фақатгина темир никоб билан юришга маҳкум қилгани тўғрисидаги бўйруқ ҳам топилди. Маҳбус - тўқиз йиллик уруш давомида ўзи ҳамда француз кўшинларини шарманда қилган генерал Вивьеен де Булонд экан. Чамаси машҳур “Темир никоб” айнан шу инсон бўлиши керак. Демак қирол ишлатган шифрнинг бардошлилиги 200 (!) йилга етган.

А. Россиньольнинг вафотидан кейин унинг ўғли Бонавентур Россиньоль, сўнгра невараси Антуан-Бонавентур Россиньольлар унинг ишини давом эттирилар. Ўша даврда Франция ҳукумати қўплаб криптологларни ишга жалб қиласди ҳамда ўзига хос “Қора маҳкамама”га асос солди.

XVIII асрнинг бошларига келиб бундай “Қора маҳкамалар” Европанинг деярли барча давлатларида, жумладан Германия, Россия, Англияда ташкил этилди.

1790 йилларда АКШнинг бўлажак З-президенти Томас Джеферсон (*Thomas Jefferson*) полиалфавитли шифрларни қўллашни осонлаштирадиган роторли механик қурилмасини яратди. 1817 йилда полковник Десиус Вадсворт (*Decius Wadsworth*) уни такомиллаштириб харфларнинг сони турлича бўлган бир неча шифрловчи гардишларни биргалиқда ишлатиши усулини ихтиро қиласди. Такомиллаштирилган қурилма 1867 йилда Париждаги Бутунжаҳон кўргазмасида намойиш этилганлигига қарамай роторли қурилмаларнинг қўлланилиши XX асрнинг бошларига келибина кенг тарқалди.

Криптографиянинг ривожланишида телеграфнинг ихтиро қилиниши катта ўрин эгаллади. Маълумот юборилаётганлигининг ўзи сир бўлмай қолди ва назарий жиҳатдан уни исталган инсон ўртада туриб тутиб олишига шароит яратилди. Криптография қизиқиш одддий инсонлар томонидан ҳам ортиб кетди, кўплаб инсонлар ўзларининг шаҳсий шифрларини яратишга ҳаракат қилдилар. Телеграфнинг устунлиги ҳарбийлар томонидан тезда тан олинди: кўмондонлар бутун жанг чизиги бўйлаб бўйруқларни тезда етказиш ва жойлардаги шароит тўғрисида тезкор маълумотларни олиш имконияти яратилган эди. Қайд этилган омил жанг майдони криптографиясининг ривожланишига туртки бўлди. Бошлангич даврларда АҚШ армиясида Виженер шифри кўпланилган бўлсада, 1863 йилда Касиски усули яратилгандан сўнг у алмаштирилди.

Криптографиянинг ривожланиши бадиий адабиётда ҳам ўз аксини топди. Криптография тўғрисидаги маълумотлар Гомер ва Геродот давридаёк бадиий адабиётда ўз аксини топган, аммо улар бирон-бир тарихий воқеа доирасида шифрлаш санъатини тавсифлашган. Биринчи марта тўлиқ ўйлаб топилган ҳамда криптография қайд этилган асар сифатида XVI аср Француз ёзувчиси **Франсуа Рабленинг** “Гаргантюа ва Пантагрюэль” романи ҳисобланни, унинг бобларидан бирида шифрланган матнни ўқишига бўлган уринишлар ёритилган. Бундай мавзу Уильям Шекспирнинг “Генрих V” асарида ҳам мавжуд.

Биринчи бор бадиий асарнинг марказий ҳикоясини криптография Эдгар Алан Понинг 1843 йилда ёзилган “Тилла қўнгиз” ҳикоясида эгаллайди. Унда ёзувчи ёпиқ матннинг очилишини ёритиш билан бирга бунинг оқибатида кўлга киритилган натижа - беркитилган хазинанинг топилиши ҳам кўрсатилган.

Машҳур криптолог олим **Дэвид Каннинг** фикрига кўра криптография кўпланилишининг энг яхши ёритилиши - Артур Конан Дойлнинг 1903 йилда ёзилган “Рақсга тушаётган одамчалар” ҳикоясидир. Ҳикояда машҳур изкувар Шерлок Холмс нафақат хабарни беркитувчи, балки “еш болаларнинг расмларига ўхшайдиган белгилардан фойдаланган ҳолда сирли хабар узатилаётганлигининг ўзини ҳам беркитувчи шифрлаш” усули билан дуч келади. Ҳикоя қаҳрамони шифрни очиш учун частотали криптотахлил ҳамда хабарнинг тузилиши ва мазмуни тўғрисида таҳминлар қилиш усулларидан фойдаланади.

Криптография ривожланишининг учинчи даври (ХХ асрнинг бошидан ўрталаригача) **электромеханик воситаларнинг шифрлаш жараёнларида** кенг қўпланилиши билан ажralиб туради.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошлирида давлатларнинг ҳукуматлари даражасида шифрлаш ва криптотахлилга катта сафарбар этила бошлади. Биринчи жаҳон уруши арафасида ҳукуматлар даражасида криптотахлил бўйича Россия ҳамда Франция етакчи ўринларни эгаллаб келган. Англия, АҚШ, Германия ва кўдрати кичикроқ давлатлар умуман давлат миқиёсидаги криптотахлил хизматларига эга эмас эдилар. Австрия-Венгрия эса, асосан кўшни давлатлар хабарномаларини ўқир эди.

Жумладан Россия маҳсус хизматлари томонидан АҚШнинг Бухарестдаги элчисига тегишли бўлган кодлар китоби ўfirланади. Элчи бу ҳақда ватанига хабар бермайди ва кўшниси АҚШнинг Венадаги элчинининг

китобидан фойдаланиб ишини давом эттираверади. Натижада, Биринчи жаҳон уруши бошлангунга қадар Россия АҚШнинг барча элчилари билан ёзишмаларини ўқиб боради.

Биринчи жаҳон уруши даврида эса криптотахлил урушнинг энг асосий куролларига айланди.

Жумладан Германиянинг Шимолий денгиздаги сувости алоқа канали ҳамда Африка, Самоа ва Хитойдаги йирик радиостанциялари ишдан чиқарилганидан сўнг немислар оддий телеграф, почта ва радиоалоқадан фойданишга мажбур бўлдилар. Бу эса уларнинг урушдаги душманлари, шу жумладан Англия учун хабарларни тутиб олишга яхши имконият яратди.

Англия денгиз кучлари қўмондонлиги (адмиралтейство) да, унинг ўша даврдаги раҳбари Уинстон Черчилль иштироки билан маҳсус бўлинма "40-хона" яратилди. "40-хона"нинг бевосита иштирокида бутун уруш давомида 15 мингдан ортиқ немисларнинг шифрланган хабарномалари очилиди. Айниқса Доггер-банк ва Ютланд жангларидағи галабаларда мазкур хабарномалар катта аҳамият касб этди.

Германиянинг чўктирилган "Магдебург" деб ном олган крейсерида руслар томонидан кўлга киритилган немисларнинг кодлар китоби ва Англия маҳсус-хизматларининг шунга ўхаш ҳаракатлари натижасида Германия томонидан шифрларни танлаш қоидаларини аниқлашга эришилди. Улар ёрдамида немисларнинг ёзишмаларининг ўқилиши соҳил ва кемалар ўртасида алоқанинг яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли сув усти флотига катта ёрдами тегмаган бўлсада, Германия сув ости кемаларнинг катта қисмининг йўқотилишида аҳамияти бекёёс бўлди.

Шунингдек ёлғоннинг ишлатилиши ҳам катта фойда берди. Масалан, инглиз жосуси томонидан немис шифри ёрдамида юборилган ёлғон буйруқ натижасида Жанубий Америка қирғоқлари яқинида Германиянинг катта эскадарси йўқ қилинди.

1917 йилда инглизлар Германия ташки ишлар вазирлигининг катта-котиби Артур Циммерман томонидан немисларнинг Мексикадаги элчиси Генрих фон Эккардтга юборган телеграммасини очишга муваффақ бўлдилар. Телеграммада Мексикага АҚШ худудининг бир қисмини бериш режалари ёритилган эди. Олинган маълумотлар АҚШнинг Англиядаги элчиси Уолтер Пейджга етказилиди. Уларнинг ҳақиқийлиги текширилгандан сўнг АҚШ Германияга қарши урушга қўшилади.

Франция криптографияси тарихидаги энг фожиали кунлар 1918 йилда юз берди. Немисларнинг Парижга хужумининг асосий йўналишларини аниқлаш учун француздар криптотахлилчеси Жорж Панвэн бир неча кунлик машаққатли меҳнат ва 15 кг вазн йўқотиш ҳисобига шифрланган матнни очишга эришади. Натижада Париж кутқариб қолинади.

Хар бир немис дивизиясига биттадан математика профессори - криптотахлил мутахассиси биринчирилган эди, улар русларнинг радиоузатмаларини доимий ўқиб борар эдилар. Жумладан, немис генерали Людендорфнинг ихтиёрида кечқурун соат 11 да русларнинг бир кунлик барча хабарномалари бўлар эди. Танненберг ёнидаги жангдаги немисларнинг ўзларидан бир неча баробар кўп сондаги рақиблари устидан ғалаба қозонишларида айнан радиограммаларнинг кузатиб борилганлиги катта аҳамият касб этди.

Иккинчи жаңон уруши арафасида барча йирик давлатлар ихтиёрида ишлеш натижалари очилмайды деб ҳисобланган **электромеханик шифрлаш қурилмалари мавжуд** зди. Бу қурилмалар иккى турға: роторли ҳамда найчали (цевкали) турларга бўлинган зди. Биринчи турға Германия ва унинг иттифоқчилари томонидан қўлланилган "Энигма" деб ном олган қурилмалар, иккинчисига АҚШда яратилган "M-209" ва унга ўхшаш қурилмалар кирад зди. Собиқ Совет Иттифоқида иккала турдаги қурилмалар ишлаб чиқарилган.

Энг машҳур роторли шифрлаш қурилмаси "Энигма"нинг тарихи 1917 йилда Голландиялик ихтирочи **Хьюго Кох** томонидан патент олишидан бошланади. 1918 йилда **Артур Шербиус** патентни Коҳдан сотиб олади ва тижкоратини қурилмани ишлаб чиқариш ва оддий аҳоли ҳамда немис куролли кучларига сотишдан бошлади.

Германия ҳарбийлари "Энигма"ни такомиллаштириб борадилар. Қурилма томонидан ишлатилиши мумкин бўлган калитларнинг сони  $10^{16}$  дан ортиб кетган зди. 1920-30 йилларда ихтиёрларида немис аслзодаси **Ханс Тило-Шмидт** томонидан қурилма бўйича берилган маълумотлар, тижкорат қурилмаларининг нусхалари бўлишига қарамай инглиз ва француз маҳсус хизматлари криптотахлил масаласига жиддий киришмадилар. Улар шифрни очиш имкониятига ишонмаган бўлсалар керак. Аммо учта польшалик криптологлардан ташкил топган гурух аъзолари бундай деб ўйламайдилар ва 1939 йилгача "Энигма" билан "курашни" давом эттирадилар ва ҳатто у билан шифрланган бир қанча матнлари очишга муваффақ бўладилар. Мазкур криптологлардан бири - **Мариан Рееўскийнинг ҳаёлига** "қурилмага қарши қурилма" яратиш фикри туғилади. Бу фикр унга кафеда келади ва у янги қурилмага кафеда сотиладиган ширинлик номини беради - "**Бомба**". Польшанинг Германия томонидан босиб олинишидан олдин гурух аъзолари томонидан инглиз маҳсус хизмати вакилларига топширган изланишларининг натижалари орасида "Энигма"нинг "тирик" нусхалари, бир-бирига уланган 6 та "Энигма"дан иборат "Бомба" ҳамда криптотахлилнинг ноёб усуплари тўғрисидаги маълумотлар бор эди.

"Энигма" шифрини очиш бўйича кейинги ишлар **Буюк Британия** миллий гурурининг тимсолларидан бири бўлган Блетчли-парқда ташкил этилди. "Station X" деб ном олган маҳсус марказ фаолияти энг кенгайган пайтда унда 12 минг киши ишлаганлигига қарамай немислар мазкур марказ тўғрисида хеч нарса билмаганлар. Марказ томонидан очилган маълумотларга энг юкори конфиденциаллик даражаси - "Top Secret" ("Ўта маҳфий") дан ҳам юкори бўлган даража - "Ultra" даражаси берилар эди. Немислар шифрларини очиш усули топилганлигини билиб қолмасликлари учун инглизлар барча чораларни кўрдилар. Жумладан 1940 йил 14 нояброда немислар Ковентри шаҳрини бомбардимон қиласидилар. Буюк Британиянинг ўша пайтдаги бош вазири Уинстон Черчиль "Энигма" ёрдамида шифрланган ҳолда юборилган бўйруқдан хабардор бўлсада, таххилчиларнинг фикрига кўра ушбу марказ фаолиятидан немислар хабардор бўлиб қолиши олдини олиш учун шаҳарни ҳимоя қилиш ва аҳолини шошилинч кўчиришга қаратилган чораларни кўрмасликка қарор қиласиди.

Собиқ Иттифоқ учун "Station X"нинг ўзи ҳам унинг фаолияти натижалари ҳам сир эмас эди. Айнан ўша ерда очилган матнлар ёрдамида Гитлер томонидан Сталинград жангига учун тайёрлананаётган "қасос" тўгрисида маълумотга эга бўлган шўро ҳукумати "Курск ёйи" деб ном олган ҳужумга тегишли тайёргарлик кўрган холда уни муваффақиятли қайташишга эришган.

Замонавий нуқтаи назардан "Энигма" шифри айтарли даражада ишончли бўлмаган бўлсада, фақатгина ушбу омилнинг кўплаб қўлга киритилган хабарлар, кодлар китоблари, жосуспарнинг маълумотлари, ҳарбийларнинг хатти-ҳаракатлари ва хатто терористик амалларнинг бирлашишигина уни очишга замин яратди.

Аммо Германия қўмандонлиги 1940 йилдан бошлаб инглизлар "балиқ" ("fish") деб атаган янги шифрлаш усулини қўллай бошлади. Шифрлаш учун ҳарбийларнинг буюрмаси билан яратилган "Lorenz SZ 40" курилмаси ишлатилар эди. Шифрлаш "бир марталик ён дафтар" (Вернам шифри, Виженер шифрининг 1917 йилда яратилган такомиллашган тuri) тамойилига асосланган бўлиб тўгри ишлатилган холда абсолют бардошлиликни (кейинчалик Шенонн асарларида исботланган) таъминлар эди. Аммо шифрнинг ишлаши учун юборувчи ва қабул қилувчи томонларда бир хил тасодифий сонлар кетма-кетлиги талаб қилинار эди. Криптотахлилчи навбатдаги тасодифий сонни башорат қила олса, ёпиқ матнни очиш имкониятини қўлга киритар эди.

Германия учун ачинарли томони, "Lorenz SZ 40" курилмаларида ишлатилган тасодифий сонлар генератори "кучисиз" бўлиб чиқди. Шундай бўлсада уни очиш учун "кўл меҳнатининг" ўзи камлик қилар эди. Бентчли парк мутахассислари барча эҳтимолий варианtlарни бирма-бир текшириб чиқадиган маҳсус курилма яратдилар. Бундай "ёрдамчи" вазифасини 1943 йилда **Макс Ньюмен** (Max Newman) ва **Томми Флауэрс** (Tommy Flowers) лар томонидан **Алан Тьюринг** иштироқида яратилган биринчи дастурланувчи ҳисоблаш машиналаридан бири - "Colossus" ўтаб берди. Унинг таркибида 1600 та электрон лампа бўлиб, олти хафталик кўл меҳнати талаб қилинадиган ишни бир неча соатларда бажариш имконини берар эди.

Япония ихтиёрида бир нечта шифрлаш тизими бўлиб, уларнинг энг мукаммали 1939 йилда қўлланилишга киритилган "Бинафша код" ("Purple code") бўлиб у ҳам немисларники каби электромеханик қурилмани ишлатар эди. Келиб чиқиши россиялик бўлган америка криптологи **Уильям Фридман** деярли бир ўзи машққатли меҳнати эвазига "Бинафша код"ни очишга ва японлар қурилмасини қайта яратишга муваффақ бўлди. Очилган ёзишмалардан олинган маълумотлар "Сеҳрли" ("Magic") деб ном олган лойиҳага доирасида тўплана бошлади. "Сеҳрли" лойиҳаси етказиб берган биринчи муҳим маълумотлардан бири Япониянинг АҚШга ҳужуми тўгрисида эди. Аммо, таассуфки, америкаликлар ҳужумга ўз вақтида тайёрланана олмадилар. Кейинчалик, уруш давомида америкаликлар японларнинг ўзлари ҳамда уларнинг асосий иттифоқчилари - Германиядаги ҳолат тўгрисида кўплаб муҳим маълумотлар оладилар.

Собиқ Совет Иттифоқи ҳарбий кучлари ва флотида турли узунликаги калитга эга шифрлар қўлланилан: фронт чизигидаги шошилинч хабарлар учун 2 та белги ишлатилган бўлса, стратегик даражадаги ўта муҳим

малумотлар учун узунлиги 5 та белгига тенг бўлган кодлардан фойдаланилган. Кодлар тез-тез ўзгаририб турилган бўлсада, фронтнинг турли қисмларида бир хил кодларнинг қайтарилиб туриш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган. Ҳарбий ёрдам доирасида АҚШдан бир нечта "M-209" курилмалари олинган бўлсада, улар бевосита маълумотларни шифрлаш учун эмас, балки уларнинг асосида янги курилмаларни яратиш учун фойдаланилган.

1939-1940 йиллардаги Финляндия билан уруш давомида Швеция Совет Иттифоқининг ёпиқ ёзишмаларини очишига муваффақ бўлиб, очилган маълумотларни Финляндияга етказиб турган. Мисол учун Суомуссалми жангни давомида советларнинг 44-ўчи дивизиясининг ҳаракатлари тўғрисидаги ўз вақтида олинган маълумотлар Карл Маннергеймга ўз вақтида ёрдам кучлари юбориб ғалабага замин яратишга имконият берган. Хельсинкига қилинадиган бомба хужумлари тўғрисидаги бўйруқларнинг кўлга киритилиши ҳарбий хаво хужуми тўғрисида аҳолини самолётлар Латвия ва Эстониядан қўтарилишидан олдин хабардор қилиш имконини берган.

